


15
б. 95

Буржлар ва пуллар

- 12 маълумот: Ҳамалдан-Ҳутгача!
- Кафтдаги чизиқ: бойлик, машҳурлик...
- Миллиардерлар қайси буржда туғилади?
- «Омадим чопганига ишонмайман»
- Пул улашишнинг оламшумул сири
- Кимларга қарз бериш хавфли?

Мұваффакият қалып

БУРЖЛАР ВА ПУЛЛАР



Тошкент
«Янги аср авлоди»

86.42

Б95

Буржлар ва пуллар/ нашрга тайёрловчи Акбаршоҳ. - Т.: Янги аср авлоди. 2011. - 196 б

Сиз буржлар тўғрисида кўп ўқигансиз. Бундай манбалар орқали турли-туман маълумотлар ҳавола этилади. Буржларнинг молиявий, иқтисодий соҳага оид мутаносиблиги ҳакида эса ҳали тўла-тўқис билмасангиз керак. Кўлингиздаги китоб ана шу ҳақда маълумот беради. Сиз нафақат буржлар ва пуллар ўргасидаги синоатни, балки кўп ёки кам даромад топиш, омадга эришиш, муваффақият қозониш, фаровон ҳаёт сари интилиш, дунёсқарашни ижобий томонга ўзгартириш, яхшилик қилиш, ҳиммат кўрсатиш борасида энг қизиқарли манбага эга бўласиз. Ҳаётда ўз кучи билан зафар қучган инсонларнинг ҳаёти, фаолияти ва тамоиллари билан танишиб, улкан таассурот оласиз.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Нашрга тайёрловчи:
Акбаршоҳ**

ББК 86.42

ISBN 978-9943-08-554-1

© Акбар, «Буржлар ва пуллар». «Янги аср авлоди». 2011 йил.

МУНДАРИЖА

БИЗНЕС-БУРЖ: 100 ТА ҲОДИСАДАН 99 ТАСИДА!

ёхуд нужумот дунёсидаги энг муҳим мавзу 6

Биринчى бўлим ТАҚДИР, ХУЛҚ-АТВОР ВА ҚИЁФА

КИМГА ҚАНДАЙ?

12 та бурж вакилининг молиявий ҳаётига оид энг муфассал маълумот 11
ИККИНЧИ “ҮЙ”

Фаолиятингиздаги барқарор даромад кейинги иккинчи буржга боғлиқ 46
ОЧОФАТ КЎЗ

Гўзал ва жозибали: уюм-уюм пуллар, турли русумли машиналар, тилла-жавҳар бузаклар..... 49

АЙРИМЛАРНИНГ ФИКРИ

Кун омадсиз келниши ҳақида ўқисангиз, қандай иш тутасиз? 50
ИНСОН, ИШ ВА ПУЛЛАР

Сиз қандай одамиз: қобилиятингиз, хатоларингиз, куч-кувватингиз ҳақида 51
АҚЧАНГИЗ ҚАЕРДА?

Пулларни тахлаш, сақлаш, фикимлаш ва шу каби одатларнинг таҳлили 57
ТУРЛИ-ТУМАН МУНОСАБАТ

Ҳеч кимдан сўрамай катта харидлар қилиш ёхуд тўсатдан ғойиб бўлиш 59

ФЕЪЛ-АТВОР ВА ҲАМЁН

Агар чўйтакка ёт қўл ораласа, бошқа киссада ҳам яна пуллар бор 61
КЛАФДАГИ ЧИЗИҚЛАР

У молиявий баркамоллик ҳақида айта оладими? Расмлар изоҳи 63
ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ ТУГИЛИШГА ТАЪСИРИ

Тўртта фасл тилсими: мартаба, обрў-эътибор, ишқ-муҳаббат, пуллар, бизнес..... 65
ТУГИЛИШ СОАТИ

Куннинг ярмида куч-ғайратга тўла кишилар туғилади. Эрталаб ва оқшом-чи? 67
ТАВАЛЛУД КУНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

Бир ойда 28 дан 31 гача бўлган кун бор. Уларнинг ҳар бирига оид маълумот 68

Иккинчى бўлим ПУЛ, МОЛИЯ, ҚОИДА

ТОВЛАНУВЧИ ЖОДУ

Унинг кўрининиши одамлар юриш-туришини ўзгартириши исботланди.
У нима ўзи? 91

ИРИМ ВА ҚОИДАЛАР

Чап қўл қичишиса, пул келади, деймиз. Кўп қарз берсангиз-чи? 92

ТУГМА ҲҮҚҮҚ

Омад формуласига доир олтита сўз... Ким нима дейди? 94
ДАРОМАД ВА БУРОМАД

20 ёки 9 (9.000) билан қандай муомала қилиш мумкин? 96
БИРИНЧИ ВЛ ОХИРГИ МАРТА

Одамларни кузатиб, бир талай фойдали жиҳатларни билиб олса бўлади 101
МИЛЛИОНЕРЛАР ТАБИАТИ

Бу борада фан докторлари ўтказган маҳсус тадқиқот хусусида 102
ОРЗУ ВА МУЛЛАЖИРИНГ

Қулай, шинам яшаганинг маъқулми ёки муҳтоjлиқдами? 106
БОЙЛИКНИНГ АСОСИЙ СИРИ ЁХУД ПУЛ ЎЗИ НИМА?

Бир нечта бизнес, уч қаватли уй ва олийнасабларга оид автомобиль 108
МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЛСИМИ

Ечими бор муаммо ёхуд руҳий вазият оқибатлари 110
ТЕЖАМКОРЛИК НИМА?

Пул йиға олмайдиган аёллариниг баҳоналари ва ажабтовур счим 112

Учинчи бўлим МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИ

МИЛЛИАРДЕРЛАР ҚАЙСИ БУРЖ БЕЛГИСИ ОСТИДА ТУГИЛАДИЛАР?

Forbes журнали ўтказган тадқиқот натижалари билан танишинг 116
МАШҲУРЛАР ВА БОЙЛАР ТАМОЙИЛИ

Муваффақиятга эришган инсонлар ўз сирлари билан ўргоқлашадилар 119
ЭНДРЮ КАРНЕГИ: ВИЖДОН ОЛДИДАГИ СЎРОҚ

Бу машҳур жанобнинг сўзлари ўз хатти-ҳаракатларига зид бўлган 121
ЖОН КЕХО: МИЯДАГИ... ВИДЕОФИЛЬМ

Менинг аҳволим ачинарли: омад кулиб боқмайди, нимагадир муҳтоjман 123
БРАЙАН ТРЕЙСИ: ЧЎҚҚИДАН-ЧЎҚҚИГА!

Омад ва унга эришиш масалалари борасида 21 маслаҳат 128
ЖО ВИТАЛЕ: БЕРИШНИНГ КУЧИ

“Sekret” фильмни ҳаммуаллифларидан бирининг ҳайратомуз сабоги 131
ЖОН ХЭРРИЧАРАН: МЎЪЖИЗАВИЙ ИККИ ДОЛЛАР...

Ёз кунларидан бирида рўй берган қалбларни титратувчи воқеа 137
ЭРИХ ЛЕЖЕН: КЎЗГУ ҶАРШИСИДАГИ СЎЗЛАР

Бор-будидан жудо бўлган мультимиллионернинг қарашлари 140
РЭНДИ ГЕЙЖ: УЧ ЯШАР БОЙ ОДАМ

Фаровонликнинг 101 калити ўзида нималарни жо этади? 144
БЕҲБУДЛИК: 37 СИР

Уйдан чиқинг ва таваккалига нимадир қилинг. Хўш, нима? 151

Тұрттычи бүлім ҚИЗИҚИШ ДОИРАСИ

| | |
|---|-----|
| ОИЛАВИЙ БЮДЖЕТ: СИЗНИ БОЙ ҚИЛУВЧИ 10 ХИСЛАТ | |
| Пулларини беҳуда сарфлайдиган кишиларни эслай оласизми?..... | 168 |
| МУҲТОЖЛИК: 10 ТА ОДАТ | |
| Ишлаш эмас, номигагина жон күйдириш, тарааллабедод умр кечириш | 171 |
| “МЕНИНГ МОШИНАМ, МАНА, МЕНИНГ МОШИНАМ...” | |
| Бурж вакылларининг автомобиль бошқаруви ва авторусумлари хусусида | 175 |
| ТЕСТЛАР: ЎЗ РАВНАҚИНГИЗ КОЭФФИЦЕНТИНИ АНИҚЛАНГ | |
| Ким фаровон яшашга мойил? Ютуқ ва омадсизликлар | 188 |
| ОИЛАДА ПУЛ МУАММОСИ | |
| Куттилмаганда 500.000 сўм ютиб олсангиз, нималарга сарф этар эдингиз? | 190 |
| ЭНДИ ОЗРОҚ КУЛАМИЗ | |
| “Буржлар ва пуллар” китобини варақлаётган икки қизалоқ | 193 |

БИЗНЕС-БУРЖ: 100 ТА ҲОДИСАНИНГ 99 ТАСИДА!

Пуллар нужумот дунёсидаги энг муҳим мавзудир. Гарчанд пулга баҳтни сотиб олиш мумкин эмаслигини билсак-да, барибир ўз буржимизга оид бойлик формуласини топишга қизиқамиз. Буржларни якка ҳолда алоҳида кўриб чиқиб, “хазинангиз” қай нуқтада турганлигини ва давлатманд бўлиш учун қандай имкониятларингиз мавжудлигини билиш мумкин.

Ҳар бир мунаҷжим буржлар харитасида молиявий имкониятларнинг қай даражадалигини аниқлай олади, бироқ бу маълумотлар доимий тарзда бир хил бўлмайди.

Кўҳна афсунгарлик қонунларига кўра, даромадли иш (бизнес) қилиш мумкин. Узоқ асрлар мобайнида тижорат ва афсунгарлик сир тутиб келинди. Бироқ у мавжуд эмас эди, деб ҳам бўлмайди. Тадбиркор кишилар ва бошловчилар учун маҳсус афсунгарлик мавжуд. Ишқ-муҳаббат ва оиласвий афсунгарлик анчайин ривож топган.

Мазкур бўғинда 100 та ҳодисанинг 99 тасида шундай саволларга жавоб беришга тўғри келади: **нима сабабдан айнан бир хил шароитдаги тадбиркорларнинг айримлари гуллаб-яшинаса, бошқалари борбудидан жудо бўлади?** Нима учун хатарли ҳолатларда қандайдир ўртача даражадаги кишига омад қулиб боқади? Қайси сабабларга кўра, бой бериладиган ҳолатларда бирор зафар қучади-ю, ютуқли вазиятларда иккинчи одам муваффақиятсизликка учрайди? Ва ҳоказо...

Бизнинг бурж белгимиз ва орзумиздаги шахсий иш доирасида танлаган фаолият йўналишимиз бир-бирига бевосита боғлиқ. Руҳшуносларнинг таъкидлашига кўра, бундай ўзаро мутаносибликка амал қилиш омаднинг ярмини таъминлаган бўлади.

Мазкур китоб орқали сиз қай тарзда пул ишлаб топиш ва уни сарфлаш ҳақида маълумотга эга бўласиз. Умуман айтганда, сизни пуллар қаёқдан келиб, қаёққа кетиши қизиқтирадими? Ўн икки бурж ва ўнта сайёра доирасида бу сир эмас. Дарвоҷе, яна шуни унутмангики, бурж эгалари даромадининг алоҳида тарздаги маълумотларни уларнинг туғилган вақтига қараб аниқлаш мумкин.

Қўлингиздаги китоб билан танишиб, сиз ўзингиз ҳақингизда ва бошқа бурж вакиллари хусусида талай маълумотларни билиб оласиз. Худди мұхаббат каби ҳамма замонларда долзарб бўлган пуллар борасида кенг маълумотга эга бўласиз. Бу мавзуни буржлар бўйича алоҳида кўриб чиқишидан аввал пулнинг нималиги ва у нима сабабдан айримларда ҳамиша етишмаслигини кўриб чиқамиз.

Мунажжимлар фол очиши учун тузган жадвалда пуллар бир нечта ном билан шифрланган. Агар буржлар доирасини оладиган бўлсак, Ҳамал рамзи ўз шахсиятини намоён қилиши аён бўлади. Яъни, “мен шу ерда ва айни дамда мавжудман, айнан шу танадаман. Мен борман ва бу далил билан ҳисоблашишга тўғри келади. Дунёга келар эканман, шу қадар чигалликлар туфдираманки, мени эътиборга олмасликнинг сира иложи қолмайди”.

Ўз хонадонига чақалоқ олиб кирган ҳар ким ҳам биладики, бундай қадамдан сўнг мазкур уй, ўз моҳиятига кўра, “бутун оламнинг оёғи осмонда” бўлади Ҳамалнинг асл қуввати бу. Гўдак сизнинг орзуистакларингизни ҳисобга оладими? Йўқ, у ўзининг мавжудлигини ва яшашга ҳаққи борлигини назарда тутишларини талаб қиласиди. Қолгани сизнинг муаммонгиз!

Кейин-чи? Чақалоқ яланғоч ҳолда дунёга келади. Аммо, бу – умрининг сўнгти нафасигача шундай яшасин, дегани эмас, албатта. У илиқ ҳароратни, қулагиликни, егуликни ва озроқ томошабозликни талаб қиласиди. Бунинг учун нима керак? Турган гапки, пуллар! Шу боис кейинги бурж белгиси бўлмиш Савр бундай “суллоҳ” жонзотнинг яшави учун жавобгар бўлади. Англаганингиздек, мазкур жавобгарлик ҳар биримизга тегишли.

Саврнинг қуввати бизни ўткинчи танимизда қўллайдиган қувватдек гап. Мана, бечора Савр шу тариқа тирикчилик қилишга дастурлаштирилган. Саврлар! Саврлар! Улар пулга ўралиб олишган. Бошқа нимаям қилишсин? Бу – уларнинг вазифаси!

Таъбир жоиз бўлса, пуллар яшаш қуввати билан тенг қийматга эга, дейиш мумкин. Савр бизни ҳаётий ёнилғи билан таъминлашга жавобгар. У ўз ўзанида тўхтай олмайди; қувват тўлиши керак, ахир, ҳаёт биздан захира манбаймиз бор-йўқлигини сўраб ўтирмай, фаолиятида давом этаверади.

Буржлардаги кейинги пул кўрсаткичи, бу Зуҳродир. Дарвоҷе, у Саврнинг бошқарувчиси ҳисобланади. Зуҳро – бизнинг қийматимиз,

шунингдек, моддий ҳаётимиз тизими. Дарвоқе, Зуҳро ўзаро муносабатлар учун ҳам жавобгар экан, чиройли манзара намоён бўлади. Пуллар ва ўзаро муносабатлар – мана, сизга тирикчилик жумбоқла-ридан бирининг қалити.

Бироқ инсон Савр ва Зуҳро жонбозлигидаги нон билангида ҳаёт эмас. Буржлар дунёси ушбу икки белгига тугамайди. Одамга яна қанча нарса керак! Пуллар учун Ақраблар ҳам жавобгар, аммо энди бу бегона, умумий пуллар, бизнес ва ҳоказо-ҳоказодир.

Бошқа кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Масалан, Юпитер – ижтимоий қийматлар рамзи ва юксалишингиз ўлчови.

Буржлар бўйича ҳар бир муайян шахснинг ким билан қандай муносабатда эканлигини аниқлаш кўпдан-кўп омилларни ҳисобга олиши ни тақозо этади. Қизиқувчилар учун асосий маълумотларни истисно тарқасида ҳавола этиш мумкин.

Табиийки, аввало, сизнинг бурж белгингиз олинади. Шундан сўнг Савр ва Ақраб белгиларининг бир-бирини тўлдириши, қувватни бошқариши кўриб чиқилади. Бу қувватни қайси бири “торта олмаса”, пули кўп бўлмайди. Шунингдек, Зуҳро, Юпитернинг ўрни ва мақоми асосида уларнинг “катта пуллар”га нисбатан “дастур”лари инобатга олинади. Кейинги босқичда эса тугилган пайтингиздаги ички имкониятлар асосида нималар қай тарзда амалга оширилиши намоён бўлади (уйлар таснифи). Муайян нуқтадаги куч мавжудлигига қарамай, ундан фойдаланиш имкониятлари бўлмаслиги мумкин. Ушбу имкониятларни “очиш” қийин эмас. Бироқ имкониятлар бўлса-да, муайян кучнинг заифлиги ҳам ёмон. Қанча ҳаракат қилинг-қилманг, гўё пуллар келяпти-ю, аммо негадир улар ушланиб қолмаяпти, қолаверса, жамғарилмаяпти. Бу борада, масалан, буржлар белгиларидаги сайёralар сони инобатга олинади. Буржлар жадвали қай тарзда ва нималар воситасида пул ишлаб топишни, нималар ёрдам бериши, нималар тўсиқ бўлишини кўрсатиб беради. Сиз жисмоний меҳнатингиз, ақлий салоҳиятингиз ёхуд бошқа воситалар орқали пул топиш-топмаслигингизни билиб оласиз.

Гувоҳи бўлганингиздек, бу мураккаб, нозик ва алоҳида, якка олинадиган жараён. Агар қуидаги тарзда оддий бўлганида бошқа гап эди: Савр, демак, пуллар билан тугилган, Ақраб қоп-қоп пуллар билан, Жадий – бошлиқ... Йўқ, бунақа эмас...

Тўғри, у ёки бу буржнинг пулга мойиллигини кузатиш мумкин, буни улар ҳақидаги маълумотда кўриб чиқамиз. Бироқ яна шуни унуг-

мангки, бу, агар сиз Савр бўлсангиз, муҳтоҗлик кўрмай яшайсиз, дегани эмас. Жавзо ёки Даљв буржи остидагиларга бизнес йўли ёпилган, деган маънони ҳам англатмайди. Қолаверса, буни оқладиган пулга тенг моддий, ақлий қийматлар бор.

Масалан, кимгадир доимий тарзда кичик бўлмаган совфалар ҳада этишади, кимнингдир эса лотореяда омади чопади, яъни терлаб то-пилмайдиган енгил пулга эгалик қиласди. Демак, булар, мисол учун, Савр ёки Ақраб эмас, балки мутлақо бошқа буржлардир.

Бойлик турли-туман одамларда турли рақамлар билан ўлчанади. Омад муайян одамга келади, бу борада бурж белгиси аҳамият касб этмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун миллионерларнинг таваллуд кунига кўз ташлаш кифоя – унда барча бурж вакиллари тенг асосда ҳавола этилган.

Дарвоқе, бурж вакиллари иш масаласида турлича намоён бўладилар. Тобеликка мойиллик алоҳида сифат бўлиб, бу таълим-тарбия ва турли ҳаётий вазиятларга боғлиқ. Астрология у ёки бу бурж вакилининг раҳбар ёки хизматчи сифатида ўзини қанчалик қулай ҳис этишини кўрсатиши мумкин, холос.

Энг ишchan бурж вакиллари Сунбула ва Ҳутдир. Улар ўртасидаги тавофут шундаки, Сунбулага ўз ишининг натижаси ва шахсий ютуқларининг тан олиниши жуда муҳим, Ҳутлар эса иш жараёни ҳамда ишнинг фойдали жиҳатларини қадрлаши билан ажralиб туради. Раҳбар сифатида Сунбула синчков бўлса, Ҳутлар майда-чуйдалардан кўз юмадилар.

Олов табиати рамзлари (Ҳамал, Қавс ва, айниқса, Асад) түфма раҳнамолар ҳисобланишиади. Уларнинг итоатгўйларча ижрочиликни қабул қилишлари осон кечмайди (асосан, ҳаётларининг иккинчи ярмида). Донишманд раҳбар бундайларга эмин-эркинлик бериб, уларнинг ишончли жабҳада ҳаракат қилишларини таъминлайди. Бу борада маош аҳамият ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас: Олов кам маошга ҳам ишлайверади, бироқ унинг эркинлик даражаси юқори.

Савр ва Жадий бурж оламининг буюк заҳматкашлари. Улар ишга шўнгуб, ўз иқтидорларига кўра, ишни пишиқ-пухта бажарадилар. Фақат тафовут шундаки, Савр раҳбарлик курсиси учун фаол кураш олиб бормайди. Агар мансаб таклиф қилишса (Саврга ишонишгани учун бундай ҳолатлар истисно эмас), у рад этмайди – пул тўлашса бўлгани. Жадий эса амалпарастликка мойил.

Саратонга маошидан кўра жамоага муносабати мұхим ақамиятга эга. Унинг орзуси “катта оила”, яъни норасмий муносабатлар, аниқроғи, мартаба-даражада асосидаги шафқатсиз жадвал асосида иш юритмайдиган жамоадир. Шу боис Саратон раҳбар ҳам, ходим ҳам бўлиши мумкин.

Бўлажак “руҳшунос” сифатида Ақраблар мансаб пиллапоясининг юқорисида ҳам, пастида ҳам ўзларини яхши ҳис этишади. Улар тақдир йўлиқтирадиган ҳар қандай киши қалбига йўл топиб, мавжуд вазиятдан ортиқ даражада фойдалана оладилар. Шундай экан, бошқа бурж вакиллари ўзларини раҳбар қиёфасида ҳис қилгандек Ақраблар итоатгўй сифатида ҳам шуни ҳис этадилар.

Ҳаво табиати рамзлари: Жавзо, Мезон ва Даљ иш берувчи учун энг “муаммоли” ҳисобланishiади. Улар бир лойиҳадан иккинчисига осонгина ўтаверадилар, ноанъанавий қарор қабул қилишга мойил. Бундайларни бир жойда тутиб туриш жуда қийин. Ишхона жонларига тегса, янги муассасани излаб қолишади.

Энг пулли рамз Савр ҳисобланади. Албатта, инсон тинимсиз меҳнат қиласа, доимий ҳаракатда бўлса, бунинг роҳатини кўради.

Дарвоқе, кимларни ҳамкорликка танлаш мумкин?

Бу борада бурж белгингиз мансуб бўлган унсурлар мувофиқ келади:

Ҳаво – Жавзо, Мезон, Даљ;

Сув – Саратон, Ақраб, Ҳут;

Олов – Ҳамал, Асад, Қавс;

Ер – Савр, Сунбула, Жадий.

Гап шундаки, муайян унсурдаги одамлар бир-бирини тушунишади, бу эса товламачилик таҳдидини пасайтиради.

“Қариндошлиқ” унсурлари рамзлари (Ҳаво – Олов ва Ер – Сув) ҳам ҳамкорлик борасида ўзаро мос келади: Ҳаво ва Олов янги йўл топишига, Ер ва Сув эсишилган натижани мустаҳкамлашга мойил. Бироқ бизнесдаги ҳамкорлик унчалик намоён бўлмайди, кўприк узоқ вақт қурилади.

Алхусус, ўзингизнинг бурж рамзингизга мувофиқ равишда, молиявий кўрсаткич ва таҳдиллар билан танишининг. Эслатиб ўтамиш, мазкур маълумотлар истисно тариқасида келтирилган. Сиз ҳаётий кузатувларингиз орқали ушбу маълумотларга нисбатан ишонч билдиришингиз ёки уларни инкор қилишингиз ҳам мумкин.

ТАҚДИР, ХУЛҚ-АТВОР ВА ҚИЁФА

КИМГА ҚАНДАЙ?

**12 бурж вакилларидан ҳар бирининг молиявий ҳаётига оид
энг муфассал маълумот**

ҲАМАЛ (кўй, 21 марта-20 апрел)

*Ақли расо ва ёрқин хотира эгаси бўла туриб мен барча пулларимни...
ҳаётлик чогимда сарфлаб қўйибман.*



Аксарият Ҳамаллар пулга енгил ва бепарво муносабатда бўладилар. Улар пулни мақсад сари восита ҳисоблашади. Фаоллиги, жонбозлигига кўра, ушбу бурж вакиллари кўп пул ишлаб топиш лаёқатига эга, бироқ афсуски, пулларни жамғаришда бу лаёқат иш бермайди. Ҳамалларда нақд сармоя ҳам ўзлари каби фаол. Ҳар қандай ортиқча пул ўша заҳотиёқ ўз ўрнини топади: уни навбатдаги ишга тикишлари ёки унга керакли бу-

юмни харид қилишлари мумкин. Ҳатто, кўзга яққол ташланадиган харажатлар ҳам Ҳамалларни эсанкиратиб қўймайди. Бундан ўзоқ вақт ғам-андуҳ чекмайдилар, қўл силтаб, навбатдаги “жанг”га шайланадилар. Қисқа фурсатда фойда кўриш илинжидаги бу каби ўйламасдан иш тутиш молиявий корхоналарни шубҳага қўйиб, калаванинг учини тополмаслик хавотирини түғдиради.

Ҳамалларга қарз бериш хавфли. Маблагни сарфлаб, не-не азобларда пул топишади, олган қарзларини сира унугашмайди ҳам, бироқ шунга қарамай, пулларни қайтаришга шошилмайдилар. Мазкур бурж вакилларининг қиморга ўхшаш ўйинларда иштирок этишлари янада хатарли.

Улар ички истакларига таянган ҳолда пулни тез топишади. Ҳамал оиласи, дўстлари, яқин кишилари учун бемалол пул сарфлайверади. Фавқулодда саҳий. Пуллар уларда моддий иштиёқдан қўра ғоявий

жиҳатдан қизиқишиш уйғотади. Уларнинг истаклари бирламчи бўлиб, шу тариқа молиявий муносабатларда ўзига хос рағбат касб этади.

Ҳамаллар ўзларининг эркин жадвали асосида ижодий ишлар, хусусий бизнесдаги янги ғоялари орқали фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Улар расмийятчилек билан битадиган ишларни ва қолоқликни ёқтирилмайдилар. Ушбу бурж эгасига банк фаолияти, нақд пуллар, валюта ва қимматбаҳо қофозлар билан ишлаш мос келади. Шак-шубҳасиз муваффақият келтирадиган соҳа – йўллар қурилиши, транспорт (асосан, транспорт орқали ташиш), қандолат маҳсулотлари, оптика ва оптик асбобларнинг олди-сотди юмушлариdir.

Бошқалардан қолишмаслик учун Ҳамаллар юксак молиявий маржаларни ўзларига мақсад қилиб, биринчи бўлишга интиладилар. **Пулларни жамғариш ва кўпайтириш масаласи мазкур бурж вакиллари учун муаммо,** улар шунчалик тез сарфлайдиларки... Ўзлари учун пулни сира аяшмайди. Эътиборлиси, қизиқёнлик билан тез пул топа оладилар ҳам.

Ҳамалларга хослик: “иш ҳам, дам олиш ҳам ўз йўлига”. Улар яхшигина фурурли ҳам. Ўзлари топганига таянадилар. Эътиборлиси, “ишлиганга яраша миллион топиш ва қироличага (умр йўлдоши сифатида, албатта) эга бўлишдир”. Уларга миллиондан бошлаш тавсия этилади.

Ҳамал – ҳушёр амалиётчи. У ғояни ғоя учун татбиқ этмайди. Ҳамални муайян натижага етакловчи аниқ-тиниқ ғоялар илҳомлантиради. Унинг пул қуввати белгиси – Савр. Бу эса Ҳамалнинг ташаккур учун ишламаслигини билдиради. Уни моддий натижага қизиқтиради. Хатти-ҳаракатлари шон-шуҳратга бурканса, қувонади. Агар бу шон-шуҳратига яхшигина мукофот қўшилса, у уч карра хурсанд бўлади.

Агар Ҳамаллар курашадиган бўлишса, навбатдаги қалъани ҳужум билан эгаллашади. Бу борада уларни қанча ҳақ тўлашлари, умуман, тўлаш-тўламасликлари ҳам ташвишга солмайди. Алҳол, меҳнатига яраша мўмай тўлов маънавий ва моддий жиҳатдан тикланишига замин яратади. Агар шон-шуҳрат ва пулдан бирини танлашига тўғри келса, Ҳамал шон-шарафни танлаши мумкин. Бироқ Ҳамални фақат қутлаб, қолганларни пул мукофоти билан тақдирлассангиз... У пулни қандай хоҳласа, шу тариқа сарфлайди. Ҳамалларда нақд пуллар бўлмаслиги мумкин, улар ўз пулларини корхоналарга, ғояларга, ўзларига тикишлари эҳтимоли кучли.

Ҳамалда Зұхро заиф, шу боис у пуллар ва моддий бойликка нисбатан әхтиёткорона муносабатда бўлмайди. У гоҳ ўнгга-чапга соvурса, гоҳ ҳеч бир асоссиз зиқналиқ қиласади. Ҳаёти мобайнида пулларга ҳурмат билан қарашни ўрганса-да, барибир уларни ардоқлай олмайди. Ҳамаллар ўзларини кўз-кўз қилишлари, қалтис ишларга қўл уришлари мумкин.

Улар таваккалчи, шу боис пулларини қандайдир ишга тиксаларда, чўнтакларида ҳам пул қолишига эътибор беришлари лозим.

Агар сиз Ҳамални **ғам-ғуссага** ботган аҳволда кўрсангиз, унинг совутичини очиб кўринг – худди чўнтағи каби бўм-бўш бўлади. Унга янги фоя беринг, ана шунда у дарҳол ишга киришади, чунки фаолият жараёниёқ Ҳамални куч-куvvатта лиммо-лим тўлдиради. Бу шунчаки фаолият эмас, аниқ мақсадга (муайян натижага) йўналтирилган иш бўлади.

Ҳамаллар учун хатарли иш: турар жойлар ижараси ва уларни алмаштириш, кимёвий реактивлар, лак, бўёқ, ички кийим, идиш-товоқ, мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишдир.

Уибу бурж вакилларининг ҳар йиллик даромад топадиган ойлари май ва ноябрь ҳисобланади. Бизнес учун истиқболдаги давр эса: 2011.4.06–2012.11.06; 2017.10.10–2018.8.10.

САВР (бузоқ, 21 апрел-20 май)

Кимгадир балиқ тутқазинг ва у бир кун тўқ юради. Агар унга балиқ тутишини ўргатсангиз, бутун ҳаёти мобайнида тўқ юради

Мазкур бурж остида туғилганлар пул қийматини жуда яхши билишади. Улар ўз келажакларини пулсиз тасаввур ҳам қилишолмайди. Саврлар орасида бойлар кўп бўлмаса-да, ўзига тўқ кишилар анчагина, десак, хато қилмаймиз. Молиявий масалаларни ҳал қилишда улар узоқни кўзловчи ва әхтиёткор. Фаолиятлари доирасида фойда келишини аниқ билсалар, узоқ ва астойдил ишлайдилар.

Бошқа бурж вакилларига нисбатан Саврлар тезроқ бойликка эриша олишади, бунинг учун шинамлик ва ҳузур-ҳаловатни рад этмай-



дилар. Йиққан сармояларини банкда эмас, уйларида сақлашни лозим кўрадилар. Пулларини моддий қийматга алмаштиришлари мумкин. Улар учун моддий қийматни ҳис қилиш ёқимлироқ. Баъзида пул йиғишга муккасидан берилиб, бундай ҳиссият васвасага ҳам сабаб бўлади.

Савр пулларни ғаладонга қўйишни ёқтиради. Пуллар унга ўзини қатъий ва барқарор ҳис қилиши учун керак. Кексайганида ўзининг таъминланишини кўзлаб, кўп ва сабот билан ишлашга тайёр.

Пул Саврнинг ҳаётидаги муҳим қиймат ҳисобланади. У пулни ақл билан сарфлайди. Қариндошларга совфа улашишга одатланмаган.

Саврлар қурилиш, тураг жойни сотиш ва алмаштириш, маҳсулотларни таъмирлаш учун сотиш, саргарошлиқ ва косметик салонлар дизайнни, кийим-кечак ва заргарлик буюмлари олди-сотдисида омадли. Сайёхлик, меҳмонхона хизмати, автохизмат, гуллар тарқатишда муваффақият қозониши мумкин. Санъат соҳасида эътиборга молик тақдимотлар ўтказиш ва шу каби нуфузли тадбирларни Саврлар аъло даражада уddaлайдилар.

Уларнинг пулга муносабати: “ўзингни барқарор ва қатъий ҳис қилиш учун керакли пулни ҳеч қачон ишлаб тополмайсан”. Далаҳовли, вилласи бўлса-да, яна яшириб қўйилганлари қанча! Бойликдан кўз узмаслик ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Барибир кам. Умуман айтганда, сичқонлар еб кетмаганида ҳосил анча баракали бўларди. Муҳими, пулларни ғаладонда сақлаш, тағин кўчмас мулк, акциялар... Акцияларни силаб-сийлаб қўйиш мумкин. Санаб чиққандан кўра пайпаслаб ҳис қилмоқ ёқимлидир.

Нужумшуносликнинг барча манбаларида Саврлар пулни қандай ва қаердан ишлаб топишни уddaлайдиган бурж эгалари сифатида қайд этилган. Савр пулни ҳис қиладиган түфма қобилиятга эга. У қувват олувчи бурж белгиси -- Жавзодир. Шунинг учун ҳам Савр “билади” ва “уддалайди”.

Ушбу бурж эгалари ўз атрофидаги оламдан ҳам қувват сингдириб олади. Бу оламга унинг диққат-эътиборидаги барча киши ёхуд ўзининг фаолияти хос. Пулни қандай ҳис қилишини Савр тушунтириб беролмайди, чунки унинг бу борадаги билими файришуурый тарзда амалга ошади.

Жавзолар ҳамма нарса ҳақида билишга ва биринчи бўлишга интиладилар. Улар Саврлар учун қувват манбаи экан, Саврлар пуллар ҳақида ҳаммасини билиб, бу масалани биринчи ўринга қўйишади.

Зұхро Савр бошқарувчиси бўлиб, унга пуллар билан муносабат борасида имкониятлар ҳадя этади. Саврда пулларни нима қилиш, уларни қаерга ва нима мақсадда сарфлаш ҳақида ҳеч қачон савол туғилмайди. Моддий қийматлар ва пуллар Саврнинг моҳияти, дейиш мумкин.

Саврлар пулни қулайлик воситаси ва “абадий” қийматлар сифатида моддийлаштирадилар, яъни уни анчайин узоқ вақт сақлайдилар. Уларни зиқна дейиш ҳам тўғри келмайди. Саврлар амалиётчи, лекин қурумсоқ эмас. Пул сарфлашга шошилишмайди. Савр ўзига ҳузур-ҳаловат яратишни хуш кўради. Шошиб иш қўришда бунга эришиб бўларканми! Агар у зиқна бўлганида севимли ва яқин инсонларига қимматбаҳо (тўғри, тежамли) совғалар туҳфа этмасди. Тежамли ҳадя совғага ярамайди, деб ким айтди? Саврнинг даврасидаги хўжаликка оид кўплаб ашёларни харид қилишингизнинг ҳожати йўқ. У эса ўзига қулай шарт-шароит, шинамликка эришиш учун пулни аямайди, чунки бошқалардан фарқли ўлароқ пулни нимагадир сарфламаётгани, балки уни тимсолга айлантираётганини тушунади. Пуллар бор эди, энди эса – диван ва ҳоказо. Пуллар эмас, диван кўпроқ ишончли.

Савр пуллар даромад келтириши учун уларни аниқ мақсад сари йўналтиради. Худди ўзи каби фарзандларининг таълим олишига ҳам пулни аямайди. Бу ҳам пул тикиш, дегани! Кейин ҳосили келади-да!

Мазкур бурж вакиллари пуллар келиши учун улар доимий ҳарататда бўлиши кераклигини ҳам англайдилар. Сафладингми, бўшлиқ пайдо бўлди, энди тўлдириш шарт. Пулларнинг турғунлиги, Саврлар назарида, уларнинг йўқолиши билан баб-баравар. Яхшилаб кузатинг: Савр пайпогида пул сақламайди. Пуллар унда нафас олади.

Дарвоҷе, пулларининг саноғи ва моддий қийматлар ҳақида маълумот бериш Саврларга хос хусусият эмас. Бу ҳам нужумшунослик дунёсидаги бир ҳодиса!

Саврлар учун қалтис иш: кимёвий ишлаб чиқариш, гилам, тиббий дори-дармон, видеоускуналар ишлаб чиқариш ва тарқатиш, қўриқчилик соҳаси.

Ҳар йиллик даромад ойлари эса – шон ва декабр. Бизнес учун яқин келајсакдаги давр: 2012.11.06-2013.26.06; 2018.8.11-2019.2.12.

ЖАВЗО (эгизаклар, 21 май-21 июн)

*Солиқ декларацияси қачонлардир ёзилған әнг ёрқин бадий
фантастика маңсулидир*



Жавзолар орасыда бой-бадавлат одамлар ҳаддан зиёд күп деб бўлмайди. Ушбу бурж вакилларининг айримлари учун моддий фаровонлик ҳаётдаги әнг муҳим қоида эмас. Жавзоларнинг зориқмай яшашларини ақлий жиҳатдан етуклик ва заковатлари белгилайди. Улар бир қанча молиявий манбаларга эга бўлишлари мумкин.

Ақл-идрокли ва ҳушёрги боис Жавзо пуллар билан ишлашни қойиллатади, бироқ

у пулга сажда қилмайди. Аксинча ҳомийлик даражасида ажабтовур ишларга қўл уради. Жавзо саховатли одамга айланиб, қарзларидан воз кечиши, дўстларига моддий жиҳатдан ёрдам бериши, аммо бу борада кичик товламачиликларга қўл уриши ҳам мумкин.

Юксак ақлий заковатларини ишлатиб, оқилона тарзда молиявий сиёsat олиб боришлари орқали Жавзолар пулларининг бир қисмини нақд ҳолда ўз қўлларида, бир қисмини эса банкдаги ҳисоб рақамларида сақлайдилар. Бу борада ҳақиқий даромадларини пинҳон тутишни ҳам уддалашади. Хатарли ўйинларда омадли.

Жавзолар пухта ўйланган савдо-сотиқ ишларини амалга оширишни ёқтирадилар. Воситачилик, автомобиль савдоси, ахборот тарқатиш (газета, журнал, китоб бизнеси) борасида муваффақиятли иш юритадилар.

Жавзолар пул ҳақида яхшигина тасаввурга эга. Улар ақлий-заковатли савдо операцияларини амалга оширишни ёқтирадилар. Масалан:

- Олти карра саккиз неча бўлади?
- Тушунмадим.
- Нега тушунмайсиз, олтини саккизга кўпайтиринг, деяпман.
- Йўқ, сиз тушунмаяпсиз! Биз сотамизми ёки ҳарид қиласмизми?

Жавзолар пул айланмасини хаёлан кўришга уста. Ўзларига нисбатан қатъий талабчанликни ёқтирумайдилар. Аксарият ҳолларда алдов йўли билан пул топишади, кейин эса тавба-тазарру қиласдилар.

Мазкур бурж вакиллари тиниб-тинчимас, бир қадар асабий, тажанг одамлардир. Пул оқимига эга бўлиш учун улар ҳаракат қилишлари, югуриб-елишлари лозим. Бир жойда ўтиришлари ва бир ишда қолишлари хавфли. Агар Жавзонинг хусусий бизнес билан шуғулланшишига тўғри келса, у янги маълумотлар асосида ҳаракат қилиши керак.

Жавзо буржи вакилларига воситачилик масалаларида ишлаш ҳам тавсия қилинади. Улар авто соҳаси, өммавий ахборот воситалари (журналистика), маълумотлар хизматидан ташқари алоқалар тизими, реклама бизнеси, кимёвий ишлаб чиқариш, моделлар уйи, супермаркетлар ва кийим-кечак дўконлари борасида ҳам зафар қозонадилар.

Кимdir айтиши мумкин: “Жавзо – ҳаво рамзи, демак, улар пулни шамолга совурганлари маъқул”, деб. Бу тўғри, аммо яна бир ҳақиқат шундаки, мазкур бурж вакиллари ҳаводан ҳам пул ясайдилар. Мижозларни боплайдилар. Доимий тарзда эмас, албатта. Дарвоҷе, уларнинг қуёш чиқишидан кун ботгунча қатъий тарзда муайян жойда ишлагандан кўра йўл-йўлакай ва иш орасида пул топишлари осон кечади. Бир жойда депсинишдими, гўё камбағаллаша бошлайдилар.

Хурматли Жавзолар, пулларингизни ҳаракатдаги ҳар қандай ишга тикишингиз мумкин. Ўткир ақлингиз ва ўзгалар муваффақиятидан андаза олишингиз, бу – пулларингиздир. Фақат кўчирмакашликни камайтиринг. Ана шунда пулларингиз ҳам кўпаяди.

Умуман, Жавзолар ҳақида қанчалаб чўпчак ёзилмаган ва қанчалаб ёзишмайди, дейсиз! Улар эса илк таассурот қолдирадиган даражада оддий эмас. Ҳаётда мулоҳазасиз, енгил-елпи, унча-мунча ишга қўл силтайдиган одамлардир. Сиз улардан пул сўраганмисиз?.. Сўраб кўринг. Рад этишмайди, аммо кўпинча беришмайди ҳам. Буни турли-туман “баҳона”лар билан изоҳлашади. Сиз улардан ранжимайсиз (шунинг учун ҳам Жавзолар зиқна ҳисобланмайди). Беришлари мумкин эди-я, айни шу дамда сиз сўраган пули йўқ-да! Агар кеча (бир ҳафтa, бир соат, беш дақиқа олдин) сўраганингизда жон деб пул берарди. Аттанг (шундай деб астойдил қайғуришади). Тағин Жавзолар сиз сўраётган пулни қаердан олиш мумкинлигини айтиб, маслаҳат ҳам берадилар. Қанақасига ранжийсиз!.. Дилкаш одам!

Жавзоларнинг пулдаги қуввати – Саратон. Бегона ёки умумий пуллар – Жадий. Саратонларнинг қурумсоқлиги борасида афсоналар юради. Саратон хасис эмас, эҳтиёткор...

Жавзо буржидагилар пулга боғланган, уни топишга мойилликлари бор. Уларни зиқна деб ҳисобламанг, шунчаки шахсий пуллари йўқ. Ҳар қандай пул оиласники. Оила – Жавзолар учун улар куч оладиган манба. Улар топган пулинин оиласига баҳшида этишади. Умуман айтганда, ажаб ҳолат. Сиз Жавзони оиласага қанчалик маҳкам боғламоқчи бўлсангиз, у қочишига уринади, иккинчи томондан, агар ортидан юргурмасангиз, унинг ўзи оиласага қайтади.

Жавзолар пулларини бекордан-бекорга бирор ишга тикмайдилар. Улар кўзлаган корхона ишончли бўлиши керак. Аввалига **нималар мумкин, нималар мумкин эмаслиги ҳақида ҳаммасини билиб олишади**. Улар танлайдиган бир неча муқобил йўллар бўлиб, ягона тўхтамга келгунча ўзларига керакли одамга хушомад қиласверадилар.

Мазкур бурж вакиллари қизиқувчан, шу боис бошқалар ҳақида кўпчилик эшифтмаган маълумотларни билишади (ёки тасодифан қулоқларига чалиниб қолади). Шундай экан, сиз Жавзолар кўрсатган томонга эмас, пулларингизни у сақлайдиган жойга элтинг, агар буни аниқлаш қўлингиздан келса. Айнан Жавзолар бегоналарга ишонмай, пулларини вужудларига яқин ушлайдилар. Ишонинг, сиз Жавзо қўшнингиз қанча пул топаётганини ҳам билолмайсиз. Барибир билиб оламан, десангиз, бу пуч хаёлингиз, холос.

Жавзолар учун қалтис иш: гилам ишлаб чиқариш ва сотиш, сантехника, мебеллар таъмири, йўл қурилиши.

Ушибу буржлари учун ҳар йилнинг январ ва июли даромад олиб келади. Бизнес муваффақиятидаги яқин келајсак даври: 2013.26.06-2014.16.07; 2019.2.12-2020.19.12.

САРАТОН (қисқычбақа, 22 июн-27 июл)

Агар тадбиркор бўлишини астойдил хоҳлаб қолсангиз, хусусий ишини юритаётган танишларингизга мурожсаат қилинг. Бу билан дардингизга даво топишингиз мумкин



Уддабуронлик, тадбиркорлик хислатлари намоён бўлмаса-да, мазкур бурж остида кўпинча давлатманд инсонлар дўнёга келади. Саратонлар, одатда, уй-рўзгорни ўйлашади, уларга зиқналик хосдек. Бироқ Сарвлардан фарқли ўлароқ, Саратонлар ўзларининг моддий аҳволини ўйлаб, мудом ташвиш чекишиди. Бировларга сирини айтавермайди, эҳтиёткор. Қанча пул топишига қарамай, истабистамай сарф қиласди. Ҳар кимга ҳам қарз беравермайди, юз фоиз яхши билган ва ишонган кишигагина бериши мумкин.

Саратон ҳамдард бўлиш ҳиссидан маҳрум эмас, у эътиборни жалб этмаслик шарти билан хайрия ишларига катта миқдордаги пулини ҳадя этиши мумкин. Аксарият Саратонлар моддий фаровонлигини ота-онасига баҳшида этишни ўзларига бурчли ҳисоблашади. Улар янги иш бошлишни ёқтиргмаганлари боис оиласвий бизнесни таклиф қилишлари мумкин. Саратон ишбилармон, тадбиркор сифатида йирик даромадлар ваъда этилганига қарамай, шубҳали битимларга қўйлурмайди. Унинг фикрича, энг яххиси, солиқларни тўлаш ва тинч-осойишта ухлашдир.

Мазкур бурж вакиллари “қора кун”га пул йиғишни маъқул кўришади. Келажақдан кўрқадилар, шу боиспулга келгусидаги муаммоларни ҳал қитувчи ҳимоя воситаси, тиргак сифатида қараб, шундан таскин топадилар.

Антиқа буюмлар савдоси, кўчмас мулк, озиқ-овқат саноатида омадли. Агар ижод соҳасини танлаган бўлишса, ватанпарварлик мавзуси уларга пул олиб келади. Саратонлар ўзгалар муваффақиятини кўра олмаслик ва ўта эҳтиёткорликлари боис пул ишлаб топиш иштиёқига эга. Бундай иштиёқ турлича бўлиши мумкин.

Ушбу бурж вакиллари учун бойлик мақсад эмас, балки муаммолардан холос этувчи молиявий таянч ва осойишталиқдир. Пул топиш манбалари ширинлик пишириш, энагалик қилиш бўлиши мумкин. Эркак Саратонларга қолса, қариндошларга бирма-бир кириб, эсдалик учун нимадир олганлари маъқул. Уй таъмирлаш ишлари ҳам чакки бўлмай-

ди. Уларга маслаҳатимиз: озиқ-овқат ва сут маҳсулотлари саноати (ўз ишингиз) билан шуғулланинг. Ҳаётий орзуларингиз ушалса, оиласизни таъминлайсиз. Муҳими, уйга, масалан, қоп-қоп пул ташишдир.

Саратонлар кимошди савдосини ташкил этиш, асбоб-ускуналар жиҳозланиши, турли маҳсулотлар, совуткич, атторлик буюмлари, юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқариш ва сотишда муваффақиятли иш юритадилар. Шунингдек, дизайн ишлари, сураткашликни рисолада-гидек эплашади.

Саратонларнинг пули қанча кўп бўлса, улар ўзларини шунча кўп ҳурмат қилишади. Албатта! Ахир, уларнинг пул белгиси – Асад. Пуллари кўпайиб борган сари Саратонларнинг ўзидан фурурланиши оша-веради. Қанчадан-қанча Саратон-раҳбарлар бор, кузатганмисиз? Чунки нимани, қай тарзда амалга оширишни Саратон яхши билади.

Саратон (Қисқичбақа) – сув белгиси, сувда эса ҳамма нарса бури-шади, ажралади, ёйлади. Шу боис турли-туман Саратонлар бор. Айримлари “жамоа”да ишлаб, бошқалари – одамови-Саратонлар ўз қобигига ўралиб ўтиришади, уларга пуллар қаердан келаётганини ҳам тушунмайсан. Ушбу бурж вакилларининг баъзилари қандай бар-по этганлиги номаълум пуштиранг мармар фавворали ва ҳовузи бор уйларини кўрсатиш билан ўз ютуқларини намойиш этадилар. Баъ-зилари эса “аччиқ” ҳаётидан нолиб, йиглайди. Зорланаётган Сара-тонга ишонманг, унинг йифиси “қора кун”га деб олиб қўйган танга-ларидан бирини олаётгани билан боғлиқ, холос.

“Пул йўқ”, бу Саратон ва Даљда бир-биридан мутлақо бошқача тарзда тушунилади. Агар Даљ (Қовға) Саратоннинг пули йўқлиги ҳақида эшитса, астойдил таассуф билдиради, чунки у “пул йўқ” де-ганде ҳеч вақосиз қолиш, тешик чўнтакни англайди. Мабодо Сара-тон ана шундай кунгача этиб келган бўлса... Одатда бундай бўлмайди. У аллақачон зорлана бошлаган, деяверинг. Бу “даҳшат”ни ол-диндан биргина кўриш ҳам Саратонни ҳаловати ва уйқусидан жудо қиласиди. Агар сиз уни эски-туски кийимда кўрсангиз, янги уст-бош ҳадя этишга шошилманг. Саратонлар қашшоқлиги боис бу кийимда юришмайди, балки эски уст-бош улар учун қадрдон, холос. Янги нар-саларга Саратонлар аввал кўникишлари керак. Аммо кўникканлари-дан кейин ҳам эскиларини улоқтиришни ўйламанг. Уларни ранжит-ган бўласиз. Аҳамияти йўқ, уйми, чанг артишда ишлатилган эски сочиқми, у Саратонники, тегманг!

Ушбу бурж вакилларига тегишли ҳар қандай қийматларда уларнинг бир бўлаги мужассам. Саратон ўзини севмоғи керак, акс ҳолда у нобуд бўлади. Шунга қарамай, Саратонлар, одатда, ўз пулларини қандайдир янги, истиқболли ишларга тикадилар.

Саратонлар пишиб етиладиган энг сара мевани олишни яхши уdda-лашади. Фақат унугтманг, “ким биринчи бўлса, у – охирги, охирги одам эса – биринчи”. У ўз мулки учун маҳкам турса-да, таваккалчиликни ҳам қотириб қўяди. Ва зафар қозонади. Саратонни қанчалик кузатманг, ундан буни ўргана олмайсиз. Ҳатто ёнма-ён ишлаётган бўлсангиз ҳам. Бундай маҳоратни эгаллаш учун Саратон бўлиб туғилиш керак, вассалом. У эски анъаналарга содиқ қолса-да, фаолияти мобайнида илмнинг янги-янги ютуқларидан фойдаланади, янгиликлардан чўчимайди.

Ҳамал (Қўй) – рўйи-рост тажовузкор. У ўзига қарши чиққанларни аямайди, уларга шафқат қилмайди, ҳужумкор. Саратон эса билдиримайдиган даражада тажовузкор. У хотиржам, муҳими, тинчтина, қонунбузарликка қўл урмай ҳаётидаги бўшлиқни тўлдириди, фалон жойдан озроқ ер олди, қаердандир бир жуфт уйга эга бўлди. Сезмай қолдингизми? Саратонлар ана шунаقا!

Қалтис иш: сартарошлиқ фаолияти, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш.

Саратонлар учун ҳар йилнинг август ва феврали даромадли ойлар ҳисобланади. Бизнесдаги омадли давр эса: 2014.16.07–2015.11.08; 2020.19.12–2021.14.05.

АСАД (арслон, 23 июл-23 август)

Бахтни пулга сотиб ололмайсан, бироқ унинг ўринини босувчи бошқа гўзалликларга эга бўлиш мумкин



Моддий фаровонлик Асадлар ҳаётининг негизи ҳисобланади. Бошқа бурж эгаларига нисбатан улар ҳашаматни кўпроқ яхши кўрадилар. Шу билан биргэ Асадлар пулга бегам муносабатда. Ҳамёнда бирор чача қолган-қолмаганини кўздан кечирмасдан орқа-олдилари-га қарамай харажат қиласверадилар.

Асад ўзини давлатманд кўрсатиш учун пулни аёвсиз исроф қилиши мумкин. Бир сўз

билин айтганда, у унчалик зиқна эмас. Ўзининг беҳуда исрофгарчилиги билан нафақат ташнишларини, балки ўзи илиқ таассурот қолдирган бошқа кишиларни ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Бир мири қолмаганида ҳам умидсизликка тушмайди ва ниманидир ўйлаб топади. У пулни нақадар осонлик билан сарф қиласа, шутарзда даромад топишни афзал билади. Олди-сотди ишларига менсимай қарамайди. Лотерея каби ўйинларда омади чопиши эҳтимоли кучли.

Мазкур бурж вакиллари бошқаларни жалб қилиған ҳолда даромад келтиралигандай қандайдир йирик молиявий тизимни ташкил қилишлари, унинг бошида ўзлари туришлари ва, табиийки, фойданинг катта қисмини олиши қобилиятига эга. Бу борада улар ўз шерикларига нисбатан ҳалол ва қўл остидагиларига эътиборлидирлар.

Асад ўзгалар қўли билан пул топишни яхши кўради. Ишни ташкиллаштирилса қодир. У саҳоватли, айнан шу боис оиласда тушунмовчилик ва норозилик келиб чиқаши (яқинларининг ҳисоблашича, унинг шоҳона қилиқлари туфайли пул етмайди), ваҳоланки, Асаднинг назарида, у тўғри иши тутмоқда.

Хотамтойлик Асаднинг ўзига ишончини мустаҳкамлаб, ҳаётий қувватини оширади. Агар у зиқниалик қиласа, ҳеч қачон пули бўлмайди. Дам олиш, байрамларни ташкил этиш, ўйин-кулги учун пул сарфлашни ёқтиради. Кўнгилочар муассасаса учун шул тикиши ҳам мумкин.

Тижорат билан манифуллик, асосан, заргарлик буюмлари олди-сотлисида омадли. Автомобиллар таъмири, эҳтиёт қисмлар, косметика, аудио ва видсотехника харил қилиши ва сотиш борасида ҳам Асадларнинг ишлари баракали кечади.

Асад буржи вакиллари кўнгилочар ўйинлар, лотерялар, байрам тадбирларига беҳуда бўлмайдилар. Турли реклама, тақдимотлар ва болалар учун осонгина пул сарфлашади.

Мазкур бурж эгаси ўзини кўз-кўз қилишини ёқтиради. Бу ўзига ишончини мустаҳкамлаб, ҳаётий қувватини кучайтиради. Натижада пуллар унга “олтин ёмғир” дай ёғилади, бироқ пулларни беҳуда сарфлаш эмас, балки уларни ишлаб топиш ҳам керак. Кўнгилочар муассасаса ёки санъатнинг турли кўрининишлари, масалан, кино учун пул тикиши мумкин.

Асадлар пулларни ишлаб топиш кераклигини жуда яхши билишади. Бу – улар сенг шимариб, ҳаракатга тушадилар, дегани эмас. Тер-

лаб ишлапшларига ҳожат йўқ (гарчанд... бу ишни ким қилиши номаълум бўлса-да...) Ахир, пуллар ўзи келиши учун ҳаммасини ташкиллаштириш ҳам мумкин. Муҳими, пул ишлаб топиш борасида пишиқ-пухта ўйлаш керак. Ишни бошлаб, кейин бошқарса бўлади. Ҳар қандай вазиятда ҳам Асадлар қўлларига чўкич олишмайди, улар ишга “моҳирона” ёндашишади. Бошқаларни ишлатиб, фалаба тожини Асад бошига кияди. Қайсиdir жиҳатдан бу адолатли, ахир энг асосийси, фоя (бу борада Асадларда муаммо йўқ) ва уни рўёбга чиқаришдир, сафдошларни эса ҳамиша Асаднинг ўзи излайди. Ким ҳам омад ёғудисида исинишни истамайди, дейсиз! Сиз бир аср ишласангиз ҳам довруқ қозонмайсиз, Асад келиб эса меҳнатингиз самарасини шундай рўёбга чиқардики, бу ҳақда орзу ҳам қилмаган эдингиз: фала-ғовур, гулдурос олқиши, қарсаклар. Асадга қаратилган, албатт! Хафа бўласизми? Ўзингизга қолса, бундай омадга барибир эриша олмасдингиз. Нафақат бажаришни, балки меҳнатингиз самара беришини ҳам ўрганиш керак. Бу борада Асадни ҳеч ким бас келолмайдиган уста, дейиш керак.

Сиз ушбу бурждагиларни хушомад сўзлари билан авраб ишлашга мажбур қиласман, деб ўйлайсизми? Фақат битта йўл орқали – агар унинг исми ҳамма жойда ярқираб, энг яхшиси, унинг номи янграб турадиган йирик реклама компанияси бўлса! Исм – пуллар, дегани! Буни Асадлар яхши билишади. Бошқа ҳолатларда улар сизни эшишишмайдиям. Пулни чиқаринг ва қўйинг.

Ўзларининг кичик ёки катта ишлари учун Асадлар олдиндан белгиланган миқдорда мукофот кутадилар. Агар уларнинг пули мўътадил равишда келиб турган бўлса, сахийлик қилишлари мумкин, бироқ бундан ўзгаларнинг фойдаланиши муаммо туғдиради, чунки Асадлар ич-ичидан қурумсоқ бўлиб, тежамкорлик нималигини яхши билишади. Агар сиз ўзингизга қулай фурсатни топган бўлсангиз, Асад ич-ичидан ўқинса-да, сизни мукофотлаши мумкин. Айни дамда пул борасида ўзини қийналаётгандек ҳис қиласди. Бу кўпга чўзилмайди, Асад пул шу атрофда эканлигини, уни олиш кераклигини билади.

Ҳақиқий Асадлар ўз захиралари тугаганини намоён этмайдилар. Улар йиритиқ-ямоқ ички кийимини шинам уст-боши остига яширишлари мумкин. Ҳа, Асад пулни совуриши ҳам эҳтимолдан холи эмас, фақат завқ-шавқча тўла инсонлар олдида ўзини кўрсатгиси келса! Ҳатто охирги пулини шу қадар намойишкорона чиқарадики, гўё уйин-

да, уйида ҳам эмас, чүнтагида энг қимматбаҳо олмос бордек таассу-
рот түгдирди.

Пулларни омонатта қўйишни эса Асадлар эплай олмайдилар.
Калондимоғликка берилиб, ўз пулларини муввафқиятсизликка
йўлиқадиган корхоналарга қўйишлари мумкин. Албатта, пулла-
рини ишониб топширадиган жабҳалар ҳам бор, бироқ кўпинча
олдиндан илғаш мумкин бўлмаган нимадир юз беради ва Асад-
ларнинг пули ғойиб бўлади. Бу қаандайдир алдов, фириб эмас, бал-
ки мавжуд вазият тақозоси туфайли юз беради. Пул қўйиш мум-
кин бўлган жабҳаларни кўрсатиш аҳамият касб этмайди, чунки бу
Асадлар учун эмас, бошқа барча бурж вакиллари учун ҳам алоҳи-
да ўзига хослик касб этади. Асад, Савр, Ақраб, бу – кам. Омадли
тижорат учун буржларнинг аниқ-тиниқ кўрсаткичлари талаб қили-
нади.

*Асадлар учун қалтис иш: қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, қўриқлаш-
қидирув фаолияти, тиббиёт, диний маросимлар.*

*Ҳар йилнинг даромадли ойлари эса – сентябрь ва март ҳисобланади.
Бизнесда яқши келажакдаги давр: 2010.9.09–2011.22.01*

СУНБУЛА (бошоқ, 24 август-23 сентябр)

Мен ҳар куни эрталаб туриб, бойлар рўйхатини кўздан кечирман.

*Агар бу рўйхатда ўзимнинг исм-шариғим бўлмаса, ишга
отланаман*

Сунбула буржи остида таваллуд топган-
лар туғма иқтисодчилардир. Уларнинг бой-
лик борасидаги йўли рационализм (тафак-
курни ҳиссий тажрибадан ажратиб қўяди-
ган ва ақлни билишнинг бирдан-бир ман-
бай деб ҳисоблаш) ва жавобгарлиқдир.

У ўз сармоясини кўпайтириш учун ҳар
қандай банк хизмати имкониятидан фойда-
ланишга интилади. Банкнинг намунали ми-
жозлари ҳисобланиб, уларнинг кредит тари-
хидаги олий тимсоли саналади. Молиявий
масалаларда Сунбулалар фавқулодда ишқиқ,
улар фақат ўзлари ишонган кишиларгагина



қарз берадилар. Шерикликдаги ишда адолатпарвар, бироқ хайрия борасида алоҳида ажралиб туришмайди. Енгил-елпи пул ишлаб топишга интилмайдилар, бу мавқени туширади, деб ҳисоблашади.

Сунбулалар бошқа бурж вакилларига қанча пул кераклигини жуда яхши биладилар. Ўз мэрралариға етгач, камдан-кам ҳолда ишни йиғишириладилар ва тинч, хотиржам, ҳузур-ҳаловатда яшайдилар. Мўлжалдаги пулни топиш учун эса қўл қовуштиrmай ишлайдилар, ишлайдилар, ишлайдилар.

Улар мижғов, майдакаш, ўтакетган зиқна сифатида таассурот қолдиришади. Бу хислатлари боис ўzlари азият чексалар-да, тийин-тийинигача сармоя йигадилар. Савдо-сотиқни қойилмақом тарзда уддалашади. Маҳсулот қаерда, қанча нархда баҳоланишини билишади.

Сунбулалар вижданан, ҳалол ишлайдилар. Улар ўз пулларини ахборотлар тизими (газета, нашриёт, китоб бизнеси), фитнесга (саломатликка) тикишгани мақсадга мувофиқдир. Ахборот сотиб, шунингдек, сиҳат-саломатлик соҳасида тузуккина сармоя йигадилар.

Бундай кишилар билан ишлашни орзу қиласидиганларга маслаҳат: юқорида тилга олганимиздек, Сунбулалар ўтакетган мижғов ва ҳаддан зиёд зиқна бўлишлари мумкин. Аслида эса бу зиқналик эмас. Сунбулалар учун, “кам тўланса ва қийдан қийиқ ахтарилса, одамлар қанчалик узоқ ва яхши ишлай олишлари”ни кўриш мароқлидир. Қаерда, нима ва қанча – ана шуни билиш, кейин тийин-тийинигача савдолашиб қизиқ улар учун. Ишга доир асбоб-ускуналарни харид қилишни ёқтиришади. Жавзолар каби ақл-заковатларини қўллагандага ютадилар. Уларга кўп томли, масалан, техник адабиёт, илмий-қомусий маслаҳатларга доир қўлланмалар сотиб олиш тавсия қилинади. Хаёлан бўлса-да, бой одамга айланадилар. Сарвлар учун “пул пулни олиб келади” тамойили мос келса, Сунбулаларга “меҳнат пул олиб келади” ақидаси хосдир.

Чойшаблар, сумка, жомадон, маҳсулот ишлаб чиқариш ва харид қилишда ошиғи олчи. Кўчмас мулк олди-сотдиси, энагалар, тарбиячилар фирмасини тузиш; ҳисоблаш ва кўпайтириш техникалари, соатлар; тозалаш ва ювиш воситалари, тилмочлик (сайёҳлар учун гидлар) соҳасида хусусий бизнесини йўлга қўйиш маваффақиятли кечади.

Сунбула анъанавий тавсифларга мувофиқ келмайди. Ўзи ҳақида ёзилганларга бемаъни, деб қарайди. Қолганлар учун Сунбула “ада-

биёт”даги каби жумбоқлигигча қолади. Сунбуланинг ботинида Ҳут мавжудлигини унутманг, айнан шу боис ҳам унинг “асли”ни тушуниб бўлмайди, қолаверса, ўзи ҳам сифатлари ҳақида ошириб-тошиб қайд этиши мумкин.

Сунбулалар пулга жамият кўзи билан қарайди, яъни унинг қизиқишилари пуллар қайси даврада айланиши ва бу даврада қайси қийматлар белгиланишига бориб тақалади. Агар ўзининг “давра”сида маданий ва ақлий қийматлар мавжуд бўлса, ўз “савиясини ошириш” ва ўқиш учун бор кучини аямайди. У ақл бовар қилмайдиган даражада ўрганади, тўхтай олмайди. Асосий мақсад моддий негиз бўлган жамиятда асло тиним билмайди.

Хуллас, холисанилло олиб қараганда, Сунбулалар хасис эмас. Улар ҳисоб-китобсиз тарзда пулга эга бўлишни истамайдилар. Ортиқча тўлашмайди, бироқ сизнинг пулингиз ҳам керак эмас. Қайтимни, албатта, санаб кўришади, ортиқчасини қайтаришади. Сарф-харажатда ҳамма вақт батартиб: “буни бу ерга, ановини у ерга, мановини жамғарамиз, унисини камайтирамиз...”

Қарз олишни ёқтирмайдилар – мутаносиблик бузилиши ва обрўзътиборга путур этиши мумкин. Қарздор деган ном олишни исташмайди. Барча пуллар: ишлаб топилгани ҳам, режалаштирилгани ҳам харажатлар бўйича тақсимлаб чиқилган. Агар йирик харид учун пул ажратишган бўлса, унга тегиб бўлмайди.

Мабодо Сунбулалардан қарз сўрасангиз, пуллари йўқлигини рўйи-рост айтадилар, борлари ҳам “тақсимланган” ва ортиқча ақча мавжуд эмас (Сунбулаларда, умуман, ошиқча пул бўлмайди). У сизни шунга ишонтиради, сўраманг. Фалон-фalon пуллар бошқа мақсадлар учун керак, аниқроғи, улар йўқ. Яна такрорлаймиз: бу мумсиклик эмас. Мулоҳазакорлик, тежамкорлик, узоқни кўра билиш, аммо сирам зиқналилка кирмайди. Мавжуд нарсаларга ачиниш ва ундан жудо бўлишдан афсус чекиш мумкин. Йўқми, муҳокама ҳам қилинмайди. Дейлик, Сунбула сизни севса, сиз учун пул тикиши мумкин. Бундай вазиятда сиз ва эҳтиёжларингиз унинг сарф-харажатлар рўйхатига киритилган бўлади. Бироқ кўнглининг туб-тубида Сунбула сиздан пул тарзида бўлмас-саям нимадир олишни мўлжаллайди. Агар ўша нарсани олмаслигига кўзи етса (нималигини ўзиям билмайди), сизни харажатлар рўйхатидан ўчиради.

Мабодо Сунбулалар қандайдыр пулни мүлжаллаган бўлиб, бу миқдор қўлларига тегмаса, ўзларини талангандар дара жада ҳисоблайдилар. Улар ҳаммасини ҳисоб-китоб қилишганди, энди эса “ўпирилиб кетди”.


Бирор ишга пул тиккан Сунбула, ҳаммаси ҳақида ўзим қарор қабул қиласман, деб ўйлади. Қаерга, қанча, нима учун, ким билан – ҳаммаси ҳақида! Маслаҳат сўраб бир эмас, бир неча кишига мурожаат қиласди, саволлари билан қийнаб юборади, асосли-асоссиз равишда сизни баҳс-мунозарага тортади, бироқ ҳаммасини ўзи ҳал қиласди. Сизда, Сунбула шунчаки гап сотяпти, мавзуга оид ва мавзудан ташқари саволлар беряпти, жавобларни эса эшитмаяпти, деган таассурот қолиши мумкин. У ҳаммасини эшитган, бироқ бари-бир ўзи қарор чиқаради. Мабодо у ёки бу қарори ҳақида билишга уринсангиз, қарорларига сира алоқаси бўлмаган мантиқий муҳокамалар ҳақида жавоб оласиз. Айнан шунинг учун ҳам Сунбулалар билан ҳамкорликдаги корхона ишини юритиш осон кечмайди. Улар шахсий пулларига шу қадар жўшқин, қатъий ва ҳушёр муносабатда бўладиларки, бу умумий пул тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Қалтис иш: пойафзал, арча безатиш, спиртли ва тамаки маҳсулотлари, спорт моллари ва парфюмерия (атторлик моллари).

Сунбулалар учун ҳар йилнинг октябр ва апрел ойлари даромадли ҳисобланади. Бизнес учун яқин кела жасакдаги давр эса: 2010.9.09; 2011.22.01–2011.4.06

МЕЗОН (тарози, 24 сентябр-23 октябр)

Умр йўлингизни пуллар билан боғланг



Барча бурж вакилларидан фарқли ўлароқ, Мезонлар энг тадбиркор ва меҳнатсевар ҳисобланишади. Улар фойдаси келмайдиган ишга ортиқча зўр бермайдилар, шу боис сармоя топишда бор кучлари билан ҳаракат қилишларига тўғри келмайди. Бундан кўра ҳамкорлари ва қўл остиларидаги ходимларга тегишли маслаҳатлари ва нозик ҳаракатлари билан шерикликдаги молиявий корхона ривожини истаб интиладилар.

Одатда, Мезонлар сахий, аммо баъзида молиявий масалаларда қалта ўйлашади. Яқин одамлари, айниқса севимли кишилари учун ҳеч нимани аямайдилар. Мезонлар уларга берган қарзларидан воз кечинилари, ўзларининг молиявий аҳволи почор аҳволига келса-да, ҳеч вақоси йўқларга баҳоли қудрат ёрдам беришлари мумкин. Мезон-аёллардан аксариятнинг молиявий фаровонлиги фавқулодда оддий тарзда ҳал этилади: бағоят мафтункорлигини англаған ҳолда улар омадли равишда турмушга чиқишига интиладилар.

Мезоннинг якка ўзи пул топиши қийин. У хусусий бизнесни уддалай олмайди. Умуман, ҳамкорларсиз катта пулни кўрмайди. Мезонларнинг даромади уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ўзаро битим тузишларига боғлиқ.

Мазкур бурж вакиллари учун муносиб иш – маъмурият. Мезонлар қарор қабул қилишга нўноқликлари, узоқ иккиланишлари, шубҳа-гумонга бораверишгани учун, яхшиси, мўмай пул топадиган ҳомийлар билан умр ришталарини боғлаганлари маъқул.

Ижодий соҳа санъат, шоу-бизнес, реклама, журналистикада уларнинг ишлари силлиқ кечади. Шунингдек, соат ишлаб чиқариш, заргарлик ишлари, меҳмонхона хизмати ҳам мос келади. Қўриқчилик-қидирув, адлия, соғлиқни сақлаш, пазандалик фаолиятида муваффақиятга эришадилар.

Мезонлар ўзлари якка ҳолда пул топишдан кўра кўп сарфлашади. Молия улар учун жамиятдаги муносабатлар ўлчовидир. Оммавий тадбирларда бўлиш, ҳурматли инсонлар билан қўришиш, таклиф қилинмаган зиёфатларга бехосдан кириб боришни хоҳлайдилар. Ҳаммаси учун тўлаш керак. Шундай экан, ўз ҳамкорингизни – ҳомийни изланг. Бундай инсон билан моддий роҳат-фарогатни ҳис этасиз. Санъат, маданиятга маблағ тика бошланг. Асл гўзаллик вақт қаърида ўчиб қолмайди, дейдилар, шуни инобатга олиб, косметика ва мода осори-атиқаларига алоқадор иш очинг. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам гўзали бошланишни таъминлаган бўласиз. Пуллар эмас, обӯй, нуфуз, ўзига хослик муҳим. Шу орқали кўп пул топасиз.

Умуман, Мезонлар буржлар оламидаги аслзодалардир. Уларнинг пули қанчалигини била олмайсиз. Мезонлар бойми ёки оддийми, буниси ҳам номаълум. Табиий ҳавас, иштиёқ ва уйғунлик ҳисси туфайли арzon кийим-кечаклар ҳам ушбу бурж вакилларининг эгнида зийнатли қўринади.

Мезонларнинг пул рамзи Ақраб. Тасаввур қиляпсизми? Мезонлар ва Ақраблар назокатли, латиф, вазмин! Зиқна ҳам, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, Мезонлар ҳиссиятли. Улар учун асосийси пул эмас, оташинлик, қизғинлик ва таваккалчилликdir.

Мазкур бурж вакиллари пулга унчалик беэътибор эмас. Лоқайдлиги шунчаки ўйин. Совуқ Мезонларни пуллар яхшигина иситади ва улар табиийликни хуш кўридишлар. Уларга пуллар қаердан келиб, қаерга кетаётганини билмайсиз. Худди бугун теварак-атрофини Бермуд учбурчаги ўраб олгандек.

Мезонлар терлааб йишкамайдилар. Пуллар уларнинг қўлида қандай қилиб кўпайниши ажабланарли. Қолаверса, пулларнинг тақсимланиши ҳам математик қонуниятга бўйсунмайди. Ўртага уч сўмдан пул ташлаб иш бошлашди, лейлик. Иш охирида улуш учга тақсимланиши керак. Қарангки, қанча ҳаракат қилманг. Мезонларда бу миқдор учга бўлинмайди. Иккига, бешга, ўнга тақсимланиши мумкин, аммо учга эмас.

Нима бўлганда ҳам мазкур бурж вакилларида пул қанчалигини ҳали ҳеч ким аниқлай олмаган. Уларга ҳамиша ихтиёрий равишда пул беришади. Биринчидан, нималар мажбурий берилганини исботлаб бўлмайди, иккинчидан, бермай кўринг-чи! Ахир, эркаклар ҳам аёлларга ўз инон-ихтиёрлари билан пул беришади-ку ёки нотўғрими? Энди эса Мезонлардан пул олишга уриниб кўринг. Бу борада бир нечта йўллар мавжуд. Биринчиси – сиз бундай ишга иккинчи бор қўл урмайсиз. Иккинчиси – олганингизга нисбатан анчайин кўп беришингизга, боз устига кечирим сўрашингизга тўғри келади. Учинчиси – умрбод қарздорсиз. Тўртинчиси – бу пуллар қаерга кетганини Худо билади ва ҳоказо...

Мезонлар ўз пулларини барқарор, кафолатли тавсия қилингган, ишоичли корхоналарга тикадилар. Улар ўзларининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам пули бўйича таваккалчиликка қўл уришмайди. Сизга эса ўзлари учун пул сарфлашингизга имкон беришади, аммо бу борада ҳеч қандай мажбурият олмайдилар. Аммо бу – Мезонлар ҳеч қачон ишламас экан, дегани эмас. Агар ҳаётий эҳтиёж туғилса, улар албатта ишлайдилар, фақат муҳтоҷлик туфайли. Мабодо пулларни ишлаб топиш эмас, уларга эгалик қилиш имконияти туғилса, Мезонлар дарҳол ўша даромад манбасини қидиришга тушадилар. Ўзлари учун пуллар ҳамиша топилишини онгли равишда билганлари учун ҳам улар одатда пул

жамғаришмайды. Ҳузур-ҳаловатни ва ўзларини яхши кўришади, шу боис кўп харажат қиласидар. Бу эса янада мўл-кўл пул топишларига имконият яратади. Ўрганаман деб хомтама бўлманг. Ҳудди Саратонларда бўлганидек, бунинг учун Мезон бўлиб туғилиш керак.

Қалтис иш: буни Мезон ўзи ҳис қиласи ва у ҳеч қачон адашмайди...

Ушибу буржес вакиллари учун ҳар йилнинг даромадли ойлари ноябрь, май бўлиши мумкини. Бизнес учун яқин келазискадаги омадли давр эса: 2011.4.06– 2012.11.06; 2017.10.10– 2018.8.11

АҚРАБ (чәён, 24 октябр-22 ноябр)

Ким пулни назорат қиласа, у кўпчиликни назорат қиласади



Мазкур бурж вакиллари молиявий фаолият борасида ниҳоятда омадли. Ақраблар тутма тадбиркор, улар банк бошқарувчилари, иқтисодчилардир.

Айтиш мумкинки, Ақраб пулни қандайдир олтинчى туйғу орқали ҳис этади. У бошқаларнинг пулинин жалб қилган ҳолда ўз ишини юритиб, бизнесни тасаввур қилиб бўлмас даражада ривожлантира олади. Одатда кескин ва фаол молиявий сиёсат юритади.

Ақрабларнинг пуллари доими тарзда ишлайди. Моддий фаровонлик уларни дастлабки вақтларда мафтун этади, холос. Ўз-ўзини таъминлаганидан сўнг бизнесга мароқли қоидасиз ўйин сифатида қарай бошлайди. Улар хавфли молиявий ҳолатларни аввалдан кўра билиб, турли йўлларни ўйлаган ҳолда, ҳатто йирик сармоя тикишда ҳам таваккалчиликдан чўчишмайди. Пулларни ўз имкониятлари ва муваффақиятларини кенгайтириш йўлида ишлатадилар. Кимгадир пул бериш керак бўлса, камдан-кам ҳолда рад этадилар, бироқ қарзларини ҳамиша ёдда тутадилар ва қайтармаганларни кечирмайдилар. Улар моддий жиҳатдан барқарор ва пухталик таъминланган тақдирдагина ҳомийлик ёки катта миқдорда хайрия ишларига қул уришлари мумкин.

Ўзгалар пулинин аъло даражада ишлата олишади (кредитлар, жамғармалар, суғурта бадаллари ва ҳоказо). Ақраблар ўзининг холаси ёки амакисидан қолган бой мерос эгасига айланишлари ҳам мумкин.

Ақраблар сиёсат ва хавфсизлик соҳаси, журналистика ва банк иши, адвокатура, рекламада омадли. Пойафзал, чарм маҳсулотлари, ёзиши, ҳисоблаш ишлари, кир ювиши машиналари, ўқув қўлланмалари борасида муваффақият қозонадилар. Туар жойлар, мебель, болалар учун маҳсулотлар, алоқа ва коммуникация воситаларини тайёрлаш ва сотиш ҳам ушбу бурж вакилларида рисоладагидек кечади.

Ҳеч ким Ақраблар каби бегона пуллардан осонгина фойдалана олмайди. Корпоратив фондлар, сугурта бадаллари, тўланмаган солиқ пуллари улар томонидан ажойиб тарзда “айлантирилади”.

Юқорида айтганимиздек, ушбу бурж охирида туғилганларга бой мерос қолиши ҳам мумкин. Айримлар учун бойлик топишдан кўра қудук қазиши осондек туюлади. Бундай эмас. Муҳими, катта ишга интилиш ва онгли тарзда таваккал иш тутишdir. Унутманг, Ақраблар, сизлар қарзни қайтарган ҳамон харажатларни ортиfi билан қоплайсиз. Кейинги кредитгача! Бироқ сармоядорларнинг ишончи-ни сунистемол қилманг – тўхташингиз қийин кечади. Пуллар қўпайиши, аммо кимнинг чўнтағига кириши лозимлиги номаълум бўлади. Ўшанда таниш манзарани кутаверинг: “ўзгалар пулини олиб, ўзингни билан тўлайсан”.

Айнан Ақраблар “пул қопи”га эга ҳисобланишади. Мана, Алибонинг фори – “ҳаммаси гилам устида ва кўзгуларда намоён, воҳ!” Ақраб умумий пулга ва сизнинг ҳамкорларингиз – бошқаларнинг пуллига жавоб беради. У (Чаён) сув рамзи. Сув эса, биласиз, буюк кўзбогловчи. Унинг тубида нималар борлиги ноаён, сатҳида эса сизга кўрсатганларидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Одатда, сувдаги буюм яқин ва катта бўлиб кўринади, қўлингни тиқишига ҳам чўчийсан, балки бу шунчаки бошқа суюқликдир, эҳтимол, қўлсиз қоларсан. Сув ҳақида сўз юритиляпти, деб ўйламанг тағин. Бегона пуллар хусусида гап кетмоқда.

Пуллар – қудратли куч-қувват, шу боис сиз уларни қанча кўтара олсангиз, ўшанча берилади. Ўйлаб кўрганимисиз, бизнесдаги пуллар нима сабабдан доимий ҳаракатда? Қувват ҳамиша ҳаракатда бўлиши керак, акс ҳолда у сизни яксон қилади, еб қўяди, йўқ қилади (худди чироқдан чиққан жин каби: “чақирдингми, керакли жойга юбор, акс ҳолда бўғиб ўлдираман”). Кучни бошқаришини билиш керак. Ақраб буни эплайди, табиий кучга қарши курашади, аниқроғи, уни бошқаради (қонунларні онгли равишда билади).

Зиқналик ёрлигини Ақрабларга ҳам ёпишира олмайсиз. Уларнинг пуллари “айланма”да, нақд пули деярли йўқ. Ақраб айланмага қанча кўп пул қўйса, шунча кўпайиб қайтишини билади, аммо бъзida эса фойда эмас, бошқача натижা кутилади. Бироқ Ақраб шунинг учун ҳам Ақраб, у таваккалчиликни ёқтиради.

Ақрабларнинг пули доимий равишда ўсади ва бутун олам бўйлаб айланади. Мазкур буржга тегишли хоҳлаган тадбиркордан сўранг-чи, айни вактда қанча пули бор экан, бу масалада унинг сизга жавоб бериши даргумон. Тижорий сирини айтишни хоҳлагани учун эмас, пуллари ҳар лаҳзада кўпайиши ёки камайиши мумкинлиги учун. Унинг сармояси ўз-ўзича яшаб, ҳатто эгасига шартларини айта бошлайди. Бўйин товлаб кўрсин-чи! Айнан шунинг учун ҳам пуллар бизга ҳамиша ишён бўлган ўз ҳаёти билан яшайди, умумий сармояни умумий маҳражга келтириш қийин. Биргаликда қандайдир ишга маблағ тикдингиз (катта-кичик, беш бўлакдан иборатми, фар-қи йўқ), фойда олдингиз ва келишилганидек тақсимланди. Тушунмовчиликлар бошланди. Ёдингиздами, сувда ҳамма нарса яқин (у даромад) ва катта кўришарди? Қўлишгизга олдингиз, кам кўринди, демак, ким айбдор? Пуфлаб берган одам! Бизнесда икки қўшув икки тўрт бўлмайди. Ҳеч қачон!

Ақраб буларнинг ҳаммасини билади. Шу боис пулларга ўйинчоқ сифатида қарамай, уларни ўрганишни севади. Молиячилар, иқтисадчилар ва банк ишчиларини туҳфа этадиган асосий рамз – Ақраб. Пуллар билан муносабатга оид усуllibардан бири – уларни қўлдан ўтказиб юборнишидир. Банклар орқали улкан ҳажмдаги пул оқими ўтади. Банк ходими бу ҳажмини илғамайди, у пулни қайта ўтказади, йушалтиради, қутблайди. Ақраблар ўз пулларига худди шундай муносабатда бўлишади. Пуллар, бу – қувват. Олдингми, бер. Бердингми, ол. Ақраб олган заҳоти дарҳол бериши кераклигини гўё билади. Қандай қилиб?.. Нима фарқи бор? Унга пул сақлаш ва жамғаришни ўргатманг. Ақраб пул сақлашнинг энг ишончли йўли – улардан халос бўлиш, айланмага қўйиб юборниш эканлигини билади. У пулларга эркинлик беради, акс ҳолда улар ўзи кетиб қолади. Арифметика ана шунақа.

Бу сизга тутуриқсиз туюляптими? Шунинг учун ҳам, ҳатто кичик бўлса-да, фор топа олганингиз йўқ (Алибобоникига ўхаш

фор назарда тутиляпты). Агар сиз худди Ақраблардек иш тутиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатини тақрорласанғиз, бошланғич сармоянғиз күп ва ҳамкорларингиз ишончли бўлса-да, тўлатўкис касодга учрайсиз. Ақраблардан “ҳаракатлар сценарийси”ни ҳикоя қилишини ўтиниб сўрасанғиз ҳам тушунтириб беришолмайди. Улар пуллар ҳақида барча маълумотни билишади. Қаердан? Ҳакка думида олиб келган манбалар орқали. Қолгани – таваккалчилик.

Ақрабларда қўрқув бўлмайди. Ягона қўрқадигани – ҳаётий қувватидан жудо бўлишdir. Улар пулларини йўқотишдан ҳам чўчимайдилар. Аслида йўқотишмайди ҳам, балки эркинлик, билим, тажриба ва имкониятга эга бўлажагини тушунишади.

Ақрабларнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бирини алоҳида тилга олиш керак. Агар улар сармоя тикмоқчи бўлсалар, пулларини бир нечта ва турли соҳалардаги корхоналарга йўналтирадилар. Иккинчидан, бегона сармояни кўпайтиришдан чўчимайдилар – ўз ҳиссаларини олишларини биладилар – пул кўринишидами, бошқача тарзда-ми, бу аҳамият касб этмайди.

Мазкур бурж вакиллари пулларга ҳиссий жиҳатдан боғланмаган, шу боис қўлларидан жуда кўп пул ўтади. Кимнинг қўлида қанча пули борлиги Ақраблар учун шунчаки маълумотдан бошқа нарса эмас. Ақраб (Чаён)нинг “сув”ида қанча миқдордаги пул чўкиши мумкин? Буни ким ҳам биларди? Ҳеч қачон билмайди.

Ақраблар учун қалтис иш: сартарошлиқ, автомобилсозлик, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар.

Даромадли ойлар эса декабрь ва июнь. Бизнес равнақи борасидаги омадли йиллар: 2012.11.062013.26.06; 2018.8.112019.2.12

ҚАВС (6й, 23 ноябр-21 декабр)

Ернинг бир қисмини теварак-атрофидан ўраб олган шлк одам, “бу меники”, деди. Кейин эса ўзига ишонши борасида бошқаларниң содда, дўлворликларини кўриб, у тараққий этган жасамиятнинг ҳақиқий асосчисига айланди



Қавс-одамлар яққол кўрингган орзуманд, хаёлпастлардир. Бу уларнинг пулга муносабатида ҳам намоён бўлади. Фақат икки истисно мавжуд: улар пулларни яхши кўришини айтиб, бунинг учун ҳар қандай ишга тайёр эканликларини айтишдан уялмасликлари ёки аксинча: пуллар жирканч матоҳ эканлигини эътироф этишлари жоиз. Шунга қарамай, Қавслар барибири маддий бойликка лоқайд эмас.

Улар бизнесда омадли ҳисобланишади. Кўп ҳолларда омадлари чопади. Бироқ бу кайфиятларига боғлиқ: омад келган вақтда

Қавслар саҳий бўлиб кетадилар, қисқа фурсатли муваффакиятсизлик даврида эса майда чақаларгача тежайдиларки, бошқаларда улар ҳақида “қурумсоқ” деган тасаввур уйғониши ҳеч гап эмас. Маддий аҳволлари барқарорлашганда хушмуомала, илтифотли одамларга айланишади. Бундай ўзгарувчанлик уларни мураккаб инсонлар сифатида кўрсатади, шу билан бирга бошқаларни ана шу хислатлари билан ҳисоблашишга мажбур қилишади.

Қавс ўқимишли, қули очиқ, манфаатпаст одам. Майдакаш эмаслиги туфайли атрофдагилар уни яхши кўришади. Бўлар-бўлмас харажатлари кўп. У оиласи ва дўстлари учун талай пул сарфлайди. Бўрини оёғи боқади, деганларидек, Қавс тайёрига учмай, ҳамиша ҳаракатда бўлади. Катта-катта харажатларига қарамай, аллақаердан пуллар ҳам келаверади.

Улар қайтимни сўраш учун майдалашиб ўтиришмайди. Баъзида улкан харажатларга, исрофгарчиликларга йўл кўядилар. Агар Қавслар сайёхлик бизнеси, ёзувчилик фаолияти, ўқитиш, валюта операциялари (экспорт-импорт), халқаро ҳуқуқлар, дин, фалсафа (дунёқарашни ўстириш) билан шуғулланишса, пул уларга оқиб келади.

Мазкур бурж вакиллари ўз билимини атрофдагилар билан бўлишишлари (билим тарқатишлари) жоиз – берган қўл ҳеч қачон камбағаллашиб қолмайди. Бойлик билан бирга ҳурмат ва шон-шарафга ҳам мусассар бўладилар.

Тиббиёт ва таълим, коммивояжерлик (хусусий корхона ёки фирма молларидан нусха кўрсатиб, шаҳарма-шаҳар буюртма тўпловчи

вакил иши), даллоллик, сұғурта, ахборот тарқатиши соҳаси, модель бизнеси уларда муваффақиятли кечади.

Айрим Қавслар олий маълумотли (университетни тугатиши), қашшоқлик ҳақида қалин-қалин китобларни ўқиган ва буни бутун қалбла-ри билан ҳис қилишса-да, уларда “қора кун” тушунарсыз кечади. Ҳар бир Қавснинг ҳам ҳамёнида пуллар бўлмаса-да, улар сайёҳлик бизнеси, экспорт-импорт (валюта операциялари) ва халқаро ҳукуқ борасида муваффақиятга эришадилар..

Олий маълумот, малака ошириш, чет тиллар факультети ўз самараси-ни беради – улар Қавсни бекаму кўст келажакка элгатди. Ажабланарлиси, кафолатли фаровонлик манбаи ёзувчилик шон-шуҳратига эришишдир. Мемуар ва гонорарлар, таълим бериш ва шогирдлар меҳр-муҳаббати Қавсларнинг моддий фаровонлигига улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Бироқ хайрия-муруват ҳақида ҳам унутманг, аks ҳолда пуллар баҳт келтирмайди. Толеининг ёrlақашини истайсизми? Унда топганингизни бўлишиши үрганинг. Жуда бўлмаса билимингиз билан. Ана шунда янада мўл топган ҳисобланасиз – ҳурмат-иззатта сазовор бўласиз (пулга сотиб олиш мумкин бўлмаган фалсафий бойлик эгасига айланасиз).

Қавслар молиявий барқарорликни ёқтирадилар. Шу боис тасодифий пулларни эмас, ўзгармас маошни афзал кўришади. Иш ҳақи уларни қониқтирса кифоя. Мазкур бурж вакиллари шунчаки ишлашни эмас, амалдор бўлишни ҳам исташади. Қанча юқори лавозим бўлса, шунча яхши. Амални эгаллагач, яхшилаб ўрнашиб олади, уни оддий-гина қилиб бу жойидан силжитиб бўлмайди. Қавс фақат юқорига йўл олади – унинг учун пастга ва орқага йўл йўқ. Илмий мактабни олайлик (Қавс учун яққол мисол). У қандайдир илмгоҳ раҳбари си-фатида пишиқ, мустаҳкам иш юритиб, доимий тарзда фахрий, ил-мий ном, даражани эгаллайди. Ўрнидан силжитиб кўринг-чи! Хиз-матига яраша унинг маошига турли мукофотлар, паёқ, имтиёз ва ҳока-золар қўшилади. Натижада Қавслар қатъий ва берилиши шарт бўлган мояна эгасига айланадилар. Ҳаммаси қонуний асосда. Шундай экан, амалий жиҳатдан давлат таъминотидаги Қавс унча-мунча одам эмас.

Улар пулга талаб даражасида ҳурмат билан қарашади. Бўлар-бўлмасга сарфламай, аниқ мақсад билан ишлатадилар. Қавснинг ик-кинчи услуги у пуллардан фойдаланиш ҳуқуқини хотинига топши-ради. Хотини Қавснинг бадастирлиги учун қанча пул ишлатишни пухта билади, қолганини ўзи хоҳлаганча сарфлайди.

Қавслар пулларини ўз оиласига ёки кўчмас мулкка бағишилашади. Агар пуллар борасида ушбу бурж вакилларига нисбатан, у – оловли рамз, ташқи таъсирларга берилувчан, кўнгилчан, ўзимга оғдиришим мумкин, деб ҳисобласангиз, қаттиқ адашасиз. Улар пуллар билан хайрлашишга шошилмайдилар. Сиздан таклиф тушса, ўйланиб қолишади (ақлли бурж белгиси). Қандай қарорга келишини Худо билади. Олов foяни эшитди, қолганини яхшилаб мулоҳаза юритиб кўради. Аланга тафтидан нималар ҳақидадир ўйлаб, қарор чиқаради. **Мабодо таклифингиз юксак даражада эмас.** У сизнинг foянгизни қабул қилди, уни қутблади, ички захираларини очди ва ўзи излаган мақсадгага мувофиқлик мағзини топди. Қаноатланганича томоқ қириб, розилигини маълум қилди. Сизнинг ўрнингиз йўқ. Сиз гўё мавжуд эмас эдингиз. Сиз унга ўзингиз қувиб етолмаган нарсани келтирдингиз. Қавс паришонликка берилиб, сизни мутлақо пайқамаслиги ҳам мумкин.

Мазкур бурж вакиллари доимий тарзда нималарнидир ўйлайдилар, ён-атрофни илғамай, бурни остини кўрадилар. Аммо кейин гапга тушганларида эса замбаракдан тўп отиб ҳам уларни тўхтатиб бўлмайди.

Қалтис иш: қурол ва ўқ-дорилар, ёнувчи-мойлаш материаллари, транспорт, хомашё операциялари олди-сотдиси.

Қавслар учун ҳар йилнинг январ ва июл ойлари омадли кечади. Бизнес дунёсидаги омадли йиллар эса: 2013.26.06–2014.16.07; 2019.2.12–2020.19.12

ЖАДИЙ (тоғ эчкиси, 22 декабр-20 январ)

Пулларга нисбатан яхши обрў-эътиборнинг қиймати баланд



Жадийлар учун бошқаларда учрамайдиган “таркидунёчилик” кўпроқ хосдир. Молиявий аҳволи қай даражада бўлмасин, улар яширинча, енг ичиди иш тутишади. Ўзларининг ҳомийликлари ва саховатлари ҳақида овоза қилмайдилар. Молиявий масалаларда секин-аста муваффақиятга эришадилар. Бу йўналишдаги фаолиятда уларнинг эмин-эркинлиги рағбат вазифасини ўтайди.

Дастлабки умргузаронликда Жадийлар, юмшоқ қилиб айтганда, камтарона ҳаёт билан қониқишилари мумкин. Мұхым воситаларга зға бўлмаслик ва жамиятда ўз ўрнини эгалламаслик уларни ҳадеганда ташвишга солмайди. Бундай вақтда ҳәётининг қолган қисмини ана шу мақсад сари сарфлаш учун ўз-ўзига сўз беради. Моддий жиҳатдан таъминланганлик бу борада фақатгина ижтимоий мавқега эга бўлиш йўлидаги восита ҳисобланади.

Жадийлар – ҳаддан зиёд тежамкор. Ўйин-кулги ва шахсий эҳтиёжлар учун кам пул сарфлаб, уни фақат зарурат учун ишлатишади. Ҳатто, беҳисоб бойликка эга бўлиб ҳам улардан мутлақо фойдаланмасликлари, масалан, эски костюмда юришилари, енгил овқатланишилари, транспортдан иқтисод қилишилари мумкин. Айнан шу хислатлари туфайли бошқалар уларни мумсик, хасис ҳисоблашади.

Жадий кўпинча ўзига шундай савол беради: “Нега мен? Кулфатлар, совуқ, очлик, етишмаслик...”

Улар ҳашаматни ёқтирмасликка туғма мойил. Молия ҳам шунга монанд жавоб қайтаради. Албатта, пулни мақсад сари восита деб англаш чакки бўлмасди. Дарвоқе, ёш Жадийлар пулни белкурак билан тўплашга ҳаракат қиласидилар. Буни ўзларига хос хислат деб ҳисоблашади. Маблағ топишга интилиш яхши, аммо озроқ дам олиш ва хушвақтлик ҳам керак. Бу билан камбағаллашиб қолмайдилар. Ҳатто чегара занжирини узиб, бадавлат бўлишади. Чекланиш ақлда бошлиниб, ҳамёнда тугаши яхши маълум. “Пулни қамроқ севинг, улар сизни севсин”, деган экан бир миллиардер. Шу боис Жадий яшаш учун росманасига кураш олиб боради.

“Жадий”лар молиявий мажбуриятларга амал қилган ҳолда қарз олмасликлари лозим. Яна бир гап: дунёдаги барча пулларни йифиб бўлмайди.

Жадий аниқ мақсадга интиладиган шахс бўлгани боис пул ҳам шунга монанд тарзда унга керак бўлиши ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Ўз мавқенини яратишга интилиши, ишлаши, бунинг учун эса қувонч олиб келадиган севимли соҳани эгаллаши керак. Фаолияти давомида ижобий ҳиссиётлар чўнтағига оқиб келадиган пулларни жалб этади. Қувонч бахш этмайдиган, ўзи севмаган иш унга умидсизлик, кўнгил совишидан ташқари ҳеч нарса бера олмайди. Уй, автомобиль таъмирлашга алоқадор ҳар қандай операция, ер, қим-

матбао қоғозлар билан ишлаш, даллоллик ва олди-сотди, сантехника ва спорт жиҳозлари доирасида омадли (пойафзалдан ташқари). Хомашё топиш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва меъморчилик ҳам уларда муваффақиятли кечади.

Жафо чекувчи Жадийлар! Ақраблар каби улар шаънига ҳам кам ёрлиқ ёпиштирилмаган. Жадийлар ташқи томондан забт этиб бўлмайдигандек кўринишади, чунки улар ўзларининг ожиз томонларини очишдан қўрқадилар. Ожиз қирралари йўқ, деб ўйлайсизми? Хоҳлаганингизча топилади. Нима бўлганда ҳам инсон-да! Камчиликсиз одам бормикан? Ваҳоланки, Жадийлар бутун оламга, шу билан бирга ўзларига “қўрқув ва гина-кудурат”дан холи эканликларини исботламоқчи бўлишади. Бошқаларга қараганда, қўрқув уларда анча-мунча, гина-кудуратга келсак, ҳозир биз бу ҳақда эмас, пуллар борасида сўз юритмоқчимиз.

Жадийлар учун пул, энг аввало, эркинликдир! Ҳа, қўрқув, бурч, тартиб-интизом, шартлилик, қонуилар ва ҳоказо-ҳоказога банди, занжирбанд бўлган ушбу бурж вакиллари эркинлик ҳақида орзу қилишади. Улар ана шу санаб ўтилганлардан холи, дахлсиз бўлишни хоҳлайдилар. Ўзларининг фикрича, зориқиб кутилган бундай эркинликни пуллар беради, маълум миқдорда эмас, балки аниқланмаган аниқ миқдор ҳадя этади. Ишонаверинг, худди шундай! Моҳиятан айтганда, ўзларини озод, эркин ҳис этиш учун ана шу аниқланмаган миқдорни сирасира аниқламаган тақдирда улар Жадийликларича қоладилар.

Мазкур бурж вакиллари пулни ҳаводан сузуб оладилар. Аниқроғи, улар пулларни кўпинча мушаклари билан эмас, ақл билан пул топишни лозим кўрадилар. Жаъдийлар – маҳоратли бошқарувчи, услубчи, режа асосида иш тутувчилардир. Улар асосий ва иккинчи даражали омилларни бирваракайига кўриб, иккинчи даражали ишларни асосий юмушга тобе қила оладилар. Айнан Жадийлар ўз режаларини рўёбга чиқариш учун “пулни жалб этиш”, оддий сўзлар билан айтганда, “ҳомий топиш”ни уddyлашади. Бундай ёндашув “фоя асосида” дейилса-да, аслида пуллар бизнес-режа учун ишлатилади, у ерда эса устаси фаранг Жаъдий туради. Кеинин унинг “фоя”си асосида бутун бошли ходимлар тер тўкишади.

Ушбу бурж вакилларининг пулга муносабати фалати. Жадийнинг пуллари гўё уники ҳисобланмайди ва аксинча жамоа, корхона, концерн пули унинг шахсий пули, Жадий уларни ўз ихтиёрига кўра та-

сарруф қиласверали. Ҳатто Жадий шу даражада “үйинга берилиб” кетадики, бу пулларни ҳақиқатдан ҳам ўзиники ҳисоблай бошлайды. Шу тариқа камомад ва мансаб сунистемоллигига йўл қўйиши мумкин. Жаъдийлар моддий қийиматни қанчалик кўп тасарруф этишса, ўзига ўзи баҳо бериппи ва мавқеи даражаси шу қадар юқори бўлади. “Дала-ҳовли давлатникими, машина (яна қанақаси денг!) идораникими, фойдаланаверман, улар амалий жиҳатдан меники ва демак, мён бу оламда югурдак эмасман”. Жадийлар оддий ходим сифатида ҳам шундай хусусиятларга эга. Улар ўзга қувват эвазига “ёнган” ёғудуда кўринишни биладилар. Бу қувватни ўzlари томонга ёритиб турищади.

Пул ишлаб топиш масаласида бошқа жиҳатдан Жадийда ижодий қувват бисёр. Бу ижодий салоҳият ўзининг тасарруфидаги сармояни ёки ҳамкорликдаги улушни кўпайтиришига имкон беради.

Жадийлар учун пуллар ҳаракат йўналиши ва кейинги фаолиятини айтиш душвор бўлган тирик мавжудотдек гап. Тўсатдан пулларнинг қонтомирини топишганида пул уларга “фавворадан отилганидек” келиши ёхуд табиатда мутлақо йўқдек улардан тўла-тўқис ғойиб бўлиши мумкин. Жадийлар ақл бовар қилмайдиган даражада пул сарфлашади, шунингдек, улар ўта зиқналиқ ҳам қиладилар. Қолаверса, пулга қандай муносабатда эканликларини ўzlари ҳам билишмайди. Жадийлар ҳақидаги расмий, янгиликларни қабул қилмайдиган тарзда умумқабул қилинган фикрларга қарамай, улар пулларнинг янги манбасини айнан янги foялардан излайдилар. Бу борада ҳаммасини тарозида тортиб кўриб, “бизнес-режа тузиш” учун вақт талаб қилинади, холос. Агар сиз бемаъни foянгиз қачонлардир амалга ошишини истасангиз, Жадийларни излаб кўринг, кейин эса сабр-тоқат билан уларнинг жавобини кутинг ким билсин, эҳтимол, омадингиз чопиб қолар.

Жадийлар учун қалтис иш: гуллар тарқатиш, жониворлар билан ишлаш, ўткир ва санчиладиган буюмлар, тамаки маҳсулотлари, ўйин-чоқлар, атторлик буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш, мушакбозлик.

Омадли ойлар: февраль ва август. Бизнесда яқин келажакда мувваффақият қозониши мумкин бўлган давр: 2014.16.07-2015.11.08; 2020.19.12-2021.14.05.

ДАЛВ (қовға, 21 январ-19 феврал)
Пуллар, агар гүнг каби сочишмаса, фойдасиз!



Далвлар учун пул – ўйинчоқ, қизиқарли кашфиётдир. Бундай одамлар манфаатпрастликдан батамом холи бўлиб, яқин кела жакда инсоният пулсиз ҳам яшайди, деб астойдил ишонишади. Унгача эса Далвлар моддий фаровонликни ўз foяларини амалга ошириш ва ҳаётий эҳтиёжларини қондириш омили деб ҳисоблайдилар.

Бой-бадавлат Далвлар кам учрайди. Айтиш мумкинки, улар зарур пайтда қанча керак бўлса, шунча топишга қодир. Пуллар билан ҳеч қандай ўқинч, афсусларсиз хайрлаша олишади,

бундай йўқотишдан янада керакли ва фойдали бошқа даромад манбанини эгаллашларини биладилар. Харажатлар манбаи қизиқиши ёки дўстларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашидир. Бошқалардан фарқли ўлароқ қайсиидир корхонага узоқ муддатли пул тикишлари мумкин. Шунингдек, улар ноанъанавий даромад манбаига эга бўлишади. Тадбиркор-Далв ҳамиша бажонидил ҳомийлик қилиши ва кўпинча бошликовчи ишбилармонларга ёрдам қўйини чўзиши мумкин.

Далв якка одам ҳисобланмайди. У Эгизаклар каби дўстлари билан иш юритиши лозим. Фақат дўстлари ёрдамида юксакликка парвоз қилиши мумкин. Фаровонликка эришиш учун Далвлар ҳар қандай ишга қўй урадилар. Бойлик сари ноанъанавий йўллар ўз ҳосилини беради.

Далв фаровонликка эга бўлиши учун ривожланган технология, кашфиётлар, янги-янги foялар, ижодкорлик асосида фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир. У компьютер, нашриёт-матбаа бизнеси асосида пул оқимини ўзига жалб эта олади. Умуман айтганда, илфор технологиялар Далвларни кутилмаган омадга рўбарў қиласди.

Улар ҳаётда молиявий парвозлар ва қулашлардан холи бўлмайдилар. Бунга ўрганишлари ва омад келишига умид қилишлари керак. Агар Далв пулдан кўра дўстларини кўпайтиrsa, унинг ҳамиша ошиғи олчи, деяверинг. Далвлар учун дам олиш уйлари ва санаторий-сиҳатгоҳларга эга бўлиш, шундай хизмат турларини ташкил этиш муваффақиятли кечади. Мебеллар ташиш ва катта ўлчамли маҳсулотлар, қурилиш ашёла-

ри борасида омадли. Шунингдек, ўйинчоқлар, спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш ва сотиш, китоб нашри, мусиқий асбоблар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ёғочни қайта ишлашда ютуқقا эришадилар.

Далвлар учун пуллар – бошдан-оёқ қоронгулик. Шундай тасаввур туғиладики, гўё уларнинг барча чўнтаклари ва ҳамёнилари тешик. Далвларда пуллар турмайди, улар гўё қоронгулик қўйнида сочилиб кетади. Далвлардан ҳамёнида қанча ақчаси борлигини сўраб кўринг. Йўқ, улар учун бу жудаям қийин вазифа. Ҳозиргина Далвларга қанча қайтим беришганини, яхшиси, хийла аввалроқ улар қанча пул тўлашгани ҳақида сўранг. Одатда шундай жавоб қайтаришади: “Буни Худо билади”. Ростдан ҳам, Далвларнинг нақд пули қанчалигини, умуман, пуллари борйўқлигини Худо билади. Шундай тасаввур уйғонадики, гўё Далвлар пулсиз яшашга ҳам қодир. Агар мавжуд воқеликка қайтишга мажбур қилувчи оиласи бўлмаганида, эҳтимол, улар “авлиё” мисоли яшардилар.

Дарвоқе, Далвлар еб-ичишида қаноатли. Бугун Худо берганини тановул қиласди ёки умуман емайди (баъзида ўз-ўзидан овқатланишини хоҳламай қолади). “Олмами, олма тановул қиласми, шакарсиз чойми, шакарсиз бўла қолсин, қайноқ сув ҳам ёмон эмас”. Баъзи ҳолатлардагина у-бу тансиқ егуликни исташи мумкин.

Пуллар ҳисоб-китобни ва ўзларига нисбатан ҳурмат-эътиборни севади. Далвларнинг эса қўлига пул тушдими, пулларни кўпайтириш қоидасини эслаш ўёқда турсин, шу заҳоти бирга иккени қўшишни ҳам бажаролмай қоладилар. Улар худди даҳмаза ишга дучор бўлган-дек, мулоҳаза юритиш қобилиятини йўқотишади. Бироқ, ажабланарлиси, Далвлар бегона пулларга аниқ-тиниқ, беғараз муносабатда бўлишади, худди бу пуллар мутлақо пул эмасдек, қўмлоқдаги тошлардек.

Уларнинг ғояси ўзига хос – бутун дунёга меҳрибонлик қилиш. Далв ўз ғоясини ифодалай бошласа, албатта, қулоқ тутинг. Унинг ижросида аввалига скрипка, кейин пуфлаб чалинадиган чолғулар, шундан сўнг фанфара садолари янграйди.

Гап. Худоим шундай олижаноб инсонга рубарў қилгани учун сиз Далвларнинг ишончини қозониш ва уларнинг кўксига бош қўйиб баҳтдан кўзёши тўкишингизда эмас, балки ушбу бурж вакилларининг ғояларида одамзодга меҳрибонлик мужассамлигини кўрсатишда. Агар бошингизга бирор кулфат тушса, Далв ҳақиқатан ҳам сизга ёрдамга ошиқишига қодир бўлади. Унинг меҳрибонлиги нималарга асосланганини айтиш қийин. Эҳтимол, “одамзод”га астойдил жонбозик қилиш-

да давом этишидандир бу! Умуман, құлида ҳадеганда пул турмайдиган Дағын инсонни севишдан бўлак қандай ёрдам қилиши мумкин?

Қарангки, ҳамкорликдаги ишда Дағвлар худди бургут каби зийрак. Улар барча кемтикликларни кўра олишади, бундай пайтда синчков, мижғов Сунбулага (Бошоқча) айланишади. Ўзининг пулига алоқадор гап бўлса, ўриндан жилмаслиги мумкин, мабодо гап умумий қозонга тааллуқли ишга тақалса, Дағвни тўхтатиб бўлмайди. Баббаравар ҳисоб-китобга эришиш мақсадида шахсан ўзи учун муҳим бўлмаса-да, йўқолган тангани топа олади. Фақат бу борада у заиф, бўш. Тангани излаб, минг-минглаб пулни ўтказиб юбориши мумкин (санаб-қидириб бўлгунча). Қизиқиш панд беради. Тангани излаш асносида вақт кутиб турмайди-да, ваҳоланки, вақт, англаганингиздек, пул, Дағвлар учун эса пул, юқорида эътироф этганимиз каби бошдан-оёқ қоронгуликдир.

Қалтис иши: банк ишлари, идиш-товоқлар, кийим-кечак сотуви.

Дағвлар учун ҳар йилнинг март ва сентябрь даромадли ойлар ҳисобланади. Бизнес борасида яқин келажакдаги муваффақиятли даври эса: 2010.09–2011.22.01

ҲУТ (балиқ 20 феврал-20 март)

Катта ёшли одамлар бўлмайди. Аслида катта инсон – пули бор болакайдир



Ҳутлар асл моҳиятига кўра, пуллар ҳақида зифирча тасаввурга эга эмас, уларнинг қийматини ҳам билишмайди. Ушбу бурж эгалари туганмас хазинага эга бўла туриб буни ҳис қилмасликлари ёки аксинча ҳамма нарсалари бўлса-да, уларни деярли қашшоқ ҳисоблаш мумкин. Аксарият ҳолларда нўноқлик қилишади, Ҳутларни осонгина алдаш мумкин. Шу боис улар ҳақида фамхўрлик қилиш яқин одамларининг зимасига тушади. Ишни маҳкам ушлаш қобилияти деярли йўқ, Ҳутлар ўзларининг ҳис-туйғуларига суюнадилар. Улар -- бошқа тадбиркор кишиларни дохиёна ғоялари билан бойитиб, миллионлар топишига сабабчи бўладиган инсонлардир.

Мазкур бурж вакиллари пулга ўзгача муносабатда бўлишади. Уларга ҳомийлик хосдир. **Ғала-ғовур ишларда катта-катта пул топиб, пинҳона ўйинлардан сармоя жамғаришда устаси фаранг.**

Мусиқа, санъат асарлари, бензин, табиий газ, дори-дармон бора-сида ишлай оладилар. Ҳут (Балиқ)лар йирик даромад топган тақдирда ҳам аксарият ҳолларда бу пуллар улардан тезда узоқлашиб сузиб кетади. Натижада улар яна лойқа сувга ботиб қолишларига тўғри келади. Ҳутлар учун пул сувдек гап, ҳамиша сирғанадилар...

Нашриёт ташкил этиш, газета-журнал чоп этиш ва шу соҳада хизмат кўрсатиш, шаҳар ташқарисида меҳмонхоналар барпо этиш, чет элликлар ва хориж валютаси билан ишлаш, реклама агентликлари, сайдхлик бюроси, сартарошлиқда муваффақият қозонадилар.

Ёруғлик техникаси, сайдхлик, атторлик ва бижутерия (жун тақинчоқлар), ювадиган ва тозалайдиган воситалар тижоратида омадли.

Оммабоп китобларни ўқир экансан (ўз касбининг усталари ҳам бу билан гуноҳга ботсалар-да), Ҳутлар абадий азоб-уқубатга ва соқин кўзёшларга гирифтор, беҳуда орзу қилишдан бошқасига ярамайдиган қандайдир шаклсиз мавжудот деган хulosага келиш мумкин. Мана, ўтириб йиғлашмоқда, дуч келган одамга ҳамдардлик билдиришмоқда. Уларнинг кўнглидаги орзуси – яқин инсонига ёрдам кўрсатиш. Кимгадир ёрдам беришмаса, ҳамдардлик билдиришмаса, кунлари беҳуда ўтгандек туюлади. Аслида эса ёзилган ҳамма манбаларга ҳам ишонавермаслик керак, аниқроғи, ўқинг ва текшириб-синаб кўринг.

Ҳутлар пулга асло лоқайд эмас, бироқ бу бошқаларга аксинча туюлади. Улар ўзларининг пулларига нисбатан ҳаддан зиёд мустақил ёндашадилар. Қаердадир пул ишлаб топиш мумкин бўлса, бундай имкониятни қўлдан чиқармайдилар. **Фойда келадиган томонга шиддат билан учадилар** (агар ўзларига кераклигини билишса). Нима учун учадилар? Сиз ўзингиз Ҳутлар билан хотиржам алфозда суҳбатлашганмисиз? Улар қандайдир “қадрдон”, шунга қарамай, ушбу бурж вакиллари ҳузурида сизни мудроқ босади. Ва бирдан турган жойларидан югуришга шайланишади. Тўғри, бу борада Ҳут сизга “биргаликда чопиш”ни тарғиб қилиб, эришижак ютуқни жонли тарзда тасвирлай бошлайди, узоқ ўйланадиган бўлсангиз, сизсиз ҳам югуриб кетаверади.

Пуллар масаласини Ҳутлар ҳужумкорлик билан ҳал қилишни хуш кўришади. Ҳут (Балиқ) сув юзасига чиқади, чувалчангни тутади ва

сув тубига шүнгийди. Бинобарин, бу борада ҳар қандай бошланиш энг муҳим, энг күламли, энг тезкор, энг замонавийлик касб этади. Ҳутларда ички ҳис-түйфу ўта кучли, улар бошқалар мұваффақиятсиз ҳисоблаган ишга киришишга қодир. Бироқ мазкур бурж вакилларининг кулфати шундаки, пуллук лойиҳаларни ҳаракатга келтириш учун уларга ҳамкорлар керак бўлади. Уларнинг завқ-шавқи тез тугайди. Ҳут (Балиқ)ларнинг олий мақсади – сузиш, мўмай пул олиш (ғоя учун мукофот) ва келгуси истиқболли foялар (бошқа нарсани Ҳутлар ўзларида ушламайдилар) учун булутсиз юксакликда сузиш учун яна тубсизликда ётиш.

Агар Ҳутлар қўшма корхоналар борасида иш бошлашса, унга ёқимли кишилар жамулжам бўладиган қандайдир клуб сифатида қарашади. Улар гўё Ҳутни мутаносиб ва дурустгина даромад билан таъминлашлари лозим. Акс ҳолда у ўзининг “мустақил охур”идан емиш излашга ўтади, бироқ ҳамкорларидан узилиш худди севимли инсонларидан жудо бўлиш каби шохуш таъсир қиласиди.

Ҳутлар фақат ҳамкорликда ёхуд бошқалар қизиқишига (вакиллик, ҳуқуқшуносликка) алоқадор кишилар билан боғланган ишларда “яхши” пул топишлари мумкинлигини билишлари лозим. Мабодо бир ўзи иш тутадиган бўлса, керакли миқёс, кўламни йўқотиб қўяди ва якка ҳолда қолиб кетади. Ҳаво қулфи очилади, имкониятлар тубдан фойиб бўлади, юксалиш тақдир измига ташлаб қўйилади. Натижада Ҳут тубсизликка чўкиб, азоб-уқубатларга гирифтор бўлади. Ўзининг ёлғизлиги ва кулфатларини дилидаги эҳтиёжларига боғлар экан, навбатдаги марта беғараз (ҳар ҳолда ўз улушини уларга қолдирди) ва барча гуноҳларни кечиравчи (“менга нисбатан қандай иш тутганингиздан қатъи назар, сизлар билан гаплашяпман”), улуғворлигига ишонган ҳолда у бебаҳо foяси или сузуб чиқади ва ҳаётida янги босқич бошланади. Ҳутларнинг қалбидаги эҳтиёжлардан бехабар кишилар уларга нисбатан қандай иш тутганилкларини англаб етишмайди. Ҳут уларни неча марта кечирганини билишганида чинакамига ҳайрон бўлишарди. Фофил хушбахт девоналар!

Қалтис иши: қурилиш, металлургия, автобизнес.

Ҳутлар учун ҳар йилнинг даромадли ойлари: апрел ва октябр. Бизнесдаги омадли йиллар: 2010.9.09; 2011.22.01–2011.4.06



Хуллас, бурж вакилларининг пуллар билан алоқадорлиги бора-сида маълумотга эга бўлдингиз. Пул одамни бузади, деган ақидага кимдир ишонади, кимдир эса йўқ. Антуан Риваролянинг сўзларини ўқиб кўринг: “*Қуёш мумни эритиб, лойни қотиргани мисоли олтин қалбларга қувонч солгани билан ҳақирларни сиқилишига мажсбур эта-ди*”. Бойлик йўлдан оздирса-да, ўзлигича қолиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Фрэнсис Бэкон шундай деб уқтирган: “*китта пуллар ёрдамида одамларни сотиб олишдан кўра улар кўпроқ сотилган*”.

Ушбу маслаҳатларни эслаб қолинг:

- умргузаронлик қилиш асносида маблағни жалб этишнинг сирларини билиб олинг;
- алдам-қалдам йўллар билан ишончингизни қозонадиган кишилардан эҳтиёт бўлинг;
- хусусий мулк борасида хаёлпаратликка камроқ берилинг;
- замин узра икки оёғингизда туринг (Саврлардан ўрганинг, алаҳламанг);
- Орзу қилиш зиён қилмайди, аммо фақат шу билан улкан бойликка эга бўла олмайсиз. Албатта, ҳаётда хайр-эҳсон ҳам қилиб туриш керак. Бироқ хайрия учун яхши пул ишлиб топиш лозим, ваҳоланки, ҳамма иш ҳам ўнгидан келавермайди. Адолатли сарф-харажат учун йирик ҳажмда пул ишлиб топишингиз мақсадга мувофиқдир.
- Нима бўлганда ҳам ишингиз бароридан келсин!

ИККИНЧИ “УЙ”

Сизнинг молиявий ҳаётингизда ўзингиз танлаган фаолият тури муҳим аҳамият касб этади. Муназисжисмлар ҳисоблашларига кўра, фаолиятингиздаги барқарор даромад бурэс белгингиздан кейинги иккинчи буржсдаги “уй”да яширингап. Масалан, сиз Савр бўлсангиз, кейинги иккинчи бурэс Жавзо ҳисобланади. У молиявий барқарорликни бошқарадиган “иккинчи уй”дир. Кўпчилик ички ҳис орқали “иккинчи уй”даги фаолиятни танлайди, чунки икки бойликнинг мўъжизавий рақами ҳисобланади.

Қашшоқликка яқин йўламаслик учун Ҳамалларга деҳқончиликка монанд ер билан боғлиқ оддий иш ёрдам беради. Ҳамалнинг моддий барқарорлигини бошқарувчи Савр буржи ҳар қандай оғир ишдан бўйин товламайдиган меҳнаткашлик рамзидир. Барқарор ишлаб чиқариш даражасига эришиш учун Ҳамал кўп йиллик ўсимлик, сабзавот, кўкат ва мева кўчатлари сотиш учун уларни етиштириш билан шуғулланмоғи мақсадга мувофиқдир. Қўл ҳунари билан машғул бўлиши мумкин: қўзиқоринлар учун сават тўқиши, гуллар учун гултувак солиб қўйиладиган безакли ваза ясаш, бичиш-тикиш ва шу буюллар сотилишини йўлга қўйиш мумкин.

Саврнинг моддий барқарорлигини енгил, ҳаракатчан ва киришимли Жавзо бошқаради. Жавзоларга, “устки қаватлар”да юрадиган, жиддий бўлмаган машғулотлар эгаси, юксак билимлар рамзи сифатида баҳо беришади. Саврнинг ҳамёни доимий тарзда тўлиб туриши учун у бир вақтнинг ўзида бир-бирига алоқадор бўлмаган талай ишлар билан шуғулланиши, хусусий иш, масалан, савдо-сотиққа алоқадор кишилар билан муносабатда бўлиши керак. Олий маълумот, чуқур билимлар Саврнинг моддий барқарорликка эришишига ёрдам бермайди. Турли соҳаларга оид озгина билим, одамлар билан муомала қилиш маҳорати, юқорига кўтарилишдаги енгиллик фаровон ҳаёт учун Саврларга ана шулар керак.

Агар Жавзоларнинг ишли жамоаси бир оила каби бўлса, у ҳеч қачон муҳтоҷлик нималигини билмайди, чунки моддий барқарорлигини Саратон – оила ва қон-қариндошлик муносабатлари белгиси бўлган бурж бошқаради. Жавзо учун уйдаги иш ҳам, тувишган қариндошлари билан биргаликдаги юмуш ҳам мос келади. Шунингдек, яшааш шароитларини яхшилашга йўналтирилган ёки оила муҳитини

юксалтиришга қаратилған фаолият мутаносибдір. Жавзо учун моддий барқарорлигини сақтайтын ақыл даражадаги соңа – турар жойларни таъмирлаш, болалар ва оиласындағы руҳий ва бошқа томонлама ёрдам берувчи ишідір. Саратон – оналик ва болалик рамзи, шунинг учун Жавзо ёш ишчиларға айланиши, бұлажак оналар учун машғұлпоттар олиб бориши мүмкін.

Саратон ижодий фаолият билан машғул ҳолда банқдаги ҳисобини олиб боради, уннинг молиявий барқарорлигини муҳаббат ва ижод рамзи бўлмиш Асад бошқаради. Саратон нимаики иш қилмасин, фаолияти эвазига барқарор пул олиш учун шу ишни севиши даркор. У бошқа ҳамма бойийдиган, бироқ ўзига даромад келтирмайдиган ишни амалга оширса, шунчаки вақтини йўқотган бўлади. Яна бир карра таъкидлаймиз: қайси юмуш билан машғул бўлмасин, Саратон уни астойдил севиши шарт, ана шунда иш уни боқади. Саратон учун тури-туман андаза, қолиплар тўғри келмайди – хоҳлаган фаолият йўналишида у яратувчи, тажриба ўтказувчи бўлиши зарур.

Асаднинг моддий ахволини аҳолига хизмат қўрсатиш билан боғлиқ фаолият кўлами яхшилаши мүмкін. Уннинг “иккинчи уйи” Сунбула ерга хизмат қилиш рамзидир. Моддий барқарорлик учун Асад хайрия ишлари, пенсия, тибиёт соҳасидаги фаолият билан шуғулланиши даркор. Сунбула – ер рамзи, шу сабабли у Асаднинг фаолияти натижасини кўриш мүмкін бўлган равишда сезиларли бўлиши лозим.

Сунбулага ҳамкорлик асосида қўрилган ҳар қандай фаолият тури тўғри келади, чунки уннинг “иккинчи уйи” ҳамкорлик муносабатлари, дипломатик алоқалар рамзи ҳисобланмиш Мезондир. Сунбула ўзи раҳбарлик қиладиган бизнес, фаолият тури билан шуғуллангани маъқул. Ҳамиша ёдда тутиш жоизки, ҳамкорлар билан муносабатлар қанчалик мустаҳкам ва улар нақадар кўп бўлса, Сунбуланинг ҳамёни шунча лиммо-лим бўлади. Мезон – уйғунлик, мувозанат рамзи, шу боис Сунбула танқис моллар савдоси ишлаб чиқаришида иштирок этиши мүмкін. Шу тарзда уйғунлик ва мувозанат тикланган бўлади.

Мезон буржига доимий даромад олиб келадиган фаолият тури жумбоқли туюлиши мүмкін. Уннинг “иккинчи уйи” Ақраб бўлиб, ўзгалар ҳисобига яшайдиган мистик рамздир. Бундай беҳаловат доирада ўзида ишонч ҳосил қилиш учун тегишли билимларга эга Мезон ўзини аф-

сунгарлик магистри ёхуд даволовчиси, ёки давлат муассасасидаги маошга ишлашига түғри келади.

Ақрабнинг молиявий барқарорлиги ҳар жиҳатдан унинг маълумотига боғлиқ, чунки “иккинчи уйи” бўлмиш Қавс – чуқур билимлар рамзи. Ақрабнинг маълумоти қанча юқори бўлса, ҳаёти шу қадар осуда ва баҳтиёр кечади. Қавс – майда-чуйда ишлардан холи, узоқ уфқни кўзлаб иш тутадиган файласуф ва саёҳатчи рамзидир. Ақрабнинг фаолияти оғир жисмоний меҳнатдан холи бўлмоғи даркор. Энг мақбул йўл: ақл-заковатта алоқадор иш, ўқитувчи-мураббийлик, ёзувчилик, бошқа шаҳар ва мамлакатлар билан боғлиқ юмуш, масалан, гид-экскурсовод (сайёҳларга тушунтириш берувчи киши) фаолиятидир.

Молиявий барқарорликни орзу қиласиган Қавслар бошқарув тизимиға суқилиб киришлари керак, чунки уларнинг “иккинчи уйи” Жадий раҳбарият ва қонун рамзи ҳисобланади. Агар Қавс кичик раҳбар бўлса ҳам унга пуллар кела бошлади. У қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи тизимда, масалан, автобусда чипта текширувчи сифатида ишлаган тақдирда ҳам худди шундай кечади. Қавс бинойидек яшashi учун ёғочсозлик, тошлар билан ёки қурилиш борасида шугулланганни мақсадга мувофиқдир.

Агар Жадий яшги фаолият йўналиши, масалан, файриоддий ўсимлик етиштириш ва қандайдир ўзгача кўринишга эга кийим-кечак ёки буюмлар сотуви билан шуғулланса, моддий жиҳатдан тўла таъминланган бўлади. Унинг “иккинчи уйи” Далв буржи рамзи ана шу фаолиятга мойилдир. Жадий янгиликлар қилишга қодир, аниқлик ва тартибни яхши кўрувчи жасур қашфиётчидир. У янги фаолият турини топа олмаса, аниқлик талағ қилинадиган ишга тўхталса бўлади.

Далв моддий барқарорликка эришиш учун маънавиятини юксалтириши керак. Унинг “иккинчи уйи” Ҳут – маънавий, илоҳий жиҳатдан хизмат қилувчи рамз ҳисобланади. Dalvga ўқувчиларнинг руҳий дунёсини кўтарадиган мураббийлик қилиш ҳар жиҳатдан мос келади. Фаолият йўналиши илоҳийликка ҳам мутаносибдир. Бироқ унинг фаолияти қандай йўналишдан иборат бўлмасин ва у барқарор даромад олишни қанчалик истамасин, ўз ишига маънавият ва одобахлоқ қоидаларини сингдириши ва ундан фойдаланиши керак.

Ҳутларга олов, металл ва жадаллик моддий жиҳатдан барқарорлик олиб келади. Унинг “иккинчи уйи” – Ҳамал бўлиб, қайноқ, чақ-қон, жангчи рамзидир. Ҳутларга автомобиллар, уларнинг таъмири

ёки сотуви билан шуғулланиш, қизиган печ, металл цехлари ёки новвойхоналарда, шунингдек, ҳарбий ёхуд оғир атлетика бўйича устозлик қилиш тўғри келади.

Сизларга омад тилаймиз, саломат бўлинг!

ОЧОФАТ КЎЗ

ёхуд “Аёвсиз илон”дан қайдлар

Дунёда гўзал ва жозибали нарсалар ғоят кўп: уюм-уюм пуллар, турли русумли машиналар, тилла-жавҳар безаклар, қиз-жуонлар, фарзандлар... Буларнинг барчаси ҳаёт учун аҳамиятли нарса эмас. Дунё ясанган келинчак каби. Шоир айтмоқчи: “*Фоний дунё хуаштур, аммо оқибат мавт ўлмаса*”. Ҳа, оқибат – бу дунёда ўлим бор. Ҳеч ким абадий қолмас...

Олмонларда “*Пул бераман, дессанг, шайтон ҳам рақсга тушибади*”, деган мақол бор. Лев Толстой пулни қулликнинг бир кўриниши деб таърифлаган. Чиндан ҳам хаёли ҳамиша пул билан банд бўлган одам пулнинг қули ҳисобланади. Одамзод орасидаги қулдорлик йўқолган, аммо пул қулдорлиги мавжуд ва у қиёматга қадар ҳам йўқолмайдиким, бу қулликдан ғоят эҳтиёт бўлмоқ жоиз. Қулдорлик замонларидан сахий бойлар қулларига эрк берганлар. Бироқ пул қулдорлигига бундай марҳамат йўқ. Шу боис ҳам қадим юонон файласуфи Софокл: “*Пул – инсоният гарданидаги энг катта тавқи лаънатдир*”, деган. Ажаб! Ажаб! Биз ана шу тавқи лаънатни севамиз-а!..

Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, аммо ҳаётининг кунлари мангуга йўқолаётганилиги билан иши йўқ. Билмаймизки, қашшоқлик – ожизликдан келиб чиқади...

Подшоҳнинг тантилиги тутиб бир одамга: “*Тила, тилагингни*”, деганда у одам бир косача узатиб: “*шуни тиллага тўлдириб беринг*”, деб сўради. Подшоҳ озгинагина нарса сўраганидан уни нодон фаҳмлаб кулди. Косача ўн-ўн беш тилла танга билан тўлади, деб ўйлади. Аммо мўъжиза юз бериб, хазинадаги барча олтину жавоҳир солинса-да, косача тўлмади. Охири подшоҳнинг ҳеч нарсаси қолмагач, мўъжизанинг сирини сўради. “*Бунда ҳеч мўъжиза йўқ*”, деди у одам ва косачанинг тубидаги КўЗнинг суратини кўрсатди. Кейин шу кўз устига ярим сиқим тупроқ ташлаган эди, косача ўн танга билан тўлди. Қиссадан ҳисса шўки, бойликка тўймаган кўзни тупроқ тўлдиради.

Дарвоҳе...
АЙРИМЛАРНИНГ ФИКРИ

Муваффақиятли кишилар буржлар башоратига ишонмайдилар. Улар тақдирни ўзлари яратадилар. Ўзларини ўзларидан бошқа ҳеч ким баҳтли ва бой-бадавлат қыла олмаслигини биладилар. Улар ўзларини учун жавобгар эканликларини жуда яхши англашади. Афсуски, бу жуда қийин ва қўпчилик эплай олмайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам муваффақиятсиз кишилар мавжуд бўлса керак.

Мунажжимлар фол очиш учун тузган ҳар қандай юлдузлар жадвали, башорат ва шу кабилар ожиз инсонлар учун яратилган. Бундайлар ўзларининг нодонликларини хасиўишашга ҳаракат қилиншади. Дейлик, биз буржлар башорагини ўқиб, юлдузлар бугунги кун омадсиз келишини «каромат» қилганини билиб оламиз. Натижада бироргаям фойдали иш қилиншга уринмаймиз. Аксинча, agar биз юлдузлар башорати ва нохуш кароматлар ҳақида билмасак, бугун қандай натижаларга эришишимиз ҳақида қарор қабул қиласиз. Ўз олдимизга мақсад қўйиб, ўзимиз унга сари интиламиз.

Юлдузлар башорати ҳақида антиқа ва аччиқ ҳақиқат мавжуд: кўпсонли одамлар билан бир вақтнинг ўзида ва бир хил ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Бу фикрга қўшилмай иложимиз йўқ. Ахир ҳамма ҳам бир хил эмаслиги мантиқан бор гап-ку!

Инсонларнинг исмига монанд тарзда уларнинг бирга бўла олиши ҳақидаги тест ҳам мавжудки, бу янада ғалати. Тўғри, кишининг исми унинг феъл-авторини қайсицир даражада қамраб олади, бироқ фақат номга қараб фалон одам писмадон одам билан бирга бўла олишини айтиш ишонарли эмас-да! Ўсмирларни алдаб, уларнинг пулини тортиб олиш учунгина шундай кароматлар қилинади. Бу каби башоратларни катта ёшдаги ва жиддий инсонларнинг ҳам катта қизиқиши билан кузатиши ачинарлидир.

Умуман айтганда, юқорида айтилганлар кароматчилик ва жозибали ҳаётга тегишли. Шундай экан, ҳар қандай сафсагаларга ишонавермай, фойдали иш билан машғул бўлинг. Ахир, тақдирда не битилган бўлса, ўшани кўрамиз.

ИНСОН, ИШ ВА ПУЛЛАР

Сиз ўзингиз хоҳлагандек, фаровон яшашни истайсиз, аммо бундай бўлмаяпти. Сабабини биласизми? Ҳаммаси ишингизга, пулларингизга ва омадга қандай муносабатда бўлишингизга боғлиқ. Қандай одам эканлигингиши таҳлил қилишига ҳаракат қиласиз. Ўзини билши – осон иши эмас. Қобилиятингиз, хатоларингиз, куч-қувватингиз ҳақида аниқтишик билмай турриб омад сарп ийлай олмайсиз. Ўз-ўзини билши жуда муҳим.

Ўз-ўзини чуқур билиш орқали ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурлар анчагина ўзгарса ажаб эмас. Агар моддий ютуқларни қўлга киритмоқчи бўлсангиз, ўзингизни синчиклаб ўрганинг, дўстлар ва душманларингиз сиз ҳақингизда нималар дейишини миридан-сиригача холисона, алолат билан таҳлил қилинг, мақсадга мувофиқ тарзда ҳаракатлар режасини тузинг.

Қайси тоифага мансуб эканлигингиши аниқланг ва тавсиялар асосида такомиллашиб боринг.

БИРИНЧИ ТОИФА. ЮК ТАШИЙДИГАН ОТ

Одам отдаи ишласа-да, бир тийин ҳам тополмайди. У миясини ишлатмагани учун ҳам “ер тирнаиїверади”. Бу тоифани инершиянинг таъсир кучи ёки қанишоқлик руҳияти бошқаради: “буғун ҳам ўтди, худога шукр” (инерция – жисмларнинг ташқи таъсир бўлмаса, тинч ёки текис ҳаракатдаги ҳолатини сақлаш хусусияти). Фақирликдаги зими-зиё тушунча, онг-шуур уни фалаж қилиб ташлайди. Ривожланган мамлакатларда бундайлар 30-40 фойзни ташкил этади. Улар ё росманасига пул ишлаб топишолмаган, ёки бундан сира иш чиқмаган, айримлар эса бошлашни ҳам истамайдилар. Бундайлар қўлини ювиб, қўлтиғига урган, оқим бўйлаб сузишда давом этаверади, мавжуд аҳволни бошқача йўсинга ҳаракат ҳам қилмайдилар.

Чораси: агар сиз шу тоифага мансуб бўлсангиз, кам ҳақ тўланадиган жойда ишлашини бас қилинг.

Бирмунича муносиб иш излаб кўринг.

Ўзингизга паст баҳо беришга нуқта қўйинг.

Мутахассислигингиз борасидаги билимлар доирасида қотиб қолманг.

Кундалик бир хил – зимистон доирадан суғурилиб чиқинг.

Теваракка боқнинг ва ҳаёт тақдим этаётган битмас-туганмас имкониятлардан бирини танлаб олинг.

ИККИНЧИ ТОИФА. ХАЁЛПАРАСТ

Бу қашшоқпикнинг берк доирасидан чиқиши орзу қилиадиган, аммо қандай чиқиши билмайдиган одам. У ҳаётийликдан узоқ нуч режалар тузади. Ёки ўзини бой меросхўр сифатида тасаввур қилиши, олтин ёмғирлар ёнишини хаёл сурини мумкин. Бир сўз бишан айтганда, у ўз тасаввуррида хилма-хил рангли суратлар чизади, бу суратлардаги хаёлий бойлиги сўзлашувда ҳам акс этиб, ҳаво қўргони виртуаль тарзда тасаввурда барпо этилади. У ёғига нуч хаёл силжимайди. У ана шундай шалдироқ қотишима.

Чораси: ҳаракатни бошланг, энг кичик ишдан бошланг.

Дарҳол тоғни забт этишга уринманг, аввали қумни ёниб ташланг.

Орзу қилиши давом эттиринг, фақат хаёлларингизни яратувчаник ўзанига йўналтиринг.

Ҳаво қўргонини барпо этиш ўрнига ердаги режаларни амалга оширишга киришинг.

Онг-шууриингиздаги эски харобалардан ҳалос бўлиб, бу майдонни янги ҳаёт қуриш учун тозалаб олинг.

Ўз олдингизга вазифа қўйинг – ҳар куни мақсад сари бир нечта аниқ қадам ташланг.

УЧИНЧИ ТОИФА. ИНФУЗОРИЯ ТУФЕЛЬКА

Бундай одам ҳеч қандай бошқарувсиз турли йўналишлар бўйлаб бир вақтда югуради. Табиат кучлари ёки ташқи омииллар, ёки одамлар уни аллақаёқларга олиб боришади. У ҳеч қачон тўхтай олмайдиган, орқасига ўғирилмайдиган ва ўйламайдиган, тартибсиз ҳаракатланувчи мавжудот. Нимадир қилишга уриниб кўради, баъзида натижади чиқади, аксарият ҳолларда эса самара бўлмайди.

У эргашувчи қавмга кириб, яқинлари ва бошқарувчилари томонидан бошқарилади. Ўзгалар хоҳишини адо этиб ўрганган, чунки ўзининг истакларини “бўғиб ўлдиради”. Бундай одамга бойлик нур сочмайди, имконият туғилган пайтда ҳам пуллари бошқаларга хизмат қилиади. Унинг кулифати шундаки, нима хоҳлаётганини ўзи билмайди, мақсади йўқ.

Чораси: сиз ҳаддан зиёд куймаланиб ҳаракат қиласиз. Ортиқча ҳаракатлар ўрнига аниқ-тиниқ равишида интилинг.

Ишда танаффуслар қилиб туринг.

Жилла қурса, битта ишни охиригача етказинг. Энг муҳими, ўзига ўхшаган одамни яратиш.

Ўйлаганларингизни амалга оширганингиздан қониқиши пайдо қилишни синаб кўринг.

Бошлаган қайси ишингиз истиқболли ва фойдали эканлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Иккинчи даражали юмушларни ташлаб, энг муҳим ишга эътиборингизни қаратинг.

ТЎРТИНЧИ ТОИФА. ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ВОЗ КЕЧМАЙДИГАН ОДАМ

Бундай киши, худди чўкаётган одам чўпга ёпишгандек, ўз қарашларига маҳкам ёпишиб олган бўлади. У виждонли ва бекаму кўст фуқаро бўлиб қолиш учун умр бўйи эски-туски кийимда, арzon ва сифатсиз овқатланишга тайёр. Бу киши камбағалликдан қашшоқликка қадар истиқболсиз йўлдан боради. У ҳар қандай сохта нуқтаи назар моддий фаровонликдан тўсишини сира тушунмайди. Келажакда ўзининг эҳтиёжларини, шунингдек, том маънода айтганда, “таркидунёчиллик”ка хос заруратларини чегаралаб қўяверади. Қалбининг туб-тубида қимматбаҳо лимузинларда юрадигланларни “ёмон” одамлар ҳисоблаб, ўзини улардан аъло деб ўйлади. Бундай тоифадаги одам ўзгалар муваффақияти учун ташвишга тушиб, пуллар бегона чўнтакка кирган, деган холосага келади.

Чораси: ўйлаб кўринг. эҳтимол, ўз ишончингизни қайта кўриб чиқиши керакдир? Ахир, бундай қатый талаблар сизни ва оиласингизни боқа олмайди. Ҳеч ким қонунни бузишга даъват қилмаяпти. Балки, талаб қилинадиган мутахассисликни топиш ва фойдали таклифларни рад қилмаслик керакдир!

Ота-онангиз пул ҳақида нималар деганларини эсланг. Уларнинг моддий қийматлар ҳақида сиз миянгизга сингдириб олган тасаввурлар умидсиз даражада эскириб кетган бўлса ажаб эмас.

Ўз қўрқувларингиз ва ҳаракат, белги, воқеа-ҳодисалар уйғунлигини кўриб чиқинг. Улардан халос бўлишга ҳаракат қилинг.

Қобиғингизга ўралиб олманг, бошқалар, шунингдек, омалыи кишилар билан күпроқ муюмалада бўлинг.

Эгилувчан бўлинг. Одам қанча эгилувчан бўлса, улгурниш имконияти шунча кўп, ана шуни унумтманг.

БЕШИНЧИ ТОИФА. АБАДИЙ ҚАРЗДОР

Бундай одам бошқага бериш учун ўз таниши ёки ҳамкасбидан қарз олади ва маошдан-маошгача зўрга кун кечиради. Енгил, бетайнин, қалтис ҳаракат қиласиган киши. У бошқача яшашни ёки эплай олмайди. ёки буни хоҳламайди. Қарзлар эса пул ишлаб топиш учун бор кучи билан ҳаракат қилиши кераклигини кўрсатади. Бундай одамлар нима қилишни аниқ билмай, оқим бўйлаб сузишни маъқул кўрадилар.

Кўпчилик ўз одатига кўра яшайди. Бундай кишилар ўзларига бирхил баҳо бермайдилар. Улар ўзларини севишмайди ва заррача ҳис қилмаган ҳолда пулларни ҳам ёқтиришмайди, пуллардан қўрқишиади ва улардан тезроқ ҳалос бўлишга ҳаракат қиласидилар. Кейин эса қарз олишади.

Чораси: бундай доирани вайрон қилиб ташлаш керак, чунки абадий қарздорлик ҳолати сизга ва ўз-ўзингизга бериладиган баҳога путур етказади. Қолаверса, бу асаб тизимиға доимий равишда салбий таъсир кўрсатиб, ғазаблантиради ва ноҳуш кайфият келтириб чиқаради. Ва, ниҳоят, қарзга берилган ҳаёт адабул-абад давом этмайди. Қачондир келиб атрофдагиларнинг сизга қарз бериши жонларига тегади. Ана шунда қандай иш тутасиз?

Ҳис-туйғуларингизни тартибга олинг. Уларни назорат қила бошланг. Тинчланинг ва ақл-идрокка қулоқ тутинг.

Ойлик бюджетингизни режалаштириб олинг.

Жилла қурса, бир ой муддатга бўлса-да, ўз даромадингиз ҳисобидан бошқача яшашга ҳаракат қилинг – бу ажойиб тажриба бўлади.

Ҳар сафар ҳамёндан пул олиб ишлишидан аввал етти марта ўйланг. Ўткинчи истакларга берилиб, ортиқча харажатларга йўл қўйманг.

ОЛТИНЧИ ТОИФА. ОЛТИН БУЗОҚ ҚУРБОНИ

Пулга алоҳида ҳурмат-эътибор қаратадиган, ҳатто унга сажда қиласидиган одам. Онгли ва мақсадли равишда бизнес экинзорида оғир меҳнат қиласиди, ҳатто уни бизнес кўш ҳайдовчиси дейиш мумкин. Бироқ бундаи бизнеснинг баҳоси жуда ҳам юқори – у олтин бузоқ учун ўз ҳаётидан ҳам воз кечиши мумкин. Бундай пайтда шинам, замонавий офицердаги иш ҳам оғир, тинкани қуритадиган меҳнатга айланади. Мазкур тоифадаги одам, моҳияттан, оддий деҳқон ёки юк ташувчидан деярли фарқ қилмайди.

Чораси: қалбда қувонч учқунини топинг ва уни пуфлаб, гулхан пайдо қилинг.

Бахт, табассум бахш этувчи ёқимли иш билан кўпроқ машгул бўлинг.

Оддийсидан бошланг: эрталаб сизга кутилмаган истиқболли имкониятлар, учрашувлар олиб келадиган янги кун келаётганидан қувонинг.

Чарақлаган қуёш, булутсиз осмон, бир пиёла чой, яқин инсонингизнинг табассумидан хурсанд бўлинг.

Бахтли дамларингизни эсланг. Бу бир сония давом этган бўлсада, чуқур ҳис қилиб, яна бир карра завқ-шавқ ҳосил қилинг. Ўша хотираларингизни янада ёрқинроқ ҳис этинг.

ЕТТИНЧИ ТОИФА. СОВУҚ ПРАГМАТИК

Мазкур тоифага хос ҳар қандай мартабадаги тадбиркор ёки раҳбар одам фақат даромад олиш билан қизиқади. Қолгани унинг қизиқишилари доирасига кирмайди. Ўз тажрибаси, малакасини ошириш мақсадида қўпинча омадли бизнес юритади. У, “пуллар пуллар учун” тамойилига амал қиласиди.

Бундай одамлар учун маънавият, ўзгаларга хизмат қилиш тушунчалиси, шунчаки қуруқ гап. У ўз кучи, қуввати ва муваққат харажатларини тўғри ҳисоблай олмайди. Дарвоҷе, у билан муносабат бир томонлама ҳаракатга ўхшайди ўзгалар қувватидан фойдаланади-да, эвазига ҳеч нима бермайди. Эртами-кечми, у ижобий ҳис-туйғулар танқислигини бошидан кечиради ва доимий тарзда темир юракли совуқ роботга айланади.

Чораси: агар сиз ишни яхши кўрсангиз, ҳар қандай юмушга маънавийлик касб эта оласиз. Ҳар қандай бизнес одамларга хизмат қилади. Бу одамзоднинг умумиши учун қандайдир фойдали, керакли ҳисса бўлиши мумкин.

Агар сиз эзгу ишга қўл уриб, буни бинойидек амалга ошираётганингизга ишонсангиз, ҳеч қандай куч омадингиз ва гуллаб-яшнашингизга тўсқинлик қилолмайди.

Ўз ишингизга ижодий жиҳатдан ёндашинг.

Фойда учун эмас, бошқалар учун мумкин қадар яхши бўлишига ҳаракат қилинг.

Иш жараёниданоқ қониқиши олинг. Бунинг учун ишингизни севинг.

Энгаввало, даромадни эмас, истеъмолчилар талабини қондиришни ўйланг. Ана шунда омад ўзини узоқ куттириб қўймайди.


САККИЗИНЧИ ТОИФА. КАТТА ҲАРФЛИ ТАДБИРКОР

Ҳар қандай иш асоси – одамларга хизмат қилишдир. Бизнеснинг олий тушунчаси ана шу. Ўз-ўзини камол топтириш, маънавий ўсиш орқалигина пул топиш foяси самарали бўлади.

Омад сири оддий: мижоз ёки харидор билан хаёлан ўрин алмашиб кўринг, у сизга нисбатан қандай иш тутишини хоҳлардингиз? Омадли тадбиркор ўзининг шахсий камолоти, маънавиятини ўстириш учун ҳамиша вақт топади. Бу эса баракали равишда унинг ишида ўз аксини топади. “Бундайларни ҳаётда учратмаганмиз”, дейишингиз мумкин. Ҳа, бу унга сари интилиш лозим бўлган идеал бўлса кепрак. Аслида эса бундай кишилар кўплаб топилади. Ҳар ким астойдил хоҳласа, бизнесни ўзгаларга баҳт, маънавий ва моддий бойлик олиб келувчи ишга айлантириши мумкин.

Бириңчи тадқиқот АҚЧАНГИЗ ҚАЕРДА?

Пуллар билан қандай муносабатда бўлиши кўпгина масалаларга ой-динлик киритади. Биз пулларни яхшилаб тахлаймиз, уларни ҳамёнда сақлаймиз ёки аксинча бетартиб тарзда чўнтағимизга тиқамиз. Баъзида иримларга ишониб, қозоз пулларни юмалоқлаб ҳам қўямиз, бели синмаслиги учун. Руҳиятшунос Самюэль Лепастье бундай одатларни таҳлил қилиб чиққан.



“МЕН ПУЛ ТАХЛАМИНИ МАЪҚУЛ КЎРАМАН”

Пуллар тахлами эркинлик, мустақиллик, хоҳлаган вақтда дуч келган томонга кетиш имконияти мавжудлигини намоён этади. Қалин пул дастасига эга эркаклар қониқиши ҳиссини ҳам ҳис этадилар: бундай ҳаракат эркаклик кучини ҳис этишга ёрдам беради. Ва, ниҳоят пуллар етмаслигини сезганда вахимага тушишдан сақлади.

“ПУЛЛАРНИ КОСТЮМИМНИНГ ЧЎНТАГИГА СОЛАМАН”

Кўпчилик пулларини йўқотишдан қўрқади. Пуллар ички чўнтақда бўлгандা эса кўз ташлаб ёки қўл билан енгил пайпаслаб қўйиш мумкин. Пулларни олд чўнтақка солиш ҳимоя эҳтиёжини акс эттиради: гўё пуллар қалқон сифатида уни ташқи дунёдан муҳофаза қиласди.

“МЕН ПУЛЛАРНИ ШИМИМНИНГ ЧЎНТАГИДА САҚЛАЙМАН”

Шимининг ён чўнтағига пул соладиган кишилар вақти-вақти билан уларга қўл теккизиб қўйишга эҳтиёж сезадилар. Орқа чўнтағига соладиганлар эса пулларни кўришни хоҳламайдиганлар бўлиши мумкин. Шу билан бирга бундай кишилар жамғармаларини ўғирлатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш учун уларни назорат қилишлари лозим.

“МЕН ПУЛЛАРИМНИ ҲАМЁНДА САҚЛАЙМАН”

Кимдир пулларни сарфлашни яхши кўради, бошқа бирорвга эса уларни жамғариш қувонч бағишлиайди. У молиявий жиҳатдан ўзига тўқ қишининг маълум доирага тегишли эканлигини намоён этади. Ҳамён инсон ва пуллар ўртасидаги воситачи эмас, балки пуллар

рамзи ҳам ҳисобланади. Айниқса, эркакка бир даста зич тахланган пуллар сингари лиқ тўла ҳамён ҳам ишонч бағишлайди. Бундай одам бошқалар уни кўзга кўринган шахс деб ҳисоблашларини алоҳида ҳис қиласди.

“МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН ПУЛЛАРИМНИ ЎЗИМ БИЛАН ОЛИБ ЮРМАЙМАН”

Нақд пулни олиб юрмаслик – ҳар жиҳатдан таъминланган инсонларга хос фазилатdir. Уларнинг аксарияти виртуаль бойлик олиб келадиган чексиз ҳукмронликни ҳис қиласдилар. Мазкур одамлар учун кредит карточкиси нақд пуллардан холи қандайдир “софлик”dir. Бундай тасаввур уларнинг пул ёки бошқа нарса ўрнида ишлатиладиган металл нишон ёрдамида савдолашувларида ҳам иш беради. Пластик карточкалардан фэйдаланувчи киши қулай имкониятлар устидан ҳукмронлик қиласди, бироқ мазкур ёндашувда ҳақиқий пуллар билан иш тутишни хоҳламаслик ҳам намоён бўлади.

“МЕН ТАНГАЛАР ЙИФИШНИ МАЪҚУЛ КЎРАМАН”

Тангалар борасида биз болалик хотираларимизга қайтамиз: отоналар берган кундалик пуллар кўпчилик учун болалик рамзи ҳисобланади. Танга йифиш ва улар билан иш тутиш эркакларга хосдир. Моҳиятан олиб қараганда, тангалар тарихи мардлик пайдо бўла бошлагани билан боғлиқ. Айрим эркакларга чўнтакдаги тангалар ҳузур-ҳаловат, қониқиши, куч-қудрат бағишлиши билан бирга енгил хижолатпазликни ҳам уйғотади.

“МЕНГА ПУЛЛАРИМ ЙИРИК БЎЛСА ЁҚАДИ”

Йирик пуллар эгаларини юқори табақа одамлари билан боғлайдилар. Айримларга йирик бўлмаган кўп пули бўлгани маъқул, лекин бундайлар ич-ичидан ўз бойлигини намойиш этиши истаги билан яшайдилар. Йирик пуллар эгаси бўлишдан кўра майда пулларнинг кўп бўлгани фойдали. Битта-иккита йирик пулга нисбатан талай майда пулларга эга бўлиш ишонч пайдо қиласди. Бундай сармоя гўё болалири (кичик пуллар)ни ўзига чорлаб, унинг эгасини қувонтиради.

“МЕН ПУЛЛАРИМНИ ЙИФИБ БОРАМАН”

Пулларни пайпаслаб қўйиш ўзгача ҳиссиётларни бахш этади: бу пулларнинг биргина қисми ҳам сеҳрли рамзга айланиб, ўз бойлигини

турли усулларда харажат қилишни тасаввур қилиш мумкин. Кейин эса күплаб... уни худди аввалги ҳолида жойида қолдириш мумкин.

“МЕН ПУЛЛАРНИ ДОИМ ФИЖИМЛАЙМАН”

Пулларга совуққонлик билан муносабатда бўладиганлар уларни қадрламайди, дейишади. Бундай эмас. Фижимлаб, эзғилаб, биз уларни кўзга кўринмас тарзда кўпайтирган бўламиз. Бунга пул камайиши ва бетартибликтан қўрқиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Аммо ким пулларни фижимласа, кейин уларни текислаши ҳам мумкин.

Яна бир тадқиқот ТУРЛИ-ТУМАН МУНОСАБАТ



Инсоннинг феъл-атвори ва ички дунёсини қандайдир руҳий тестлардан кўра, унинг пулга муносабати кўпроқ очиб беради. Мутахассислар одамларнинг пулга муносабати билан улар табиатидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни аниқладилар. Шундан келиб чиқиб, пулга қай тарзда “мурожаат” қилишингизга қараб феъл-атворингиз, дунёқарашингиз, иззат-нафсингиз, ҳаракатингиз, белгиларингиз ва шу кабиларни бехато айтиб бериш мумкин.

Ҳар бир одам пулга турлича муносабатда бўлади. Кимдир ўзи билан пул олиб юрмай, тўловлар учун кредит карточкасини лозим кўради. Нақд олди-сотдини хушламайдиган бундай ёндашув унинг эгаси пулни иркит ҳисоблаб, виртуал тартибда ҳисоблашишини ёки кредитдан доимий фойдаланиш бошқаларда у ҳақида бой-бадавлат инсон сифатида тасаввур ўйғотишини ўйлашини англатади.

Юқоридагига зид ўлароқ, пулларини нақд маблағ сифатида ишлатишини лозим кўрадиган одам эса эркин, мустақил табиатга эгалиги билан ажралиб туради. Бундай инсон учун ҳеч кимдан сўрамай катта харидлар қилиш ёхуд тўсатдан фойиб бўлиш, аниқроғи, ўз жойидан хоҳлаган вақтда кетиб қолиш каби имкониятларни ҳис этиш жуда муҳим. Ажабланарлиси, бу тоифа кишилар билан бир вақтда пулла-

рини доимо ёнларида олиб юрадиганлар ўз кучларига унчалик ишонмайдиганлардир. Пуллар улар учун муҳим аҳамият касб этиб, қудрат тимсоли сифатида тасаввур қолдиради.

Ўзига ишончсизлик, нотавонлик ҳисси зич маҳкамланган кўкрак чўнтагида пул олиб юрадиганларга ҳам хос. Ҳиссиятли, ташвишга бериладиган, бадгумон бундай одамлар атрофидаги оламдан гўё шутариқа муҳофазаланади, яъни улар учун пуллар ўзига хос қалқон ва-зифасини ўтайди (Самюэль Лепастье тадқиқоти буни исботлаган).

Орқа чўнтагида пул олиб юрадиганларни эса (Лепастье изланишларидан фарқли ўлароқ), руҳшунослар манфаатпараст бўлмаган, мутлақо сахий шахслар ҳисоблашади. Улар онгли равишда пулларга кўзлари тушишини хоҳламайдилар, моддий масалаларни иккинчи даражада кўрадилар.

– Пуллар билан мураккаб муносабатлар уларга нисбатан бепарвоникни намоён этади, – дейди россиялик руҳшунос-маслаҳатчи Мария Белих. – Бироқ бундай одамлар пулни қадрламайдилар, дейиш хато. Пулларга қаратилган қаҳр-ғазабни маблағнинг ниҳоятда камлиги билан изоҳлаш мумкин. Ахир, пулларни фижимлаб, эзғилаб, уларнинг ҳажмини хаёлан кўпайтирган бўламиз. Шунинг учун катта-катта пуллар қўлга тушганда ҳам ҳеч ким уларни фижимлагиси келмайди.

Аксарият одамлар нақд пулларини ҳамёнда ёки чарм кармонда олиб юришади. Худди 1-тадқиқотда қайд этилганидек, бундайлар пулга ўзгача ҳаяжон, тўлқинланиш билан муносабатда бўладилар, маблағ жамғариш уларга алоҳида қувонч баҳш этади. Ҳамён худди “уй” каби пулларни кўнгилсизликлардан ҳимоя қиласиди, уларни ишлатиб юборишдан сақлайди. Ҳамёнлар, шунингдек, ўз эгасининг нуфузини ҳам белгилайди.

– Умуман айтганда, пулга ва моддий қийматларга муносабат эрта болаликдан бошланади, дейди россиялик шифокор-психотерапевт Оксана Дерен. Шундай экан, гўдакнинг ўзини тутишига қараб, келажакда пулга қай тарзда муносабатда бўлишини олдиндан айтиш мумкин. Масалан, ўжар бола зиқна, дунёпаастликка мойил бўлиб

ўиши эҳтимолга яқин, гапга кирадиган, мўмин-қобил болалардан эса саховатли инсонлар етишиб чиқади.

Шуниси ҳам аниқланганки, одамларнинг пулга муносабати уларнинг маданий даражаси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши ва менталитетига боғлиқ. Масалан, фарб одами учун пуллар энг муҳим нуқта, уларнинг пулга муносабати бошқа ўлка одамларидан мутлақо фарқ қиласди.

Айрим мамлакатларда пул жамғаришга унча аҳамият берилмаса, фарбда бу ишга қандайдир муқаддас деб қаралади. Улар қашшоқликдан ниҳоятда қўрқишиади, шунинг учун қора кунга деб астойдид жамғарган ва мерос қолдирадиган ўз ҳисобларидағи маълум миқдорни меъерий ҳаёт кафолати ҳисоблайдилар.

Учинчи тадқиқот ФЕЪЛ-АТВОР ВА ҲАМЁН

Одамнинг феъл-атворига унинг ҳамёнига қараб баҳо бериш мумкиними?

Мазкур “тадқиқот”дан тўғридан-тўғри, жёён хулоса чиқармаслик керак. Мутахассислар кимгадир “ташхис” қўйишидан олдин у билан гаплашиши, саволлар бериши лозимлигини яхши билишиади.



Ҳамён олиб юрмайдиган одамлар ҳақида (яна) нималар дейиш мумкин? (Пуллар чўнтакда, карточкалар маҳкамам боғлаб ташланган).

Пуллар истаганингни олиш учун кераклиги аён. Улар чўнтакда кўп турмайди – келаверади-кетаверади. Бундай одам ўзида қанча пули борлигини аниқ миқдори билан айта олмаса керак, бу эса унинг пулга нисбатан нақадар жўн муносабатда бўлаётганини ҳам англатади. Агар чўнтагида пули бўшаб қолса, киссаси қаппайган киши

унинг ҳожатини албатта чиқаришига қалбан ишонадиганлар ҳам бор. Бундай одам осонгина қарз бериб, кейин бу ҳақда унугтади, демак, йўқотишларини енгил ҳазм қиласди.

Ҳамёнини ўғирлатганлар пулларни ички чўнтақда сақлайдиганлар бўлиши мумкин. Оддий мантиқ: бегона қўллар етмайдиган жойда пул сақлайсиз. “Агар чўнтақка ёт қўл ораласа, бошқа киссамда ҳам яна пуллар бор”. Бу енгилтакликтан кўра кўпроқ эҳтиёткорлик, жонкуярликни анлатади.

Катта ҳамёни борлар ҳақида нима дейиш мумкин – у ерда паспорт ҳам, самолётга чипта ҳам, ташрифнома ва турли карточкалар ҳам батартиб бўлади.

Бу улуғворлик, жиддийлик, салобатлилик... ёки шундай тасаввур қолдиришга уринишидир. Ҳамён кўзга ташланадиган ўзига хос осори-атиқа эканлигини унутмаслик керак. Бироқ бундай одамнинг саранжом-саришталигини ҳам инкор қилмаймиз. Унда ҳаммаси – сумкасида, уйида, ўй-фикрларида, бошқалар билан муносабатида баритокчага қўйилгандек батартиб эканлигини фараз қилиш мумкин. Бундай ҳамён “пулларни авайлаб-асраш ва ҳурмат қилиш керак” деган тарбияга мос келади. Бироқ шу билан бирга мазкур ёндашув бошқача хулосага ҳам дучор этади: худди ўзгаларни мажбур қилишгани каби, хўжайин пуллардан қўрқади, ҳатто улардан нафратланади. Батартибликка эса ўзи хоҳлагани учун риоя қилаётгани ёки ота-онасининг йўриғи асосида шундай иш туваётган бўлиши мумкин.

Агар ҳамёнда ҳамма нарсани бир уюм қилиб аралаш тарзда олиб юрса, пулни ҳурмат қилмаган ҳисобланадими?

Бўлиши мумкин. Айниқса, пуллар ёнида қандайдир хатлар, нотаниш кишиларнинг ташриф қофозлари, бултурги тақвим, анальгин ҳабдориси, синган баргак, таътил давридан қолиб кетган бегона давлат пуллари солинган бўлса! Пулнинг қиймати унинг ёнидаги буюмларнидан баланд эмас. Бироқ бир уюм... Бу дегани – “ҳаммасини ўзим билан бирга олиб юраман”. “Балки... меҳмондорчиликда ётиб қоларман, эҳтимол, қаёққадир жўнаб кетарман...” Кутилмаган вазиятларда ҳар бало тўлдирилган бундай ҳамён фойдали ва қимматли ҳисобланади.

КАФТДАГИ ЧИЗИҚЛАР У МОЛИЯВИЙ БАРКАМОЛЛИК ҲАҚИДА АЙТА ОЛАДИМИ?

“Мен пулларга ва молиявий фаровонылкка эга бўла оламанми?..” Бу савол аксарият кишиларни қизиқтирса керак. Кўп ёки кам ўлчовда бўлса-да, барибир қизиқтиради. Хўш, бу борада кафтларимиз нималарни айта олиши мумкин? Маълумотлар бисёр, биз эса энг кўп тилга олинганини келтириб ўтамиш. Фақат унумтманг, бу ҳам истисно тариқасида келтирилмоқда. Сизларга мустақил равишда эришилган бойлик ҳақида сўзловчи белгиларни кўрсатиб ўтамиш...

Сизда қай бири кучли ривожланган – ишлаб топиши, жамғариши, маблағни оқилона идора қилиши? Эҳтимол, чўнтағингиз абадул-абад бўм-бўш ва илма-тешикдир?


Тадбиркорлик борасида таваккалчилик қила оласизми, бундай ҳаракатингизни тўғри деб ҳисоблайсизми?

Ҳаётда омадга, жумладан, молиявий ютуққа эришиш учун мавжуд вазиятни олдиндан кўра билиш ва муҳим қарор қабул қилиш лозимлигини ақлли одамлар жуда яхши тушундилар. Бунинг учун нималар керак бўлади?

Энг аввало, тоза ақл ва жуда кўп қувват. Буларнинг бири иккинчисидан айро ҳолда мўмай сармоя олиб келмайди.

Биринчи расмга қаранг. Катта, қаттиқ, чорси (тўртбурчаксимон) кафт, бу – асл қувват манбаидир. Зуҳра (Венера) тепалигини яққўл намоён этувчи нозик эгри чизиқлар улкан ҳаётий куч ва жўшқинликдан далолат беради. Агар бош бармоғингиз узун бўлса, қувватингиз уч баравар ортади, дегани.

Узун, тўғри бош чизиқ инсон ақли, соғлом фикрлаши, вазиятга ҳаққоний кўз билан қарашига оид қобилиятларини намоён этади. Агар чизиқ уни айри ҳолда тугаса, унинг бир шохчаси Меркурий (жимжилок) томон, бошқаси Ой (қарама-қарши) тарафга йўналган бўлиб, учинчиси эса асосий чизиқнинг давоми ҳисобланиб, сиз баркамол ақлий салоҳиятингиз ҳамда бой ҳаёлот дунёнгиз туфайли давлатга эришасиз.



Молиявий муваффақиятга эришишнинг энг қулай йўли эса адогида юлдузи бўлган Қуёш (бошқача айтганда, Аполлон) чизиқлари мавжудлигидир. Агар уни кафтиңгизда топсангиз, бойлик ва машҳурлик билан таъминлангансиз! Шундай чизиқ бўлса, сиз нафақат пул ишлаб топа оласиз, балки ўз мақсадингизга етишда қатъиятга ва вазиятга ҳаққоний кўз билан қараш салоҳиятига ҳам эга бўласиз. Ўзингиз бошқарадиган корхона ёки ишни ташкил этиб, етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, таваккалчиликдан қўрқмай ҳаракатни бошлайсиз. Одатда, бундай одамлар сира чарчамайдиган бўлиб, ишни тасодиф ҳукмига ташлаб қўймайдилар.


Иккинчи расмдаги чизиқлар молиявий соҳа, банк, иқтисодий, таҳлилий тизимга оид шахсий йўналиш режалар борасида маълумот беради. Яъни, пул ишлаб топиш иқтидоридан ташқари бундай одам уларни асрараш қобилиятига ҳам эга бўлади (бу эса яна бир муҳим омиллардан бири).

Қуёш чизигидан узоқлашиб, жимжилоққа йўналаётган чизиқ ишбилармонлик диди ва маҳоратини намоён этади. У тижорий, илмий, молиявий соҳадаги муваффақиятлардан дарак беради.

Биринчи, иккинчи ҳолатларда ҳам энг ажойиб ва энг оддий молиявий белгиларини кўрдингиз. Бироқ кафтиңгизда ушбу расмларга оид бирортаям мутаносиб чизиқни топмасангиз, сира ташвиш чекманг. Демак, кафтиңгизда моддий фаровонликнинг яққол кўзга ташланмайдиган, фақат энг малакали мутахассисгина кўра оладиган яширин индикаторлар мавжуд. Ахир пуллар дайди ҳам, адолатсиз ҳам бўлиши, мерос ёки бошқа манба орқали ҳам келиши мумкин. Бу эса алоҳида, якка тарзда кўриб чиқиладиган ҳолатdir.

Пуллар билан боғлиқ ишлар нохуш кечиши МУМКИН БЎЛГАН айрим ҳолатларни санаб ўтамиш:

- ▷ Кафтда ақл-заковат, ҳаёт, тақдир чизигининг узук-юлуқ бўлиши.
- ▷ Ингичка, кўринар-кўринмас чизиқлар (қувват йўқлиги).
- ▷ Қисқа ёки нуқтали чизиқ билан акс этган бош чизиқ (менталь қувват етишмаслиги).
- ▷ Ўта эгилувчан қўллар, орқага енгил букиладиган бармоқлар (исрофгарлик, беҳуда сарфлаш).



- Д Ичига ботган кафтда ҳам пуллар күп турмайды.
- Д Қуёш ва Меркурийга ёндош ўзаро кесишгандан икки чизиқдан иборат белги (моддий қийинчилеклар).
- Д Ҳаддан зиёд қийинчилеклар калта жимжилоқ.

ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ ТУҒИЛИШГА ТАЪСИРИ

Тугилајисак боланинг келајсаги тўлгоқ тутган она, шунингдек, об-ҳаво, йил ва вақтнинг муайян ҳолатига боғлиқ бўлади. Об-ҳаво ва дунёга келаётган гўдакнинг айни пайтдаги космик вузусуди унинг тимсолига оид вазифаларни ва ҳаёти қанчалик осуда ўтишини намоён этади.

Бутуни борлиқ, шунингдек, инсоният ҳаёти ҳам табиатнинг буюк китобида ёзилган бўлиб, унинг учун ҳеч қандай мавҳумлик мавжуд эмас. Инсон тугилаётган лаҳза унинг ёргу дунёга келиши билан изоҳланади. Аслида бу лаҳза чақалоқнинг биринчи қичқириги бўлиб, мазкур фарёд орқали гўдакка ўзини ўраб олган фазодан қувват ёғлади, унинг танасига кириб, фазо билан уйгунилкни таъминлайди.

Баҳор

Баҳор фаслида туғилганлар жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам бошқаларга қараганда тез ўсиб-ўлғаядилар. Улар кўз олдимизда вояга етишади, қобилиятлари эрта намоён бўлади, анча бар-вақт севишадилар, уйланадилар ва ота уйини тарқ этадилар. Тахминан йигирма-ўттиз ёшларида кучларига яна куч қўшилганини ҳис этадилар. Бу даврда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи ҳам юксалади.

Баҳорда таваллуд топганлар эрта болаликданоқ ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўладилар. Бироқ қирқ ёшларга бориб, жисмоний жиҳатдан сусая бошлашади, моддий аҳволи эса барқарорлигича қолади. Кейинги йиллар шафқатсиз даврни бошлаб бериши мумкин – уларни касалликлар, турли ишқаллик, умидсизлик қамраб олади. Ҳаммаси ўзларига, хатти-ҳаракатларига боғлиқ.

Ёз

Бу фаслда таваллуд топганлар тезда тақдир туҳфасини олишади, мактаб ёшида эса омад чўққисида бўладилар. Бу вақтда уларнинг

қобилияти равнақ топиб, атрофдагилар томонидан қўллаб-қувватланади. Мерос эгаси бўлишлари ҳам мумкин.

Уларнинг юксалиши йигирма ёшгача давом этади. Бу инсонлар қувноқ, куч-қувватга лиммо-лим бўлиб, муҳаббат худди бўрон оқими каби уларни ўраб олади. Кейин тақдир бундай мавқега дарз кетказади: мавқе-мартаба таназзулга учраб, муҳаббат шами ўча бошлайди. Ташки кўриниши мафтункорликни йўқотади. Қирқ ёшларида уларнинг ҳаётида қиши бошланади. Моддий жиҳатдан қийинчилик бош кўтариб, ишдаги муқаррар хато туфайли обрў-эътиборларига путур этади. Омалсизлардан дўстлар юз ўгиради.

Кутимаганда уларнинг ҳаётидаги қишдан сўнг баҳор кириб келади. Бу эллик ёшларида юз беради. Ҳаётларига иккинчи ёшлик ташриф буюради: яна муҳаббат пайдо бўлади, бизнеснинг янги истиқболлари очилади.

Қуз

Бу фаслга тегишли болалар хирмон уйини пайтида туғилишида, тезда ёмғир ва совуқ, қуёши кам бўлгани ойлар унинг ўрнини эгаллайди. Чақалоқлигиданоқ уларни фаровон ҳаёт ва меҳр-муҳаббат ўраб олганига қарамай, мактаб йилларида катта-катта тўсиқларга дуч келадилар. Оилада моддий қийинчиликлар, айрим ота-оналарнинг ажрашиши, ўқитувчи ва синфдошларнинг тушунмаслиги, жавобсиз муҳаббат – шунча азобга чидаганларнинг тўзимини берсин.

Олдиларидағи ғовларни матонат билан енгигб ўтганлар ўттиз ёшидан сўнг тақдирнинг иноятига эришадилар. Мартаба, обрў-эътибор, ишқ-муҳаббат, пуллар – ҳаммаси уларга насиб этиб, аввалги омадсиз йилларнинг ўрнини тўлдиради. Тамидан 50 ёшларигача уларнинг ҳаётида ҳақиқий баҳор бўлиб, сўнг тинч, сокин, булутсиз ёзга улануб кетади. Кузги ҳосилгача! Шундан сўнг улар ҳаётида қиши умуман бўлмайди.

Қиши

Қиши фаслида туғилганларни табиат совғалар билан эркалаб қўймайди. Шу боис ҳам ҳаётларининг дастлабки йилларида улар сўлғин, касалманд, шикастланишга мойил бўлишади. Ота-оналари тез-тез жанжаллашиб турадилар. Қиши фаслида туғилганларнинг ҳақиқий дўстини топиши қийин кечади. Ҳатто тўқ-фаровон оилада

дунёга келгап бўлсалар-да, болалигиданоқ уларин зимиистон муҳит ўраб олган бўлади. Шу боис бошқаларнинг кўзига ташланмайдиган даражада одамовига айланишлари мумкин.

Бу ўттиз ёшларигача давом этади. Кейин фасли баҳор кириб келади, фақат илиқ қишида туғилганлар учун. Улар ўз ҳаётининг бахти даврига анча эрта кириб келишади. Қаҳратон қишида туғилганлар сабр-тоқатли бўлишлари даркор: тақдир зарбалари уларни эллик ёшигача калтаклаши мумкин. Бахт, мартаба, ҳақиқий муҳаббат улар ҳаётига анчайин кеч кириб келса-да, узоқ вақт бирга қолишади.

ТУГИЛИШ СОАТИ

Эргалаб туғилганлар – янги кармик дастурни бошлаб берадиган инсонлардир. Одатда, бундайларнинг ҳаёти сокин кечмайди. Улар бахти бўлишлари учун ҳамма ишга ўз кучлари билан эришишлари керак.

Күшиниг ярмида куч-ғайратга тўла кишилар дунёга келишади. Улар фусункорликда юқори даражада бўлмасалар-да, ҳар қандай жамоа, давранинг жони. Истеъододли, қобилиятли, бироқ бетартиб ҳам. Бошқалар билан шундай муносабат доирасини шакллантиришлари керакки, ўзлари ҳам, улар ҳам азият чекишишасин. Бундай одамлар ҳаётида танаффус ва сафарлар бисёр бўлади.

Оқшом, кечиқурун тимсоллар яратувчилар туғилишади. Улар ўзларини кўзларин илғамайдиган кишилар ҳаёт йўлидан эргаштириб кетаётганини кўп такрорлашади. Хоҳлайдиларми-йўқми, ҳаёт қандай бўлса, уни худди шундайлигича севишни ўрганишларига тўғри келади. Уларнинг вазифаси – ҳаётнинг буюк дарёсида қулай ва бехатар йўл топган ҳолда оқим бўйлаб сузишни ўзлаштиришдир. Ҳамма ишни орқага ташламай, шошилмай, ўз вақтида қилсалар. омад ҳамиша уларга ҳамроҳ бўлади.

Тунида етарли даражада фусункор, сеҳрли қобилиятга эга инсонлар дунёга келишади. Бундай кишилар нафақат ўзларининг, балки бошқаларнинг ҳаётини ҳам бошқаришлари мумкин. Уларнинг вазифаси – ўзларига ҳам, атрофдагиларга ҳам хавфли бўлмаслиги учун бу туғма қобилиятларидан ўринли фойдаланишни ўрганишдир.

ТАВАЛЛУД КҮНЛАР БҮЙИЧА МАЪЛУМОТ

1-санада таваллуд топғанлар

Бу санада туғилған инсонлар ижодкорлик ва ихтирочиликка мөйил бўлишади. Улар ўз қарашларига ва улкан ишонч кучига эга. Чегараланиш ва сўралмаган маслаҳатлар ёқмайди, шунингдек, ишларига халақит берганларни жинлари сўймайди. Шу боис бошқалардан мустақил равишда якка тарзда меҳнат қилишни маъқул кўрадилар. Уларда ҳукмронлик аломатлари сезилади.

Бундай инсонларда улкан қатъият ва эркинлик кучи мавжуд, бироқ баъзида улар саркаш ва ўжар одамларга айланадилар. Асосий ҳиссиятлари ҳаддан зиёд жizzакиликка қаратилиб, уни амалга ошириш учун барча ақлий қобилиятларини ишга sola билишади. Ҳиссий машғулотлари ўткинчи, иккинчи даражали, деярли доимий равишда иззат-нафсларига итоат этадилар. Улар ўзларига тобе бўлишни, бўйсуннишни талаб қилишади, шунинг учун ҳам никоҳлари ҳамма вақт ҳам омадли бўлавермайди.

Ушбу одамлар ўзлари белгилаган марра сари катта жасорат, барқарорлик пайдо қила оладилар. Агар бу улардаги мулоҳазакорлик билан уйғунлашса, ажойиб натижаларга эришиш мумкин. Ўз маърузаларida очиқ, қўпол ва шафқатсизликни намоён этишади.

Улар ўзларига онгли равишда тобе кишилар билан келиша оладилар, бироқ ўзларини тобе одамлар билан тенг кўрмай, уларнинг сояси билан қолишини афзал билишади. Мазкур санада туғилғанларнинг ўзига хослигини, эркинлигини ҳурмат қилган кишиларгина улар билан муроса қила оладилар.

Бу одамлар қарор қабул қилиш ва ижодкорлик борасида ҳамиша қатъий. Уларнинг шахсий сифати олий даражада. Бироқ бошқа кишилар билан ўзаро муносабатда катта қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Атрофидагилар бу инсонларни тушунишлари, уларга нисбатан хушмуомала бўлишлари керак.

1-санада таваллуд топғанларнинг саломатлик борасидаги заифликлари юрак, кўз, қон босими билан боғлиқ.

2-санада таваллуд топғанлар

Ушбу санада туғилғанлар назокатли, мушфиқ, хаёлпаст бўлишади. Ақлли, ижодкор, бой тасаввурга, бадиий-эстетик жиҳатдан қобилиятга эга. Уларнинг кучи ҳиссиятлардан кўра тафаккурида.

жисмоний эхтийёжга нисбатан маънавий қониқишини устун кўрадилар. Ҳаёлга бериувчан, мулойим, марҳаматли бўлишса-да, аммо хизмат поғонаси бўйлаб силжишларига кучлари ва қунтлари етмайди. Ҳамкорлар билан умумий тил топишга ҳаракат қилишади, жисмоний муносабатни руҳий боғланишиз ҳал этса олишмайди. Агар уларнинг никоҳи маънавий жиҳатдан барпо этилган бўлса, омадли кечади, акс ҳолда кучли руҳий сиқилишга дучор бўладилар.

Бу инсонлар хаёлга бериувчан, кучли ақл-заковат, шу билан бирга солда ва ишнинг кўзини билмайдиганлардир. Қарама-қарши ҳаракат вақтида руҳан тутикунликка тушадилар, ўзларига номуносиб шароитларда бекаму кўст бўла олмайдилар. Ўз ғояларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун уларда тиришқоқлик ва ташаббус этишмайди. Бу инсонлар учун энг муҳими, маънан юқори даражадаги ҳамкорлар билан муносабат ўрнатишидир. Улар руҳний жиҳатдан муносабатда бўладиган кишилар билан маънан бой бўладилар. Энг муҳим талаб – бу инсонларда ишонч ҳосил қилиб, руҳлантирадиган ақл-заковатли умр йўлдошини топишdir.

Ушбу инсонлар кучли ақл-идроқини ишга солиб, ҳодисаларга холис баҳо беришилари лозим, акс ҳолда уларни умидсизлик, асоссиз изтироблар кутади.

Саломатликка келганда, мазкур санада туғилганларда жигар ва овқатни ҳазм қилиши йўлида муаммолар бўлиши мумкин.

З-санада таваллуд топғанилар

Жizzаки ва тажовузкор. Улар ҳамиша атрофдагилардан юқори туришга интилишади. Ўзларига тобе кишилар билан ҳеч қачон келишишни истамайдилар. Ҳукмронликни севишади, ўзларининг улкан куч-қувватларини ҳаётга татбиқ этишади. Режалари рўёбга чиқишига атрофдагилар шубҳа ва тўсқинлик қилишса, чидай олмайдилар. Ўзлари тартибли бўлишгани учун бошқалардан ҳам шуни талаб қилишади, шу боис улардан виждонли бошлиқлар этишиб чиқади. Улар чидамли бўлиб, кучлари қолмагунча жангда бўш келишмайди, истар-истамасгина таслим бўлишади. Улкан жисмоний куч ва бардошга эга.

Бу инсонларнинг муҳаббат ва романтикага вақтлари йўқ. Севгидаги ўзига хос овчи: уларнинг нишони уларга бўйин эгиши, улардан устун бўлмаслиги керак. Ҳамкорлари – уларнинг қурбони. Нозик му-

носабатлардаги жисемоний қониқишидан сүнг шерикларига нисбатан қизиқишилари йўқолали.

Улар ўзларининг раҳбарлиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкинилигини ўйлаб ўтиrmайдилар. Бузғунчи, фитнабоз бўлмасаларда, тоқатсизликлари туфайли ҳаракатчан ва занфлар орасидан кўплаб душманлар орттиришади. Улар қизиққон ва мағрур. Бошқаларга нисбатан мажбуриятлиликни ёқтиришмайди.

Бу инсонлар серзардалик ва муросасизликдан тийилишни ўрганишилари лозим. Ўзларининг салбий хислатларини назорат қилиш орқали улар мислеиз шахсга айланишлари ва омадга эринишлари мумкин.

З-санада туғилганлар ўзларининг бўғимлари ва териларига ёътибор қаратишлари керак.

4-санада таваллуд топганлар

Бу инсонларнинг асосий феъл-атворини ақл ва тушкунлик ташкил этади. Одатда, улар ўқиши-ўқитинига онд ажойиб мавқе-марта ба яратса оладилар. Уларда ўқинига нисбатан кузатувчанлик ва зеҳилик юқори даражада. Ортиқча интилишсиз ҳам фавқулодда фойдали ходим. Ҳар қандай ишини услубий жиҳатдан амалга оширишади. Улар қизиққон эмас, кам баҳслашинишади. Истрофгар, уларга пул қанча тез келса, худти шу тарзда кетади.

Осонлик билан севинимайди, бироқ севиб қолсалар, бу умрбод давом этади. Улар мажбурликдан эмас, севинилари қийин бўлғани учун садоқатли. Нозик масалаларда иштаҳалари ўртача.

Тушкунликлари боис доимий ғам-ғуссада юриб, бу эса яқинларини ташвишига солади. Одамларга ишонишмайди. Ўзларига ҳам унчалик ишонмай, доимий далдага муҳтож бўлишади. Агар кимдири томонидан қўплаб-қувватлансалар, ўзларини жуда яхши сезадилар, аксинча ҳолатларда эса заҳар-заққум ва жаҳлдор кимсаларга айланадилар. Айнан тушкунлик туфайли улар улкан омадга эриниа олишмайди, ҳеч қандай натижа чиқмайди, деганлари боис яхши имкониятларни қўлдан бой берадилар.

Иқтисодда, тежамкорликда ноқис. Муҳтожликда чора топа олиш маса, ҳаддан зиёл руҳлари тушади.

Ҳамкорлар, умр йўлдошлири, дўстлари бу инсонларни руҳлантириб туришлари керак, аks ҳолла уларни йўқотиб қўйиш мумкин. Ат-

роғидагиларнинг бари сабр-бардош ва куч тимсоллари бўлишлари лозим. Бунинг эвазига улардан бекаму кўст садоқат, меҳрибонлик ва ишонч олиш мумкин.

4-санада туғилғанлар мумкин қадар ўзлари уқубат чекаётган (дунёни адолатсизликда айблаб, имкониятларни қўлдан чиқараётган) норасо туйғуни енгишлари лозим. Аслида омадсизликларига ўзлари сабабчи. Улар ўзларига, ўз ақл-идрокларига ва қобилияtlарига ишонишилари керак.

Саломатлик борасида мазкур санада таваллуд топғанларни буйрак, бош ва орқадаги оғриқлар безовта қилиши мумкин.

5-санада таваллуд тоғғанлар

Ушбу санада туғилғанлар манфаатпастликка мойил: улар пул ишлаб тошиш ва уларга эгалик қилиш орқали ўз ҳаётлари мазмунини ташкил этадилар. Абжир, улкан ишбилармонлик қобилиятига эга, уларнинг пул билан боғлиқ ишлари гуллаб-яшнайди: қисқа фурсат ичидагатта миқдорда пул жамғара олишади. Ақлли ва ихтирочи. Мулоҳазакорликда тезкор бўлиб, қарор қабул қилишни чўзиб ўтирумайдилар, улар – аниқ мақсадни кўзлайдиган событқадам. Пулга инебатан муҳаббатлари боис бу инсонларни пул топишга бетоқатлик билан интилиб. қонунбузарликка ҳам йўл қўйишилари мумкин.

Мазкур санада таваллуд тоғғанлар билан муроса қилиш осон: улар сўзларида турадилар, туғма устомон. Агар тақдирнинг оғир зарбасини бойликка йўйсаюлар, ўзларини йўқотиб қўйишимайди. Улар режасини рўёбга чиқарадиган хислатлар донолик, улдабуронлик, хушмуомалаликдир.

Бу инсонларнинг ғалати жиҳати шундаки, улар нозик масаладаги майл ва эҳтиёжларни ҳам пулга муҳаббат билан боғлашади.

Афусски, ақл-салоҳиятларига қарамай, ўз хатоларини тақрорлайверадилар. Улар – тузатиб бўлмас ўйинчи! Фавқулодда забти тор бу одамлар меъёр ҳиссини йўқотишилари ва муваффақиятсизликка дучор бўлишлари мумкин.

Улар фақирона яшашни хоҳламайдилар, бойликка эга бўлиш учун ҳар қандай ишни қилишга тайёрдирилар. Бу инсонлар – қонун қурбонлари. Улар ўткир ақл соҳиби бўлиб, ўзаро ҳамкорликда иш юритиш мароқли.

5-санада таваллуд топғанлар бўғинларидағи муаммолар ҳамда руҳий дилсиёҳликдан азият чекишлари эҳтимолдан холи эмас.

6-санада таваллуд топғанлар

Мўъжизакор ва мафтункор шахс. Жисмоний жиҳатдан стук бўлмаса-да, ёрқин ташқи кўриниши ва ноёблиги билан ажралиб туради. Муомала тарзи ва мулозамати орқали худли олов парвонани ўзига тортганидеск, қарама-қарши жинс вакилларини жалб этиш қудратига эга. Хаёлпаратликка мойил. Улар ўз севгилисига гўё қулдек тобе бўладилар. Атроф-муҳитга таъсирчан, агар старли маблағлари бўлса, ўзларини гўзал нарсалар билан таъминлайдилар. Бойлар ҳомийлик қила олишади.

Бу одамлар ҳис-туйғуларга бой ҳаёт қўйнида яшайдилар. Нозик масалаларда мувозанатни сақлай билишади, вужуди ва руҳияти билан бир хилда севишади. Серфайрат ва жўшқин. Гўзалликни, нафисликни севадилар. Яқинларига нисбатан самимий, уларга хиёнат қилишмайди. Хаёлотга мойил, бироқ бор бўйича севадилар. Аниқ фикрлашади, улар дадил, ўз режаларини амалга ошириш йўлида қатъий. Руҳий событқадамликлари ҳар қандай ишдаги меҳнатсеварликда намоён бўлади.

Улар олий мақсадларга яқин. Айрим истисно ҳолатларда шафқатсиз хиёнат қилганларга нафрат қўзи билан қарашади. Бундай вазиятда уларнинг қасоскорлиги ва душманлиги вақт ўтиб чек-чегара билмаслиги мумкин.

Ушбу инсонлар ўз мижозларини назорат қилиш қобилияtlарини шакллантиришлари талаб қилинади. Бу одамлар дўст сифатида ажойиб инсон, уларни душман сифатида кўришдан асрасин. Агар жаҳл отига минишса, ўзларини назорат қила олмай қоладилар. Ушбу камчиликни йўқотиш орқали ўзаро муносабатларда ёқимли инсонларга айланишлари мумкин.

Саломатлик борасида: мазкур санада туғилганлар қулоқ, томоқ, бурун тизимиға эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

7-санада таваллуд топғанлар

Кўринишидан мустақил, феъл-атвори жиҳатидан шахсиятинаст, ақлий жиҳатдан ўзига хос табиат эгалари. Улар моддийликка ўч бўлишмаса-да, бошқалар каби бойлик ва дунёвий неъматлардан фой-

даланадилар; пул ишлаб топишга астайдыл интилмай, ўзларининг ақп-заковатлари ва топқырлыклари туфайли уни қўлга киритишиди. Таниқли ёзувчи, шоир, мусаввир, олим бўлиб стишишлари мумкин. Мерос ёки хизмат фаолиятини давом эттириш ўрнига барча ишда ўз йўллари билан кетадилар.

Ҳаётдаги кўпгина ўзгаришларга бардош берадилар: бу инсонларни мавжуд вазият, иш ва яшаш жойининг алмашиб туриши ўзига жалб қиласди. Улар тиниб-тинчимас ва саҳоватпеша. Ўзларини жамоатчилик ва хайрия ишларига баҳшида этишиди. Барча жабҳада инсонпарвар. Юксак ҳис-туйғу эгалари. Яқинларининг кайфиятини илғаб, руҳий ва жисмоний ҳолатдаги кескин ўзгаришларни кўра оладилар.

Улар ўзгарувчан ва жонсарак. Тез-тез иккilanадилар, ёшлиқдан ўрганган инсонларга узоқ вақт боғланиб қолмайдилар. Доимий тарзда хавфсизлик чораларини излаб, келажак ҳақида узлуксиз равишда ўйладилар. Керакли ва ишончли умр йўлдошини топиш учун дамбадам ва бир неча марта никоҳ қуришлари мумкин.

Нозик масалаларда ажабтовур – шериги билан кутилмаган хатти-ҳаракатда, мулойим муносабатда бўлади. Ўз эҳтиросларини ўзгартириб турадилар, аммо бу доимий боғланиш ва яқинликка путур етказмайди. Улар билан турмуш қурадиганлар турли-туман майдади. Хиёнатларга чидашлари керак.

Агар доимий мақсадлари бўлмаса, бу инсонларнинг ўзгарувчалиги ва беқарорлиги ўз ҳаётлари мобайнида катта кўнгилсизликлар келтириб чиқариши мумкин. Бу инсонлар учун пишиқ-мустаҳкам лангар керак ва улар бу лангарни яқинларида кўрадилар. Ҳақиқатдан ҳам қадрдонлари уларни иккиланишлардан халос этиб, ягона ўзанга солишлари мумкин.

Бундай кишилар зарар келтирувчи номаъқул ўзгаришлардан ўзларини тийишлари даркор. Бу борада энг муҳими: мулоҳазакорлик ва ақллар.

7-санада таваллуд топганларни овқат ҳазм қилиш аъзолари, тери, асаб фаолиятининг бузилишига доир муаммолар безовта қилиши мумкин.

8-санада таваллуд топганлар

Мазкур санада дунёга келган кишилар ўз ҳаётлари мобайнида вазият тақозосига қараб шахс сифатида иккиланиб юрадилар.

Уларнинг ҳаракати атрофдагилар томонидан тушунилиши қийин. Бу инсонлар дилкаш, самимий дўстларга эга бўлмай, ёлғизликка мубтало бўлишлари мумкин. Арзирили иш қилишмаса-да, кўпинча обрў-эътибор қозонадилар. Якка тарзда моддий ва маънавий иштиёққа эга. Улар ҳаддан ташқари имконият қўювчан. Агар ҳаётлари давомида моддийликни устун кўрсалар, улкан омад кутади, чунки бу одамлар оқил ва меҳнатсевар ҳам. Ҳардамхәёллик ва тушунмасликлари боис таъқиб ва кузатув қурбонига айланишади. Бу эса улар ҳаётини қийноққа буриб, исён кўтаришларига мажбур қилади. Кимни айблашни билмай, ўзларини жазолашади. Бунинг натижаси ўлароқ, ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичи уларда энг юқори туради. Агар ўзларини жазолай олишмаса, бошқаларга нисбатан ёвузлик қилишлари, ижтимоий жиҳатдан хавфли одамларга айланышлари мумкин.

Кучли феъл-атвор соҳиблари, хушомадгўйликка қадар яқинлик ва садоқат кўрсатиш қобилиятига эга. Уларни сидқидилдан яхши кўриш ва тушуниш қийин, бироқ қарама-қарши жинс вакилларини мафтун этувчи ва мўъжизакор шахсиятга эга. Бу одамлар ташқи томондан совуқ бўлишса-да, самимий ва жўшқин. Уларнинг ҳаракатдан ташқари ҳиссиётларини ифода эта олмасликлари атрофдагилар томонидан нотўғри талқин қилинади. Улкан фидойиликлари эса яқинларининг уларни ишлатишларига олиб келади. Нозик масалаларда шериклари маънан ва жисмонан кучли бўлишлари даркор. Уларнинг бундай шерик тошилари қийин, камдан-кам инсон у билан уйғунлик яратади. Ушбу санада таваллуд топганлар билан яшаётган кишилар уларнинг ўз-ўзини севишлиари учун доимий тарзда маънан ва жисмонан муносабатда бўлишлари жоиз.

Бу инсонларнинг мувозанат ва қатъиятни ўстиришларига тўғри келади. Атрофдагилар уларнинг ички хислатларига мослашишлари керак. Улар эса ҳаддан ошишдан тийилишлари, ўзларининг устидан ҳукмрон бўлишни, мақсадларини ягона ва юксак чўққига йўналтиришни, майдалашмасликни, ҳеч бир жангсиз қўлларига келаётган нарсани қабул қилишни, чидамлилик, вазминликни таъминлашлари лозим.

Саломатлик борасида: бош, жигар, ошқозон борасида муаммолар туғилиши мумкин.

9-санада таваллуд топғанлар

Табиатан жангари, букилмас, энг катта түсікіларга ҳам рұхан чидайдиган одамлар. Хотиржам, ҳар қандай ишни охиригача олиб борышади. Узокни күра оладилар, устунлик феъли ва раҳбарлық ҳиссі-әтига мойил. Тобе бўлишни ёқтиришмайди, ўzlари буйруқ беришганида бахтиёр, қўл остидагиларга қўпол ҳамда бошқаларнинг ҳисси-әтларига нисбатан лоқайд. Ҳарбий хизматда юқори мартабаларни эгаллашади. Уларни ирода кучи ва қобилияtlарига кўра ҳурмат қила-дилар.

Нозик масалаларда майллари зўр, бироқ ўз истакларини билди-ришмайди, буни таҳқиrlашиб ҳисоблашгани учун ҳам кўпинча омадла-ри чопмайди. Ўз хоҳишлирини қондириш ўрнига ҳаддан зиёд умид-сизликка тушадилар. Нозик масалалардан ташқари ҳамма ишда пеш-қадам. Шериклари уларнинг ташқи жиҳатдан эти ўликлигидан ран-жимасликлари керак, сабаби, бу инсонлар ички томондан ёндирувчи ҳиссиётларни бошдан ўтказадилар. Улар қийинчилик билан севиша-ди, бироқ севганга яраша бутун умр севадилар. Кўпинча жисмоний интилишни муҳаббат санаганлари боис биринчи никоҳлари таназзул-га юз тутади. Хатони икки марта тақрорлашмайди.

Рұхий жиҳатдан ўзгалар билан фақат тенгма-тенг муроса қиласылар: зорланиб юрадиганларга, мижғовларга чидай олмайдилар. Ўткир мuloҳаза юритиш қучига эга, худди шундай ақлий салоҳият соҳибларини излайдилар. Ўзларини бекаму кўст мавқега эга одамлар билан қуршаб оладилар. Ҳеч кимга ҳеч қағон осонликча ишонишмайди.

Улар бошқалар билан муносабатда сипо ва бардошли бўлишла-рига тўғри келади. Эркаклар номуносиб аёллар билан хушторлик-дан қочишилари лозим.

Ушбу санада таваллуд топғанларни иситма, чечак безовта қили-ши мумкин.

10-санада туғилғанлар

Пешқадам, жizzаки, мутафаккир. Ўз режаларини амалга ошириш учун вақт сарфламайдилар, ишга аралашишларни ёқтиришмайди, ўйлаганларини бажариш борасида қайсар, қатый ва довюрак. Тасаввурга ва ижодий қобилияtlарга бой. Улкан мувваффақияtlарга эришиш учун катта миқдорда пул тикишдан, йўқотишлардан қўрқиши-майди, одатда, уларга омад келади.

Раҳбар сифатида ходимларнинг ортиқча саволларсиз фаолият юритишларини талаб қилишади. Уларни алдамагунча атрофдагилар билан яхши келишадилар. Барча билан нозик масалаларда, муҳаббатда, дўстликда, ишда ўзаро мутаносибликни талаб қиласидилар.

Бу одамлар мустақил. Асосий шиорлари: “Ўзинг яша ва бошқаларнинг яшашига ҳам имкон бер”. Халақит бериш, кўр-кўронга тобеликни ёқтиришмайди. Улар ўз раҳнамоликлари бошқалар томонидан тан олиниши ва фахрланишни истайдилар. Ақлли, сергайрат, ташаббускор бўлишгани боис ҳаёти ва фаолияти давомида осонгина омадга эришадилар. Улар билан муроса қилиш қийин эмас.

Бу одамлар қўйл остидагиларга жонкуяр бўлмасликлари ҳам мумкин. Улар қизиққон, беихтиёр равишда ўзгаларнинг фикрини инобатга олмасликлари эҳтимолдан холи эмас. Агар бу одамлар бошқариб турилмаса, улар йўлларида барча нарсани яксон қилишлари мумкин. Шу боис 10-санада туғилганлар ўзларида чидамни тарбиялашларига, жizzакиликдан сақланишларига тўғри келади. Бу жисмоний фаолиятда, атрофдагилар билан ҳиссий муносабатларда, тинкаси қуригунча ишлаган вақтларида, айниқса муҳим.

Мазкур санада туғилган инсонлар юрак, кўз, қон босими борасида эҳтиёт бўлишлари керак..

11-санада таваллуд топғанилар

Бир-бирига тескари фикр юритадиган одамлар. Ҳаракатларини таърифлаб бўлмайди, уларни тушуниш ҳам қийин. Ўта жizzаки, салга хафа бўлишади. Шу билан бирга ҳаракатчан, ташаббускор, мустақил. Қатъий қарор қабул қиласидилар, муносабат билдиришда тезкор, дадил. Бу борада сезгир, назокатли ҳам. Бироқ иккиланишса, ўйлаб қўйган ишлари ҳавога учеб, уни қайта амалга оширишга жасоратлари етмайди. Омадсизликнинг ilk кўринишидаёқ уларнинг қадди букилиб, тушкунликка, умидсизликка берилишади.

Бу одамлар торгинчиқ, самимий, садоқатли бўлиб, хиёнатга қодир эмас. Ишқий масалаларга кимларнингдир аралашишига тоқат қилолмайдилар. Мустақил иш тутишга интилишса-да, бу борада қобилиятга эга эмас.

Иззат-нафсоният ва ишончсизлик масаласида 11-санада туғилган инсонларда доимий тарзда кураш кечади. Улар қарама-қаршилик билан қизғинлик ўртасидаги коптоказек гап. Нима қилиш керак? Бу

одамлар ҳавода қүрғон қурмасдан, ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишлари, ҳаракат қилишлари лозим.

Уларнинг атрофидагилар оқиллик, сабр-бардош ва хушмуомалалик тимсолига айланишларига түғри келади. Агар эр-хотин ажralадиган бўлса, бу жараённи нозиклик билан ҳал этиш керак, акс ҳолда машъум оқибатлар бўй кўрсатиши мумкин.

10-санада таваллуд топган инсонлар фаолиятсизлик, умидсизлик, аҳмоқона иш билан шуғулланишдан сақланишлари шарт. Улар ўзларига ишончни, жасоратни кучайтиришлари мақсадгага мувофиқдир.

Саломатлик борасида: бу инсонларда қон босими, асабий зўри-қиши билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

12-санада таваллуд топғанлар

Ушбу санада туғилғанлар жасур, ташаббусга, мардонаворликка лиммо-лим одамлардир. Улар раҳбар сифатида ижобий сифатларга эга, бироқ ёқимли хаёлпараст ҳам. Доимий қўллаб-қувватлаш, маъқулланишни талаб қилишади. Баъзида сўник. Интизомли, режали иш тутадилар, қўл остидагилар билан мўроса қилиб, келишиш мумкин бўлса-да, улар устидан ҳукмронлик қилишга интилишади.

Бундай инсонлар билан яшаш осон. Яхши кўрганларига нисбатан событ, ўзларига мос ҳамкорлар топишни истайдилар. Одатда, ақл-салоҳиятли инсонлар билан никоҳлари баҳтли кечади. Хуштавозе маъшуқа, тақиқлашлардан холи, тажриба ўтказувчи ҳисобланишади.

Мулоҳазакор, гарчанд лозим топишмаса-да, ўз фикрларини билдираверадилар. Таниқли, улфат одамлар. Улардан нима кутиш мумкинлиги аён бўлаверади. Ҳаддан зиёд нозиктабиатли, раңж-аламни узоқ вақтгача кечира олмайдилар, бу уларнинг ақлинни бесаранжом қиласи. Кимдир маслаҳат бера бошласа, жizzаки ва серзарда одамга айланишади. Қийинчиликларга дуч келганда ўзларига нисбатан ишончсизликни ҳис қиласидилар.

Улар хаёлпарастликни, ишончсизликни енгилшлари, сабр-бардошни ўстиришлари, режалар амалиётидаги тўсиқларни бартараф этишга интилишлари лозим.

12-санада таваллуд топғанлар қон босимларига эътибор қаратишлари талаб қилинади.

13-санада түғилғанлар

Бу инсонлар омадни, хизмат поғонасидан кўтарилишни яққол тасаввур этиш иқтидорига эга. Омилкор, аъло даражада режа тузадиган, ўтқир ақл соҳиблари. Улардаги ғуурур, мустақиллик, қатъият ўзига хос. Қарзларни тез узишади. Аммо бошқа томонлама тушкун, ўзига ишонмайдиган, гумонсирайдиган, ҳафсаласи пир одамлар бўлиб, кўплаб имкониятларни кўлдан бой берадилар.

Барча жабҳадаги кучли ақл, парвоз қилишдаги қобилияtlари тез ўқиб-ўрганиш, ўзларига бириктирилган ишни юқори даражада адо этишларини таъминлайди. Бироқ ўзларини тортадиган бўлсалар, омадсизликка гирифтор бўлишади. Ўзларида борига камдан-кам қаноат ҳосил қиласидилар, кўп нарса хоҳлайдилар.

Нозик масалаларда ҳаётлари оғир, машаққатли кечади: ташқи тарафлама ўзига ишонч замирида ич-ичида танглик яширинган. Дўст ва ишқибоз орттиришлари енгил кечмаса-да, бутун умр уларга садоқат кўрсатадилар. Ишқий жабҳада иштаҳалари чакки эмас.

Бу одамлар мададга муҳтож. Рашкчи, аммо фитнакор эмас. Уларнинг тушкунлиги омадга тўсқинлик қилувчи ягона тўсиқ бўлиб, бу омил бошқаларнинг зардасини қайнатади.

Саломатлик борасида: бош, орқа ва жигар аъзоларида муаммолар кутилади.

14-санада таваллуд топганлар

Мазкур санада дунёга келганлар кўринишидан пешқадам, жиззаки, қизиқон, шу билан бирга тушкун кимсалардир. Манфаатпараст ва камомадга йўл қўядиган одамлар. Моддий масалаларда омадли.

Одатда, улар бой одамлар билан турмуш қурадилар. Дўстлари ҳам бадавлат бўлишлари лозим, акс ҳолда умр йўлдошлари ва ошналари улардан илиқ муносабат кутиб ўтиришмасин.

Сертақаллуф ва устомон. Ҳеч кимни ўзларига қарши қўймайдилар. Гўё уларнинг дўстлари кўпдек, аслида эса бундай эмас. Пуллар қизиқтирмайдиган одамларнинг мазкур инсонларга кераги ҳам йўқ.

Одамлардан фойдаланиб бўлгач, улардан воз кечадилар, бироқ, юқорида айтганимиздек, уларни ўзларига терс қўймайдилар. Мабодо душман орттиришса, тубсизликка улоқтиришади. Моддий жабҳада дамдуз (“ичимдагини топ”).

Уларга пул ҳаммасини ҳал қилмаслигини тушунтириш керак. Ана шунда бу одамлар юқори натижаларга эришишлари мумкин.

14-сана эгалари бўғинларга эътибор қаратишлари жоиз.

15-санада таваллуд топғанлар

Тұғма пешқадам, манфаатни биринчи ўринга құювчи кишилар. Ишчанлик қобилиятига эга, шу билан бирга күтаринки кайфият соҳиблари. Қандай қарор бўлмасин, уларни қабул қилиш ва рўёбга чиқаришда саботли. Ишни ҳеч қачон чала ташлаб қўйишмайди. Ўзларига мерос сифатида қолган ишни камдан-кам ҳолларда давом эттирадилар, бошқаларга топширадилар. Шахсий ишларини юрита бошлайдилар. Пулларни севишиша-да, Ҷармоянинг йўқлиги уларни унча безовта қилмайди.

Зардаси тез, уларнинг жаҳлини чиқариш осон. Тезда ҳовридан тушидиган кишилар. Яқинлари улардан хафа бўлишларига ҳожат йўқ.

Мазкур санада туғилганларнинг никоҳлари муваффақиятли кечади. Фақат умр йўлдошлари бойлиқдан ташқари мафтункорлик орқали ҳам уларнинг хаёлпарамастлиги ва бой тасаввурларини вайрон қилмай, шунга муносиб равишда масъул бўлишлари лозим.

Бу инсонлар осонгина четга чиқиб, хаёлан алаҳлашдан кўра ҳаммасини обдон ўйлашлари ва муҳим, узил-кесил қарорга келишлари талаб қилинади.

Уларнинг ожиз аъзолари қулоқ, томоқ, бурун тизимиdir.

16-санада таваллуд топғанлар

Яхши рассом ва ёзувчилар, тадқиқотчи-амалиётчилар. Ақлли ва романтик, ҳассос ва таъсирчан кишилар. Саёҳатчилар. Қарама-қарши жинс вакиллари учун қизиқарли ва мафтункор, айниқса, бу санада туғилган аёллар кўплаб ўз ихлосмандларига эга бўлишади. Улар ўта ҳиссиётли. Мустақил.

Кучли боғланиб қолишли мумкин, бироқ битта киши билан узоқ вақт бирга бўла олишмайди. Уларга танаффус керак, бу борада, аввало, ҳиссий боғланиб қолганлик сусаймайди.

Нозик масалаларда кучли ҳамда тажовузкор: эркаклар сидқидидан севса, уларга қаршилик кўрсатиш мушкул. Улар мулойим, ошиқ сифатида тузуккина. Ҳиссиётлари нишони баҳтиёр бўлади.

Бу инсонларнинг романтик майллари умр йўлдошларидан ҳассос-

ликни талаб қиласи. 16-санада таваллуд топғанларнинг ҳамроҳи уларнинг кайфиятига монанды тарзда зийрак, сезгир, нозик масалаларда фаол бўлишлари жоиз.

Дўстга вафодор кўплаб ёр-биродар орттиришади. Ўзаро муносабатларда устомон, олийхиммат. Бу одамлар ўзларининг мустақиллигини ҳурмат қиласидиган, ишларига ҳалақит бермайдиган, чегараламайдиган кишилар билан саодатли.

Дарбадар юришга мойил, ёлғизликдан, якка қолишдан, қўрқишиди. Бир одамдан бошқасига, бир жойдан иккинчисига бориб-келаверади.

Улар ўзларидаги қатъиятни ўстиришлари лозим. Бу кишилардан енгилтаклик, тушунмаслик борасида ўпкаламанг. Мазкур хислатлар атрофдагилар уларни англамаганлиги натижасида ўсиши мумкин.

16-санада таваллуд топғанлар овқат ҳазм қилиш аъзоларига эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқидир.

17-санада таваллуд топғанлар

Бу инсонларнинг нафсонияти кучли, улар куч-қувватга тўла, ўзгарувчан, ўзига хос нағислик ва ақл-идрокка эга. Муаммоларга нисбатан мантиқан иш тутишади. Атрофдагилар уларни қийинчилик билан тушунишлари мумкин.

Фидокор, бошқаларнинг енгил алдашларига қарамай, уларга садоқатли. Яқинлари уларни тушунишлари ва кечиришлари керак. Агар ҳамкорлари ниманидир чекламоқчи ёки қандайдир тўсиклар қўймоқчи бўлишса, ўзаро муносабатларга нуқта қўйишлари эҳтимолдан холи эмас. Бир эмас, бир неча марта никоҳ қуришлари мумкин, айнан кейинги никоҳлари аввалгисидан яхши бўлади.

Нозик масалаларда кучли шерикларни излайдилар, тажрибалар ўтказиши ёқтирадилар. Тақиқлардан холи, кучли ва бақувват. Улардаги ўзгарувчанлик мароқли ишларни ҳам бузиб, баҳтсизлик баҳш этади. Фақат саёҳат ва танаффуслар масаласида сабитқадам. Айнан шу боис ҳам ажойиб имкониятларига қарамай, уларнинг мавқе-мартабаси омадли бўлавермайди.

Бу инсонлар олдинга силжиши учун ўзларининг ишига эга бўлишлари керак. Улар ўзгарувчанликларига ҳалақит бермайдиган ва ўз-ўзлари билан қолиш имкониятини ҳадя этадиган кишилар билангина, толеи баланддир.

17-санада туғилғанларни сиртдан чегаралаш керак эмас. Улар эса ўзларидаги қатындың ривож топтиришлари ва танаффусларидан катта куч билан тийилишлари шарт.

Саломатлық борасыда: жигар, овқатланиш тизимида муаммолар келиб чиқиши мумкин.

18-санада таваллуд топғанлар

Бу одамларда нафсоният, куч, қобиляйт, улкан маҳорат ва зийраклик мужассамлашган. Атрофдагилар уларни тушунмасликлари мумкин.

Нозик масалаларда абжир, аммо аксарият ҳолларда ўз истак ва майлларини ифодалай олмай, умидсизликка чидашларига тұғри келади. Ошиқ сифатида ҳүшөр ва мулойим, улар бор бүйича севишиади, кимни севишиларини ҳам яширмайдилар. Шериклари майин ва күнгилчан бўлишларига тұғри келади. Дўст-биродарликда содиқ, бироқ улар билан чиқишиш осон эмас. Яқинлари бу инсонларга қачон қай вазиятда гап ўтказиш мумкинligини билишлари лозим.

Дўстлари ожиз эмас, кучли, иродали бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Улар дўстларининг манфаати учун ҳамиша шай.

18-санада таваллуд топғанларга маслаҳатимиз: ҳеч қачон такаллуфсиз бўлманг, акс ҳолда бор обрўнгизни йўқотишингиз мумкин. Атрофдагилар билан мулойим бўлишингиз жоиз.

Бу одамларни ҳар ким ҳам тушунавермайди, улар билан ҳар ким ҳам дўстлашавермайди.

Саломатлық масаласыда: руҳий парокандалик, иситма тез-тез безовта қиласди.

19-санада таваллуд топғанлар

Улар ҳеч қачон ҳеч кимга тобе бўлмайдилар, ўзига ишонган, магур, ўзларини ҳамиша биринчи қўядилар. Ўз ишларини бирорлар яхшироқ қила олишини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Бутун олам уларнинг атрофида айланади. Ўзларидаги нима бўлмасин, ҳеч қачон қониқмайдилар, уларга ҳамиша кўп нарса керак. Ҳукмронликка ташна. Бошқалар фикрини ўзларидаги татбиқ қилишга мажбур этадилар. Мол-дунёга эга бўлиш учун ҳамма нарсани вайрон қилишдан уялмайдилар.

Нозик масалаларда устунликка интилишади. Ён-атрофидагилар улар учун қониқиши воситаси. Худбин, ўзларига керак бўлмай қолганларни бир чеккага сурib юборишлари ҳеч гап эмас. Фақат эрта ёшликлда ва кексаликда ҳиссиётлари уйғонади. Мехр-муҳаббатлари қай даражада бўлмасин, улар ҳамиша ёлғиз ва ишқий жиҳатдан қониқ-мас одамлардир.

Ниманидир қилишни хоҳласалар, улардан қўрқиши керак. Ўзларига ўхшаган ёки ўзлари учун ҳақиқатдан қадрли инсонлар билангина ўзаро мос, уйғун. Умр йўлдошлари ё улар билан тенг, ё уларнинг қули.

Бу одамлар қарама-қаршиликни енгиб, ўзларига ўзлари йўл очишиди. Бу борада дўстларини ҳам, душманларини ҳам охирги қадрдона қолгунча йўлларидан супуриб ташлашга тайёр.

Уларга йўл-йўриқ кўрсатиш бефойда: ҳеч қандай панд-насиҳатларга қулоқ солмайдилар. Бу одамлар ўзларидаги қаҳр-ғазаб, ҳукмронликкка ташналиктин мумкин қадар тийишлари лозим. Акс ҳолда маълум чўққига чиққач, ўзларига амр қилганларни ағдариб ташлашга киришадилар.

Саломатлик борасида: қон, қон босимида муаммолар туғилиши эҳтимоли бор. Чеҷақдан огоҳ бўлишлари керак.

20-санада таваллуд топғанлар

Ақлли ва ижодкор одамлар. Маънавий ва моддий дунёга нисбатан жонли ҳамда бой тасаввурга мойил. Жисмоний жиҳатдан кучли эмас. Осмонларга учадиган тарзда орзуманд. Даилилларга очиқ кўз билан қарай олмай, ҳаёт йўлидаги мاشаққатлардан ўзлари томонидан йўлаб топилган қандайдир дунёларига яширинадилар. Ҳомий йўлдош топишса, буюк мусаввир ёки шоир бўлиб этишишлари мумкин. Мулойим ва кечирувчан, ўз ҳаётларини қура олишмайди, мавжуд ҳолат улардан кучли.

Доимий руҳий муштараклик бўлмас экан, улар тамом бўладилар. Жисмоний қониқиши маънавий лаззатланишдан тасодифий ҳолатларда иккинчи даражали аҳамият касб этиши мумкин. Ишқий лаҳзалар ҳиссиётларининг чўққиси ҳисобланади. Ўзаро никоҳда маънавий дунёси юксак инсонларни излашади. Акс ҳолатда дили хуфтонлик ва ихлос қайтиши юз беради.

Қарама-қаршилик юз берганида абгор бўладилар. Омадлари чопган кезларда ўзларига салбий муносабатда бўлишаётгандек туюла-

ди. Шон-шуҳратга ўч, амалий мақсад, қизиқиши асосида яшаётгандарга паст назар билан қарашади.

Улар ўзларига ишонган инсонларни топишлари мақсадга мувофиқдир. Айнан шундай инсонларга суюниб, севимли юмушлари билан машғул бўлишлари мумкин.

Саломатлик борасида эса бу санада таваллуд топғанлар жигар, овқат ҳазм қилиш тизимиға эътибор қаратишлари лозим.

21-санада таваллуд топғанлар

Бир жиҳатдан бой тасаввурга эга хаёлпарамт, юксак маҳорат эгаси, зийрак. Иккинчи жиҳатдан пешқадамликка мойил, кучли шахс. Барча муносабатларда шахсий манфаатларни жамоа манфаати билан боғлашади. Ҳаётда муваффақиятли, ўз режаларини турмушга татбиқ эта оладилар. Ҳис-туйғуларга лиммо-лим.

Ушбу санада туғилғанлар нозик масалаларда романтикама мойил ўртача даражадаги кишилар ҳисобланишади. Ошиқ сифатида рисоладагидек инсонга айлана оладилар. Кўплаб кишилар билан муроса қилишга қодир. Ҳамкорлари уларга таянч бўлишлари лозим. Умр йўлдошлари бу инсонларнинг кайфияти билан ҳисоблашишлари, улардан кўп нарса талаб қўлмасликлари мақсадга мувофиқдир.

21-санада таваллуд топғанлар тез-тез қизишиб, душман орттиришади. Уларнинг ҳаётни илоҳийлаштириши ва иштиёқлари кўпинча тушкунликка ва умидлари пучга чиқишига олиб келади. Бу одамлар ўз-ўзига ишонч ва эркинликни ривожлантиришлари керак.

Уларнинг ожиз томони ошқозон.

22-санада таваллуд топғанлар

Бу одамлар назокатли, мулойим, кўнгилни юмшатишга мойил кишилардир. Мустақил тарзда ҳаракат қилиш, ақл-заковатни ишга солиш ва юксак маънавийликка қодир эмас. Ҳаётда камдан-кам омадга эришадилар, умидсизликка тушаверадилар. Бу инсонлар исрофгар: пуллар уларга келиб-кетаверади. Молиявий қийинчилкларга тез-тез дучор бўладилар.

Ҳиссий жиҳатдан ҳам заиф, уларни севиш қийин. Агар севилсалар, энг ишончли ва садоқатли инсонларга айланадилар. Рашқчи ва шубҳа-гумонга борадиган. Айнан шунинг учун улар дўстлари ва ёрларини йўқотишади. Нозик масалаларда ўртача. Заррача тўсқинлик (ҳатто, ножоиз сўз) ҳам уларни ўз истакларидан мосуво этади.

Умр йўлдошлари уларни қўллаб-қувватлашлари, улар учун кўп вақт ва куч ажратишлири лозим. Бунинг учун ҳар қандай машаққат ва ғам-андухни чеккага суришларига тўғри келади.

Мазкур санада таваллуд топганлар ҳаётнинг қора томонларини кўрадилар. бу эса уларнинг ишончсизликлари билан боғлиқ. Энг қулай имкониятларни қўлдан бой бериб, ҳаракат қилишни хоҳламайдилар.

Саломатлик борасида: уларни бош оғриги безовта қиласди.

23-санада таваллуд топганлар

Мазкур санада туғилганлар ҳаммаси ўзлари хоҳлагандек бўлишини исташади. Аслида эса бунга иродалари етмай, фақат заифларга қарши кўполлик билан кураши олиб борадилар. Айёр. Агар атрофлари озми-кўпми кучли одамлардан иборат бўлса, бу кишиларни руҳлари тушган ҳолда кўрасиз. Ҳиссиётли ва мағрур, ўзларини бошқаларга қарздор ҳисоблашни ёқтиришмайди. Барча билан оралари очиқ бўлишни хоҳлайдилар. Расм-русум, таомилдан устун бўлишга ҳаракат қилсалар-да, бироқ ҳар қандай тартиб-қоидадан бўйин товлашлари уларнинг жасурлиги эмас, балки жizzакилиги туфайли юз беради.

Устунликка интиладилар. Дўстларга муносабат борасида ўзинга хос ақидага эга, бироқ ўзларига худди шундай муносабатни қабул қилолмайдилар. Уларга тобе бўлишни хоҳлайдиган, айнан ўзларининг мижозидаги инсонлар билан никоҳлари рисоладагидек кечади. Никоҳда ҳур фикрли бўлишни истайдилар, аслида эса ўзларининг айтгани-айтгани, дегани-деган. Нозик масалаларда кучли, худди ўзларидек кучли шерикларни хоҳлайдилар, аксинча ҳолатларда ҳам ғам чекмайдилар. Умуман айтганда, бу инсонлар маъшуқ сифатида талабчан эмас.

Улар ўзларини барча масалаларда ҳақ ҳисоблашади. Бундай кишилар билан муроса қилиш қийин. Бошқаларнинг нуқтаи назарини сабр-тоқат билан инобатга олиш ва қабул қилишни ўргатиш мумкин. Улар пулга сотилмайди, бироқ пулни кўрганида уларнинг фикри хидалашиб қолади.

Руҳий парокандалик, бўғинлар оғриги борасида муаммолар туғилиши мумкин.

24-санада таваллуд топғанлар

Түшкун ва манфаатпарат кишилар. Хаёлпарат. Раҳнамолик хислатларидан холи. Құпоплиқка мойиллiği йўқ. Ақлли. Юксакликка камдан-кам эришадилар. Қўпинча омадни қўлдан чиқариб юборишиди. Таваккал қилишни ёқтиришмайди, шу боис тенгқурларидан ортда қолишади. Бой тасаввур ва идеаллаштиришга мойил. Қўпинча тақдирни айблайдилар.

Дўстликка содиқ, вафодор. Одамлар билан муроса қилишлари мушкуллигига қарамай, бир умрга ишончли дўст ва ҳамкор бўлиб қоладилар. Дўстлари чидағ бўлмас хислатларга эга бўлса-да, улар ўзаро муносабатларни узишлари ва янги ошна-офайнини орттиришлари учун куч ва иродалари етмайди.

Қарама-қарши жинс вакиллари билан омадли муносабатларни йўлга қўйишга тортинчоқликлари панд беради. Нозик масалаларда кучли эмас. Сидқидилдан севиш тарафдори, қандай бўлмасин, ҳаддан зиёд севадилар.

Уларни ўзларига нон топишлари даражасида қора ишда қолдир-маслик керак. Бу одамлар ҳақида қайғуриш, ширин хаёлларга берилишлари ҳақида ўйлаш зарур.

Қизиққон, бироқ ожиз эрки уларни алангасини ўчиришга қодир. Уларни кўпинча дўстлари сотади. Бу инсонлар тақдирни бошқара олишмайди, умидворликдан мосуво.

24-санада туғилган кишилар енгил касалликлар, томоқ, бурун тизимидағи хасталикларга эътибор беришлари мақсаддага мувофиқидир.

25-санада таваллуд топғанлар

Мазкур санада туғилганлар мулойимлик, ўзгарувчанлик ва қизғанчиқлик хислатлари билан ажralиб туришади. Улар ноқонуний ишларга осонгина қўл уришади. Ишчанлик сифатлари юксак, бироқ уларни ўйин ва қуруқ мухокама кўпроқ жалб этади.

Бу одамлар хаёлпарат бўлиб, маънан юксак муносабатларни излашади. Уларни асосан яхши таъминланган тадбиркор кишилар худди оҳанрабодек ўзларига жалб этади. Бу тоифа инсонларни илоҳийлаштириш даражасигача борадилар.

Улар ўйғонган, кучга тўлган вақиларида улкан қувватга эга бўлишади, бироқ нозик масалаларда ўртача. Ишбилармон кишилар, шу қаторда маънан бой одамлар билан баҳтиёр бўладилар. Уларнинг шиори: “Сокинликдан кўра, ўзгаришлар бўлгани яхши”.

Бу одамлар тез аччиқланадилар, улар қизиққон, сабрсиз. Енгил пул топишга иштиёклари туфайли күз очиб-юмгунча турли тұдаларға құшилишлари мүмкін.

Уларнинг ожиз томони тери, овқат ҳазм қилиш тизими ҳисоблады.

26-санада таваллуд топғанлар

Бу инсонлар меҳмондүст, ўйин-кулгини ёқтиришади. Уларнинг уйи доимо одамларға тұла. Таъсирчан ва чуқур ҳиссиётта қодир. Айрим ҳолатларда худди хаёлпаратстардек иш тутишади. Агар ўз нишонидаги одам улуғловчи ҳис-туйғулар билан қуролланмаган бўлса, улар кучта тўлмайдилар.

Мазкур санада таваллуд топғанлар атрофдагиларга барака баҳш этадилар. Улар улкан фидойиликларга қодир. Дўстлар ва севимли кишилари учун мулойим; тез-тез уларнинг кучидан фойдаланишади, бироқ маълум чегарагача: айримлар ўйлаганидек, 26-санада туғилганлар беозор эмас.

Ижтимоий мувозанат ҳамиша уларнинг фойдасига ҳал бўлади.

Атрофдагилар бу инсонларнинг ўзига хослигини ҳурмат қилишини ўрганишлари даркор.

Саломатлик борасида: бу инсонлар жигар ва овқат ҳазм қилиш тизимиға эътибор қаратишлари лозим.

27-санада таваллуд топғанлар

Мазкур санада туғилганлар ўзига хос хислат әгалари бўлиб, шахсий манфаатни ўйлаб иш тутадилар. Ҳаётда ўзларига ишончни, рухларига яқин бўлган ақлли одамларни излашади. Яхшигина тасаввур кучи ва ўткир ақл соҳиблари. Саёҳат қилишни ёқтирадилар, кўп маълумот биладилар. Жисмоний эҳтиёжга нисбатан тафакқур кучини ишга солишни лозим топадилар.

Ўзларига маънавий жиҳатдан кўмак бера оладиган кишилар томон интиладилар. Улар мулойим, лекин ичимдагини топ дейдигандардан. Бирор кишининг қандайлигини билишса, улар учун қизиқ жойи қолмайди. Кўпчилик билан келиша олишади.

Улар устунликка ҳаракат қилмасликлари лозим, акс ҳолда бу одамлар нари суреб қўйишади.

Қарама-қарши жинс вакилларига астойдил истаб эмас, балки “санъатга муҳаббати” туфайли интилишади.

Саломатлик борасида: бу инсонларни тери касаллуклари, меъда бузилиши, талваса безовта қилиш эҳтимоли бор.

28-санада таваллуд топғанлар

Қизиқарли, оқил ва ҳиссиётли кишилар. Атрофдагиларга таъсирлари сезилади. Рисоладагидек тасаввурга эга. Яхшигина санъат арбоблари бўлиб етишишлари мумкин.

Астойдил қилингандан ишларга ва дўстликка содиқ ва камтар. Чин кўнгилдан ва самимий севишади, ўзгалар ҳиссиёти билан ҳисоблашадилар. Ўзларини ҳеч кимга боғлаб қўймайдилар, устун туришдан бенасиб.

Нимани истаётганларини яхши билишади, уларни ишонтириш осон.

Бу одамлар билан ўзаро муносабатлар ботинан ва зоҳирان бир хил бўлиши керак, акс ҳолда ҳамкорлар тезда уларнинг жонига тегиб қолади. Нозик масалалар руҳий ва ҳиссий томонлама муҳим, кучкүватларининг кўплиги шерикларини алмаштира олмайди.

Мазкур санада туғилғанлар одатда таниқли кишилар бўлиб, бошқаларга таъсир ўтказа оладилар. Ҳеч бир зулм-зўрликсиз ўз мақсадларига етадилар. Самимий ва вафодор. Эски дўстларни сақлаб қолган ҳолда янги танишлар сонини кенгайтираверадилар. Ақли кишилар билан никоҳлари омадли кечади.

Ушбу инсонларни бошқалартушунмасликлари ва тан олмасликлари мумкин. Агар улар ишончни йўқотсалар, умидсизликка тушадилар. Ўзларига нисбатан қарама-қарши ҳаракатлар чоғида тушкун кишиларга айланишади.

Бу одамлар машаққатлар ва тушунмовчиликлар олдидағи сабрбардошни вояга етказишлари лозим: курашиш эмас, балки ҳаммаси жойига тушгунча тоқат қилиб кутишлари мақсадга мувофиқдир. Барча-барчага ўз ҳаракатлари ҳақида тушунтириб беришларига ҳожат йўқ, бу ҳеч қандай натижага бермайди.

Саломатлик борасида: 28-санада таваллуд топғанларни яралар, артерияда қон босимининг ошиб кетиши (гипертония) безовта қилиши мумкин.

29-санада таваллуд топғанлар

Мазкур санада туғилғанлар мулойимлик билан бирга умидсизликка ҳам мойил. Уларга исёнчилик ва қизиқонлик хос. Умрлари

охиригача режа асосида иш юритадилар. Агар мағлубиятга учрасалар, қартадан қилинган уй сочилған каби аҳволга тушишади. Ақлли, ўқиши-ўқитишига оид мавқега тезда эришадилар. Ташкилотчилик ва маъмуритчилик борасида ноёб қобилият эгалари. Ҳаётда омадли. Жиззакиликни бартараф этадиган ҳар қандай чорани кўриб, иккинчи ўрин билан қаноатланмайдилар. Чуқур ва узоқ давом этадиган ҳиссий яқинликка мойил, бироқ ҳамкорлар ва дўстлар уларнинг беқарорлигидан хуноб бўладилар. Бу одамлар гоҳ ўзларини баланд тутса, гоҳ муло-йим, гапга кўнадиган, фамгин кишига айланадилар.

Улар орзуманд ва хаёлпараст. Агар бу инсонлар ўз нишонидаги кишиларни бенуқсон кўришмаса, ҳеч қандай қониқиши олишмайди. Нозик масалада рисоладагидек, бироқ бу ҳақда майл билдиришни беадаблик ҳисоблашади.

Таниқли бўлиш бу одамларга хос эмас. Гарчанд уларни феъл-атвори, қизиқишиларига кўра ҳурмат қилишганида ҳам буни бошқалар билан изоҳлашга ҳаракат қиласидилар. Вақти келиб мабодо яккаланиб қолиша, мағлубиятни қабул қилишга тайёр эмасликлари туфайли ишончсизлик, саросима ва қўрқув ичида қоладилар.

Мазкур санада туғилганилар омади чопганида кеккайиб кетмасликни ва муваффақиятсизликка учраганларида тушкунликка тушмасликни, жizzакиликни назорат қилишини ўрганишлари лозим. Уларнинг куч-қуввати ва ташаббускорлиги ўз олдига қўйган мақсадига етишларига омил бўлади.

Рұхий парокандалик ва артерияда қон босимининг ошиб кетиши (гипертония) борасида муаммолар туғилиши мумкин.

30-санада таваллуд топғанлар

Бу одамлар жасур, мардонавор бўлиб, тобеликни ёқтирумайдилар. Мехнаткаш, талабчан кишилар. Тартиб-қоидага қаъий амал қилишади, бошқалардан ҳам шуни талаб этадилар. Ўзгаларнинг фикри аҳамиятга молик бўлса, албатта, ҳисоблашадилар. Ўз нуқтаси назарларида событ, қатъиятли, режаларини амалга ошириш учун бор кучларини аямайдилар. Кучли ва бардошли, аёллар эса улардан сусткашликни кутадилар.

Ҳамкорлар мулојим ва заиф бўлишлари, муваффақиятга ишонишлари лозим. Туғма истеъдол эгалари. Ташқи томондан мағтункор қиёфа

касб этадилар. Нозик масалаларда ўзига хос хатти-ҳаракат соҳиблари ҳисобланадилар. Қарама-қарши жинс вакилларида кучли истак уйғота оладилар. Ўзаро муносабатларда мантиқан иш тутадилар, етти ўлчаб, бир кесадилар.

Улар билан муросага келиш қийин эмас. Дүстлар ва ҳамкорлар бу инсонлар феыл-атворини тұлдиришлари; эркинлигига дахл қылмасликлари, улар билан баб-баравар бўлишга интилмасликлари мақсадга мувофиқдир.

Омилкор кишилар. Ўз мақсади сари қатъий қадам ташлашади. Бошқаларга бурчли бўлишни ёқтирумайдилар. Туғма тушкун одамлар, умидсизлик қуршовида яшайдилар. Шунга қарамай, қатъий, ҳадеганда таслим бўлаверишмайди. Омадга ва ўзига хос мартабага эга бўлишни истайдилар: бироқ шу билан бирга уларда кучли ишончсизлик мавжуд.

Ҳиссиётларга нисбатан таъсирчанлиги суст. Дүст сифатида эса самимий ва бир умрга садоқатли. Осонылкча севаверишмайди, бироқ севиб қолиша, ҳаддан зиёд, қалдан севишади. Серҳаракат, уларни яққол ташқи мафтункорлик жалб этади. Агар бу одамлар таассуротлари ташналигини қондира олишмаса, сержаҳл, асабий инсонларга айланишади. Фақат кучли, кўпқиррали одамлар билан баҳтиёр бўлишади. Умр йўлдошлари ва дўстлари уларнинг ноҳуш кайфият ва қайгули фикрларини ҳис этишлари ҳамда қувишлиари лозим.

Бу одамлар тушкунлик, рашқ, кўнгил қолишини бартараф этишлари керак. Ўзларида борига қаноат қаноат қилишни ўрганишлари ҳам мақсадга мувофиқдир. Эркинлик туйгусини ривожлантиришлари лозим.

Мазкур санада таваллуд топганлар тери ва бўғимларига эътибор қаратишлари лозим.

31-санада таваллуд топганлар

Мазкур санада туғилганлар амалиётчи. Улар куч-қувватга тўлган ҳолда мақсад сари борадилар, бошқаларга тобе бўлишни хоҳламайдилар. Туғма тушкун бўлиб, умидсизлик қуршовида яшашади. Шу билан бирга қатъий, охиригача кураш олиб бориб, таслим бўлмайдилар. Муваффақият ва мартаба сари интилишади, бироқ уларда кучли ишончсизлик ҳам мавжуд.

Хиссиётларга заиф муносабатда, аммо улар самимий ва дўстларга нисбатан бутун умр садоқатли. Осонликча севавермайдилар, агар севишига, астойдил муҳаббат қўйишади. Нозик муносабатларда фаол, уларни жисмоний қирралар ўзига жалб этади. Агар таассурот қолдиришмаса, серзарда ва асабий одамларга айланишади.

31-санада таваллуд топганлар кучли, кўпқиррали инсонлар билан баҳтиёр бўладилар. Дўстлари ва умр йўлдошлари уларни ҳис этишлари ва тушкун кайфият, нохуш фикрларини қувидшари лозим.

Бу инсонлар тушкунлик, рашқ, умидсизликни бартараф этишлари керак. Ўзларида нимаики бўлса, ана шу билан қониқишига ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Улар ўзларида эркинлик кучини равнақ топтиришлари ҳам муҳим.

Саломатлик борасида: ушбу санада тугилганларни юраги безовта қилиши мумкин.

Иккинчи бўлум

ПУЛ, МОЛИЯ, ҚОИДА

ТОВЛАНУВЧИ ЖОДУ

“Пул ўлсин-о, пул ўлсин...”

Чустий

Олимлар пулниң кўрининиши одамлар хулиқ-атвори, юриши-туриниши ўзгартиришини исботлашди. Америкалик руҳшунослар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, пулларни тез-тез кўрадиганлар анча-мунча мустақил ва ўзига тўйқ кишиларга айланышади.

Мазкур тажрибада беш юз нафар одам қатнашган. Уларни икки гурӯҳга бўлишди. Биринчи гурӯҳнинг иш жойига пулларнинг турли шаклдаги тасвирини доимий тарзда кўрсатиб қўйишиди: компьютер мониторларига ўрнатиб, “Монополия” ўйини учун ишлатиладиган пулларни столлар устига ёйдилар. Иккинчи гурӯҳга эса пуллар кўрса-тилмади.

Тадқиқот ҳайратомуз натижаларни берди. Пуллар доимий равишда эслатиб туриладиган одамлар тиришқоқлик билан меҳнат қилиб, ҳар қандай оғир ишдан бўйин товламай, ишни зудликда бажаришга интилишар экан. Улар анчагина мустақил бўлиб, бошқаларнинг ёрдамига камдан-кам мурожаат қилишди. Шу билан бирга, пулни доимий равишда кўриб турганларда ўзгаларга ёрдам бериш истаги ҳам йўқолди. Улар ҳамкасларидан мумкин қадар узоқроқ бўлишга ҳара-кат қилишди.

– Тажрибадан кейинги фарқ жуда катта. – дейди тадқиқотчилардан бири, Миннесота университети маркетинг ўқитувчиси Кэтлин Вос. – Бундай натижага сира дуч келмаган эдим, ваҳоланки, мен 75 та тадқиқот ўтказганман.

Бу инсон руҳиятига пулнинг таъсир қилиши ўрганилган биринчи тадқиқот эмас. Олимларни бойлик ва ҳиссий ҳолат ўртасидаги боғлиқлик ҳамиша қизиқтириб келган. Принстон университети иқтисодчisi, “Нобель” мукофоти совриндори Дэниел Канеманнинг сўнгти тадқиқот натижаларига кўра, йилига 20.000 доллар даромад топади-

ган киши бу миқдордан кам пул ишлайдиганларга нисбатан ўзини икки карра баҳтли ҳисоблади. Канеман хулосаларини Иллинойс университети руҳшуноси Эд Динер ҳам тасдиқайди. Унинг қайд этишича, жамоатчилик орасида ўтказилган сўровнома якунлари бойбадавлат одамлар камбағал ҳамкасларига нисбатан ҳаётдан мамнун эканликларини кўрсатган, бу ривожланган мамлакатларга ҳам тегишили.

Росмана бой кишилар ҳақида сўз кетгандага эса даромад миқдори ва уларнинг ҳиссий ҳолати ўртасидаги боғлиқлик унча кўзга ташланмайди. Кўп пул топишига ишонч ҳосил қилган одамгина ҳамма вақт хуш кайфиятда бўлади. Бу тасаввур ҳосиласидир, дейди Дэниэл Канеман.

Ижтимоий сўровнома якунларига кўра, одамлар орасида умумийллик даромади 90 минг долларни ташкил этадиган кишиларнинг 43 фоизи ўзларини ниҳоятда баҳтиёр ҳисоблашади, 50 мингдан 89 минг-гача топадиганларнинг эса 42 фоизи баҳтиёрдир.

ИРИМ ВА ҚОИДАЛАР

Кундалик ҳаётда бўлганидек, молиявий дунёниг ҳам ўзига хос иримлари борки, у тилдани-тилга ўтиб, қандайдир қонуниятга айлангандек, гўё. Кимдир уларга амал қиласа, бошқалар парво қилимайди. Кўпчилик шишонадиган иримлар ҳам мавжусуд бўлиб, истасак-истамасак, диққат-эътиборимизни уларга қаратамиш. Масалан, чап қўл қичишиша, пул келади, деймиз ва ҳоказо. Қўйида бериладиган ирим ва қоидалар ҳам бундан мустасно эмас. Уларга амал қилиши-қилимаслик эса ўзингизга ҳавола.

ДПуллар кўп бўлмайди.

ДПуллар ҳеч кимники бўлиши мумкин эмас.

ДПуллар ёруғликни севмайди.

Д Пул йўқлигида уни қай мақсадда сарфлаш истаги кўп бўлади, пул кўплигида эса бундай хоҳиш камайиб боради.

Д Пул қанча кўп бўлса, у ўсиб бораверади (пул пулни ўзига чорлайди).

ДКимнингдир олдида ўзингизни бурчли ҳисобласангиз, ўша одамга қарз берманг – у бунга ўзини ҳақли ҳисоблаб, қарзни қайтартмайди.

Д Қайтаришига кўзингиз етмаса, пулни асло қарзга бера кўрманг.

► Пулларни қўлдан-қўлга беришдан олдин шундай денг: “сенда доимий пуллар бўлсин ва менда кўпайсин”.

► Пулларни уйингизда сақланг (яна: пул пулни ўзига чорлайди) ва доимий равишда санаб боринг.

► Пулларни фижимламанг, йиртманг ва топтаманг.

► Остонангиздаги пояндоз тагида кумуш тангалар бўлсин. Уйга кираётиб, “мен уйдаман, пулларим ортимдан келяпти”, деб айтинг.

► Тангалар хона бурчагида турсин. Тангалар қўйилган тепалик қанча баланд бўлса, тебраниши шунча яхши бўлади. Уларни олманг.

► Сешанба кунлари ва кечқурун ҳеч кимга қарз берманг.

► Қўлдан-қўлга пул олманг – у шунча яроқсиз бўлади.

► Яхши қилингган ишга ҳотамтойларча чойчақа беринг – сизга уч карра кўп бўлиб қайтади.

► Иқтисодий қонун: қанча кўп даромад топсангиз, шунча кўп харжат қиласиз. “Қандай ва қанча келган бўлса, шу тарзда ва шунча кетади”.

► Кечқурун қарз ҳам олманг ва қарзингизни ҳам қайтарманг. Қайтаришга тўғри келса, бу пулларни ерга, стол ёки тумба устига қўйинг (овқатланадиган стол бўлмасин).

► Ҳаммаси учун тўлаш керак.

► Қанча кўп берсангиз, шунча кўп оласиз.

► Қарз олаётуб, ичингизда шундай денг: “менда ҳар доим бўлсин ва сизда кўпайсин”. Бу билан пул айланмасини таъминлаган бўласиз.

► Пулни чап қўл билан олиб, ўнг қўлда узатинг.

► Ёдингизда турсин: пулни қайтараётуб, қувватни ҳам қайтараётган бўласиз.

► Пуллар доимий тарзда айланмада бўлсин. Уларни чўнтакда сақламанг. Энг яхшиси, пулларингизни банкда сақланг, хавфдан қочиш учун бир неча банкда сақлашингиз мумкин. Пуллар аслида “айланиш”ни яхши кўради.

► Пулларни қониқиши билан олинг, уларни беришга тўғри келса, сира пушаймон бўлманг.

► Пул топиш асло мақсадингиз бўлмасин, улар мақсад сари восита, холос (пуллар ёрдамида эришадиган мақсадингиз – уй-жой, машина, хорижга саёҳат ва ҳоказолардир).

► Пулларни ҳурмат қилинг. Агар йўлакда танга ётган бўлса, албатта, олинг. Мабодо бепарво ўтиб кетсангиз, пул қувватига ҳур-

матсизлик қылган бўласиз. Пулга сифиниш эмас, уни ҳурмат қилиш керак, холос.

▫Пулга хушмуомалалик билан муносабатда бўлинг.

▫Пуллар сизга кела бошласа, улар билан шундай гаплашишингиз керак: “салом, менинг ақчаларим, шиқир-шиқир қофозларим”. Ёки “сехрли” ҳикматни тилга олинг: “пуллар пулга!”

▫Пуллар сиздан кетса, шундай денг: “хайр, менинг ақчаларим, шиқир-шиқир қофозларим, тез орада яна дийдорлашамиз, деган умиддаман”.

▫Пулга ҳаддан зиёд ружу қўйманг, уни қудратли ҳисобламанг. Пул – шунчаки пул, сон-саноқсиз пул топганингиз билан у дунёга орқалаб кетолмайсиз, пулни ишлатиб, ўзингизни баҳтиёр ҳис этишингиз мумкин, холос.

Машҳурлар айтган гаплар ТУФМА ҲУҚУҚ

Миллионларни ізлайдиганлар уларни камдан-кам топишади, бироқ изламайдигаплар ҳеч қайчон топа олмайдилар!

O.Бальзак

Пул оқиллар учун восита, аҳмоқлар учун мақсаддир.

П.Декурсель

Пулларни кўп ҳам, кам ҳам санама, у – яхши хизматкор ва ёмон хўжасайдир.

А.Дюма, ўғли

Кўп пул йигини – жасорат, уларни сақлаш – донолик, усталик билан сарфлаш эса санъатдир.

Б.Авербах

Ўзиминиң омад формуламни олти сўздан иборат шаклда ҳавола этаман: “Ҳаммасини муфассал ўйла. Ҳаммасини муфассал бажар”.

Эдди Риккенбэкер

Сен әга бұлғап пұллар – әркүншік воситаси, сен ортидан құвадиган пұллар әса құллик воситасидір.

Ж.Ж.Руссо

Дүнёда әнг өгір иши – ўз қалланғ билан ўйлаудыр. Эхтимол, шунинг учун ҳам камдаң-кам одамлар бу юмыш биләп машыл бўлишиади.

Хенри Форд

Кўп ухламасликка ҳаракат қилинг. Агар сиз бир кунда уч соат кам ухласангиз, йиши мобайнида тўғла-тўқис бир ойни тежсанган бўласиз.

* * *

Бизнесда әнг өгір иши дастлабки беши минг долларни топшидир. Кейин әса биринчи милионни.

Аристотель Онassis

“Ҳаммасига бирдатига әгалик қылиб бўлмайди. Шундай экан, әнг кичкинасидан – пулдан бошла”.

Януш Васильковский

Бойлик – сизнинг тұгма ҳүкүмігиз. Бу ҳақда ҳеч қачон унұтманн. Сизге офтоб тағидан жоий бор. Ўз ҳаётингиздан санъат асари яратинг. Ўзипгизга ва бошқаларга, орадан етти ишл үтиб, давлатманд бўлишингизни исботланг.

Бодо Шефер

ДАРОМАД ВА БУРОМАД

“Даромадга яраша буромад”, дейдилар. “Харазисатга қараб даромад”, дейдиганлар ҳам бор. Ҳаёт қонуиларига кўра, ҳар иккала қоида ҳам ўз йўналишига монаид тарзда тўғри. Пуллар пулларни ўзига тортади ёки пуллар тугади. Демак, “пуллар – пулларга” деган ақида ҳақиқатга яқин. Бироқ улкан пуллар унинг эгаси қашшоқ эмаслигини намоён этмайди ёхуд ўртамиёна сармоя ҳам камбагаликни ифодаламайди. Пулларни топиш ва пулларни сарф қилиши санъати мавжуд. Ушбу санъатдан қай бирини эгалласангиз, шунга монаид тарзда умргузаронлик қиласиз, агар ҳар иккаласини биргаликда эгаллаб, фаолият юритсангиз, ўз ҳаётини гизининг йирик сармоядорига айланасиз.

1 ва 0 рақамлари

Рақамлар афсунидаги “ноль”, “бир” ва “икки” баб-баравар куч ва тенг қимматга эга. У бутун, ягона ва барчасини ўз ичига қамраб олган. Шунинг учун “бир” рақами “ноль” билан тенглаштирилиб, у ҳеч нимани ифодаламайди.

2 рақами

“Икки” рақами молиявий жиҳатдан начорлик ва иқтисод рамзини ифодалайди. У нималардадир стишмовчиликни намоён этади. “Икки” рақами яна қарз ҳиссини уйғотади, нуқул тақсимлаш, тақсимлаш, бериш ва фидо қилишни ифодалайди.

Пул ҳақида гап кетганда, “икки” рақамидан Азройилни кўргандек қўрқиши керак. 20 (200 ёки 2000) миқдорида қарз бериш, демак, унинг қайтишига кафолат йўқ, дегани. Қолаверса, сизнинг ҳалол меҳнат билан топган пулларингиз худди қумга сингган сувдек йўқолиб кетади: ҳеч нима сотиб олинмаган-у, аммо ҳаммаси сарф қилинган. Агар сизга ана шу рақамлардан бирини тўламоқчи бўлишса, ёдингизда туting, бу пуллар эмас, қисқа фурсатли омаддан сўнг шунча кутганингиз беҳуда кетади. Мукофот ёки маошни муҳокама қилганда ана шу рақамлардан қочишга ҳаракат қилинг. Айтилган миқдор бир сўмга бўлса-да, ушбу рақамдан кўп ёки кам бўлсин.

Энди харидлар ва нархларга марожаат қиласиз. Икки баравар қиммат нархда сотиб олинган буюм кераксиздай туюлади. Пулларни бирваракайига иккита ҳамён, иккита чўнтак ёки иккита банкда сақлаш мумкин эмас, акс ҳолда пулларингиз йифлайди. Гап шундаки, “икки” алдов, товламачилик ва ўғрилик рамзидир. Хитойнинг Диой

дўзахида ўғри ва алдоқчиларни иккинчи бўлимда жазолашгани бсжиз эмас.

3 рақами

“Уч” – жўшқин ва очиқ рақам. У янги сифатнинг пайдо бўлиши, яширин куч-қувват ва кўпайишни намоён этади. Бу уч хислат шахсий ташаббус, ҳаракат, қаҳрамонлик, янги шароитдаги туғилиш рамзини ифодалайди. Улар ҳамма вақт юқори молиявий имкониятлар ва қўшимча даромадларни намоён этади.

Бу учлик пул жамғаришдан кўра, сармоя ва харажатлар ҳаракатини ўзида жо этади, шу боис “қора кун”га сақлаб қўйиш қийин: мазкур жамғармани – 30 (300 ёки 3000) ни тезда ишлата бошлайсиз. Бироқ бундай миқдордаги пулларни қарзга олишингиз қулай кечади. Бир марта эмас, уч марта. Инглизлар мақолида, “битта танишнинг ўзидан уч мартагача қарз оладилар”, дейилиши бежиз эмас. Тасодиф ҳам уч мартада аниқланади. “Бир нарса сўраб, уч карра кўп олдим”, дейилади Въстнам мақолида. Шундай экан, лотерея чиптаси олишга тўғри келса, битта эмас, учта харид қилинг. Бу билан ўз имкониятларингизни ўн карра оширган бўласиз.

“Уч” рақами билан муҳим қадам ташлаш, янги иш бошлаш мумкин. Бироқ васвасага тушмаслик, аксинча доимий ҳаракатда бўлмоқ жоиз. “Уч” рақамини хатарли, таваккалчилик асосидаги тижорат ишлари билан ҳам боғлайдилар. Шунингдек, у пулга нисбатан енгил қарашдан ҳам гувоҳлик беради.

4 рақами

“Тўрт” барқарор молиявий ҳолатни, ўртача маош ва фаровон ҳаётни, пенсия ҳамда “қора кун”га месъёрида пул жамғаришни ифодалайди. У молиявий ишонч, шунингдек, ўз меҳнати натижаларидан кутилаётган, келажагини таъминлөвчи баракадир. Агар сиз 40 (400 ёки 4000) миқдорида пул жамғарсангиз, бу сармоя ҳеч қачон йўқолмайди. Уларни қачон ва аввалдан қайси эҳтиёжлар учун сарфлашни аниқ мўлжаллаган ҳолда ишлатасиз.

Тўрт, бу – оиласий бюджет ва банкдан келадиган тушумлар, талай харидлар, ойлик коммунал тўловлари, бўлиб-бўлиб тўланадиган бадаллардир. Шунингдек, мазкур белги муваффақ иқтисодиёт ва бюджетни режалаштириш имкониятлариdir.

Тўрт нафар шерик бир-бирига ишонса, мустаҳкам бизнес юритиши мумкин. Осмондан чалпак ёғишини кутиб ўтирмаслик керак, ал-

батта. Терлаб ишлашга тўғри келади. Тўртвлон – аниқ қарор талаб қилинадиган яққол кўринган вазиятдир. Тўртвлоннинг ташаббуси жазога ҳам лойиқ. 400 ёки 4000 миқдоридаги маошни бинойидек қилиб тўлашади. бироқ кейин ошишини узоқ вақт кутишга тўғри келади. Тўртта жойдан унча катта бўлмаган пулларнинг келиши тўкисликда яшовчи ва таваккал иш қилмайдиган кишилар учун ҳар жиҳатдан яхшидир.

“Тўрт” рақами чегара, қоида, моддий жиҳатдан ўсишнинг йўқлиги. ҳатто иқтисодиётдаги турғунликни ҳам билдириши мумкин.

5 рақами

Агар “уч” молиявий ишни бошлаш ва моянани; “тўрт” пулларни сақлаш ва ишлаб топишни англатса. “беш” рақами ишлаб топилган пулларни осонгина сарфлаш ва уларга эгалик қилишни билдиради. Аниқроқ айтганда, мазкур рақам бир вақтнинг ўзида харажатлар ва харидлар, узоқча мўлжалланган режалар ишлаб чиқиши, келажакдаги сармояни кўпайтиришни ҳам ифодалайди.

50 (500, 5000) миқдорида пул йиға бошлаганингиз билан уларни тез сарфлайсиз. Аммо бу пулларни ҳавога совуриш (ўйин-кулги, ҳузур-ҳаловат) енгил ва ёқимлидир. Очифини айтганда, “беш” – пулларни беҳуда сарфлаш, деган маънони ҳам англатади. Шунинг учун бунча миқдордаги пулни саёҳат, меҳнат таътили, хизмат сафари чоғида, ресторанларда ишлатинг. Уни севимили инсонларга хаёлий ва юракдан совфалар ҳадя қилишда ҳам қўллаш мумкин. Бу рақам ифодаланган пул билан таваккалчилликка бориш, ютиш, бадал тўловини ташкил этиш ва сармояни юз каррагача ошириш мумкин.

Эсингизда бўлсин, беш рақами пул борасида баҳт олиб келади. Умуман, ҳаммаси мутаносиблик ва мавжуд вазиятга боғлиқ. Биз ўзимиздаги бешта тангани майдалаб бўлмайдиган мингга ва ерга кўмиб қўйилган хазинага айлантирамиз.

6 рақами

Соғлом фикр ва, умуман олганда, ҳисоб-китоблар асосида “олти” бошқа рақамлар устидан идора қиласиди. Молиявий ҳаётимизда “олти” пайдо бўлдими, белни маҳкам боғлаш фурсати келган.

“Олти” – даврий, одатий ва доимий ишлатиладиган қолоқ миқдор. Масалан, озиқ-овқат, пойафзал ва кийим-кечакни таъмирлаш, гикиш, керакли тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳоказо...

Олти, бу құнғироқдан-құнғироққа бүладиган иш, ҳар ойлик иш ҳақи үа даромадлардир. Олти кишилашиб ишлайдилар ва топадилар, банкни эса ўмармайдилар. Жамоада ёки оиласа ҳам олти нафар киши бүлганида. тушум ёки даромадни эмас, ишлаганга яраша оладилар.

“Олти” муайян вазиятдаги мустақиллик, молия оламида эса мурасага келиш мүмкін бүлган чекловдир. Инсон қайси ишни айтиша, ўша юмушни адо этади. Бу одатнинг устунлиги эса шахсий ташаббуснинг йўқлиги ва, ҳатто бурчни бажаришдаги ўтакетган расмиятчиликдир. Бундай одам вазият хожаси ҳам, хизматкори ҳам эмас, у қобилияtlари ёрдамида. ўз ақлий салоҳияти билан ҳаммасига эришади.

7 рақами

“Етти” – пуллар учун ёқимсиз, ҳатто хавфли рақам. Моддий олам барқарорликни яхши кўради, кутилмаган совғаларни эмас. Етти эса ҳаётда, мол-мулк ва пуллар борасида инсон учун тушунарсиз ва тобе бўлмаган муносабатлар вазиятини келтириб чиқаради.

“Етти” замирида барқарор, ишончли ҳаёт қуриш қийин. Бойлик ҳақида гап бўлиши мүмкін эмас. Фақат оворагарчилик, ёлғон ва товламачиликлар, холос.

Етти, бу – йўқотишлар. Етти кишидан иборат компания сармоя йиғиш ва тинч-осойишта ишлашга қодир эмас. Уларнинг фанлияти атрофдагилар учун жиноят, алдов, таваккалчилик, мулкдан жудо бўлиш ва баҳтсизликдан иборат. “Етти” учун пуллар – жирканч метал. 70, 700, 7000 миқдоридаги пулларни сақламанг, ўзгага берманг, қарзга ҳам олманг, банкка қўйманг, мерос қолдирманг, ҳеч кимга ҳеч қаҷон ишонманг. Улар йўқолади ёки баҳтсизлик олиб келади. “Етти” муҳтожлик, чорасизликка бориб тақалган қашшоқликларид.

Қадим афсунгарлик асосларига таянган ҳолда айтиш мүмкінки. “етти”да моддий дунёга тескари ҳолат мужассамлашган. Моддий эмас, руҳий жиҳатдан ҳузур-ҳаловаттга эришадилар, йўқотишлари эса ички дунёсининг ўзгариши ва маънавий юксалиши учун бир хабардир. “Етти” рақами, бу – моддий мавқе мустаҳкамлиги борасидаги алданиш ва манфаатпарастлик борасидаги пуч ўй-хаёлларимиздир. Бу тақдир тасодифлари ва қисмат изн-ихтиёри билан таққослагандан кўра вақтингчалик эгалик туйғусидир.

“Етти” моддийликдан кўра маънавиятнинг афзаллиги, буюмлардан кўра эътиқод, воқеликка нисбатан ғоявийликнинг устунлигидир. Етидан қўрқманг, аммо уни ҳурмат қилинг.

8 рақами

“Саккиз” – пуллар ва мол-мулкнинг абадий айланмаси. У турли манбалардан келадиган пуллар, шунингдек, харажатлар ҳақида сўзлайди. Бундай вақтда, пуллар худди сувдек, дея гапирадилар. Омад чамбарагига етиб улгурсанг, бойлик эгаси бўласан, мабодо кечиксанг, ҳаммасидан қуруқ қоласан.

Шунинг учун “саккиз” молиявий фаоллик индекси, ўсиш ва тушиш кўрсаткичлари, пасайиш ҳамда кўтарилиш устидан ўйиндир. Бу сотиш ва харид, импорт ва экспорт, даромад ва зиён, кирим ва чиқимлар, васиятнома ва мерос, бегона пуллар ва қарзлардир. У нарх сиёсати, макроиқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ. У сармоялар, валюта операциялари, фоизлар, валюта курси ва акциялардир. “Саккиз” учун пул, бу маҳсулот, маҳсулот эса пулдир.

Агар акция харид қилмоқчи бўлсангиз, саккизта олинг, агар улар саккиз хил бўлса, нур устига нур. Яна унутманг: саккиз киши бозор, дегани. Пулга келганда эса, ўзбек мақолида айтилишича, “санамай саккиз дема”, яъни шошилманг.

Энди хулоса чиқарамиз. “Саккиз” ҳашамат, ўртамиёналик ва доимий молиявий ўзгаришлардир. Агар ҳаётингизнинг моддий томонига “саккиз” раҳбарлик қила бошласа, фақат икки йўл қолади. Ёки молиявий масалаларда ўз касбининг устасига айланасиз, ёки мақолда айтилганидек, саккизгача санайсиз. Топишдан ҳам, йўқотишдан ҳам қўрқманг, чунки ҳаёт, бу – ўйин, умум ўйини. Унга пул тикилган, қоидалар мавжуд. Мағлублар ва голиблар бор. Биз, барчамиз бирбири издан қарздормиз ва ўйин давом этар экан, ҳеч ким очлиқдан ўлмайди.

9 рақами

“Тўққиз” пуллар ва моддий фаровонликка кўп ҳам алоқадор эмас. У пулнинг йўқлиги ёки молиявий муаммоларга эътиборсизликни на-моён этади. Бу бойликдан фойда йўқлигини ифодаловчи ўзига хос якун, натижага ҳолатдир. “Тўққиз” инсонни донишмандга айлантиради, баҳт пулда эмаслигини тушунтириб беради.

9, 90, 9.000 билан қандай муомала қилиш мумкин? Ҳамкорлар билан бундай миқдордаги пулни ишлаб топиш ташаббуси ва истагига

умид йўқ. Шунинг учун бу каби иш билармон ва тадбиркорлардан нарироқ юринг.

Бироқ бундай миқдордаги маблағни тортиқ қилиш, санъат асарлари сотиб олишга ишлатиш ва маданий лойиҳаларга тикиш мумкин. Шунингдек, “тўқиз”ларни ўринли тарзда хайрия қилиб бериш мумкин.

“Ўн” рақами ҳақида гапириш ҳеч нарсани гагирмаслик, дегани. Афсунгарлик нуқтаи назарига кўра, ўн мавжуд эмас. бу тушунча математика учун алоҳида аҳамиятга эга. Сеҳр кучига алоқадор ўнлаб маслаҳат бериш ҳам мумкин эмас. Юзтами, мингтами, ҳаммаси бир. Ўн – битта бирлик, аммо ундан кўра ёмонроқдир.

БИРИНЧИ ВА ОХИРГИ МАРТА

Бой бўлишни, тўқ-фаровон яшашни жуда кўп одам истайди. лекин камдан-кам инсонгина бунга эриша олади. Сири нимада экан? Бу омадга боғлиқми? Тасодифгами? Албатта, баъзида инсоннинг орзулари ҳеч бир зўриқишиз ушалади. Афсуски, бу якка одамлар билан рўй бериб, у миллионни қай тарзда тез қўлга киритган бўлса, худди шу равишда йўқотиши ҳам мумкин. Унутмаслик керакки, ондасонда учрайдиган бу каби ҳодисалар ўта шафқатсиз бўлади.

Ўзингиз учун биринчи ва охирги марта оддийгина хulosа чиқаринг – тасодифан бой бўлиш, қолаверса, узоқ вақт шу тарзда юриш мумкин эмас. Бироқ молиявий омадга эришиш учун тинканадори қурийдиган даражада энг маşaққатли ишга ўзни дучор қилиш ҳам талаб қилинмайди. Шундай саволга жавоб беринг: сиз, яъни катта пулларга интилаётган одам билан худди шундай пулларга аллақачон эга бўлган киши ўртасидаги фарқ қай даражада? Ўша пуллардан бўлак тафовут йўқ, ўзингиз айтинг. Агар шундай деб ўйласангиз, бу фикрингизга қўшилиб бўлмайди. Энг катта фарқ руҳиятда: яъни, сизнинг нималарни ўйлашингиз, ўзингизни қай тарзда тутишингиз ва қандай қарорлар қабул қилишингизда. Бойбадавлат кишиларнинг барчаси бир-бирига ўхшаш тарзда фикрлайди. Молиявий ўсишга оид айтарли тафовут йўқ. Сиз маълум вақтдан сўнг бой одамнинг ўрнида бўлиш учун, энг аввало, унинг руҳий фазилатларидан андаза олишни ўрганишингизга тўғри келади. Бу ҳақда қўйида сўз юритамиз.

Бадавлат одамларни холисона кузатиб, бир талай фойдали қирраларни эгаллаб олишингиз мумкин. Уларнинг ўзларини тутишидаёк қандай қилиб пул ишлаб топиш мумкинлиги ҳақида маълумот ётади. Энг яхиси, ўзингиз ҳақингизда бир қарорга келинг (кўпчилик шундай қиласди): катта пуллар ҳаром йўл билан топилади ва сиз ҳалол инсон сифатида бу йўлдан бормайсиз. Бундай соxта тушунча, пуч хаёллардан қочишга ҳаракат қиласинг. Ноқон: ний, аниқроғи, жиноий йўл билан сармоя тўплаш қонун йўли билан жазоланади. Бугун ҳар ким қонунни бузмай пул топишга ҳаракат қиласди. Сиз кимдан ўрнак олмоқчи, ўрганмоқчи бўлсангиз, пуч хаёллардан қочишингизга тўғри келади бундай одамларда соxта тасаввур, хом ҳаёлнинг ўзи йўқ. Ҳаёт қандай бўлса, уни худди шундай қабул қилиш давлат манд кишиларнинг ҳаётий тарзидир. Бунга зид иш тугиши эса катта адашиш демак.

МИЛЛИОНЕРЛАР ТАБИАТИ

Пуллар, бу – анчайин эсиоддий синов

Сиз, эҳтимол, “пул одамларни бузади”, деб эшиитган бўлсангиз керак. Аслида аниқроқ айтадиган бўлсан, пул одамларни синааб кўради. Тасаввур қиласинг, биз сиз билан ичидаги 3 доллар ва эгасининг телефон рақами қайд этилган ён дафтари бўлган ҳамён топиб олдик. Иккинчи ҳолат: ичидаги худди шу телефон рақами ва 15.000 ёки кўпроқ 150.000 доллари бўлган ҳамён топиб олдик, дейлик. Бу ҳамёнлардан қай бирини эгасига қайтариш осон? Ичидаги 3 доллари бўлган ҳамённи қайтариш қийин эмас. Аммо ичидаги пули кўп бўлса, бундай ҳамённи эгасига бериш ниҳоятда қийин кечади.

Ҳа, бундай синовдан ўтиш анчайин оғир. Шу боис табиат оқилона иш тутади – у катта пулларга тайёр бўлмаган кишиларга улкан миқдорда пул бермайди. Кичик пуллар одамларга кичик синовлар, катта сармоялар катта синовлардан ўтиш учун ато этилади. Табиат кимларнинг ќўлига пуллар бериши ҳақида қўйидаги сатрларни ўқиб, билиб оласиз.

Т.Стэнли ва У.Данко, фан докторлари, “Сизнинг миллионер ќўшнингиз” китоби муаллифлари, миллионерлар феъл-атвори бора-сида тадқиқот ўтказиш ва улардан интервью олиш мақсадида пулни аяшмади. Бу олимлар унча катта бўлмаган миллионерлар гуруҳини

уларнинг одатлари ва эҳтиёжларини муҳокама қилиш учун нуфузли масканга таклиф қилдилар. Миллионерларни яхшилаб зиёфат қилиши ва ҳар бир учрашув учун уларга 100-250 доллардан беришиди!

Илк учрашув Нью-Йоркдаги ҳашаматли меҳмонхоналардан биррида бўлиб. 9 нафар киши таклиф қилинди. Уларнинг шахсий жамғармаси 10 миллиондан кам эмас эди. Миллионерларнинг нозик кўнглига тегиб кетмаслик мақсадида бетакрор газак ва ичимликлар билан таъминлайдиган маҳсус кўчма овқатлантириш ташкилоти ёлланганди. Мазкур муассаса маҳсус коллекциядаги ичимликларни ҳадя этди.

Учрашувга ilk ташриф буорган киши Нью-Йоркдаги бир талай қиммат кўчмас мулклар эгаси, биринчи авлод миллионерларидан бўлмиш 69 ёшли қарий бўлди. Унга қиммат ичимлик (1970 йилга тегишили қизил мусаллас) таклиф этишганида, дарҳол рад этди: “Мен оддий вино ва икки хил пивони маъқул кўраман: бепулини ва “Будвайзер”ни”. Ростдан ҳам шундайми-йўқми – тадбир ниҳоясида ташкилотчиларни ҳайрон қолдиргани – тўкин-сочин дастурхондаги тансиқ егуликлар ва бежирим мусалласларга тегинилмаган эди. Миллионерлар оддий озиқ-овқатлар ва ичимликларни лозим кўришсанди. Албатта, бундай қиммат таом ва ичимликлар қолиб кетганий йўқ – уларни қуюқ зиёфатнинг қадрига етадиган тадқиқот ташкилотчилари катта қониқиш билан пақкос туширдилар. Бироқ, китоб муаллифларининг таассуф билдириб қайд этишига кўра, бу одамларнинг бирортасиям миллионер бўлмаган экан. Кейинроқ бундай тадбирларда меҳмонларга оддий бутербродлар, қаҳва, пиво ва вино улаша бошлашди. Мазкур муқояса китобнинг бош мавзусини очиб берди – американлик миллионерлар ҳаддан зиёд тежамкор ва нозик табиатли.

Тадқиқот натижаси ўлароқ икки қонуниятни каашф этиш мумкин.

Биринчи қонуният: “Энг йирик пулларни уларни осонгина сарфлайдиган кишилар ишлаб топишади”. Бу тоифага машҳур актёрлар, қўшиқчилар, таниқли мусаввирлар, шифокорлар ва адвокатлар киради. Улкан гонорарларига қарамай (йилига 500.000-900.000 доллар), бу одамлар молиявий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган. Улар кўркам либоси, ҳаддан зиёд қимматбаҳо автомобили, данғиллама уй-жойи, яхталарига эга, бироқ ҳисобларида 10.000 доллар ҳам йўқ. Агар бу одамлар ишламай қўйсалар, эртасигаёқ қашшоқ кимсага айланади-

лар. Ўзларига осонгина пул сарфлашлари эвазига улкан гонорарлар оладилар.

Иккинчи қонуният: “Фақат тежамкор инсонлар, хотинлари улардан ҳам тежамкор кишиларгина миллионер бўладилар”. Бу борада бир ҳаётий мисолни келтирамиз. Миллионерлардан бирининг хотини газетадан 5 фоизли арzonлаштирилган нарх ҳақидағи эълон матнини қирқиб олган. Наҳотки, миллионлар эгаси дўкондаги қандайдир 5 фоизли арzonлаштирилган нархлар ёзилган газета купонларини изласа? Бу зиқналикми? Жавоби оддий: миллионернинг хотини ҳаёт мажбур қилгани учун газета саҳифаларидағи эълонни кўздан кечирмайди, у шундай феъл-атворга эга, тежашга ўрганганд. Бундай одат бўлажак миллионерларнинг дастлабки юз, кейин минг, кейин ўн минг, кейин-кейин эса миллионни тошишларига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаси кўрсатишича, миллионерларнинг ярми ўз ҳаёти мобайнида костюм учун 399 доллар, бир жуфт пойафзал учун 140 доллар, қўл соати учун 235 доллардан кўп тўлашмаган. Мазкур статистика уларнинг харажатлари тизимини намоён этади. Мехмонларнинг энг тежамкорлари (10 фонз киши) ҳаёти давомида костюм учун 195 доллар, бир жуфт пойафзал учун 73 доллар, қўл соати учун 47 доллардан зиёд пул сарф қилишмаган.

Т.Стэнли ва У.Данко миллионерларга тегишли автомобиллар паркини ҳам ўрганишди. Аниқланишича, уларнинг эллик фоизи 24.800 доллардан қиммат нархдаги машина сотиб олишмаган, 29.000 долларлик автомобилни ҳеч қачон харид қилишмаган. Йигирма фоиз миллионер 20.000 доллардан юқори баҳодаги машинани сотиб олмаган. Мазкур миллионерларнинг катта қисми обрўли машинадан кўра анъанавий русумдаги автоуловларни маъқул кўришган. Уч фоиз миллионер эса ишлатилган машиналарни миниший аён бўлди.

Буюк Британияядаги энг бадавлат инсонлардан бири ўзининг эски автомобилларидан бирини аввал ишлатилган “Нива”га алмаштириди. Бундан мамнун ҳам бўлди. Нима учун у “Феррари” ёки “Бентли”ни харид қилмади? “Феррари” ва “Бентли” компаниялари айнан ўзларининг автомобилини сотиб олишини хоҳлагани учун бўлса керак. Айтидан, матбуотда тарғиб этилаётган исрофгарчилик мавзуси натижка бермай, дабдабали ишлаб чиқа-

рувчилар ўзларининг бўлажак истеъмолчилари билан боғланишини истайди.

Тадқиқот муаллифлари қайд қилишича, бундай қизиқарли статистика негадир матбуот назарига тушмай, дўконга бир киришида 64.000 доллар пул сарфлаб, 110 жуфт пойафзал сотиб олган ҳандайдир спорт менежери Дон Кинг ҳақида ёзишни афзал билади. Мазкур мавзу гўё жамият ҳаётини акс эттиради, аслида эса бу бойлар ҳаётининг умумий ҳолати эмас.

Миллионерларнинг ёппасига гўзал ҳаёт қўйнида яшashi ва хоҳлаган нарсани сотиб олиши ҳақидаги foяни – қиммат маҳсулотлар сотиб, уларнинг маҳсулотини мувофиқ тарзда сотиб олишлари учун бор кучи билан ҳаракат қилаётган, ўзининг бизнес компаниясини ана шунга йўналтирган foявий платформа, дейиш мумкин. Исрофгарчиликка йўл қўяётган миллионер тимсоли – ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб маҳсулотни қиммат нархда сотиб олган, бу харожатлар тўғри эканлигини намоён этувчи маркетинг усули, холос.

Томас Стенли ва Уильям Данко аниқлаган миллионерларнинг еттита асосий одати қуидагилардан иборат:

Д қундалик ҳаётга ишлатиладиган сарф-харажатлар даромадлар даражасидан ошмаслигига ҳаракат қилиш;

Д фаровон ҳаёт учун вақт, қувват ва воситалардан унумли тарзда фойдаланиш:

Д юксак ижтимоий мавқени намойиш этгандан кўра молиявий мустақиллик мухимлигини англаш;

Д ота-онанинг ёрдамисиз миллионер бўлишни тушуниш;

Д миллионерларнинг фарзандлари ота-онасидан иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳисобланишини билиш;

Д миллионерлар бозор иқтисодиётидан моҳирона фойдаланишларига ишонч ҳосил қилиш;

Д миллионерлар фаолият турини тўғри танлай билишини англаш.

Бодо Шефернинг китобида шундай сўзлар бор: “Улкан меросни қўлга киритган етмии фоиз оила икки авлод ўтиб, уни йўқотади”. Бунинг бош сабаби, ота-онасидан қолган пулни олганлар бу пуллардан ҳандай фойдаланиш кераклиги ҳақидаги маҳоратни эгалламаганида бўлса ажаб эмас.Faқат ўттиз фоиз миллионергина ўз фарзандларига йирик сармоя билан бирга уларни сақлаш ва кўпайтириш таълим мини берган бўлади.

Пулларни сақлашдаги энг муҳим қоида уларни жамғариш, яъни ортириш ҳисобланади. Сақлаш, демак – сарфламаслик, дегани. Бу эса анчайин қийин. Одамзод катта-кичик истакларга лиммо-лимки, пуллари пайдо бўлганида ана шу ўткинчи истакларни рад этиши жуда қийин кечади. Гап ана шу истакларни рад этишда эмас, балки ўз вақтида амалга оширишда. Айнан фалон истакни рўёбга чиқариш учун маблағ топилишини кутиш, бошқаларни чеклаб қўйиш керак бўлади. Бир миллионердан сўрашибди: “Бойлигиниз сири нимада?” У шундай жавоб берибди: “Мен соябонли шляпани октябрда сотиб оламан!”

“Қандай қилиб бой бўлиш мумкин?” деган саволга жавоб қуидагилардан келиб чиқади:

1. Сиз учун молиявий доирадаги бойлик нималиги ҳақида аниқ ва яқъол тасаввурингиз бўлсин.

2. Улкан мақсадга эришишингиз йўлида пулга нисбатан мавжуд муносабатингизни ўзгармофингиз керак.

3. Ўзингизда бойликка эришишни енгиллаштирувчи хислатларни тарбиялаб боринг (пулга нисбатан тежамкорлик, ўз маблагингизни моҳирона ишлатиш, пулларингизнинг кундалик ҳисоб-китоби ва молиявий интизом).

Шундай қилиб, аксарият ҳолларда, тежамкор кишилар, хотинлари улардан ҳам тежамкор инсонларгина миллионер бўладилар.

ОРЗУ ВА МУЛЛАЖИРИНГ

Муваффақиятга мослашинг

Давлатмандликка эришиш учун бой бўлишни хоҳлаш керак. Бундай таъкид куягили туюлиши мумкин – ким ҳам бадавлат бўлишни хоҳламайди, дейсиз? Аслида эса аксарият одамлар тўла англаб етмаган ҳолда пули кўп бўлишидан, шунга яраша елиб-югуришдан, жавобгарликдан, осойишта, батартиб ҳаётидаги ўзгаришлардан қўрқишиди. Уларнинг ўйлашича: “бойиш яхши, албатта, фақат бу мен учун эмас...” Кейин эса турли сабабларни рўкач қилишади: “мен бундай муҳитда туғилмаганман”, “мени тушунишмайди, фояларимни қабул қилмайдилар”, “иш бошлаш учун пулим йўқ” ва ҳоказо...

Ўйлаб кўринг: ҳар жиҳатдан қулай, шинам яшаганингиз маъқулими ёки муҳтоҷликдами? Агар сиз давлатманд бўлишни хоҳлассангиз, қуидагиларни ўқиб чиқиб, таҳлил қилинг.

Ҳалоллик ва бойлик

Даставвал муваффақиятли бўлишимиз учун бизга болаликдан нималар халақит берадиганини кўриб чиқайлик. Масалан, ота-онангиз пуллар ҳақида сизга нималар дейишган? Айрим ота-оналарнинг фикрича, “ночор бўлса-да, бироқ ҳалол яшаган афзал”. Бу таъкидни сал ўзгартирамиз: “бой ва ҳалол яшаган янада афзал”. Агар ич-ичингиздан, “ҳам бой бўлиб, ҳам ҳалол яшаш мумкин эмас”, десангиз, бу кўрсатма сизда ниҳоятда кучли. Айнан шу тушунча сизга халақит бермоқда. Яхшиси, уни “Ҳалоллик ва бойлик” деб номланг. Бу борада барча тасдиқларни ишга солинг. Натижада бир-бирига зид иккича хулосалардан бирини танлашингизга тўғри келади. Ана шунда кейинги қадамни ташлайсиз.

Ариза

Умуман айтганда, руҳшунослар Олий онгга қофозга ёзиб ёки хаёлан мурожаат қилган ҳолда арзи ҳол этишини маслаҳат беришади. Сиз ўзингиз ҳалос бўлишни хоҳлаган муаммоларни яққол қайд этинг. Шунингдек, нималарни исташингизни ҳам ифодаланг. Масалан: “Мен фалон қолиплардан ҳалос бўлмоқчиман...” “Ўйлашимча, бу: ...”

Кейин эса шундай денг: “Мен ўзимнинг генетик кодимдаги эски нарсаларни олиб ташлайман, уни озод қиласман ва қўйиб юбораман. Ҳис қиласманки...” Сизни теварак дунё қай тарзда қабул қилишини хоҳласангиз, айнан шуни ҳис этинг. Сўнгги қадам – сизга ёрдам берганларга, сизни қўллаб-қувватлаганларга миннатдорчилик билдиринг.

Сиз муаммони тилга олдингизми, онг ости ўз-ўзидан унинг ечи мини топишга киришади. Шунгача эса муаммо ўз номини топмагани боис сизда ўз ҳолича яшайверади ва янги-янги болачаларини урчитаверади.

Қўрқувдан қандай ҳалос бўлиш мумкин?

Агар сизни миянгизга ўрнашиб қолган фикр ёки қўрқув безовта қилиб, ундан қутулишингиз қийин бўлса, сиз у билан “таплашишингиз” керак. Ўзингизга савол беринг: “Бу фикр қандай пайдо бўлди? Нега у мени таъқиб қиляпти?”

Эҳтимол, сиз қандайдир аниқ-муайян муаммолардан яширинаёт-гандирсиз? Кўришни хоҳламайсиз, у эса кўришингизни “талаб қиласди”. Муаммоларни кўра олинг ва уларга ном қўйинг. Мабодо муаммолар бўлмаса, ўзингизга шундай денг: “Сен бегона фикрсан. Кет! Аслида, ўйлашимча...” Ана шунда ҳаммаси жойига тушади. Тимсол-

лар тилидан фойдаланиш мумкин. Ўзингиздаги қўрқувни моддий оламда тасвирланг: кўзлари, сўйлоқ тиши бўладими, қандай хоҳласангиз, шундай акс эттиринг. Кейин эса унга овоз чиқариб мурожаат этинг: “Қўрқув, йўқол, сен энди менга керак эмассан, алвидо!” Бу ҳазиломуз йўсингиздаги психотерапевтик ёндашув бўлиб, чуқур ғайришурый даражада ишлайди.

БОЙЛИКНИНГ АСОСИЙ СИРИ ЁХУД ПУЛ ЎЗИ НИМА?

Пуллар қўлимиизда бўлиши учун нималар қилиш керак? Пул, ўзи яхшими, ёмонми? Компания ёки оиласда пуллар кўпайши учун қандай иш тутиши лозим? Ушбу саволларга россиялик тадбиркор Александр Изобильевдан жавоб оласиз.

Юқоридаги саволларнинг роса сийқаси чиққан ва бу ҳақда турлитуман жавоблар олган бўлишингиз мумкин. Муҳими, ана шу жавоблар молиявий ҳаётингизни ўзгартиришга ёрдам берганми? Агар ёрдам берган бўлса, уларни қўллашни канда қилманг. Агар сизда янада бошқача доно фикрлар бўлса, улардан ҳам фойдаланинг. Қуйида эса сизга яна талай қоидаларни ҳавола этмоқчиман.

Пулга боғлиқ сирларни билишга қизиқсанмисиз? Мен шундай қилганман.

Менинг пулларим кўп. Муфассал айтами? Шахсий даромадимга алоқадор солиқ декларациясини тўлдирап эканман, йигирма минг долларлик тўловни тўлайман. Бир нечта бизнесим бор, уч қаватли уйим ва олийнасларга оид ўз автомобилимга эгаман. Демак, ҳаммаси рисоладагидек. Ва, албатта, бу мавқеимда асло тўхтаб қолмайман. Каминада пуллар билан боғлиқ нимадир бор.

Менинг бу борадаги изланишларим бизнесни эндингина юритган 1992 йилда, миллионер бўлишни қарор қилганимда бошланган. Ўшанда худди ўзим каби оддий ходим бўлиб ишлайдиган дўстим хорижлик бир бадавлат кишининг галини айтган эди: “Агар сен шунчалик ақлли бўлсанг, нима учун қашшоқсан?” Кишини ўйлантирадиган, жунбишга соладиган савол. Ваҳоланки, биз ўзимизни ақлли ёшлар деб ҳисоблардик. Айнан шу савол мёнга таъсир қилиб, уни таҳлил эта бошладим.

Хуллас, мен бир қарорга келиб, ишдан бўшадим ва бизнесга киришдим. Қолаверса, бу пайтда менда фаровон яшашим учун одамлар-

га айни дамда нималар керак бўлса, ўша иш билан машғул бўлишим лозимлиги ҳақида тушунча шаклланган эди. Айни дамда ҳам шу юмуш билан бандман.

Ўзимнинг бир йиллик режамга бизнес, яхши алоқалар топиш, пуллар ҳақида билимга эга бўлишим лозимлигини қайд этдим. Улкан қомусий китоб ўлчамидаги китобни ўқиб чиқдим. Номи “Пуллар” эди. Очигини айтганда, турли формула ва ақлли гаплар бўлгани боис уни тушуниб ололмадим. Мен ҳар томонлама оддий ва тушунарли манбага эга бўлишни хоҳлардим.

Ўша йили режамни тўла-тўқис амалга ошиrolганим йўқ. Шунга қарамай, яхшигина пул ишладим ва бизнеснинг моҳиятини англай бошлидим. Тегишли одамлар билан муносабатлар, алоқалар ҳам пайдо бўлди.

Ниҳоят омад менга чинакамига кулиб боқди. Йиллар ўтиб, Л.Рон Хаббардинг “Жанг майдони – замин” номли фантастик романини ўқиб чиқдим. Назаримда, у саволнинг моҳиятини тушунишга ўргатади. Агар ниманингdir маъносини англаб етсанг, ундан фойдаланишинг осон кечади. Масалан, “сакраш” дейилса, уни амалга оширишингиз мумкин. Бироқ “jimp” (инглизча таржимадаги худди шу сўз) ишлатилса, сира бажармайсиз.

Энди мақсадимга ўтаман. “Пуллар, бу – кучли ва мустаҳкам ишончга йўғрилган фоя”.

Агар пулларингиз кўпайишини истасангиз:

- фояга эгаси бўлишингиз,
- ўзингизга ишонишишингиз,
- атрофдагиларнинг ишончини қозонишишингиз лозим.

Масалан, яхши мусаввирлар кўп. бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам пули бор деб бўлмайди. Айримлари фақат ўлимидан сўнг тан олинган ва асарлари бебаҳо дурдонага айланган. Баҳтли рассомлардан бири Сальвадор Дали эди. Унинг нафақат бетакрор шопмўйлови. балки оригинал фоялари ҳам бор эди. Бошқалардан фарқли ўлароқ Дали ўзига ва ўзининг фояларига ишонган эди. Натижада у атрофдагиларнинг ишончини қозона олди.

Умуман айтганда, ўзингизни турли шароитларда ва одамлар ҳаётига мос slab кўришишингиз фойда беради. Ана шунда тасдиқ топган бўласиз, бу сизнинг фоянгизга айланади. Ўз навбатида сизда катта ишонч пайдо бўлади, пулингизни бошқара оласиз. Пулларингиз

лар тилидан фойдаланиш мумкин. Ўзингиздаги қўрқувни моддий оламда тасвирланг: кўзлари, сўйлоқ тиши бўладими, қандай хоҳласангиз, шундай акс эттиринг. Кейин эса унга овоз чиқариб мурожаат этинг: “Кўрқув, йўқол, сен энди менга керак эмассан, алвидо!” Бу ҳазиломуз йўсингиздаги психотерапевтик ёндашув бўлиб, чуқур файришуурый даражада ишлайди.

БОЙЛИКНИНГ АСОСИЙ СИРИ ЁХУД ПУЛ ЎЗИ НИМА?

Пуллар қўлнимизда бўлиши учун нималар қилиши керак? Пул, ўзи яхшими, ёмонми? Компания ёки оиласда пуллар кўпайшиши учун қандай иш туттиши лозим? Ушбу саволларга россиялик тадбиркор Александр Изобильевдан жавоб оласиз.

Юқоридаги саволларнинг роса сийқаси чиққан ва бу ҳақда турлитуман жавоблар олган бўлишингиз мумкин. Муҳими, ана шу жавоблар молиявий ҳаётингизни ўзгартиришга ёрдам берганми? Агар ёрдам берган бўлса, уларни қўллашни канда қилманг. Агар сизда янада бошқача доно фикрлар бўлса, улардан ҳам фойдаланинг. Қуйида эса сизга яна талай қоидаларни ҳавола этмоқчиман.

Пулга боғлиқ сирларни билишга қизиққанмисиз? Мен шундай қилганиман.

Менинг пулларим кўп. Муфассал айтайми? Шахсий даромадимга алоқадор солиқ декларациясини тўлдирап эканман, йигирма минг долларлик тўловни тўлайман. Бир нечта бизнесим бор, уч қаватли уйим ва олийнасабларга оид ўз автомобилимга эгаман. Демак, ҳаммаси рисоладагидек. Ва, албатта, бу мавқеимда асло тўхтаб қолмайман. Каминада пуллар билан боғлиқ нимадир бор.

Менинг бу борадаги изланишларим бизнесни эндингина юритган 1992 йилда, миллионер бўлишни қарор қилганимда бошланган. Ўшанда худди ўзим каби оддий ходим бўлиб ишлайдиган дўстим хорижлик бир бадавлат кишининг гапини айтган эди: “Агар сен шунчалик ақлли бўлсанг, нима учун қашшоқсан?” Кишини ўйлантирадиган, жунбишга соладиган савол. Ваҳоланки, биз ўзимизни ақлли ёшлар деб ҳисоблардик. Айнан шу савол мёнга таъсир қилиб, уни таҳлил эта бошладим.

Хуллас, мен бир қарорга келиб, ишдан бўшадим ва бизнесга киришдим. Қолаверса, бу пайтда менда фаровон яшашим учун одамлар-

га айни дамда нималар керак бўлса, ўша иш билан машгул бўлишим лозимлиги ҳақида тушунча шаклланган эди. Айни дамда ҳам шу юмуш билан бандман.

Ўзимнинг бир йиллик режамга бизнес, яхши алоқалар топиш, пуллар ҳақида билимга эга бўлишим лозимлигини қайд этдим. Улкан қомусий китоб ўлчамидағи китобни ўқиб чиқдим. Номи “Пуллар” эди. Очигини айтганда, турли формула ва ақлли гаплар бўлгани боис уни тушуниб ололмадим. Мен ҳар томонлама оддий ва тушунарли манбага эга бўлишни хоҳлардим.

Ўша йиلى режамни тўла-тўқис амалга оширолганим йўқ. Шунга қарамай, яхшигина пул ишладим ва бизнеснинг моҳиятини англай бошладим. Тегишли одамлар билан муносабатлар, алоқалар ҳам пайдо бўлди.

Нихоят омад менга чинакамига кулиб боқди. Йиллар ўтиб, Л.Рон Хаббардинг “Жанг майдони – замин” номли фантастик романини ўқиб чиқдим. Назаримда, у саволнинг моҳиятини тушунишга ўргатади. Агар ниманингdir маъносини англаб етсанг, ундан фойдаланишинг осон кечади. Масалан, “сакраш” дейилса, уни амалга оширишингиз мумкин. Бироқ “јитр” (инглизча таржимадаги худди шу сўз) ишлатилса, сира бажармайсиз.

Энди мақсадимга ўтаман. “Пуллар, бу – кучли ва мустаҳкам ишончга йўғрилган гоя”.

Агар пулларингиз қўпайишини истасангиз:

- фояга эгаси бўлишингиз,
- ўзингизга ишонишишингиз,
- атрофдагиларнинг ишончини қозонишишингиз лозим.

Масалан, яхши мусаввирлар кўп. бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам пули бор деб бўлмайди. Айримлари фақат ўлимидан сўнг тан олинган ва асарлари бебаҳо дурдонага айланган. Бахтли рассомлардан бири Сальвадор Дали эди. Унинг нафақат бетакрор шопмўйлови, балки оригинал фоялари ҳам бор эди. Бошқалардан фарқли ўлароқ Дали ўзига ва ўзининг фояларига ишонган эди. Натижада у атрофдагиларнинг ишончини қозона олди.

Умуман айтганда, ўзингизни турли шароитларда ва одамлар ҳаётига мослаб кўришишингиз фойда беради. Ана шунда тасдиқ топган бўласиз, бу сизнинг фоянгизга айланади. Ўз навбатида сизда катта ишонч пайдо бўлади, пулингизни бошқара оласиз. Пулларингиз

бўлган вақтни эслашингиз мумкин. Ўшанда ғояларингиз бор эдими? Сиздаги ишонч қай даражада бўлган?

МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЛСИМИ

*Эрини эр қиласиган ҳам, қаро ер қиласиган ҳам хотин.
Ўзбек мақоли*

Агар қайсиdir танишингиз ҳақида гапира туриб, “уни пуллар яхши кўради”, десангиз, бу тўла-тўкис илмий изоҳни талаб қиласиди. Гап шундаки, бизнинг моддий муаммоларимиз маблаг етишимовчилиги туфайли эмас, балки оиласада пайдо бўладиган руҳий вазиятдан келиб чиқади. Руҳшунослар мазкур ҳолатни таҳлил қилиб чиқдилар.

Хотин – совға эмас

Руҳшуносларнинг эътирофларига кўра, аёл нақадар оғир, оддий қилиб айтганда, ярамас феъл-авторга эга бўлса, унинг оиласида молиявий аҳвол шу қадар... яхши бўлади. Бунга ишонарли изоҳлар мавжуд.

Пуллар аёлга, ўртача олганда. 28-30 ёшида “кела бошлайди”. Бунгача у эрининг ҳамёнидаги пуллар билан муомала қилишни ўрганади.

“Ярамас”лар ҳақиқатда ўз эрини янги ва янги молиявий чўққилярни эгаллашга мажбур қиласидилар: улар ҳамиша ниманидир хоҳлашади, моддий талаблари, одатда. жуда юқори, эркак ҳеч қаёққа қочиб қутууломмайди. Буни рақамлар ҳам тасдиqlайди: муваффақиятли эр-ракларнинг саксон фоизи учун хотин – совға эмас.

Ва аксинча – хотиржам, оғир, босиқ аёлларнинг эри камдан-кам муваффақиятга эришади: бор кучини сарфлаши ва ниманидир исботлаши учун қўзғатувчи омил йўқ.

Яна бир кузатув: худбинларга пуллар келаверади. “Совға” бўлмаган хотиннинг эса турган-битгани худбинлик...

Биргаликда ионушта қилинг!

Оиладаги қатъий тартиб – буюк молиявий дебочадир. Савдогарларга хос улкан оиласи эслаб кўринг. Кичкинтойдан тортиб катталаргача барча-барча эрталаб, албатта, дастурхон атрофида жам бўлади.

Нега шундай? Сабаби, эрталаб инсоннинг руҳияти тиниқ бўла-ди. У атрофидагилар билан бажонидил ўзининг қувватини бўлиша-ди. Агар сиз ҳар куни эрталаб яқинларингиз даврасида нонушта қилсангиз, ҳеч қандай молиявий бўҳрон таҳдид солмайди.

Истиқболли жуфтликлар

Энг самарали жуфтлик бир-бирини тўлдириб туриши лозим.

Улардан бири пул ишлаб топади, иккинчиси оиласиб бадастир-ликни таъминлайди.

Бири – худбин, иккинчиси – оиласиб.

Истиқболли бўлмаган жуфтлик эса ҳар иккаласи ҳам кундалик тур-мушни эплай олмайдиган раҳнамолардир. Уларнинг уйида нуқул иш ҳақида гапирилади. Ўзаро жуфтликда бизнес учун жонбахш қувват-ни тўйинтира олмайдилар.

Зиқна ҳам, истрофгар ҳам эмас

Фаранглар айтишича: “Ким кўп сарфласа, у кўп пул топади”. Нима, истрофгар бўлиш керакми? Ҳеч қачон! Бундай одамларнинг чўнтаги-да пул турмайди.

Истрофгарчиликнинг моҳияти нимада? Масалан, одатда, дўкон-даги касса ёнида одам лаҳзалик қудрат ва завқ-шавқ ила ўзида ишонч ҳис қиласди. “Мен ҳамма ишга қодирман! Қаранглар, мен пулларни идора қиласман!” Бироқ орадан бир неча дақиқа ўтиб, бундай қизи-қиши, ҳавас ўйқолади, одам гўё шиширилган пуфак учиб кетгани каби ҳолатга тушади. Руҳшуносларнинг айтишича, бундай инсонларда муҳаббат етишмайди. Болаликларида уларга етарлича меҳрибон-лик кўрсатишмаган, ҳеч ким уларнинг муҳим ва керакли инсонли-гини ҳис қилишларига имкон бермаган.

“Демак, қурумсоқ бўлиш керакми?” деб сўрайсиз сиз. Йўқ.

Амалиётда исботланишига кўра, оиласиб зиқна одам йилдан-йил-га кам ва кам топаверади. Олтин ўрталик – ўйли мана шу.

...ва улар сизга келади

Руҳшуносларнинг холосасига кўра, оддий усувлар ҳам бўлиб, пул-ларнинг кўпайишига ёрдам беради. Мана, улардан айримлари:

“Пуллик уй”

Пуллар ўзининг “уйчаси” бўлишини исташади (оддий қилиб айт-ганда, ҳамён). У қанчалик гўзал бўлса, ичида пуллар шунча кўпаяди.

Дарвоқе, турли мақсадлар учун ҳамёнлар ҳам турличи бўлиши мақ-садга мувофиқдир. Кундалик харажатларга – битта, саёҳатга бошқа-си, янги диван учун пулларга – учинчи ҳамён.

“Ўз-ўзига... қарз”

Ўзингиздан қарзга пул олинг. Агар сиз “уйча”дан таътил учун пул олсангиз (масалан, кундалик харажатларга етмай қолганида), қайси муддатда қайтариш кераклигини у билан келишув битимини тузинг. Кейин белгиланган вақтда қарзларни ўзингизга қайтаринг! Акс ҳолда пуллар хафа бўлади ва сизга қайтиб келмайди.

Пулларни “уйча”сига ўз вақтида қайтара олмасангиз, бу гал қатъий шартнома тузинг ва яхши сармоядор сифатида сўзингизда туринг.

Яна бир гап: жамғариб қўйилган пулларни тез-тез санаб туринг (ҳатто бунга зарурат туғилмаса ҳам). Бегоналарнинг санашига йўл қўйманг.

ТЕЖАМКОРЛИК НИМА?

Ёхуд аёлларга тавсиялар

Энг аввало, айтиш жоизки, пулни иқтисод қилиш барча масалада ўзингни тишиш ёки арzon молларни сотиб олишни англаатмайди. Тежамкорлик – мутлақо бошқача тушунча.

Аксарият кишиларнинг фикрига кўра. фақат кўп пул ишлаб топадиганларгина маблағ жамғара оладилар. Пул йиға олмайдиган аёллар бу борада талай сабабларни рўйчак қилишади: кам маошдан тортиб бу ишнинг беҳудалигига қадар. Аслида ҳамиша пулни иқтисод қилиш ва жамғариш имконияти мавжуд... истак бўлса, кифоя.

Одатда, дўконга йўл олган аёл ўзига нималар кераклигини яққол эмас, қийинчилик билан тасаввур қиласди, озиқ-овқатлардан кўра. Йирик харидлар, масалан, кийим-кечак масаласида ҳам худди шундай. Сотувчилар эса бундан усталик билан фойдаланиб қоладилар. Ўта айёrona ўйлаб топилган тизимга кўра, турли-туман “керакли” молларни териб қўйғанлари етмагандек, уларни қойилмақом тарзда тавсия ҳам қиласдилар. Ана шунда харидорнинг қўли ўз-ўзидан сотиб олиши шарт бўлмаган кийим-кечак сари чўзилади. Бироқ ўша заҳотиёқ ўзини-ўзи ишонтира бошлайди, гўё бу молни анчадан буён харид қилмоқчи эди-ю қўли етмаяпти. Савол: шу пайтгача агар қўли етмаган бўлса, бу шунчалик зарурмикан?

Бир аёл алал-оқибат ўзининг молиявий аҳволини тубдан ўзгартиришга қарор қиласди. Энг аввало, пуллар ҳисоб-китобини қатъий тарзда юрита бошлади: кирим ва чиқим, барча харажатлар, ҳоказолар-

ни. Ой бошида қўлида қанча пули бўлса, ҳисоблаб қўйди. Кейин ҳар кечкурун нималар харид қўлганини майда-чуйдасигача ёзиб борди. Бу ишни ҳар ҳолда пуллар қаёққа кетаётганини билиш учун қиларди. нима сабабдан у пулни маошдан-маошгача зўрга етказяпти?

Ҳар доим савдолашиб кераклигини билиб олган, пулни тежаш мақсадида, бу қоидани ҳам ўз ҳаётида қўллай бошлади. Бир ой мобайнида қаерда бўлмасин, ҳар доим савдолашибди. Бундай пайтларда у кичкина ғалабасидан ҳам қувониб кетарди. Қарангки, шунча ҳар-катларнинг фойдаси деярли бўлмади, ахир пуллар кўпаймасди-да!

Пулни иқтисод қилишнинг яна бир йўли сифатида аёл арzon моллар сотиб ола бошлади. Турган гапки, пуллар нафақат нарҳда, балки сифатда ҳам ўз аҳамиятини йўқота борди. Йигирма долларга харид қилинган пойафзал бир ойга бормай ситилиб кетди. Бошқасини – энди сифатлиси ни олишга тўғри келди.

Орадан бир ой ўтиб, мутахассислар натижани таҳлил қилиб, омадизлик сабабларини ўрганиб чиқдилар.

Уларнинг хulosасига кўра, пул беҳуда сафланган, етмаган пулларни қаердан топиш масаласи ҳам баъзида ўйлантирган. Кўпинча кундалик турмушда эҳтиёж сезилмаган ашёлар сотиб олинган, масалан. тушлиқдаги танаффусда чипс ва пирожкалар, журналлар, навбатдаги лаббӯёғи, яна битта зирақ.

Супермаркетга аниқ-тиник ёзилмаган рўйхатсиз тащриф буориб, харид қилиш шарт бўлмаган молларни олиш туфайли мутлақо бемаъни сарф-харажатларга йўл қўйилган. Ахир қандай қилиб соч учун мўлжалланган махсус малҳам ёнидан индамай ўтиш кетиш ёки “ниҳоятда бежирим” ошхона тўпламини рад этиш мумкин?

Яхшилаб таҳлил қиласлий. Чипс ва шунга ўхшаш егуликларнинг фойдаси йўқ, аксинча саломатликка зиён. Журналларни дугонангизникида ўқишингиз мумкин. Соч учун малҳам ҳам шарт эмас эди – ҳали аввалгиси ҳам тугамаган. Агар зирақ ва лаб бўёғини ҳақиқатдан ҳам муҳим ҳисобласангиз, бундай харидларни аввалдан режага киритиш ва сотиб олиш мумкин эди, бироқ ўз-ўзидан юзага келадиган харажатлар кўрсатишича, аслида ушбу анжомлар унчалик керак эмас эди.

Арzon мол сотиб олиш ҳам кутилган натижага олиб келмади, аксинча ортиқча харажатларга сабаб бўлди. Бундай вазиятда айримларнинг хотиржамлик билан айтган сўзлари ёдга тушади: “биз арzon

мол харид қиласынан даражада бой әмасмиз". Бир қараңдаға ғалати туолған бу жумлада ҳаётій донишмандлық ҳам мужассам.

Табиийки, іюқоридаги натижалар хурсанд құлмайды. Пуллар йүқтілік қаърига кетмаслиги учун ушбу «жодули» доирадан чиқыш керак.

Сиз үзгаришга мойилсиз

Бириңчидан, сарф-харажатлар режалаштирилмоғи керак. Харид учун отланар экансиз, рўйхат тузинг ёки нималар сотиб олишиңгизни яққол тасаввур қилинг. Агар сизга киприклар учун тушь, юзингизга упа, лабингиз учун лаб бўёғи керак бўлса, қўшимча равища тирноқларга ишлатиладиган лак ёки тиш пастиси сотиб олманг, чунки улар ҳали тугамаган. Юбкага эҳтиёж сезсангиз, юбка харид қилинг, кўйлак ёки яна битта сумкани әмас. Ваҳоланки, шундай ҳолатлар кўп бўлади: биз нималар сотиб олишимизни унча пишитмай дўконга йўл оламиз, кейин эса, ҳатто мутлақо режалаштиргмаган маҳсулот билан қайтишимиз ҳам мумкин. Кўйлак ўрнига енгил матодан тикилган кофта харид қилишни оқлаш мумкинлар. бироқ, масалан, шим билан сумка орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

Кўзингиз тушган буюмни үзингизга керакли ҳисоблаб, уни фавқулодда сотиб олишдан тийилинг. Шунчаки үзингизга шундай деб айтинг: "мен буни кейинги ойда харид қиласам". Шу тариқа бу буюмга эҳтиёж бор-йўқлигини текшириб кўрасиз. Агар кейинги ойда мазкур буюм сотилиб кетмай, унга пул жамғарган бўлсангиз, тўппатўғри дўконга бориб, харид қилинг. Мабодо сиз ушбу буюмини керак әмас, деб ҳисобласангиз, уни сотиб олишга бўлган истак ҳам сўнади. Натижада пулларингизни сақлаб қолиб, нокерак харидлардан тиийилган бўласиз.

Иккинчидан, тежамкорлик сифатли ёки зарурні молни раж этиши әмас. Иқтисод айнан сифатли, фақат сиз режалаштирганингиздан арzonроқ нархдаги хариддир. Дейлик, пойафзал сотиб олишиңгиз керабўлса, арzonлаштирилган дўконларга ташриф буюринг (бундай тадбирларни ўtkазиб турадиган дўконлар топилади). Сиз шунчаки арzon пойафзал харид қиласынан арызаси келиб, балки пулларингизни тежадингиз ва сифатли мол сотиб олдингиз.

Ва охирги ва энг муҳим маслаҳат: иқтисод қилинган пулларни биз, одатда, қандай тақсимлаймиз? Ё қувонишимиз учун нималаргадир

ишилгатамиз (боз устига режалаштирилмаган бўлади). ёки бу пулларга харидлар қилиб “ювамиз”. Агар тежалган пулларни бутун ой мобайнида йифсангиз, ой охирида каттагина миқдорга айланган бу пулни йирик харид учун ишлатишингиз ёки фойдали ишга йўналтиришингиз мумкин. Бироқ, энг яхшиси, яна пул жамғаришдир. Шу тарзда агар сиз бир ойда 20 доллардан йифсангиз (ёки савдодан орттирангиз), йил мобайнида нокерак харидлардан иқтисод қилингган пулларингиз 240 рақамини ташкил этади. Бу пулларни шунчаки кўрпа тагига ташлаб қўймай, молиявий воситаларга бағишиласангиз, унинг миқдори янада кўпаяди. Сиз бирваракайига иккита қуёнга ўқ узган бўласиз: ҳам истаганингизни сотиб оласиз, ҳам у орқали ишлаб ҳам топасиз. Шундай экан, пул олиб келишини билган ҳолда фаол тарзда савдолашиш, тежамкорликнинг имкониятини фаол равишда излашингизга нима халақит беради?

Яна бир жуда муҳим нуқта. Агар иш вақтидаги тамаддиларга қанча пул кетишини ҳисоблаб чиқишини мақсад қиласангиз, ҳайбатли рақамга дуч келасиз. Турли-туман чипслар, тўғраб қотирилган нон, тайёр салатлар, газли ичимликлар, булочка ва шоколадлар нафақат чўнталингизга, балки қоматингизга ҳам зиён. Ўзингиз билан олиб келган тушлик фойдали ва тежамли бўлишини унутманг. Бу борада бутербродларни (қоматни ўйламаганда, бутерброд пирожкилардан арzon тушади), салат ёки уйда бирор нима тайёрлаб ишхонага келтиришни назарда тутамиз. У мазали, тежамли ва фойдали бўлади.

Сиз хушбичим, гўзал ва бой аёлсиз, бундан ортиқ нима бўлиши мумкин? Агар юқоридагиларга амал қиласангиз, анчайин оқила ҳам экансиз.

МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИ

МИЛЛИАРДЕРЛАР ҚАЙСИ БУРЖ БЕЛГИСИ ОСТИДА ТУГИЛАДИЛАР?

Аксарият одамлар буржларга ишонишмайди, бироқ мунтазам ра-вишда “мунажжимлар башорати”ни ўқиб, маслаҳатларга риоя қилиш-га интилишиади. Қарангки, юлдузлар доирасига дунё миқёсида ан-чайин жиддий ва нуфузли нашр ҳам мурожаат қилди.

Сайёрамизнинг энг бой одамлари рўйхатини мунтазам равишда эълон қилиб турадиган Forbes журнали миллиардерлар қайси бурж-га кўпроқ тегишли эканлигини ҳисоблаб чиқди.

Энг “пулдор” бурж рамзи Сунбула (Бошоқ, 24 август-23 сентябр) бўлиб чиқди. Гап шундаки, 613 нафар миллиардернинг 70 таси ўз таваллуд ку-нини 23 августдан 22 сейнтябр оралиғида нишонлади. Улардан икки на-фари таниқли кишилардир: йирик сармоядор Уоррен Баффет (бойлиги жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда туради) ва Oracle компанияси асосчи-си Ларри Эллисон.

Мутахассислар хуносасига кўра, Сунбула буржи остида таваллуд топганлар меҳнаткаш, дадил, майда-чуйдаларга эътиборли бўлиб. ақлий салоҳияти кучли. Ана шу сифатлар уларнинг кўп миқдорда пул ишлаб топишларига ёрдам берган.

Forbes рўйхатида Сунбула каби Даљ (Қовға, 21 январ-19 фев-раль) ҳам саккиз фоиз кўрсаткичга эга. Ушбу “қайсар” бурж остида Microsoft мутасаддиси Стив Балмер ва IKEA асосчиси Инг-вар Кампрад туғилган. Билл Гейтс эса Ақраб (Чаён) буржида та-валлуд топган.

Сайёрамиздаги бой одамларнинг паст кўрсаткичи эса Қавс бур-жи остида туғилганларга тегишли олти фоиз. Мазкур гуруҳнинг энг таниқли намояндаси кинорежиссер Стивен Спилберг ҳисобланади. Мунажжимлар айтишига кўра, Қавслар истеъдодли, бироқ улар пала-партиш ва тарқоқдирлар.

Бой бўлиб туғилиш эмас, бой инсонга айланиш... Энг нуфузли ва муваффақиятли кишилар Сунбула ва Ақраб (Чаён, 24 октябр-22 ноябр) буржи остида туғилганларга тўғри келмоқда. Бу бошқалар бойиш имкониятидан маҳрум, дегани эмас, албатта.

Сунбулалар ҳақида нималар биламиз? Ҳиссият нуқтаи назаридан улар – энг совуққон бурж вакиллари, деб ҳисобланади. Сунбулалар гўё кундалик ишлардан узоқлашгандек. Бурж вакиллари орасида улар унча-мунчага қониқмаслиги билан ажралиб турадилар. Айнан шу сабабли Сунбулалар ишда ҳамкаслар билан келишолмай қолишила-ри мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қониқмаслик Сунбулаларни бука олмайди, балки мўлжалга аниқ урадиган аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлайдиган совуққон “машина”га айлантиради. Улар аъло даражада режа тузишади, ҳар қандай манфаатли чалкашликка ечим топа оладилар. Истиқболли режани амалга ошириш учун бошлари билан ишга шўнғиб, улкан корпорациялар бошқарув тизгинини қўлга олишга қодир. Сиз нима деб ўйламанг, Сунбулалар рақобатчиларини бир-ма-бир маҳв этиб, совуққонлик ва чидам билан ўз фалабаларини кута оладилар. Агар фикрлар борасида ўзаро зиддиятга борсангиз, уларни енгинши эмас, “омон қолиш”ни ўйланг.

Ақраблар ҳақида нималар биламиз? Дунё бойлари орасида улар ўз қиёфалари билан бекаму кўст кишилардир. Моддий бойликка эришиш учун ҳар қандай ишга шай. Ақраблар орасида ўз рақибига нисбатан пасткашлик ва хиёнатга қўл урадиганлари ҳам учрайди. Пул тўлдирилган қоп-қоп бойликни улар ўзларига торта оладилар. Ақрабларни банк ва молиявий гуруҳ вакиллари, дейиш мумкин. Агар иккинчи даражали муносабатларни инобатга олмаганда уларни Сунбулаларга ҳам менгзаш мумкин. Сизнинг юлдузлик машъалингиз (Қуёш) ана шу “муваффақиятли” ва ҳиссиятли иккита бурж вакилларида бўлмаса, руҳий ҳолатингиз мўртлик касб этса, келажакда бойиш имкониятингиз жуда кам бўлади.

Ҳа, бойлик кучли ва қатъиятли инсонларни ёқтиради. Кучлилар ва қатъиятлilar, заифлар ва иродаси бўшлар, оқиллар ва идроклилар, калтафаҳм ва анойилар... барча-барча бойликни севади ёки унга эга бўлишни хоҳлайди. Нима учун? Кимлар учундир бу фуур, ўз-ўзидан қаноатланиш белгиси, кимлар учундир ҳаётий муҳим ечимлар, масалан, саломатлик кафолати... Ҳамма хоҳлайди, бу – аниқ,

бироқ, афсуски, у ҳаммага ва ҳамиша ҳам берилавермайди. Раҳнамолик, худбинлик, ўзини намоён этиш истаги, устунлик ҳисси ва омадсизликни менсимаслик, ғаламислик, пўлат асаблар, мураккаб юмушларни адо эта билиш. бу – муваффақиятнинг айрим омилларири.

Давлатманд бурж вакилларининг иккинчи рўйхатида Ҳамал ва Жавзолар турибди. Ҳамаллар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар худбин, сўзларида турмайдиган бўлишса-да, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларига ишончни канда қилмайдилар. Жавзоларни эса гапга тушуниши, улдабуронлиги ва иккисозламачилиги иззат-икром мартабасига кўтаради.

Мезон, Саратон (Қисқичбақа, 22 июн-27 июл), Жадий (Тоғ эчкиси, 22 декабр-20 январ). Асад (Арслон, 23 июл-23 август) ва Саврлар (Бузоқ, 21 апрел-20 май) энг бой буржлар “олтин” ўрталигини ташкил этади. Улардаги қайсарлик ва ўзига ишонч омадга етакладиди. Муваффақиятга эришгач, улар бойлик сари ўзларига ёрдам берганларни хотиржам тарзда... унутадилар. Ушбу бешликнинг шиори: “Худбинлик яхши фазилат, зиқналик – фаровонлик, қадр-қимматдир”.

Тўртинчи поғонада Ҳұт (Балиқ, 20 феврал-20 март) ва Даљв (Қовға, 21 январ-19 феврал) туради. Улардан қайси бирининг омади чопса, унча-мунчани ўзига йўлатмайди. Керакли одамни топганида эса... Ушбу бурж вакиллари овуниш учун ҳам пул ишлашади. Бундай вақтда дўстлик, бурч ва масъулият каби умумқабул қилинган тушунчалар қадр-қиймат даражасида англанади.

Мазкур рўйхатни Қавс (Ёй, 23 ноябр-21 декабр) якунлайди. Буржлар дунёсида улар жангта шай курашчи сифатида намоён бўладилар: тошни кемирадиган, тирноқларини синдирадиган, бор кучи билан ҳаракат қиласиган... Булар нима учун? Чунки улар орасида дангасалар кўп...

Ҳиссий ва маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлинг! Қайси бурж вакили бўлишингиздан қатъий назар, омадингизни берсин!

МАШХУРЛАР ВА БОЙЛАР ТАМОЙИЛИ

Биз инсоният тарихининг жуда муҳим босқичида яшяяпмиз. Бугун йўқ жойдан иш бошлаб, бой-бадавлат бўлаётганлар бир замонлардагидан ёки инсон ўзи тасаввур қилганидан кўра анчайин кўп. Америкада миллионерларнинг етти миллиондан зиёд эканлиги маълум. Уларнинг аксарияти пулларини ўзлари ишлаб топган, бундайларнинг сони ҳар йили 15-20 фоизга ошяпти. Россияда ҳам ўзи тер тўкиб, ўн, ҳатто юз миллионлаб топаётганлар, миллиардерлар мавжуд. Инсоният тарихи мобайнида биз бунчалик улкан бойликни кўрмаганмиз.

Рақамларга эътибор беринг. Деярли ҳар бир бой-бадавлат одам ишни нолдан бошлаган. Бугун муваффақият қозонган кишиларнинг тўқсон фоиздан кўп қисми деярли бўм-бўш чўнтакдан иш бошлаган. Ўртacha олганда, ўзи пул ишлаб топган ҳар бир миллионер 3,2 марта касодга учраган ёки деярли “синган”. Давлатманд инсонларнинг аксарият қисми молиявий муваффақиятга эришгунча кетма-кет дучор бўладиган омадсизликларга тоқат қилган. Шундай экан, юз минг ва миллионлаб пул топиб бойиган одамлар амалга оширган ишни сиз ҳам рўёбга чиқаришингиз мумкин.

Инсоният қисматининг метин қонуни, бу – сабаб ва оқибатdir. У оддий, шу билан бирга қудратли ҳам. Ушбу қонун моҳиятига кўра, ҳар бир аниқ оқибатнинг муайян сабаби мавжуд. Ҳар бир ҳаракат кейинги ҳаракат кучига эга. Мазкур қонун омад тасодифан келмаслигини таъкидлайди. Молиявий муваффақият, бу – мутлақ аниқ, тамоман муайян ҳаракатларни бир неча марта амалга ошириш, дегани. Токи ўзингиз истаган молиявий мустақилликка эришгунча уни тақрорлайверасиз.

Табиат асл ҳолатига кўра холис, беғараздир. Атрофимизни ўраб турган табиат учун, бозор учун ёки кишилик жамияти учун сизнинг ким ва қандай эканлигинизнинг фарқи йўқ. Сабаб ва оқибат қонуни қўйидағиларни уқтиради: агар муваффақиятли кишилар қилаётган ишларни амалга оширангиз, бунинг якуни ўлароқ улар омадга эришгани каби сиз ҳам юқори натижаларни қўлга киритасиз.

Агар бу ишларни адо этмасангиз, ҳеч нимага эришмайсиз. Юқорида қайд этилган қонун эса сиз ўзлари пул ишлаб топган миллионерларнинг сирини ўрганиб олиш ва шахсий ҳаётингизга татбиқ этиш

орқали муқаррар равишда натижа ва мукофотга сазовор бўлишин-гизни таъминлайди. Шу тариқа эришмаган мавқсега эга бўласиз.

Фақат бир мұхим омилни унутманг: ҳеч ким сиздан зўр эмас, ақлли ҳам эмас. Бу жумлани яна такрорлашга изн беринг: ҳеч ким сиздан зўр эмас, ақлли ҳам эмас. Бошқа фикрларни каллангиздан олиб ташланг. Нима учун ўзингизни жуда арzonга “сотаётганингиз”, нима учун айниқса, молиявий масалада омадингиз юришмаётгани сабаби шундаки, бошқалар сиздан кўра зўр ҳаракат қилишмоқда, деб ишонасиз. Аслида эса ундай эмас.

Гап шундаки, ўzlари пул ишлаб топган аксарият миллионерлар ўрта маълумотли оддий инсонлар бўлиб, ўртача даражадаги вазифаларда ишлашган, улар оддий одамлар билан қўни-қўшничиликда оддий уйларда истиқомат қилишган, оддий автомобиль ҳайдашган. Бироқ улар моддий жиҳатдан муваффақият қозонган бошқа кишиларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиб, қойилмақом натижаларни қўлга киритмагунча ишлайверадилар. Ҳеч қандай мўъжиза ва тасодиф йўқ. Сиз ҳам худди шу тарзда ўйлаб ва худди ўzlари пул ишлаб топган миллионерлар каби ҳаракат қилсангиз, айнан улар эришган натижаларни ва фаровонликни қўлга киритасиз. Яъни, сабаб ва оқибатнинг оддийгина намоён бўлиши юз беради.

Ўз кучи билан муваффақиятга эришган миллионерларнинг бир нечта сир ва тамойиллари бўлиб, ҳар бирини қўйида келтириб ўтамиз. Уларнинг ҳар бири молиявий мустақилликка эришиш учун ниҳоятда зарур. Мазкур тамойилларни қабул қилишдаги уқувсизлик ёки улардан фойдаланишни хоҳламаслик ҳеч бир монеликсиз, ўз-ўзидан саломатлик, баҳт ва тўла-тўқис фаровонликка эришишга путур стказади.

Сиз ушбу тамойиллардан ҳар бирини амалий жиҳатдан ва бот-бот такрорлайверинг, токи улар нафас олиш ва нафас чиқариш каби мутлақ табиийлик касб этсин. Эплаш қийин эмас. Худди велосипед ёки машина ҳайдашни ўрганганингиз каби, ўzlари пул ишлаб топган миллионерларнинг муваффақиятини ўзлаштириб, ҳаётингизга татбиқ этишингиз мумкин. Ва бу ишда сизга шахсий қарашларнингиз, фикрлашингиздан бўлак ҳеч нима тўсиқ бўла олмайди.

Эндрю Карнеги ВИЖДОН ОЛДИДАГИ СҮРОҚ

*“Кім үйлай олмаса телба, кім үйлаши-
ни истамаса сўқир, кім интилмаса қул-
дир”. Улкан бойлік әгаси, “пўлат қиро-
ли” Эндрю Карнеги худди шундай хуло-
сага келган эди. “Мениң ҳаётим тарихи”
китобида Карнеги қандай қилиб 400
миллион (ҳозирги ҳисобда 130 миллиард)
доллар пул ишлаб топғани ҳақида сўз
юритган.*

*Шотляндиялык бу собиқ муҳожисир бо-
зор қоидаларига мослашиб, янги техно-
логияларга пул тиккан эди. Эндрю Кар-
неги, ҳатто ўзига-ўзи маслаҳатлар бер-
ган. Шундай ўғитлардан бири 35 ёшда
ишдан узоқлашишдир (бунга ўзи амал
қилмаган, албатта). Жаноб Карнегининг
сўзлари кўпинча ўз ҳатти-ҳаракатлари-
га зид бўлган.*

*Вафоти арафасида Эндрю Карнеги
йигиб-терган жамгармасининг 350 мил-
лионини кутубхоналар ва олий ўқув
юртларини қўллаб-қувватлаш учун аж-
ратган. Карнеги ўғитлари билан танишинг...*

*“Иш сифати – ҳар қандай корхонанинг энг ишончли пойдевори-
дир, – деган эди Эндрю Карнеги. – Кейинроқ, анчайин кейинроқ нарх
ҳақида ўйлаб кўриш мумкин”.*

* * *

*“Битта новда бўлган жойдан иккитасини ўстирадиган одам ҳалқи
олдида муносиб хизмат қилган ҳисобланади. Бироқ яроқсиз деб таш-
ланган материалдан аъло сифатли ёқилғи тайёrlашга эришган киши
бу ишидан тўла-тўқис фахрланиш ҳуқуқига эга. Йўқ нарсадан нима-
дир яратиш яхши, аммо дунёдаги энг пешқадам фирманинг биринчи-
си бўлишга эришиш ундан ҳам яхшидир”.*



* * *

“Буюрилган ишни бажармайдиган ва буюрилганидан ортиқ иш құлмайдиган инсон ҳеч қачон юқори натижаларга эриша олмайды”.

* * *

“Мен үзимнинг бурчим деб ҳисоблаган ақидага вижданан ёндаш-
ганман: тўлашга қурбим етишига олдиндан ишонч ҳосил құлмаган
вақтимда ҳеч қачон векселга имзо чекмаганман”.

* * *

“Бойлик йиғиши – бутпарастликнинг энг ёмон кўринишидир. Ҳеч
қайси бут пулга сифинишдек бузғунчиликка бас келолмайди”.

* * *

“Мён ишчилар билан зиддият ҳамиша ҳам пулга тақалмаслигига
кўп марта ишонч ҳосил құлғанман. Ўйлашимча, ўзаро тўқнашувни
бартараф этишининг энг самарали йўли – ишчилар ёнига бориш ва
уларнинг ҳолатини ҳис этишдир”.

* * *

“Эҳтиёждан ортиқ бойлик – ўз эгасини умри мобайнida ушбу
жамгармасини жамият манфаатига хизмат қилиши учун сарфлашни
бурч деб ҳисобловчи муқаддас юқдир”.

* * *

“Ўзига ёрдам қиласынан одамларга бериладиган ёрдам асосий
мақсад бўлиши керак... Ҳеч бир алоҳида шахс, ҳеч бир халқнинг аҳво-
ли хайр-эҳсон билан яхшиланиб қолмайди”.

* * *

“Кекса ёшда озроқ бойлик кифоя, улкан бойлик инсоний баҳтни
кўпайтирумайди, балки камайтиради. Кулишни биладиган миллионер-
лар камдан-кам учрайди”.

* * *

“Ҳаётда бойликтан кўра руҳ тетиклиги катта аҳамиятга эга. Агар
виждон амри ва ўзингизни ноҳақ ҳисоблаш орқали чақирмаган
бўлсангиз, ўзингиздаги қайгули фикрларингизни қувиб юборинг.
Берис бизга васият қилиб қолдирган ҳаётий қоидани ҳамиша ёдин-
гизда туting: “Ўзингни ўз вижданинг сўроққа тутишидан қўрқ”.

**Жон Кехо
МИЯДАГИ... ВИДЕОФИЛЬМ**

*Канадалик таниқлы ёзувчи Жон
Кехо номи күпчилікка таниш. Үшінсон
мияси фаолияттіңін ўрганыш ва аңглаш
учун үч әйлі давомида ўрмонда яшаган.
Турли илмий ва диний манбалардан
жамлаган мағлумотлари, шунингдек,
ўзининг кузатув ва таҗрибаларига
таяниб, онг имконияти, салоҳияттіңін
муваффакиятты ривоҗлантиришига
оид маҳсус дастур ишлаб чиққан. 1978
йилдан бошлаб мазкур тамойиллар асо-
сида одамларга таълим беріші бошлаган.*

1980 йилдан унинг исм-шарифи ва маърузалари бутун дунёда катта зътибор қозонди. Жон Кехо тингловчиларда ички ишончи пайдо қилиш ва янгича қарашлар уйготиш борасида кучли руҳий қувват ва ноёб ақл-салоҳиятга эга. Куйида унинг асаридан айрим бобларни келтирамиз.

Мен инсонга фикрлаш орқали яхши ёки ночор яшащдек танлаш ҳуқуқининг берилганини энг адолатли ёндашув деб ҳисоблайман. Ҳар кимда танлаш ҳуқуқи бор экан, одам фақат ва фақат ўзидан ўпкалаши лозим. Дейлик, омадли бўлмоқчисиз! Демак, сизга фақат муваффақиятни кўра оладиган онг керак. Бой одамнинг онги ва кайфияти ҳамиша тўқчилик ва фаровонлик ҳақидаги фикрлар билан бўлади. У бошқача фикрлай олмайди.

“Бу одамга маза-да! – дейишиңгиз мүмкін. Омади чопғандан кейин ўйлаши ҳам, орзу қилиши ҳам осон. Менинг ақвасын ачинарлы: омад кулиб боқмайды, мудом нимагадир муҳтожман. Мавжуд шарт-шароит мени сиқиб қўйган”.

НАҚАДАР БЕМАҢНИ, БҮЛМАҒУР ГАП! Сизга ҳеч қандай шарт-шароит ёки бирорта шахс халақит берәётгани йүқ. Йүлингиздаги ягона ғов, бу – ўз фикрларингиздир. Тұғри фикрлаш тарзини ўзлаштириш учун озгина ҳафсала ва тажрибани ишга солсанғиз, олам гулистон! Фикрларингизни ўзгартиргач, атроф-муҳитингиз ўзгаришининг гувоҳи бўласиз. Янгича фикрлаш сиздан бир қадам олдинда юриши шарт.



Сиз ҳаётдан нималарни исташиңгизни билиб олинг. Бойликни-ми? Демак, беҳбудлик, фаровонликни кўзлайдиган фикрлаш усули-дан фойдаланинг. Унутманг, дунёда ҳамма нарса имконият тариқа-сида берилади.

Инсон ўзининг ўтмиши ва бугунги щароитига қарамай, онгини керакли йўналишда ишлата олса, у, албатта, мақсадига етади. Бу имконият ҳар биримизга берилган. Ундан фойдаланиш учун бой ёки иқтидорли бўлиш шарт эмас. Сиздан фақат қатъият ҳамда маълум вақт талаб қилинади, холос! Қолганини онг бажаради.

Онг маҳсус парваришни талаб қиласди. Сиз боғбонсиз ва бу боғни обод қилиш ёки қаровсиз қолдириш ўзингизнинг ихтиёргизда. Унутманг, қилган меҳнатингиз ёки лоқайдлигингиз “ҳосили”ини, ал-баттіа, оласиз.

Сизни ўраб тұрган воқеълик, бу – фикрларингиз маҳсулидир. Тафаккурингизнің ўз манфаатингизга ишлатишиңгиз ёки уни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, омадсиз одам бўлиб юришингиз мумкин. Унутманг, ҳаётингиз ўзингизнинг тасаввурингиздан бошланади. Бу гапнинг моҳиятини тушуниш унча қийин эмас. Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал у ҳақда ўйлаб, қандай амалга оширишнинг йўлларини хаёлан пишишиб оласиз.

– Муваффақиятларимнинг ҳаммаси миямда, дейди мультимиллионер, иирик тадбиркор, киноюлдузи ва спортчи Арнольд Шварце-негер. – Мен кичик ёшимданоқ ўзимни ҳозирги даражага эришишимни орзу қилганман. Бугунги муваффақиятим, шон-шуҳрат ва бой-лиқка эга бўлишим мумкинлигидан ҳеч қачон шубҳаланмаганман. Мия имконияти ҳақиқатда мўъжиза. Дунё миқёсидаги нуфузли мусобақада иштирок этишимдан олдин бир неча минг марта ўзимни голиб сифатида тасаввур қилганман. Кейин бу орзум ушалди. Кино соҳасида ҳам худди шундай. Ўзимни иқтидорли ва кўп пул топадиган актёр деб ўйлардим. Омадим келишини тасаввур қилиб, ундан лаззат-ланардим.

1976-1982 йилгача фристайл бўйича Европа кубогини қўлга ки-ритган жамоа аъзоси Крис Полайн шундай дейди:

– Биз машғулотлардан ташқари онг кучидан самарали фойдала-ниш мақсадида руҳшунослар билан ҳамкорлик қилганмиз. Машқлар-дан кейин медитация ҳолатида масофани хаёлан қайтадан босиб ўтар-дик. Машғулотларимизга қанчалик жиддий ёндашган бўлсак, бу ишга

ҳам шу даражада диққат-эътиборимизни қаратдик. Спортдаги муваффақият кўп жиҳатдан бажарадиган машқни олдиндан аниқ тасаввур қилишга боғлиқ.

Крис Полайн нафақат олтита олтин медаль соҳиби, балки тадбиркорлик ва спорт бўйича компания раҳбари ҳамдир.

Браян Эдвард суғурта билан шуғулланади. У ҳар куни ухлашдан олдин эртанги музокараларни хаёлан тасаввур қиласди. Эдвард ўзини одамшавандга ва мижозларни шартнома тузишга осонгина кўндирадиган ходим деб хаёл қиласди. Мазкур машқни уйқудан кейин ва олдин беш дақиқа давомида бажаради. Бунинг натижаси ўлароқ, у ҳам-каслари ярим йилда ҳам сотиб улгурмаган миқдордаги суғурта по-лисларини бир кунда пуллаб юборган.

Юқорида ўз олдига уч хил мақсад қўйган кишиларнинг бир хил усулдан фойдаланганига гувоҳ бўлдингиз.

Визуал кўриш, бу – хаёлан тасаввур қилиш, репетиция, ўзини олдиндан шу ҳолатга тайёрлашдир. Одам ўзини интилаётган муваффақият эгаси, вазиятнинг ғолиби деб тасаввур қилсангина унга эриша олади.

Айтайлик, сиз дадил, мардонавор бўлишни истайсиз. Тасаввурингизда қатъий, событ инсон тимсолини яратинг. Иккиланмай ва мустақил равишда қарор қабул қилаётганингизни, исталган одам билан гаплашаётганингизни тез-тез машқ қилинг. Жаҳлингизни чиқарадиган ёки ўзингизни ноқулай ҳис этадиган вазиятлардан ҳазил-мутобийба билан чиқиб кетаётганингизни кўз олдингизда гавдалантиринг. Дўстларингиз сиздаги ижобий ўзгаришни мақташаётгани ва хуш кайфиятда юрганингизни қанча кўп ўйласангиз, истакларингиз шунчалик тез амалга ошади.

* * *

1. Нимага эришмоқчи бўлаётганингизни яхшилаб аниқланг. Имтиҳондан ўтиш, лавозимингиз кўтарилиши, пул топиш ва ҳоказо...

2. Ўзингизни бўш қўйиб, бир неча дақиқа мобайнида танангиз ва руҳингизга дам беринг.

3. 5-10 дақиқа давомида истагингиз амалга ошаётганини тасаввур қилинг.

Мақсадингизнинг рўёбга чиқиши эҳтимоли ҳақида эмас, балки у бевосита амалга ошиши тўғрисида ўйланг. Тасаввурингизни орзу

эмас, рўё-ҳақиқат сифатида қабул қилинг. Миянгизда қисқа метражли видеофильм яратиб, унда бош ҳаҳрамон бўлиб яшанг. Бу хаёлотдан бошқа нарса эмаслигини билсангиз ҳам, тасаввур мақсадингизнинг андазаси эканини унумтманг. Мазкур манзара бизга куч ва ишонч берадиган ягона манбаадир.

Тасаввурингизни ишлатишдан чўчиманг. Бу жараёнда ўзингизга етишмаётган барча ноёб, яхши хислатларни мавжуд деб ўйлашингиз лозим. Хаёлий тимсол ҳаётий бўлиши учун унга иқтидор, қатъият ва матонат ҳадя этинг. Сиз ажойиб фильм томоша қилгандек бўласиз. Тасаввури кучли одамлар ҳар қандай вазиятни ипидан-игнасиғача кўз олдилариға келтиришади. Айримлар эса мақсадини умумий манзара кўринишида тасаввур қиласиди. Ҳар иккала усул ҳам самарали бўлиши учун бир кунда беш дақиқа вақтингизни аяманг.

Аниқ тасаввур. Мақсадингиз рўёбга чиқишини олдиндан босқич-ма-босқич тарзда режалаштиринг ва шу режа асосида роль ижро этинг.

Эркин тасаввур. Ниятингиз амалга ошгунча фикрлар, тимсолларнинг алмашиниши, эркин ҳаракатланишига имкон беринг.

Ушбу икки усулининг самара бериши машқларни тақоролашингизга боғлиқ. Аксарият кишилар илк марта тасаввурларини ишлатишга қийналишади. Ҳаммасини ақсл билан ўлчашга ўрганганимиз боис дастлаб исталган ҳолатни гавдалантириш мураккабдек туюлади. “Фильм”ингиз илк уринищданоқ тугалланган бўлиши шарт эмас. Тўхтовсиз ўз устида ишлаган одамгина тасаввур қобилиятининг чексизлигини англаб етади. Манаман деган режиссёр ҳам сиз яратган фильмдек табиий ва ишонарли кино яратади.

Унумтманг, бир-икки марта машқ қилиш билан иш битмайди. Ниятингиз ўз онгингизга мустаҳкам муҳрланиши учун ҳафталаар, ойлар керак. Мабодо шубҳа туғилгудек бўлса (бу аниқ), унга эътибор қиласиди. Кўркув ва хавотир ўз-ўзидан пайдо бўлиб йўқолиб кетадиган туйфу. Машқ қилишда давом этаверинг.

1. Ниятингиз мана шу дақиқада амалга ошаётгандек, “бу ишлар айнан мен билан рўй беряпти”, деб ўйланг. Ўзингизни тутишингиз, овозингиз ва юз ифодаларингизни тасаввур этиб ролга киринг.

2. Мақсадингизни кунига камида бир марта кўз олдингизга келтиринг. Ҳар куни машқ қилинг. Такоролаш муваффақият гаровидир.

Миңгизге маңқам ұрнашиб қолғап ҳар қандай фикр ҳаётингизга таъсир қылади.

Камина шу үринде рухшунос Алан Ричардсоннинг тажрибасини мисол тариқасида келтиришни лозим топдим. Талабаларнинг баскетбол жамоасини уч гурухға бўлиш асносида маҳсус тадқиқот ўтказилган. Биринчи гуруҳ ўйинчилари машғулотларга ҳар куни қатнаган. Иккинчи гуруҳдагилар ҳеч нима билан шуғуланишмаган. Учинчи гуруҳдагилар эса машғулотга қатнамай, гўёки тасаввурларида ўйинга тайёргарлик кўриб, машқ бажарганлар: улар ўзларини ҳар куни ярим соатдан рақиб тўринга коптоқ киритаётган, рақибларни алдаб ўтаётган. Йирик ҳисобда ғалаба қозонаётгандек тасаввур қилишган.

Бир ойдан сўнг учала гуруҳдаги ўзгаришлар текширувдан ўтказилганда, биринчи гуруҳдагилар натижани 24 фонзга яхшилашди. Иккинчи гуруҳдагилар натижани умуман ўнглай олмаган. Учинчи гуруҳ иштирокчиларнинг натижаси эса биринчи гуруҳники билан бир хил бўлиб чиқди.

Ижодий тасаввурдан шиддатлироқ куч йўқ. Тўғри қилинган тасаввур инсоннинг энг муҳим қобиلىятидир. Орзу қилиб, унга етишга ишонишда давом этинг, мақсадингизга элтадиган йўл ва усул. шубҳасиз, топилади.

Лос Анжелесда туғилган актриса Кэрол Бернетни бувиси вояга етказган. Нафқа пули билан учма-уч яшайдиган бу оила ниҳоятда қашшоқ эди. Кампир кўчадан қофоз йифиб, керакли жойга топширап, шунинг пулiga тирикчилик қиласади. Ана шундай оғир шаронтига қарамай, қиз келажаги порлоқ бўлишидан умуман шубҳаланмаган.

– Мен бирор марта ҳам университетга ўқишига киролмайман, деган фикрга бормаганман. – дейди Кэрол Бернет. – Катта аудиторияларда маърузалар тинглаб ўтирганимни, талабалар шаҳарчасида яшаб, улкан иштиёқ билан сабоқ олаётганимни яққол тасаввур қиласадим. Бу фикр менга туну кун тинчлик бермасди. Ҳеч қандай имкониятим бўлмаса-да, ўзимча талабалик баҳтидан сархуш юрадим.

Хўш, Кэрол маблағни қаердан олган?

– Мактабини битириш арафаси эди. – дейди у. – Бир куни почтани қарасам, менга юборилган конверт турниди. Маркаси бор-у, лекин почта муҳри босилмаган. Конверт ичидаги эса менинг бир йиллик

ўқишимга етарли пул ётарди. Ишонасизми, мен ҳалигача бу пулларни ким юборганини билмайман.

Камина, агар тасаввурингизни ишлатсангиз, сиз ҳам Кэролга ўхшаб конверт тўла пул топиб оласиз, демоқчи эмасман. Лекин кафилманки, вазият, албатта, сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Энг муҳими, ишонч, тасаввур кучидан фойдаланиш, мақсад сари олға интилишдир. Бу борада сизга миянгиз ёрдам беради.

Брайан Трейси ЧЎҚҚИДАН-ЧЎҚҚИГА!



Брайан Трейси профессионал маърузачи, нотиқ, педагог ва маслаҳатчи, шунингдек, кўзга кўринган ўқув ва консалтинг раҳбари. У ўзи пул ишлаб топган миллионер ҳам саналади.

Брайан машаққатли йўлни босиб ўтган. Узоқ вақт ихтисослиги йўқ ишларда меҳнат қилган. Идиш-товоқ ювган, бурғилаш юмуши билан шуғулланган, бир нечта фабрикада фаолият кўрсатган, ферма ва ранчода пиҷан исканжалаш ишларини амалга оширган.

Йигирма беш ёшида Брайан савдо агенти бўлган ва бизнес оламида юқори пиллапояларни эгаллай бошли-

ган. Йилдан-йилга ҳар бир илфор ғоя ва услубларни ўқиб-ўрганиб, активлари 265 миллион долларни ташкил қиласидиган қурилиш компанияси директори лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. Ўттиз ёшдан ошар-ошмас, Трейси Канада университетларидан бирига ўқишига кириб, иқтисодиёт ва бизнес бўйича илмий даражани қўлга киритган.

Бу йиллар мобайнода у 22 та турли компания ва саноат соҳаларида ишлашга улгурди. 1981 йилдан эътиборан маърузалар, сұхбатлар ва семинарларда ўзининг муваффақият тамойилларини баён қила бошлиди. Бугун Брайан Трейси китоблари, аудикассета ва компакт-

дисклари, шунингдек, семинарлардаги видеокассеталари йигирмалаб тилга таржима қилинган бўлиб, 38 та давлатда қўлланилади.

Брайан диққат-эътиборини битта масалага қаратади. У ўртаҳол (ёки ўрта қатламдан юқори) одам ўзининг фойдаланилмаган улкан кучга эга эканлигига ишонади. Агар сиз муваффақиятли инсонлар қўллаётган ҳал қилувчи услугуб ва тажрибаларни амалиётга татбиқ этсангиз, олдингизга қўйган мақсадга анчайин тез етасиз. Ана шунда улар аллақачон эгалаган мавқега эришган бўласиз.

Трейси ўз ишининг устаси сифатида чиқиш қила бошлагач, 23 та мамлакатда икки миллионга яқин инсон билан ўз фояларини баҳам кўрди. Беш юздан зиёд корпорация ундан маслаҳатчи ва ўқитувчи сифатида фойдаланди. Брайан ўз ҳамоийларига мувофиқ тарзда уларнинг ҳар бирини амалиётда кенг қўллади. Ўзини ва минглаб бошқа одамларни умидсизлик, ноҷорлиқдан халос этиб, муваффақият ва омадга эришиш йўлларини кўрсатиб берди.

Брайан Трейси ўзини “эклектик одам” (турлича қараашларни, назарияларни бир-бирига ўзбошимчалик билан қориштириб юборадиган киши) деб атайди. “Мен академик тадқиқотчи эмас, балки ахборотларни умумлаштирувчиман”, дейди у. Турли-туман газеталар, журнал, китоб ва бошқа манбаларни ўқиши учун Трейси ҳар йили юзлаб соат вақт ажратади. Бундан ташқари ўзини қизиқтирирган мавзудаги ўқув аудиодастурларини соатлаб тинглайди, сон-саноқсиз семинарларда иштирок этади ва кўпдан-кўп видеоёзувларни синчилаб томоша қиласди. Унинг “билимлар омбори”ни, шунингдек, радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан олган ахборотлар ҳам тўлдиради.

Кенг билимлар ва катта тажрибадан фойдаланган Трейси бир талай манбалардан олинган тавсияларни уйғунлаштирирган ҳолда уларни ўз фикрлари қобиғидан ўтказади. Ички ҳис-туйғуларига зид бўлмаган ёт фоялар унинг тажрибаларига мувофиқ равишда ўзлаштирилади, қайта ишланади ва навбатдаги чиқишилари, босма ишлари учун манба бўлиб хизмат қиласди.

Брайан оилали, унинг тўрт нафар фарзанди бор. У Сан-Диегода гольф майдони биқинида истиқомат қиласди. Ўз шаҳридан чиқиб кетиб, тингловчилар ҳузурида йилига юз мартаға яқин маъруза ўқийди ва ўн еттита мамлакатда ишга алоқадор муносабатларни қўллаб-қувватлайди. Умуман, Брайан Трейси омад ва унга эришиш

масалалари борасида нуфузли шахс ҳисобланади. Унинг миллионерлар ҳаётида пулнинг ўрни ҳақида билдирган муроҳазалари эътибор қозонган.

Кўйида Брайан Трейсининг омад сирлари ва тамойиллари билан танишасиз.

1. Буюк орзулар қилинг. Ҳаётдаги омад, пуллар ва орзулар ҳақида.

2. Йўналишни яққол ҳис этинг. Мақсад ва муваффақият.

3. Фақат ўзингиз учун ишлаётгандек ҳисобланг. Ҳаётингиз мобайнида масъулият ва омадга эътибор қаратинг.

4. Севимли иш билан машғул бўлинг. Нимаики юмуш билан шугулланманг, ҳаётни севсангиз – пулларнинг яна бир сири шу бўлади.

5. Ўзингизни баркамолликка баҳшида этинг. Камолотга эришиш ҳаётимиз давомида омадга эришишнинг асосидир.

6. Узоқ ва сабот билан ишланг. Пуллар керак бўлса, иш соатингизни кўпайтиринг.

7. Умрингиз мобайнида ўқиб-ўрганишни канда қилманг. Узлуксиз таълим – омад қалитидир.

8. Дастлаб ўзингизга тўланг. Иқтисод, пуллар, фоиз.

9. Ўз ишингизда ҳар бир майдада-чўйдани ўрганиб чиқинг. Мутахассисларнинг йигирма фоизи бошқа саксон фоиз мутахассисга нисбатан 16 карра кўп ишлаб топади.

10. Ўзингизни ўзгалар хизматига бағишлиланг. Мижозларнинг эҳтиёжини ўрганинг, одамларга ёрдам беринг.

11. Ўзингизга ва бошқаларга нисбатан мутлақо ҳаққоний бўлинг. Интизом ва ҳалоллик – муваффақият кафолати.

12. Энг муҳим ишларингизни юксакликка қўйинг ва уларга аниқ мақсад билан дикқат-эътиборингизни қаратинг. Муҳим ишларни белгилаш – ҳаётдаги ўта аҳамиятли масаладир.

13. Ўзингизни тезкор ва ишончли хизматчи сифатида тайёрланг. Бундай ходим эътибор қозонади.

14. Чўққидан-чўққига кўтарилишга ҳозир бўлинг. Ҳаёт баланд-паст босқичлардан иборат. Олдинга интилинг.

15. Барча жабҳада ўзингизни интизомга буйсундиришни машқ қилинг. Ҳаётда муваффақиятга эришмоқчи бўлганлар ана шундай хислатга эга.

16. Ўзингизнинг туғма ижодий қобилияtingизни очиб юборинг. Ижод кўплаб тезкор жавобларни тақдим этади.

17. Керакли одамлар даврасида бўлинг. Ҳаётда қандай инсонларнинг ёрдам бера олиши муҳим.

18. Саломатлигингиз борасида алоҳида ғамхўрлик қилинг. У ҳаётда омадга эришиш учун ниҳоятда зарур омил.

19. Фаолиятингиз мобайнида дадил ва йўналтирилган бўлинг. Омадга эришиш учун одамлар тезкор ҳарақат қиласидилар.

20. Муваффақиятсизлик келиши мумкинлигига ҳеч қачон йўл қўйманг. Пуллар муваффақият ва омадни ёқтиради. Муваффақиятсизликни ёнингизга йўлатманг.

21. “Қатъият тести”дан ўтинг. Қатъият ҳаётда муваффақиятни тарьинлайди.

Хулоса: омад рўй берадиган ҳодиса. Сизнинг муваффақиятингиз олдиндан аён, буни амалиётда синааб кўринг.

Жо Витале БЕРИШНИНГ КУЧИ

Жо Витале молия оламидаги энг ҳаридоргир “Маънавий маркетинг” номли китоб муаллифи, “Sekret” фильмни ҳаммуалишфларидан саналади. Унинг “Гипноз таъсиридаги инишо” номли электрон китоби, “Шафқатсиз маркетинг кучи” аудиодастури ва кўплаб бошқа ишлари ҳам эътиборга молик. Жо Витале маркетинг бўйича энг кучли беш нафар мутахассиснинг бири саналади. У – метафизика фанлари доктори, гипнотерпевт. Жо Виталега қулоқ тутамиз.

Агар сиз пулларингиз бўлишини хоҳласангиз, бир ишни адо этинг.

Уни сайёрамизнинг бой-бадавлат одамлари амалга оширишган ва амалга оширишмоқда.

Бутурли қадим маданий ёзма манбаларда қайд этилган, бугун ҳам ёзишмоқда.



Бу шундай ишки, ким қўйл урса, пуллар келади ва бошқа кўплаб одамлар уни амалга оширишдан қўрқишидаи ҳам.

У қандай иш?

Эндрю Карнеги ҳам худди шундай қилган. У саноат магнатига айланди.

Пулларга эга бўлишнинг ушбу буюк сири нима ўзи?

У нима эканки, барча-барчага тўғри келса?

Пулларни улашинг.

Бу – ҳақиқат. Пулларни улашинг.

Пулларни ўз ички дунёлари билан ўртоқлашишингизга ёрдам берадиган одамларга улашинг.

Сизни илҳомлантирадиган, сизга хизмат қиласидиган, сизга шифо берадиган, сизни севадиган инсонларга улашинг.

Қайтармасликларини ҳисоблаб ўтирумай, пулларингиз бошқа манбадан ва тағин кўпайган ҳолда қайтишини ўйлаб, уларни одамларга улашинг.

1924 йилда Жон Рокфеллер ўзининг ўғлига ёзган мактубида пулларни улашиш тамойилини шундай изоҳлаган эди: "...*Пулни шабтап бошлаган ёшлик пайтимдаёқ мен пулларимни улаша бошладим ва даромадим кўпайган сари улашадиган пулларим миқдорини ҳам оширавердим*".

Бу сўзларни эслаб қолдингизми?

У тобора кўп пул улашар ва ҳамиша катта-катта даромад оларди. Бутун ҳаёти мобайнида миллионлаб долларни эҳсон қилди.

Айримлар, Рокфеллер ўз имиджи мақсадида реклама кампанияси ни уюштириб. 10 центлик тангаларни улаша бошлаганини айтишади. Бундай эмас. Рокфеллернинг жамоатчилик билан муносабатлар масаласида Айви Ли деган кимса шуғулланарди. Лининг "Оломон учун сарой аъёни" номли китобида келтирилган Рэй Элдон Хайберт уқтиришича, Рокфеллер ўн йиллаб ўз изн-ихтиёрига кўра пул улашган. Айви Ли ушбу маълумотларни омма билиши учун келтирган, холос.

П.Т.Барнум ҳам пул улашган. Мен "Ҳар дақиқада туғиладиган мижоз" номли китобимда қайд этганимдек, Барнум хайр-эҳсонга ишонарди. У пул улашса, кейин пул олишини биларди. Барнум ҳам дунёнинг бой одамларидан бирига айланди.

Эндрю Карнеги ҳақида эшиттансиз. У ҳам кўп миқдорда пул улашган. Шубҳасиз, у бадавлат инсонларнинг бири сифатида Америка тарихида қолди.

Брюс Бартон – машҳур реклама агентлиги асосчиси ва “Омаднинг йўқотилган етти сири” номли китобимнинг асосий қаҳрамони ҳам пулларни улашиш тамойилига ишонган. 1927 йилда у шундай деб ёзган эди:

“Агар инсон узоқ вақт эзгулик қиласераб, бу юмуш гайришуурин тарзда унинг одатига айланаб қолса, коинотнинг барча ёргу күчлари бу инсон-қайта излаб юрмаслиги учун уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди”.

Бартон бестселлерлар муаллифига, афсонавий тадбиркорга, саҳоватли ҳомийга ва жуда-жуда бадавлат одамга айланди.

Агар кимдир менга, ўтган йилларнинг бу молиявий магнатлари пулларини ўнгга-сўлга ташлаш даражасида бой бўлишган, деса, мен уларнинг кўли очиқлик, пул улашганлари боис фаровонликка эришганларни исботлайман. Бериш олиш сари етаклайди. Бериш улкан бойлик томон элтади.

Яна такрорлайман:

Бериш олиш сари етаклайди.

Бериш улкан бойлик томон элтади.

Бугун бизнес соҳасида салобатли корхоналар учун пул бериш русумга айланди. Бу имиджни кўтаради, ҳеч шубҳасиз, пул оладиганларга ёрдам беради. Қатор компаниялар борки, пул бериб, катта фойда кўрган. Номдор ишбилармонлар бизнесда пул бериш яхшигина самара келтиришини биладилар:

Бироқ менинг айтганларим пулларни алоҳида улашишни инобатга олади. Сиз пул бера бошласангиз, уларни кўп миқдорда олишиниз мумкинлигини назарда тутмоқдаман.

Агар одамлар пул улашиб, нималарнидир нотўғри қилишаётган бўлса, бу уларнинг кам пул беришаётганига боғлиқ. Улар пулларини маҳкам тутиб, агар улашиш вақти келса, ушоқина миқдорда беришади. Шунинг учун омадга эришмайдилар. Сиз кўпроқ, кўпроқ беришингиз керак, ана ўшанда омадга элтажак йўлга чиқиб олган бўласиз.

Пул бериш ғояси ҳақида илқ бор эшитганимни эслайман. Ўшанда бу тамойилни қандайдир “схема” деб ўйлаб, менга ҳикоя қилиб берганлар пул беришим учун ундан фойдаланишмоқчи, деб ўйлаганман.

Агар пул берган бўлсам, курумсоқларча берганман. Турган гапки, берганимга яраша жавоб тариқасида унча кўп олмаганман. Мен кам берардим. Кам олардим.

Бир куни пул бериш назариясини тестлаштиromoқчи бўлдим.

Мен илҳомлантирувчи тарихларни яхши кўраман. Уларни ўқийман, қайғудош бўламан, ҳикоя қилиб бераман. Майкл Дули исмли кишига (у сайт яратувчиси), электрон почта орқали ҳар куни менга ва бошқаларга мароқли номаларини баҳам кўргани учун, миннатдорчилик билдиromoқчи бўлдим.

Унга пул бериш керак, деб ўйладим. Авваллари, эҳтимол, беш доллар беришим мумкин эди. Бироқ ўщандада муҳтоҷликда қийналган эдим. Ҳозир эса бошқача. Чек қофозимни олиб, минг долларга чек ёздим. Бу менинг умрим мобайнида бир марталик энг катта ҳадям эди.

Очиғи, бу мени анчагина асабийлаштириди. Бироқ натижада мени янада кўпроқ қизиқтиради. Ўзгача ҳолатни ҳис қилишни истардим. Майкни тақдирлашни истардим. Бундан нима чиқишини кўришни ҳам хоҳлар эдим.

Майк эсанкираб қолди. У мен юборган чекни олган ва уйга кетишида ўқиб кўриб, йўл четидаги ариққа сал бўлмаса кириб кетаёзган. Менга қўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдириди. Майкнинг ишонгиси келмасди. Унинг болаларча ҳайрати мени қувонтириди. Бу ҳайрати қаминани бир миллион долларни ҳис этишга мажбур қилди (эслаб қолинг).

Мён шундай хушбахтлик әто этганимдан ниҳоятда хурсанд эдим. Майкка пул берганим учун улкан ҳузур-ҳаловат олдим. У пуллар билан нимаики иш қилмасин, кайфиятим аъло эди. Менинг ташвиш чекканим ўзимга яқин инсонга берган ёрдамимнинг ҳайратомуз идроки, ўз эътиқодимнинг давоми эди. У бир одамга ёрдам беражак ички шиддат эди.

Шундан сўнг ажабтовур ҳодисалар рўй бера бошлади.

Кутилмаганда менга нотаниш киши қўнғироқ қилиб, ўзининг китобига ҳаммуаллиф бўлишимни сўради. Иш таклиф қилди. Шу тариқа алай-оқибат мен Майкка юборган пулларимдан анча кўп пул олдим.

Кейин эса менга Япониядаги бир ношир қўнғироқ қилди. У менинг “Маънавий маркетинг” номли бестселлерим таржимаси учун розилигимни сўради. Бу одам ҳам мен Майкка юборган пулдан анчайин кўп маблағни совға тариқасида таклиф қилди.

Туғилғанидан бошлаб шубҳа-тумон билан юрадиган инсон юқоридаги ҳодисалар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, деб айтиши мум-

кин. Эҳтимол, уларнинг калласида ўзлари тилга олган бундай боғлиқлик йўқдир. Менинг калламда эса мавжуд.

Майкка пул юборганимда мен гуллаб-яшнашим ҳамда сизнинг маҳкам туришим ҳақида ўзимга ва бутун оламга эълон қилган эдим. Бундан ташқари пулларни мен томонга тортган оҳанрабо тамойилни ҳаракатга келтиргандим: “агар сиз берсангиз, демак, оласиз”.

Вақтингизни ажратинг ва сиз вақт ютиб оласиз.

Маҳсулот беринг – маҳсулот оласиз.

Севинг – сизни ҳам севишади.

Пул беринг ва сиз ҳам пуллар оласиз.

Ҳатто ушбу биргина маслаҳат ҳам сизнинг молиявий аҳволингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

Ўтган ҳафта мобайнида сизни руҳлантирган одам ёки бошқа кишилар кимлар эканлигини эслаб кўринг. Ким сизни ҳаётнинг тўлатўқислигини ҳис этишга, муваффақиятлардан, кўрган тушингиздан ва ўз олдингизга қўйган мақсадларингиздан қувонишга мажбур қилди?

Ана ўша инсонларга пул беринг. Уларга чин кўнгилдан нимадир беринг. Зиқналиқ қилманг, ўзингизда саховат уйғотинг. Айнан шу одамлардан қайтишини кутманг, бироқ барибир қайтишини ният қилинг.

Агар шундай қилсангиз, шахсий фаровонлигингиз қанчалик ўса бошлаганига амин бўласиз.

Қай тарзда пул топишнинг тарихий буюк сири бу!

Агар сиз уни кўраётган бўлсангиз, ишга киришинг.

Агар ишга киришган бўлсангиз, уни ҳис этасиз.

Агар уни ҳис этаётган бўлсангиз, ёқтириб қоласиз.

Агар ёқтириб қолган бўлсангиз, уни... беринг.

Чунки ҲЕЧ НИМА КОИНОГта сизнинг БЕРИШ қобилиятингиз даражасида ўзингизга ИШОНЧИНГИЗ, ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ВА МУҲАББАТИНГИЗ ҳақида жар солиб айта олмайди.

Коинот эшиганида эса сизга кўп нарса берилади.

МУКОФОТ ТАРЗИДА ЭМАС, балки ҳақиқатан ҳам... ўзингизга, фаровон яшашингизга ва муҳаббатингизга ишонганингиз учун!

* * *

Бир хоним телефон орқали менга савол беряпти:

– Мен кўп йиллар пулларимни улашдим, бироқ фаровонлик дараҷам ўсганини сезмадим. Нимани нотўғри қилдим?

- Пулларингизни кимга берасиз?
- Маҳаллий ибодатхонага.
- Нега уларга пул берасиз? сўрадим мен.
- Улар пулга муҳтож.
- Пул бераётганингизда ўзингизни қандай ҳис этасиз?
- Ўзимни улар олдида қарздордек ҳис қиласман.
- Пул бериб бўлгандан кейин ўзингизни қандай ҳис этасиз? Очигини айтинг.

Гўшакда жимлик.

- Тўғрисини айтсам, мен оғриқ ҳис этаман, – тан олди хоним сувутдан сўнг. – Чек ёзаётганимда юрагим оғрийдиган даражада сиқилади.

– Агар сиз пул бераётганингизда ўзингизни ёмон ҳис қиласангиз, бу пулларингиз салбий туйфулар билан боғланаштиргани билдиради, деб тушунтиридим мен. – Афтидан, сиз ўзингизда ёқимсиз туйфуларни ортиришни истамайсиз ва у орқали, эҳтимол, ўзингизга катта пулларни тортишни хоҳламайсиз.

Bay!.. Мен ҳеч қачон муаммога шу нуқтаи назардан ёндашмаган эдим.

Агар кимдир сиздан сўрагани, ҳатто ялингани учун пул берсангиз, унинг пулга эҳтиёжини катталаштирган бўласиз, холос. Бойли-гингизни кўпайтириш учун сизда пулларни кимга (қаерга) бўлса ҳам бериш истаги пайдо бўлиши лозим, фақат бу сизга мамнуният, ҳузур-ҳаловат бахш этсин. Бошқача сўзлар билан айтганда, пулларни муҳтож одамга бериш, бу – амалга ошириш керак бўлган олижаноб иш. Шундай экан, амалга оширинг. Бироқ бу мен ҳозир тилга олган таомойил эмас.

- Тушундим! – деди у.

Мен ёрдам қилолмадим, шунга қарамай, ўйлашимча, коинотнинг қайсиdir бўлаги мен тушунтиришга қодир бўлмаганимни бу аёлнинг англаб олишига ёрдам берди.

- Нимани тушундингиз? – деб сўрадим.

– Мен ибодатхонага хайр-садақа тиланиб турган қашшоқقا қарангандек қарадим, – деди хоним. – Менинг қалбим маънавий қониқиши оладиган томонга пул беришимни хоҳлайди. Ибодатхонам баъзида буни беради, баъзида эса йўқ.

- Сиз ҳаммасини тушундингиз! – дедим мен.

Сиз пулларингизни ўзингизга ёқдан хоҳлаган жойга беришингиз мумкин. Мен “Қизил хоч” ташкилотига, “Истаклар жумбоги” жамғармасига ва бошқа муассасаларга ёрдам берганман. Бироқ мазкур хайр-эҳсоним орқали молиявий кўрсаткичларим ўсишини кутмаганман. Бундай саховат ёрдам берган, бироқ, маънавий қонунни шу каби амал, албатта, ишга туширади, дегани эмас бу.

У ёки бу ҳолатда, у ёки бу йўл билан бир кун келиб молиявий имкониятларингизнинг ўсиши борасида натижаларга эришишда ҳузур-ҳаловат олиш умидида оғринмай пул берсангизгина молиявий даромаднинг маънавий қонуни ишга тушади.

Хайрия мақсадлари учун эҳсон улашиш – бу мақсаддан маънан қониқиши ҳис қилган тақдирдагина мазкур қонунни ҳаракатга туширади. Акс ҳолда сиз у ёки бу тарздаги пул улашиш билан муҳтож одамларга ёрдам қилган бўласиз. Шубҳасиз, бу олижаноблик. Сизга айтаман: бу ишни амалга ошиrint.

Такрорлайман: менинг тамойилим пул топишнинг муҳим сирини ўзида қамраб олади. Ва сиз пулингизни керакли жойга бериб, доимий тарзда эмин-эркин тарзда завқ-шавқни ҳис этган ҳолда, маънавий лаззат ва таълим оласиз. Пуллар – маънавийликнинг ташқи шаклиdir.

Жон Хэрричаран МЎЪЖИЗАВИЙ ИККИ ДОЛЛАР...

Жо Виталенинг китоби унинг яқин дўсти, маънавий устози Жон Хэрричаранга багишланган. Хэрричаран – таникли ишибилармон, бизнесда омадга эришган инсон. “Сув бўйлаб қадам ташлаш учун қайиқ олинг” номли машҳур китоб муаллифи. Хэрричараннинг ушбу ҳаётий тақсрибалари кўпларга сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз...

Бу воқеа кўп ийллар муқаддам жазираidan бирида рўй берган. Мен озиқ-овқат дўйонидан иккита маҳсулот харид қилишим керак эди. Ўша вақтда мен супермаркетнинг тез-тез ташриф буюрувчи харидори бўлиб, пулим ўзимга етмас, ҳафтасига бир марта қиласидиган улкан харидга эса қодир эмасдим.

Гап шундаки, бир неча ой аввал узоқ касаллик туфайли ёш рафиқам вафот этган эди. У суғурта қилинмаган. Натижада бир дунё харажат ва тўланажак тоғдек ҳисоб-китоб олдида довдираб қолган эдим.

Мен хизмат жойимда түлиқ иш куни бўлмас, топганларим икки нафар боламни боқишим учун учма-уч етарди. Вазият чинакамига оғир эди.

Бу воқеа чўнтағимда тўрт доллар билан бир галлон сут (*галлон – суюқ ва сочи́ма жиссилар учун 4.54 литрли ўлчов бирлиги*) ва бўлка нон сотиб олиш мақсадида супермаркетга йўл олган куним содир бўлди. Болаларим оч, ейиш учун нимадир харид қилишим лозим эди.

Светофорнинг қизил чироғига тўхтаганимда ўнг томонимда кўчанинг бир бурчагида турган ёш эркак ва ёш аёлга ҳамда кичкина болакайга кўзим тушди. Чошгоҳ қуёши уларни ёндирадиган даражада нур сочарди.

Эркак “Егулик учун ишлашга розиман” деб ёзилган картон қофозни ушлаб олган. Аёл шундоқ ёнгинасида. У светофорнинг қизил чироғига тўхтаган ҳар бир автомобилга термилиб қаради. Икки ёшлардаги гўдак эса ўтлоқ устида ўтирган кўйи бир кўлли кўғирчоқни ўйнаши билан овора эди. Мен бу манзарага қизил чироқ яшил рангга алмашгунча бўлган ўттиз сония ичида гувоҳ бўлдим.

Уларга бир неча доллар бергим келди, аммо бундаи иш тутсам, сут ва нонга пулим қолмасди. Тўрт доллар шу маҳсулотларга етарди, холос. Яшил чироқ ёнганида бу учовлонга сўнгги бор қарадим ва икки томонлама айборлик ҳисси (чунки бу одамларга ёрдам беролмадим) ва умидсизлик илиа (пулим камлиги туфайли улар билан баҳам кўролмадим) газни босдим.

Бутун йўл мобайнида миямда чуқур ўрнашиб қолган бу уч инсоннинг қиёғасидан соқит бўла олмадим. Ёш йигит ва оиласининг ғамгин кўзлари менга тинчлик бермасди. Бошқа чида бўлмасди. Мен уларнинг дардини ҳис этган ва нимадир қилишим керак эди. Машинамни шартта бурдим ва орқага – уларни кўрган жойимга қайтдим.

Учовлонга яқинроқ бордим ва тўрт долларимдан икки долларини йигитга узатдим. У миннатдорчилик билдирап экан, кўзларида ёш филтиллади. Мен табассум қилиб, супермаркет сари йўлимни давом эттирдим. Сотувда нон ҳам, сут ҳам бўйса керак, деб ўйладим. Фақат нонни ёки сутнинг ўзини сотиб олсан-чи? Шундай қиласман.

Автомобилимни тўхташ жойига олиб кирап эканман, ҳалиги учовлонга қилган эҳсоним ҳақида яна ўйлай бошладим. Тўғри иш тутганим учун кайфиятим кўтарилиди.

Машинадан тушаётib, сирпаниб кетиб қарадим: асфальт устида йигирма долларлик пул ётарди. Сира ишонгим келмасди. Вужудимга титроқ кириб, пулни олдим ва дўконга югурдим. Нафақат нон ва сут, балки ўзимга ниҳоятда керакли бошқа маҳсулотларни ҳам сотиб олдим.

Мен бу воғеани бир умрга эслаб қолганман. У менга олам ажиб ва жумбоқчи эканлигини эслатарди. У менинг Коинот чексизлиги ҳақидаги эътиқодимни мустаҳкамларди. Мен икки доллар бердим ва эвазига йигирма доллар олдим.

Ортга қайтар эканман, ўша оч-наҳор оила ёнида тўхтадим ва яна беш долларни баҳам кўрдим.

Бу менинг ҳаётимдаги кўплаб ҳодисаларнинг фақат биттаси. Шундай тасаввур қоладики, биз қанча кўп берсак, янада кўп оламиз. Айтидан, бу энг мукаммал қонун бўлиб; шу тарзда янграйди: “Нимадир олишни истасангиз, аввал беришингиз керак”.

Қўйидаги тўртлик бор:

*Бор экан-да, ўйқ экан, битта одам бор экан,
Бошқалар – ҳамма уни жинни, телба дер экан.
У эса индамасдан ўз иши-ла индармон:
Қанчалик кўп улашиш, шу қадар бойир омон.*

Биз кўпинча беришга ҳеч нимамиз йўқлиги ҳақида ўйлаймиз. Ваҳоланки, яхшилаб қарасак, ўзимиз эгалик қиладиган озгина нарсани ҳам бошқалар билан бўлишиш мумкинлигига фаҳмимиз етади. Кўп пул топиш ва улашиш фурсати келишини кутиб ўтирунган. Камгина нарсани ҳам бўлишсангиз, олам хазинасини очган ва эзгулик уруғини қадаган бўласиз.


Менинг сўзларимга ишонмаслигингиз мумкин. Яхшиси, чин юракдан ҳадя қилинг, ана шунда натижалар сизни ҳайратга солади. Биз кимга берсак, айнан ўшалардан қайтиб келмайди. У биз мутлақо ўйлаб ҳам кўрмаган манбадан келади. Шундай экан, бойлик сари ўз йўлингиздан кетинг.

Ушбу мукаммал тамойил тақдим этаётган имкониятдан фойдаланинг. Ўзингизга имконият беринг. Мукаммал тамойиллар тўхтамасдан ишлайди.

Юқоридаги тарихга мувофиқ равишда баъзан сизнинг сахийлигинизга жавоб жуда гез келади. Бошқа ҳолатларда эса қейинроқ. Нима бўлгандা ҳам ишонинг: берганингизга нисбатан анчайин кўп оласиз.

Бераётиб оғриниб эмас, аксинча юракда лиммо-лим миннатдор-чилик ила ҳадя қилинг. Ҳаммаси қай тарзда рўй берганини кўриб, завқ-шавқ туясиз. Ўзингиздаги оз нарсани ҳам бериб, ҳаётингизга кириб келажак бойлик дарвозасини очинг. Буюк Ўқитувчи айтганидек: “Беринг ва сизга қайтади”. Буни синааб кўринг. Сизга ёқади.

Эрих Лежен КЎЗГУ ҚАРШИСИДАГИ СЎЗЛАР



Эрих Лежен Германиянинг гуллаб-яшинашига муносиб ҳисса қўшган мультишилионер. Дастреб у почорликда умр кечирган, кейин миллионерга айланган. Шундан сўнг борбудидан жудо бўлган. Бойлик чўққилари сари астойдил интилгани боис Лејен яна ўзини қайта тиклай олди. Қўйида унинг ўзига хос қоидаларидан баҳраманд бўласиз.

► Ўз изланишларингизни ҳар куни эрталаб шундай саволлар билан бошланг: “Мен аслида қайси соҳада биринчи турибман?” Ёки “Қайси жабҳада биринчи бўла оламан?” Ўзингиздан шундай деб сўранг: “Мен қай томонлама кучлиман? Нималарга таянишим мумкин? Кучли томонларим қаерда? Шу пайтгача ҳаётимда қай даражада яхши ишларни амалга оширишга улгурдим?”

Сиз ўзингизга ҳар томонлама мос мақсадни излашингиз ва у истеъодингиз, қобилиятларингизга аниқ тарзда мувофиқ келишига ишонишининг керак. Учинчиси берилмаган.

► Сизга энг муҳим фикрни билдиришга изн беринг. Ким фавқулодда миллионер ёки миллиардер бўлишни истаса, яхшиси, потеря ўйнасин! Фақат бу одам бойлика эришиш учун оташин фоя кераклигини тушуниб етмаган бўлади. Бундай оташинлик ҳар доим бутун вужудингни эгаллаши лозим. Ана шунда миллион ўз-ўзидан пайдо бўлади. Бироқ пуллар ҳеч қачон инсоннинг интилиш манзили бўлмаслиги керак.

► Сизнинг омадни исташингиз ва унга эришишининг ҳақидаги ишонч ақлинингиз, тафаккурингиз, онгингиз ва чуқур онгингизни қамраб олиши

зарур. Бунга қандай эришилади? Жуда оддий. Кичик муваффақиятларни жамлаш орқали. Сизнинг омад ҳақидаги ҳис-туйғуларингиз ҳаётий мавқеингизни, маънавий ҳолатингизни, ўзингизни қай йўсунда тута олишингизни, бошқалар билан муомала-муносабатингизни белгилаб бергандагина улкан муваффақият бўй кўрсатади. Ахир, орзу, истак ва мақсадни доимий такрорлашлар орқали онг остида мустаҳкамламасангиз, улар тортиш кучини тезда йўқотади. Тибет монахларига таниш кундалик ибодатнинг сири айнан шу билан боғлиқ. Улар Лхаса шаҳридаги ҳар қадамда қиласидиган зиёратларида маҳсус сўзларни такрорлашади. Муваффақиятлари билан талтайиб кетган бу кишиларнинг сири ана шунда. Билмаган одамлар эса файирлик қилиб, “уларнинг омади чопган”, деб йўлашади. Тибет монахлари нималар дейишаркан-а? Ўлашимча, бу жумла шундай янграйди: “Мен ўз мақсадимга эришаман. Мен голибман!” Ҳар куни эрталаб ишга боришдан олдин кўзгу қаршисида туриб, бу сўзларни 30 марта такрорланг! Сиз ўз мақсадингизга эришасиз!

Юқоридагилардан келиб чиқиб сизга берадиган масалаҳатим: оддий ҳодисалар, суҳбат ва учрашувларда ҳам ўз онгингишни омадга мос тарбияланг. Бу билан ўзингизни “ўт олдирган” ва улкан муваффақиятга ташна қилган бўласиз.

► Менинг муваффақиятларим ҳар куни эрталаб қайта-қайта туғилади. Кўзгу қаршисида турганимда ўзимни шунга ишонтираман. Ва менга ишонинг, дунёда ҳеч ким рўпарангиздаги ойнада акс этган ҳилқат каби сизга жўшқинлик билан муваффақият тилай олмайди. Кечқурун нималарга эришишни хоҳлашингизни фикран тасаввур қилинг. Бу мақсад қандай намоён бўлишини яққол кўз олдингизга келтиринг ва билимингизга, тажрибангизга, онг остидаги ҳиссиятларингизга ишонинг. Мана шу учта қудратли ички кучингиз ўз олдингизга қўйган мақсадга қай тарзда эришишингизни кўрсатиб беради. Сиз мақсадларингиз рўёбга чиқиши учун ишонч ва сабр-тоқатга қайта-қайта мурожаат қилаверасиз. Улар омад ҳақидаги ҳис-туйғуларингиз даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади.

► Қуйидаги сўзлар сизни омад сари туртиши керак: “Мен бошқа юмушлардан кўра кўпроқ руҳлантирадиган ўз қазифамни, ўзимнинг ҳаётий фильмимни излайман. Бу йўлда менга маъқул жабҳада росманасига биринчи бўлмагунча ўзимни тўқис инсонга айлантирадиган ҳамма нарсани ўрганаман”. Ўзингизнинг ҳаётий фильмингиз учун муносиб одамни изланг!

“Мен биринчиман!” ёки “Биринчи бўлмасам ҳам ўша даражага эришишимни ҳис қиляпман. Биринчи бўлмагунча ўз устимда ишлайвераман”. Бундай ёргуғ ҳиссиётларга рўйи-рост ва қўшимча изоҳларсиз шўнгисангиз, келиб чиқиши, ёши, тили ва фаолият доирасидан қатъи назар, сайдерамиздаги омадли инсонларни нималар боғлаб турганини англаб оласиз. Бу ҳиссиёт алангаси ва мустаҳкам билим туфайли айтиладиган сўзларда намоён бўлади: “Мен ростакамига биринчиман ёки тез орада биринчи бўламан!”

Ўзингизда доимий тарзда шундай ишонч пайдо қилиш учун ютуқларингизни ва ҳар томонлама фақат сиз даъвогарлик эта оладиган ўз тимсолингизни яратишингиз лозим. Бир сўз билан айтганда, ўзингиз ва ўзингиз ишлашни хоҳлаган муҳит ҳақида яққол тасаввурга эга бўлишингиз керак. Менинг вақти келиб ўзим эришадиган тасаввурим HKS 12 даражага кўрсаткичига мувофиқ келадиган қизил фондаги оқ ҳарфлардан иборат “СЁ” фирма рамзида уйғунлашган эди. Электрониканинг бу кўзлари мени ҳамиша ижодий қувват билан тўйинтирган, менга куч, мардонаворлик бериб, омадсизликка учраганимда қайта курашишга ундаган.

► Эришмоқчи бўлган мақсадингиз тиниқ, ишончли тимсоллар билан уйғунлашиши керак. Чунки онг ости мавҳум буйруқларни эмас, фақат тимсолларни муҳрлайди. Қўшимча равищда айтиладиганим: онг остида ҳар қандай, ҳатто салбий тимсоллар ҳам муҳрланади. Шу тариқа сиз ҳар қандай вазиятда ҳам онгингиз орқали ўзига хос назорат ўрнатиб, яқин ва узоқ келажакдаги ҳаётий йўлингизда салбий тимсоллар шаклланишига йўл қўймайсиз.

Масалан, қаерда ишламоқчи бўлсангиз, ўша жойни бутун тафсилотлари билан тасаввур қилинг. Тасаввурингиз сизга қай тарзда чизса, фикран ўшандай жойни барпо этинг. Ўзингиз хоҳлаган суратларни хаёлан деворга илиб чиқинг.

► Танг аҳволда яшайдиган одам билан муваффақиятли инсон ўртасида айтарли фарқ йўқ. Уларнинг иккалasi ҳам мутлақо бир хил қараашларга эга бўлиши мумкин. Битта соҳага қизиқишилари, бир нарсадан завқланишилари ва бир нарсани ҳис қилиб, бир хил даражада қувонишлари мумкин.

Фақат ҳаётий қараашларда кичкина тавофтут мавжуд бўлиб, бу пул ва муваффақиятта муносабатни белгилайди. Ўз қобилияtlари, фоялари, шунингдек, ҳамиша шайлиги туфайли зўр бериб ишлаётган киши

ҳаддан зиёд оддий яшайди. Ваҳоланки, у ўзининг қобилияতларини пул билан тўғри тарзда боғлаши мумкин эди. Ана шу кичкина тафовут бир талай жабҳалардаги етишмовчиликлар учун жавобгардир. Пул ҳақидаги нотўғри тушунча кўпинча баҳт, муҳаббат ва шахсий эркинликка зиён етказади.

Пул ҳамиша мўл-кўллигини ўзингизга тушунтиринг. Ҳар куни миллиардлаб доллар, евро, Швейцария франки, фин маркалари ишга тикилади ва дунё бўйлаб айланади. Гап сизнинг ҳисобингизга керакли маблағ келиши учун ўз салоҳиятингиз ва ҳаракатларингиз ёрдамида бу қувват оқимини ёриб киришингизда.

Агар ушбу қувват оқимидан қандайдир танқислик сезсангиз, омад, пул ва ўзингизга нисбатан идрокингизни ўзгартиришингизга тўғри келади. Танланг: ё келажагингиз яхшиланиши учун ишлаб топаётганингиздан кўра аввалгидек кўп пул сарфлайсиз, ёки молиявий мустақилликка эришиш мақсадида фикрларингиз ва ишларингизни оташин истак бошқаришига ҳаракат қиласиз. Ана шунда шахсий тажрибангизга кўра, ушбу янги қурилма нақадар афзал эканлигини тезкорлик билан синаб кўрасиз: ўзингизга хослигингизни ҳар жиҳатдан кучли ҳис этасиз. Сиз хушфеъл, шодмон ва баҳтиёр одамга айланасиз! Пуллар пулларга – айнан шу туфайли сизнинг омадга йўғрилган ички қурилмангиз уларни худди оҳанрабо каби бир-бирига торта бошлайди.

► Илтимос, ҳар бир омад тарихини ўрганиб, у қандай кириб келгани билан қизиқинг. Уни инсон яратгани ва у инсонни ҳаракатга унdagанини унутманг. Бу мардонаворликка эришиш ва жасорат кўрсатиш сари муҳим қадамдир. Ана шунда омад – оддийгина рўй берадиган ҳодиса бўлмай, бир ёки бир неча кишининг кучи ёрдамида яратиладиган улкан қувват оқими босими остида вужудга келишини англаб оласиз. Онгингизда қуйидаги сўзлар учун жой очилади: “Мен ҳам шу каби ютуқقا эришаман! Эплай олишимни биламан, фақат буни хоҳласам кифоя. Ана шунда дарҳол ишга киришаман!”

► Мен югуриш, сайр қилиш, катта теннис ва сузиш орқали ўзимнинг қоматимни тутиб юраман. Бундан ташқари доимий тарзда саунага бораман. Қоматимни тутишим учун кўпкунлик таътил олишимга ҳожат қолмайди. Дам олиш учун ўз идорамни саккиз кундан кўпга тарк этмайман. Альп чўққиларини кўзлаб мунтазам равища альпинистларча тоқقا кўтарилеман.

Иш вақтим кечи билан эрталабки соат еттида бошланади. Үнгача иккита газета ўқишига, нонушта устида ишга алоқадор музокаралар ўтказишга улгуралан. Бу эса кўпинча тонгти соат тўртта уйқудан туришимни кўрсатади. “Софлом танда соғ ақл”.

Рэнди ГЕЙЖ УЧ ЯШАР БОЙ ОДАМ



Рэнди Гейж тана ва ақл ривожи, инсонинг онг-шуури ва жамият ҳаётидаги униб ўсиши борасида изланишлар олиб боради. У “Фаровонлик” ва “Динамик тараққиёт” номли аудиальбомлар муаллифи.

Бундан ташқари, Рэнди, интернет-дастур очган бўлиб, ўз-ўзини ривожлантириш, қўрқувни, омадга ишонмасликни бартараф этиш ва инсон кучининг олий даражасига эришиш билан боғлиқ маслаҳатлар беради.

Гейж ҳаётини зерикарли деб бўлмайди, унинг ҳаёти мароқли бўлиб, шубҳалар ва қўрқув устидан ғалаба қозонишни тақозо этади. Рэнди Гейжни инсон қобилияtlари, имкониятларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш бўйича мутахассис дейиш мумкин.

У йигирма йилки, одамларни ўз мақсади сари чегаралаётган турли янгилишишлардан халос этмоқда. Айтиш жоизки, бу иш ижобий самара бермоқда. Рэнди Гейж ўзининг қандай қилиб миллионерга айлангани ҳақида ҳам ҳикоя қиласиди.

“Бу китоб сизнинг умрингизни чиройли саҳифаларга буркайди, дейди Рэнди Гейж ўзининг китоби ҳақида. Унда фаровонлик гоясини берувчи ҳаётий имкониятларингизни очувчи калит сақланади. Бу ҳақиқат.

Мен ишонаманки, сиз муваффақият қозониши учун тугилгансиз. Яна ишонаманки, шахсий фаровонлигингизни рўёбга чиқариш сизнинг онгингиз, ишончинеиз доирасида ҳал этилади.

Камина ақл-идрокли ва қатъий одамман, бундан ташқари ҳаётиминг ўн беш йилини фаровонлик акс этган коинот қонунларини ўрга-

нишига баҳи этдим. Агар сиз ана шу қонунлар асосида яшаётган бўлсангиз, фаровонлик ва моддий мўл-кўлликка эришасиз. Мабодо мазкур қонунларга риоя этмаётган бўлсангиз, уларни қайта ўрганишингизга тўғри келади... Ҳаракат қилиши ўзингизга боғлиқ...”

ФАРОВОНЛИКНИНГ 101 КАЛИТИ

1. Сизга аталган яхшиликнинг мавжудлигига у ҳузурингизда пайдо бўлгунига қадар ишонинг.
2. Хонавайрон бўлган кимсалар билан молиявий масалаларда маслаҳатлашманг.
3. Ўз истагингиз ҳақида яққол тасаввурга эга бўлишга интилинг.
4. Сизнинг моддий жиҳатдан юксалишингиз шахс сифатида ўсишингизга боғлиқ. Шахсий камолотингизни ривожлантиринг.
5. Ўзингиз учун шундай мураббий топингки, у сиз орзу қилган мэрраларга стган бўлсин.
6. Шундай устоз топмоғингиз керакки, сиз ўзингизни қандай кўришни хоҳлаган бўлсангиз, у худди ўшандек инсон бўлиб етишган бўлсин.
7. Келажақдаги фаровонлик уруфингизни олдиндан қадаб қўйинг.
8. Агар сизни тўланмаган қарзлар доимий тарзда таъқиб қиласидиган бўлса, уларни анча аввалроқ тўлаб қўйишга ҳаракат қилинг.
9. Қўшимча тўланадиган пул миқдори беш фоиз бўлса ҳам майли.
10. Аҳволингиз ночорлиги ҳақидаги фикрларни ҳеч қачон қўллаб-куvvatламанг.
11. Саломатлик, муҳаббат ва пуллар битмас-туганмасдир.
12. Ҳаётингиз мобайнинда қийматларнинг тенг баҳоли тамойилига файласуфона ёндашинг.
13. Гоҳ-гоҳида ўзингиз учун ёқимли нимадир қилинг, айтайлик, бу янги гуллар бўлсин, фақат сизга аталган бўлиши керак.
14. Яхшилик пайдо бўлишини хоҳласангиз, унинг учун бўш мақонни яратишингиз лозим.
15. Табиат қонунларига кўра, кафтиңгизда ниманидир ушлаб туриб яна бошқа яхши нарсани унга сифдиришишингиз мумкин эмас.
16. Сизга нимаики керак бўлса сўранг, аммо билиб қўйинг, сиз фақат ўзингиз ҳақиқатда муҳтоҷ бўлган нарсанигина оласиз.
17. Давлатманд одам бўлишнинг энг самарали йўли бошқа одамларни моддий жиҳатдан таъминлашнинг имкониятини топишдир.

18. Сизнинг фаровонлик сари энг амалий, таъсирчан воситангиз, бу сизнинг ўз донишмандлигингиздир.
19. Гапириш учун танлаган сўзларингизда ўз онгингизда қанчалик муваффақиятли эканлигингиз акс этади.
20. Ҳақиқий фаровонлик фақат унга интилган кишигагина келади.
21. Пулдор бўлиш ва моддий бойликка эришгандан кўра оқил бўлган маъкул, чунки айнан донишмандлик ҳамма нарсани ато эта олади.
22. Доно бўлибгина сиз, шубҳасиз, ҳаётингиз фаровонлашаётганига амин бўласиз.
23. Сиз оламда ўз-ўзингиз билан қолганингиздагина ҳақиқатдан ҳам соғ-саломат эканлигингизни ҳис эта бошлайсиз.
24. Инсоннинг муваффақиятли умр кечириши табиат томонидан у туғилган ондан берилган бўлиб, бу омил ҳаётнинг ягона шарти ҳисобланади.
25. Фаровонлик – бизни ўраб турган ҳаводек гап. Она заминда у мавжуд бўлмаган жой йўқ.
26. Одамзод фаровонликни амалий тарзда ўз фояси, орзулари ва тасавурларининг кучи, қуввати орқали бўшлиқдан пайдо қила олади.
27. Ўз олдингизда муҳаққақ мақсад қўйдингизми, фаровонлик сизни излаб ўзи йўлга чиқади.
28. Қачонки қурбон сифатида қиёфа яратишни бас қиласангизгина сизга ғолиблиқ эшиклари очилади. Буни астойдил хоҳлашингиз кепрак.
29. Агар одамлар сизга ачинишларини хоҳласангиз, доимий тарзда шунга монанд ҳолатни яратаверасиз.
30. Сиз ўз орзунгизни яққол англаш олганингиздагина унга бутун дунёни тобе бўлишга мажбур этоласиз.
31. Қасос ўти билан видолашгандан кейингина қалбингизга муҳаббат кириб келади.
32. Мўъжизалар сира тасодиф эмас ва улар доимий тарзда рўй бераверади.
33. Сизнинг даромад ва фаровонлик даражангиз ҳамма вақт беш нафар яқин дўстингизнинг даромадига нисбатан ўртача қийматга эга бўлади.

34. Гуллаб-яшнаш сари йўлингизни ўзингиз белгилашингизга тўғри келади. Уни ўзгалардан ўзлаштириб олиш мумкин эмас.
35. Қарз. бу – қамоқ, ундан тезроқ халос бўлиш керак.
36. Агар ўзгаларни кечира олмасангиз, бой бўлишга қурбингиз етмайди.
37. Агар сиз ўзингизни кечира олмасангиз, беҳбудлик ҳақидагиояни қабул қила олмайсиз.
38. Сизнинг шахсий камолотингиз ўсиб, юқори даражага етганида ва улар муҳим вазифаларга мувофиқ келганида тақдирдан кейинги топшириқларни оласиз.
39. Тўсиқлар ўз истакларингизга эришиш йўлида шахсга айланингиз лозим бўлган воситадир.
40. Ҳақиқий ишонч бошқа ҳиссиётларга нисбатан анчайин қудратли, мустаҳкамдир, у билан пўлат ҳам, тош ҳам беллаша олмайди. Фақат ишончгина коинот хазинасидан сизнинг бойлигинингизни чиқаришга қодир.
41. Коинот тафаккурининг олий кучлари фақат йўл-йўриқ кўрсата олади, сизнинг ўзингиз эса ҳаракат қилинингиз керак.
42. Ўз одатларингизни ўзгартириш орқали мавжуд шарт-шароитни ўзгартириша оласиз.
43. Сиз ўз ишончингизни ўзгартириш билан одатларингизни ҳам ўзгартиришга эришасиз.
44. Ўзингизга танқидий кўз билан қараб, сиз ишончингизни ўзгартира оласиз.
45. Сўз – шахсий фаровонлик йўлидаги муваффақиятга эришишнинг қудратли қуролидир.
46. Тиббий қайднома, операциялар ва қўлтиқтаёқлар фақат вақтинчалик даволаниш учун ярайди. Асл саломатлик эса ҳақиқий “мен”га қайтиш орқали қалб ва тана ҳолатининг тикланиши туфайли келади.
47. Бу оламда рангли қаламлари ва бўяш учун альбоми бўлган уч яшар болакайдан кўра муваффақиятли ва бой одамни топиш қийин.
48. Коинот сизга ёруғликни инъом қилган, шунга қарамай, ёғду пайдо бўлиши учун тугмачани босишинингизга тўғри келади (яъни, чироқни ёқасиз).
49. Агар сиз фаровон ҳаёт қўйнида истиқомат қилишни истасангиз, коинотнинг олий қонунлари билан мувофиқликда яшашингиз лозим.

50. Бошқалар ҳақида уларнинг ортидан гапира туриб, ўз омадингиз, муваффақиятларингиз сизни ёқтиромай қолишига гирифтор бўласиз.

51. Ўз-ўзингизни камолга етказиш бўйича ҳар куни андак вақт ажратинг.

52. Ўн фоизлик қўйилган улуш маънан қўллаб-қувватлаш учун ўз эгасига қайтиши керак.

53. Хайрия ишлари соф фойдадан эмас, умумий миқдордан тўлов берилиши кераклиги боис “маънавий” ўн фоизни батамом тўланг: ўзингизда яхши-ёмон нималар бўлса, ҳаммасини ҳисобга олинг!

54. Берадиганингизни соф ният, қувонч ва миннатдорчилик билан топширинг.

55. Олдиндан кўра олиш ҳамиша ўз тўловига эга бўлади. Яхиси, буни ўз ихтиёргизга кўра амалга оширинг, у сизнинг танловингиз бўлсин.

56. Хоҳлаган нарсани олишингиз учун ўзингизда мавжуд нарсани беришга тайёр туринг.

57. Ақл-идрок сизни фикрлаш учун уйғотади, бироқ фақат ишонч-гина ҳаракат қилишга мажбур қиласди.

58. Сиз орзуларингиз ушалиши ва истакларингиз пайдо бўлиши учун курашга тайёр бўлишингиз, бу борада орзу-истакларингиз мавжудлигига эришиб, уларни оломон хуш кўрмаслигидан муҳофаза қилишингиз керак.

59. Орзуларингизни рўёбга чиқаришда фақат сиз, ўзингиз асосий сармоядор бўлишингиз мумкин.

60. Қаҳва ичиш учун вақт сарфлагандан кўра ўзингизни камолга етказишга кўпроқ вақт ажратинг.

61. Бошқаларнинг орзусини ўзлаштириб олишга нисбатан ўзингизнинг орзуларингизга эга бўлинг.

62. Худо ва олдиндан кўра олиш қобилияти қалбингииздан жой олиши учун пуллардан маҳрум бўлиш шарт эмас.

63. Ҳақиқий омадга эришишингиз учун сиз бутун вужудингиз билан омад истагига берилган бўлишингиз лозим.

64. Ўзига нисбатан ишончни мустаҳкамлашнинг энг яхши йўли – ҳаракатни тўғри режалаштиришни ўрганицидир.

65. Ўзингизнинг имкониятларингиз чегараларини бартараф этиш учун имкониятлар мавжудлигини тан олсангиз кифоя.

66. Муаммоларни уларнинг ечимини топа олмайдиган кишилар билан муҳокама қилмаслик керак.
67. Агар сизнинг орзуларингиз дадиллик, журъатлилик ва хаёлотдан маҳрум бўлса, улар душманларингиз сизга қарши қўллайдиган воситаларга айланади.
68. Агар сиз ўзингиз учун ҳеч нима қилмасангиз, нима сабабдан бошқалар сиз учун ниманидир амалга оширишлари керак?
69. Сизнинг орзунгиз худди ўзингиз каби улкан ва муҳим бўлиши лозим.
70. Агар ниятларингиз ҳақида жар солиб айтсангиз, сизга ёрдам бермоқчи бўлган тарафдорларингиз сафини кенгайтирган ва душманларингиз кимлигини фош қилган бўласиз.
71. Мардлик тўлиб-тошиши учун жасоратли кишиларга мурожаат қилинг.
72. Миннатдорчилик кутмаслик шарти билан муҳтож одамларга ёрдам қўлингизни чўзинг.
73. Сиз маънавий ибтидога ва ҳаётий тажрибага эга инсоний мавжудотсиз, бошқа ҳеч нима эмас.
74. Одамларга балиқ тутишни ўргатинг. Агар улар ҳамиша балиқдан тайёр егулик бўлишини хоҳлашса, бошқа дастурхонни кўрсатиб юборинг.
75. Шу ҳафтада китоб дўконига ташриф буюрган беш нафар инсонни қидириб топинг ва уларнинг энг яқин дўстига айланинг.
76. Гуллаб-яшнайдиган кишилар яхши машиналар минишга, саранжом-саришта уйларда яшашга ва пўрим кийинишга ўрганган бўлишади.
77. Кирага олинган машинага қараш ёки меҳмонхонадаги хона чойшабини алмаштириш каби юмушларни адо этиш шахс сифатида муҳим аҳамиятга молик эканлигингизни яна бир карра тасдиқлади.
78. Йўқчилик одамларни алдашга, фирибгарлик ва ўғирлик қилишга, ҳатто қотилликка мажбур қиласди. Қашшоқликда ҳеч қандай юксаклик бўлмайди.
79. Агар сиз бугун бир жуфт пойафзал сотиб олиш мақсадида авваллари машина харидига сарфлагандан ҳам кўп пул ишлатмасангиз, равнақ топишингиз учун ақлий қобилияtingизни ишлатишга мажбураш вақти бўлибди.
80. Интизом эркинлик бахш этади.
81. Орзуларингизни рўёбга чиқариш сценарийсини ёзинг. Унинг

томушабин сифатидаги тимсолини яратиш учун барча қобилиятларингизни ишга солинг.

82. Пул банкнотлари, бу шунчаки сиз аллақачон юқоридан мұрұват сифатида олган түлов ҳисоб-китобларидир.

83. Ўзингизнинг “Орзу-истаклар трамвайи”нгизни яратинг ва у сизни ҳар куни бўладиган жойингизда кутсин.

84. Харид пайтида нархни арzonлаштирунганг ва савдолашманг. Ниманисиотиб олаётган бўлсангиз, ҳеч бир афсуссиз унингасл нархини тўланг.

85. Ҳар қандай манзара, нашр маҳсулотлари, фильмларни томоша қилаётганда ёки ўқиётганда дикқат билан таҳлил қилинг. Бу уларда яширинган дастурларни онгингиз ёрдамида билиб олишингизга ёрдам беради.

86. Гуллаб-яшнашнинг қулай имкониятлар, баҳтли тасодиф, омад каби тушунчаларга деярли дахли йўқ, шунингдек, у малака, маълумот ва маҳоратга ҳам боғлиқ эмас. Сизнинг ўз онгингиз, ақлий қобилиятингиз ва ишончингиз равнақингиз учун бунёдкор ҳисобланади.

87. Айрим бой-бадавлат кишилар касал, дийдаси қотган, ёлғиздирлар. Уларни равнақ топаётганлар деб бўлмайди. Худди шунингдек, сиз соғ-саломат, маънан кучли, оилавий баҳтга сазовор бўлсангиз-да, ойдан-ойга зўрға кун кечирсангиз, сиз ҳам равнақ топаётган одам ҳисобланмайсиз. Гуллаб-яшнаш ҳаётнинг барча қирраларини ўзида қамраб олади.

88. Сиз ҳар куни дастурлаштириш тартибида бўласиз. Бу жараённи тўхтатишга қодир эмассиз, бироқ у сиз учун ижобий ёки салбий эканлигини аниқлай оласиз.

89. Муваффақиятли кишилар ҳар бир лойиҳага қўл уришдан аввал у омад келтиришини режалаштирган ҳолда ишга киришишади.

90. Теварак-атрофингизни сизнидан ҳам муҳим режалар, мақсадларга эга кишилар билан бойитинг.

91. Муваффақиятсизликдан кўра муваффақият синови олдидаги кўрқув одамларни кўпроқ чўчитади.

92. Фаровонлик, бу – моддий ноз-неъматларнинг йўқлиги эмас, балки сизнинг уларга муносабатингиз йўқлигига.

93. Бойлик – моддий қийматларнинг мавжудлиги бўлмай, бу – сизнинг уларга муносабатингиздир.

94. Қул ҳам, ситамгар ҳам жаҳолат ва муҳтоҗликтининг ҳаммуалифлари ҳисобланishiади.

95. Сизнинг тафаккурингиз беҳбудликка эришиш воситаси ва маънисиз ночорлик бўлиши мумкин.
96. Сиз коинот қонунларини бошқара олмайсиз.
97. Ўз-ўзини севиш ижобий хислат бўлиб, моддий фаровонлик ва равнақ топишдаги илк қадам ҳисобланади.
98. Сизнинг камбағаллар, очлар ва мазлумларга берадиган энг катта ёрдамнингиз ана шу одамлардан бири бўлиб қолмаслигингиздир.
99. Агар ўз ҳаётингиздан ичи қора, бадҳоҳ одамларни олиб ташласангиз, ҳаётингиздаги салбий жиҳатлар йўқолади.
100. Орзуларингиз сари, ҳар куни кичик қадамлар билан бўлсада, яқинлашишга ҳаракат қилинг.
101. Сиз ҳеч қачон ўз орзуларингизга ҳудди ҳозиргидек яқин бўлмагансиз.

БЕҲБУДЛИК: 37 СИР

Рэнди Гейжснинг ушибу қоидазари ҳам эътиборга молик. У айрим ўршиларда "Фаровонликнинг 101 қалити"ни тақорорласа-да, битофси шарҳлар ҳам берилган...

1

Иисон коинот қонунларини бошқара олмайди

Бу равнақ топишнинг энг асосий биринчи қонуни бўлиб, айнан уни кўпчилик одамлар кўздан қочирадилар. Улар мазкур масалага фақат моддий қийматга эга бўлиш усули сифатида қараб, омадли вазиятга мослашишга ва баҳт-саодат тараладиган мавжуд қувватни ҳис этишга ҳаракат қилмайдилар.

Дунёда барча жараён ҳодисалар, қийматларнинг ўзаро тенглик асосидаги алмашинув тамойилига мос тарзда ташкил этилган. Бироқ тарози палласида улар ўзгарадиган тарзда тортилади: сиз нимаики берсангиз, у ўнлаб ҳисса кўпайтирилиб қайтарилади. Агар эзгулик уруғини қадасангиз, у юз карра бўлиб қайтади.

Бу айни ҳақиқат: сиз хайрияга сарфлаган пуллар ёки кимгадир бағишлилан мөхр-муҳаббатингиз албатта қайтади. Умуман, сиз қанчалик ҳаракат қилманг, коинот қонунларини бошқара олмайсиз. Шундай қилиб, уйдан чиқинг ва таваккалига қандайдир яхшилик

қилинг. Кимки яхшиликка муҳтожлигини аниқ билсангиз, айнан ўша инсонга нисбатан эзгулик уруфини қаданг. Дейлик, ишдан бўшайдиган бирор кишини яхшилик билан сийладингиз. Шак-шубҳасиз, сизни улкан муваффақиятлар кутади.

2

Бепул пишлоқ фақат қопқонда бўлади

Бу фикр юзаки бўлиши мумкин, бироқ ҳақиқатда у коинот қонунлари ҳаракатда эканлигининг тушунарли, қисқа ва чуқур умумлашмасидир.

Оддий одамнинг лотереяда пул ютиб ёки меросхўрга айланиб, ёхуд хазина топиб, абадул-абад бойиб кетиши мумкин эмас. Афтидан, қашшоқ кишиларнинг бундай ҳодисага дуч келиши вақтингчалик бойлик, холос. Улар бу бойликка бутун умр эгалик қилолмайдилар ёки бошқача айтганда, бирор бир тўловсиз муҳаққақ фаровонликка эришиб бўлмайди. Тўлаш учун белгиланган аниқ миқдор мавжуд: бу коинотнинг биринчи қонунига боғлиқ равишда адолатли, тенг қийматли алмашинувдир.

Инсоннинг ўз фаровонлиги учун жавобгарга айланиши унинг гуллаб-яшнаши йўлида тўлайдиган миқдорнинг катта қисмидир. Менинг бир неча кузатишларим кўрсатдики, лотереяда тўсатдан йирик пул ютиб олган кўплаб ночор кишилар вақти ўтиб, ўн карра хонавайрон бўлишган ва аянчли аҳволга тушишган. Биз эса ўн, йигирма, ҳатто қирқ миллион доллар пул ютиб олганлар ҳақида гапирамиз. Улар фақат пулларни олишади, бироқ фаровонлик замираида аслида нималар ётганини тушунишмайди. Шунинг учун пуллар албатта кетади, фаровонлик билан боғлиқ бошқа ҳамма нарса эса бўй кўрсатмайди. Ҳеч нарса бекорга берилмайди. Қарзлар албатта қолади.

3

Гуллаб-яшнайдиган кишилар унчалик тақводор эмас

Бойликка эришадиганлар ҳаддан зиёд тақводор бўлишлари шарт эмас. Бироқ улкан маънавиятга эга бўлиб, хурофий адабиётлар ва ақидаларга кўр-кўrona бсрлиши инсон табиатининг моҳиятини тушунишдан узоқлигини англайдилар. Бу борада орзудан аниқ тимсолгача бўлган оддий нозик тушунча шуки, гуллаб-яшнаш ўз табиатига кўра алоҳида эмас, у ҳаммабоп ва амалга ошадиган жараёндир.

4

Бойлик сизга келмайди, сиз бойлик сари борасиз

Ха, кутилмаган улкан мерос эгасига айланған ёхуд катта ютуққа еришган кишилар ҳақида әшитган бўлишингиз мумкин. Аслида эса ҳақиқий фаровонлик ҳеч қачон йўқолмай, бутун умр сиз билан қолади, у аниқ мақсадга йўналтирилган кўрсаткичdir. У сизга “тўсатдан” келмайди. Сиз ўзингиз куч сарфлаб, унга томон борасиз.

Дастлаб сиз фаровонликни фикран яратасиз. Кейин эса омадни ўзига жалб қилган одамга айланиб, уни моддий тарзда пайдо қиласиз.

5

Ўз фаровонлигинингизни сўзлар ёрдамида барпо этасиз

Аниқроқ айтганда, ўзингиз танлаган ва талаффуз қилган сўзлар ёрдамида фаровонликка еришасиз. Мени одамларнинг ўзлари тайёр ҳолда энг тушкун сўзларни ифодалашлари ҳанузгача ҳайрон қолдидиради. Бугун бир дўстим қўнғироқ қилиб, ўзининг юқ машинасини орқага ҳайдаётиб, дараҳтга урилгани ҳақида айтиб берди: “Қачон ишларим йўлга туша бошласа, албатта бир кор-ҳол бўлиб, мен учун ёмон томонга оғиб кетади”. Шундай бўлиши табиний, чунки дўстим бу ишончини чуқур онгида дастурлаштиради, кейин эса алал-оқибат жисмоний тарзда амалга оширишга буйруқ беради.

Ўйлаб кўринг, ким биландир кутилмаган қувончли воқеа юз берса, у шундай дейди: “Ишониш қийин. Омадим чопганига ишонмайман”. Кейин кўнгилсизлик бўй кўрсатади: овқатни тушириб ёки ниманидир тўкиб юборадилар, кимдир панд беради ва у иддао қила бошлайди: “Мен шундай бўлишини билган эдим”. Албатта, билганд-да!

Айримлар ўзини камситилган ҳолда тутиб гапириш боадаблик ёки бошқаларга яқин тугишининг қулай йўли деб ҳисоблашади. “Менга ҳамма вақт бир кун ёки бир доллар етишмайди” қабилида гапириш гўё бечораҳол кўрсатиб, омадсиз сифатида бошқаларнинг эътиборини тортади. Аслида эса бундай сўзлар омадни суриб ташлаб, аввалдан айтилгани боис нохушлик ўз-ўзидан амалга ошади. Шунинг учун, ўз омадингизни сўзлар ёрдамида дас урлаштиromoқчи экансиз, нега, масалан, қуидагича қатъий ишонч билан гапирмайсиз: “Мен пулларни ўзимга торгаман, мен оҳанрабоман!”

6

Саломатлик, муҳаббат, баҳт ва пуллар битмас-туганмасдир

Агар сиз кимнидир маҳкам құчған бўлсангиз, бу бошқа одамларни ҳам қучоқлашингиз учун захира манбаингиз тугаганини англатадими? Албатта, йўқ! Аслида сиз кимларнидир маҳкам құчған инсон сифатида шухрат қозонган бўлсангиз, улардан янада кўпроқ жавоб оласиз.

Муҳаққақ фаровонликни таъминлайдиган омиллар – саломатлик, муҳаббат, баҳт ва пуллар чек-чегараси йўқ, бепоён бўлиб, амалда инсоннинг ўзига тегишли маконини яратади.

Сиз қанчалик кўп муҳаббат баҳшида этсангиз, уни шунчалик зиёд оласиз. Улкан саломатлик бир неча нусхага кўпайиб, ўзининг кейинги мустаҳкамланиши учун ёрдам беради.

Баҳт билан ҳам худди шундай. Инсон коннот қонуниятларини бошқара олмас экан, тасаввуридаги, муомала-муносабатидаги пуллар ўз қувватини ўзи яратади, бу эса фаровонлик жараёнига ўзига хос даврийлик касб этиб, уларнинг доимий тарзда сизга қайтишини таъминлайди. Мазкур жараён битмас-туганмасдир.

7

Коннот қонунияти бўшлиқни тўлдириш тамойили асосида ишлайди

Табиат бўшлиққа тоқат қилолмайди ва уни доимий равишда яхшилик билан тўлдиришга интилади. Мавжуд қонунларга кўра, ниманидир мушт қилиб ушлаган қўлга буюм тутқазиб бўлмайди. Яхшиликни жалб этишининг энг яхши йўли, бу – ёмонликлардан қутулиш ва унинг ўрнини эзгулик учун бўшатишидир.

Агар сиз янги либос харид қилмоқчи бўлсангиз, яхшиси, кийим жавонингизни эски уст-бошлардан бўшатинг (уни уйсиз кишиларга ҳадя қилинг). Севимли кишининг билан учрашиш орзусида экансииз, энг аввало, сизга менсимай, ҳақоратомуз муомала қиладиган одамлар билан муносабатингизни узинг. Агар сиз ҳаётий фаровонликка эришмоқчи бўлсангиз, ўзингизга ўзингиз шундай савол беринг: воз кечишим керак бўлган, бироқ ушлаб турган нарсаларим нималар ўзи?

8

**Пуллар ҳақидаги ўй-хаёл кўпроқ
ночор одамни таъқиб этади**

Аҳолининг ўрта ва қуий бўғин қатламида йирик даромад топаётган ҳақиқий бойи кишилар пулга қандай муносабатда бўлиши ҳақида кўп гапирилади. Аксариятнинг фикрича, бойлар фақат пуллар ҳақида бош қотиришади. Аслида эса улардан кўра фақирлар пул хусусида кўп ўйлайдилар.

Бу руҳшунослар таърифлайдиган “катталаштириб кўрсатиш”дир. Яъни, одамлар ўзларининг қўрқуви, бидъати, хоҳишлигини бошқа кишиларда катталаштирадилар.

Мен молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушганимни – нуқул пуллар ҳақида ўйлаганларимни эслайман. Агар кимдир менга қўнғироқ қилса, у кредит берувчи эмасмикан, деб ичим қизирди. Машина ҳайдаган чоғимда у бузилиб қолса, таъмирлаш учун пул топа олмаслигимни ўйлаб ташвишга тушардим. Чиройли автомобилларни бошқариб бораётган пўрим кийимли кимсаларни кўриб, ҳасад қилардим. Улар нималарни дўндириб қўйишибдики, шу қадар таъминланган бўлишса?

Ўй-хаёлимни пуллар ҳақидаги фикрлар чулғаб олган, чунки мен билан ниманки нохушлик юз бермасин, пуллар етишмовчилиги туфайли эди.

Мана энди пулларим борлигига эса улар ҳақида кам ўйлайман. Пул – турмушингни яхшилайдиган ва ҳаётий тажрибангни оширадиган ёрдамчи воситалардан бири. Пулга боғлиқ муаммо бартараф этилар экан, ортиқча ташвишларсиз ҳаётдан қониқиши ола бошлайсан.

9

**Худодан ўзингиз истаган нарсани сўрашингиз мумкин,
аммо сиз фақат муҳтож бўлган нарсани оласиз**

Мен ўзим ва бошқалар учун ибодат қилар эканман, аниқ нарсани эмас, ҳаммасидан яхши бўладиган нарсани сўрайман. Агар аниқ нарсани сўрамоқчи бўлсангиз, у ёки бу яхши нарса хусусида сўранг.

Болалигимда майда қисқичбақани яхши кўраман, деб ўйлардим. Катта бўлганимда эса у менга ёқмаслигини, аслида маҳсус шарбатли коктейлни яхши кўришимни англаб етдим.

Биз кўпинча ўтган йиллардаги нохуш таассуротлар, ҳиссиётлар ва тушкунликларни эслаб, ҳаётимизда оғир асорат қолдиралмиз. Бу эса ҳукм чиқаришимизга таъсир кўрсатади. Нимадир хоҳлаяпмиз, бироқ кўпинча бошқа нарсани истаб қоламиз – бизга худди шундай туюлади. Бу яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин.

Ҳаётимнинг дастглабки ўттиз йилида мен миллионер бўлишни хоҳлайман, деб ҳисоблардим. Аслида эса қурбон бўлиш ва атрофдаги ларнинг хайриҳоҳлигини уйғотишни истаган эканман. Қачонки хоҳишим ўзгариб, мен қурбон бўлишни эмас, миллионер бўлишни истагач, худди шундай ҳолат рўй берди.

10

Донишмандлик – равнақ топишининг энг таъсирчан омили

Агар тентак тезда пуллари билан хайрлашса (шундай бўлади ҳам), айтиш жоизки, доно одамга, у эркакми ё аёлми, фаровонлик тезроқ келади.

Агар сиз улкан бойликка интилаётган бўлсангиз, аввало, фавқулодда донишмандликни эгалланг.

11

Фаровонлик – сизниг түфма чинакам ҳуқуқингиз ва мавжудликнинг табиий шартидир

Бизнинг носоғлом, баҳтсиз ва ноҷорлигимиз ҳаёт йўлимиздан оғиб, асл моҳиятни йўқотганимизни билдиради.

Саломатлик, бу – табиат томонидан берилган мавжуд ҳолатингиз. Фақат микроэлементлар, масалан, руҳ стиши маслиги туфайли тааннингизни касаллик эгаллаб олади. Сиз баҳтли инсон сифатида дунёга келасиз. Баҳтсизлик, бу – ўзингиз танлаган йўл бўлиб, бундай қарорни ўзингиз қабул қилгансиз. Баҳтсизлик табиатга ёт, у – бадаҳлоқлик ва нотабиийликдир.

Шунга монанд тарзда, сиз бой бўлиш учун туғилгансиз. Мавжудлик учун кураш улуғворликдан маҳрум бўлиб, нотабиий ва номуқарарликдир. Агар сиз роҳат-фароғатликнинг умумқонунлари асосида яшасангиз, худди гулларни сугориш учун ёмғир ёққани каби, фаровонлик ҳам сизга табиий равишда келади.

12

Фаровошлик бизни ўраб турган атроф-муҳитдан вужудга келади

Коинот бахтли ҳаёт кечиришимиз учун бизни барча зарур омиллар билан таъминлаган. Омад қуввати ҳамма ерда мавжуд, бизни ўраб олган атроф-муҳит унга лиммо-лим. Ҳудди аскар буйруқни кутаётгандек, у фано қаъридан чақирилишга интизор бўлиб, шай туради.

Фаровонликни ҳаводан моддий тарзда пайдо қилиш учун қўлла-ниладиган воситалар, бу – ғоялардир.

13

Олдингизга мақсад қўйсангиз, омаднинг ўзи сизни излаб тонади

Ўз олдингизга қўйилган мұхаққақ мақсад сари ишлай бошладингизми, коинот сизни яхшилик билан сийлайди. Коинот қонунлари ҳеч бир истисносиз ишлайди.

Мақсад томон қадам ташлар экансиз, оташин иштиёқ, тиришқоқлик ва жонбозлик билан ишга киришасиз. Фикрларингиз сиз танлаган йўлнинг юқори чўққилярга элтишига ва ақлни шоширадиган даражада муваффақиятли эканилигига йўналган бўлади.

Аксарият одамлар ўзлари англамаган ҳолда “олий мақсад”, буюк ғоялар сари доимий изланишда бўладилар. Иш, ҳаракат, орзу – булар одамлар назарида ўта юқори тушунчалардир. Сиз ўзингизнинг бурч ва мақсадларингизни адо этсангиз, улар бу кучнинг мавжудлигини ҳис этадилар ва унинг бир бўлагига айланишни истайдилар. Сиз жозибадор кучга эга кишилар ва обрўли инсонлар учун шахсга айланасиз ва улар билан биргаликда омад, гуллаб-яшинаш сари одимлайсиз.

14

**Агар сизни орзулар чулиғаб олган бўлса, бутуни олам
истакларингизга бўйсунади**

Бу аксарият кишилар тушуниши ва ишониши қийин қоида. Бироқ моҳияттан олиб айтганда, коинотнинг ҳар қандай ҳодисаси қувватий тебранишга эга. Бундай қувватий тебранишларда, шак-шубҳасиз, бошқаларга таъсир қилиш қурдати мавжуд.

Англашиладики, сиз ҳақиқатдан ҳам омадни ўзингизга жалб этишга

қодирсиз. Масалан, автомобиль қўйиш учун жой борлигини, лифтнинг яқинлашаётганини ёки меҳмонхонада бўш хона мавжудлигини ҳис этасиз.

Сизда бутун вужудингизни қамраб олган орзу ва унинг рўёбга чиқишига қатъий ишонч бўлса, ҳамкорларни жалб эта оласиз, керакли воситаларни, имкониятларни топасиз, бозордан мустаҳкам ўрин эгалайсиз ва орзуларингиз ушалишини таъминлайдиган ҳаракатларингиз механизмини яратасиз.

15

Сизнинг фаровошлигингиз беш нафар яқин дўстингизнинг беҳбудлигига нисбатан ўртacha бўлади

Бундай фикр изоҳга муҳтож бўлмаса-да, билмайдиганлар учун ғалати туолади. Беш нафар яқин дўстингизнинг ўтган йилдаги даромадини ҳисоблаб, беш қисмга бўламиз ва бу сизнинг жорий йилдаги даромадингиз бўлади.

Бу фақат пулларга тааллуқли эмас...

Мазкур қоида фаровонликнинг бир нечта қонунларида ишлайдиган тарзда ўз кучига эга. Яқин дўстларнинг ўзаро муносабати, саломатлиги ва баҳтиёрлигига назар солинг. Ана шунда сиз бу рўйхатнинг ўртасида эканлигингизга амин бўласиз.

16

Фаровошликнинг рўёбга чиқишига, коинот хазинасини топишингизга ишонч ёрдам беради

Биз foялар фаровонликни йўқликтан пайдо қилиш воситаси эканлигини ва у мўл-кўлчиликни моддий тарзда аниқ гавдалантира олишини биламиз.

Бироқ буларнинг ҳаммасини ишончсиз равишда амалга ошириб бўлмайди. Сиз бойликни кўришингиз, топишингиз, унга сари интилишингиз, унинг пайдо бўлиши учун мавжудлигига ишонишингиз керак. Кичкина истеъоди бўлса-да, катта ишончга эга кишилар қобилиятлидир, улар ишончи заиф кишиларга нисбатан катта-катта муваффақиятларга эришадилар.

17

Фаровонлик пулларсиз мавжуд бўлмайди

Агар сиз муваффақият қозонсангиз:

- 1) Соғ-саломатсиз.
- 2) Бахтлисиз.
- 3) Бойсиз.

Ана шу уч омилдан иккитаси бўлмаганида ҳам унча ёмон эмас. Бироқ уни фаровонлик деб ҳам бўлмайди. Ҳақиқий фаровонлик мана шу уч омилни қамраб олади.

Айрим бадавлат кишилар касал, шафқатсиз ва ёлғиздирлар. Уларни гуллаб-яшнайпти, дея олмайсан. Сиз соғ-саломат, руҳиятингиз кучли, никоҳингиз мустаҳкам бўлса-да, ҳар ойда қарзни қарзга улаб юрсангиз, аниқки, мутлақо равнақ топмаяпсиз. Гуллаб-яшнаш ҳаётнинг барча қирраларини қамраб олади.

18

Ҳаётий синовлар инсон феъл-атворини шакллантириб, омад сари элтади

Бойлик тутқич бермас ва бориш қийин марра эмас. Асло! Бироқ у фақат тўғри йўлда бўлган, ўзининг муносиб ҳамкори томон келади.

Кўпчилик одамлар учун омад сари йўл ўз феъл-атворини шакллантириш, етуклиқ сари интилиш билан боғлиқ муқаррар синовларга дош беришдан иборат. Сиз ўзингиз ва ўзгаларнинг хатоларидан донишмандлик кашф этасиз. Бошқаларнинг хатосидан қанча кўп сабоқ олсангиз, уларни шунча кам содир этасиз. Ҳар биримизга ҳаётий сабоқлар ҳозирлаб қўйилган бўлиб, бу тегишли хulosалар чиқаришимизга ёрдам беради.

Кимки фаровонликка алоқадор ғояларни қабул қиласа ва ҳис этса, тақдир даъватини кутиб олиб, шахсий камолотини равнақ топтирган бўлади.

19

Табиат ҳамиша ўз улушини олади

Сиз ўз бойлигиниздан унча катта бўлмаган улушни ихтиёрий тарзда, хушвақт ва миннатдор бўлган ҳолда маънавий қучларингиз сар-

чашмаси учун беришингиз мумкин. Бу жараён сизнинг истакларингиздан ташқи ўлароқ пул кўринишида амалга ошиши, шифокорлар, ҳуқуқшунослар хизматига сарфланадиган харажатлар тарзида рўй бериши мумкин. Нима бўлганда ҳам ҳар қандай ҳолатда табиат ўз улушини олади; бу денгиз пўртаналярининг жилоланиши ва асл ҳолига қайтишидек қонуниятдир.

20

Орзу худди сиз каби юксак, улкан бўлиши керак

Ўзингизни ҳақири, нотавон ҳис этишингизнинг сизга ҳам, коинотга ҳам кераги йўқ. Ўзини паст тутиш, шикастанафслик ёмон хислат эмас, бироқ сохта камтарлик ва энг яхши фазилатларни йўқотиш фаровонлик тоғасига қарама-қарши туради. Машқ қилинмаган мушаклар бўшашиб қолгани каби орзуни кўра олмаслик ва унга нисбатан хоҳиш-истакнинг уйғонмаслиги натижасиз бўлади.

Агар сиз ўз келажагингизни ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлсангиз, уни дадил, тап тортмас даражада мардонавор, фавқулодда бой тасаввур билан кўра олишингиз лозим. Олдинга қадам ташлашингиз учун сизни ундовчи қандайдир куч керак. Бундай истак шу қадар қурдатли бўлсинки, бир кун келиб эрталаб уйғонгач, тўшакдан сакраб туришингиз, бўлгуси воқеалардан лаззатланиш учун сабрсизлик билан ишга киришмоғингиз лозим.

21

Гуллаб-яшинаш сизнинг жумбоқларингиз учун калит беради

Равнақ топаётган кишиларни аниқлаш осон. Улар ҳамиша ўз ўринларини йиғиширадилар, ёзув столлари батартиб, ҳатто ижарага олган машиналарини ҳам ювиб қўядилар. Бу ишларни мажбуран эмас, ўз инон-ихтиёrlари билан амалга оширишади, чунки улар кўнгилдагидек шарт-шароитларда ва муҳитда яшашни хоҳлайдилар.

Бундай кишилар хизматчи ходимларга, улар бож тўланадиган ишчи бўлишиадими ёки официант, ёхуд ғазначими, худди давлат миқёсидағи нуфузли кимсаларга қилгандек муносабатда бўладилар. Шу билан бирга ўзларига тобе ходимларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, шу тарзда муомала қиласидилар.

22

Орзу фаровон ҳаётингиз келишини тезлаштиради

Равнақ топиш ҳақидаги фоя, энг аввало, сизнинг онгингизда пайдо бўлади. Албатта, бахтли, ҳузур-ҳаловатли ҳаёт тасодифан келиши ҳам мумкин, бироқ ҳақиқий ва тўла-тўқис фаровонлик сиз уни тасаввурингизда яратганингиздан кейин пайдо бўлади.

Мен ўз олдимга мақсад қўйгач, орзу қилишдан сира тийилмадим, хаёлан интилавердим. Орзуларимнинг бари рӯёбга чиқиши учун эса икки йил вақт талаб қилинди. Аниқ ишонаманки, агар орзу қилмаганимда айнан шу натижага эришишим учун камида ўн йил керак бўларди.

Натижага эришиш учун турли ёзма тасдиқлар, битикларни қайд этишингиз, мақсадингиз сари элтувчи хариталар тузишингиз лозим. Бундай ёндашув орзуларингиз тимсолини кўринарли қилиб, у ҳақидаги тасаввурларингизни кенгайтиради. Мазкур воситалар ёрдамида сиз ўз мақсадингизни чуқур онгда дастурлаштирган бўласиз. Онг остида нимадир дастурлаштирилганида эса у муқаррар равишда муюян, яқъол воқееликка айланади.

23

Равнақ топишнинг қулай имконият, ёқимли тасодиф ёки омад каби тушунчаларга алоқаси йўқ

Аксарият кишиларнинг айтишича, гуллаб-яшнаш яхши имконият, тасодифий омад ёки бахтли шарт-шароитдан иборат. Бу мазкур имкониятларни ўзингиз яратганингиздагина ўз тасдифини топиши мумкин.

Ҳатто олинган билим, маълумот ва орттирилган иш тажрибаси ҳам онг ва ишонч каби муҳим эмас. Чунки айнан онг ва ишонч маълумотни, билим ва тажриба олиш жараёнини бошқаради.

24

Равнақ топиш, бу – нарсаларнинг мавжудлиги эмас, балки фикрлар тимсолидир

Спорт машиналари, данғиллама ҳовли ва пуллар гуллаб-яшнашни таъминлай олмайди, улар ташқи томондан намоён бўлади, холос.

Ҳақиқий фаровонлик муайян шахс тафаккурининг ўзига хос йўналишини тақозо этади.

Шундай экан, пуллар, шахсий мулк ва ҳоказоларнинг мавжуд эмаслиги қашшоқлик дегани эмас. Уларнинг мавжуд эмаслиги шартли равишда noctorlik ҳолати билан изоҳланади. Қашшоқлик ўз-ўзидан фикрнинг муайян тимсоли, тафаккурнинг ўзига хос йўналишидир.

25

Сизнинг ақл омборингиз ё фаровонликка эришиш, ё қашшоқликда бемақсад ҳаёт кечиришни амалга оширади

Бу тушунча сизни қўрқитиб қўйиши ҳам, ақлингиз даражасида ҳақиқатнинг улкан имкониятларини очиб бериши ҳам мумкин. Ўзингизга иккинчи йўлни танланг, ана шунда, шубҳасиз, фаровонликка элтадиган йўлга чиқиб оласиз.

Бир ҳодисани бир хил тарзда баҳолайдиган икки инсон оламда йўқ. Улардан бири хавф-хатарни кўраётган бўлса, иккинчиси ўзи учун яратилажак имкониятларни кашф этади.

Айтайлик, сизга бизнесингиз учун мақбул имкониятларни тақдим этишди. Сиз бойиш foясига бор вужудингиз билан шўнғиганингиз боис суриштириб ўтирамай, чуқур ўрганмай туриб ишга киришинингиз мумкин. Натижада нобоп вазиятга тушиб, катта миқдордаги пулларингиздан жудо бўлишингиз эҳтимолдан холи эмас.

Агар сизга қўйидаги ҳолат таклиф этилса, мутлақо бошқа сценарий рўй беради: сиз ўзингизга ишонасиз, мазкур ишни диққат билан ўрганиб чиқиб, тўғри қарор қабул қиласиз. Қайси йўлни танлашингиз сизнинг ҳаётдан нимани кутаётганингизга боғлиқ бўлиб, у қарийб тўла-тўқис равишда тафаккурингиз йўналиши (фикрлар тимсоли) орқали аниқланади. Фаровонлик foясини ҳаётга татбиқ этишингиз мумкин бўлган воситалардан энг қудратлиси – сизнинг тафаккурингиздир.

26

Худбинлик ҳақиқий фаровонлик учун керакли сифатдир

Худбинлик, бу – сизнинг алоҳида туфма ҳуқуқингиз.

Аксарият кишилар, бир кишининг фойдасидан кўпчиликнинг манфаатини устун қўювчи ахлоқий талаб борлигини айтадилар. Агар бу

тамойилга амал қилисангиз. ўз шахсингизни “юқори турувчи эзгулик” олдида қурбон қилишингиз керак.

Мазкур фоя шахс ҳәтидаги қадр-қиммат, ўз-ўзини баҳолаш, фаровонлик учун хавфли. Бошқалар учун, таниш, нотанишлар учун ўз баҳтингиздан воз кечиш ўзингиз ва ўзгалар учун ҳеч ким эмаслигиниз, ҳатто ўзингизга эътиборсиз эканлигингизни яна бир карра тасдиқлайди. Бу инсон табиатига ҳам зид бўлиб, сизни руҳий жиҳатдан мукаммал бўлмаган одамга айлантиради.

Ҳәётда яшаш учун йўналтирилган барча интилишлар ва баҳт қидириш сизнинг қадр-қимматинг тизими пойдевори асосида шакллашиши лозим.

Ҳәётда баҳтли ва мамнун яшаш учун уни ўз ўлчовингиз ҳамда тушунчангиз доирасида қай тарзда кўраётган бўлсангиз, мазкур тизимнинг асоси шу ва ундан воз кечиш инсон шахсияти учун зиён етказади. Бир кишига зарар етказиш эса жамиятга тўла-тўкис равишда зиён етказади.

27

Равнақ топувчи кишилар паст нархдаги ҳаридларга мойил эмас

Фаровонлиги тўла-тўкис одамлар ҳар қандай буюмни тенг қийматли айрбошлиш тамойили асосидаги ҳақиқий нархида сотиб оладилар. Вазият тақозосига кўра пулларни иқтисод қилиш имкониятини рад этмайдилар. Шу билан бирга ҳарид қилиш билан боғлиқ бир тўхтамга келгач, тежамкорлик уларнинг ягона воситаси ҳисобланмайди.

Олди-сотдига оид ҳаддан зиёд масалаларни ишлаб чиқиб қўллаш, купонлар ахтариш ва бошқа воситалардан кўра янги, ҳар жиҳатдан қулай моддий қийматлардан фойдаланадилар. Бу эса улкан фаровонлик омили сифатида хизмат қиласи.

28

Заминда роҳат-фароғат бўлмаган бирор жой йўқ

Одамлар юқумли касалликлар, қашшоқликлар ўчоғи бўлмиш ҳудудларни кўриб, у ерларда ҳузур-ҳаловат учун жой йўқ, деб ўйлашади. Бундай эмас. Роҳат-фароғат барча жойда мавжуд, ҳаво теграмизда, демакки, фаровонлик муҳтоҷлик кутилаётган ҳудудда ҳам

бор. Гап роҳат-фароғатни қаердадир амалга ошира олмасликда эмас, балки ўша ердагиларнинг унга эришиш учун интилмасликларида.

Ибтидоий одамлар қуёш ҳар кечада ерни тарк этади, деб ўйлашган. Аслида эса заминнинг ўзи офтобдан ўгирилади. Фаровонлик билан ҳам худди шундай: у ҳеч қачон бизни тарк этмайди, биз ўзимиз ундан юз ўгирамиз.

29

Фаровонлик аниқ-тиниқ баҳолаш ўлчамларига эга эмас

Табиатдаги ҳар қандай ҳодиса катталиги жиҳатидан бошқа ҳодисалар билан тенглаштирилади, бироқ улар бошқа томондан тамоман қарама-қарши қирраларга эга: эркак ва аёл жинси, яхши ва ёмон... Адолатли тузилған барча шартномалар ютқизиқсиз та-мойнилига эга ёки бошқача айтганда, у тенг қийматли айирбошлиш касб этади. Мен “ижобий салбий” каби атамаларни масалани аниқ-равшан ҳал этиш мақсадида қўллайман. Бу дунёни яратган олий куч табиати жиҳатидан яхши ва эзгу эканлигига ишонаман. “Салбий” ёки “ёмон” дегани “ёмон” худо ёки коинотнинг маҳсули бўлмай, бизнинг бу “яхши”га шахсий муносабатимизни англатади.

Супермаркетга кетиш пайтида машинангиз ғилдирагининг ишдан чиққани, сизнинг назарингизда, хунук ҳодиса. Бироқ эҳтиёт қисмлар воситасида ана шу ғилдиракни тузатиб, қизини коллежда ўқитиш учун ишлайдиган уста бунга ижобий ҳодиса деб қарайди.

Масалан, мен тишиларимни текислаш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилмаган, деб ҳисоблайман. Бироқ тишиларимга плас-тинка қўйган шифокорим бошқача нуқтаи назарга эга. Биз ўзимизга тааллуқли ҳар қандай ҳодисага қарама-қарши ҳодисани қўйған ҳолда уларнинг маъно-мазмунини илғашимиз лозим. Мақсад турли ёрлиқлар ёпиштирган ҳолда нима яхши ёки ёмонлигига баҳо бериб, масалани берқ кўчага олиб киришга оид фалсафа сўқиши эмас, албаттә. Бу борада бепул ҳеч нарса йўқлигини, бар-часи тенг қийматли айирбошлиш асосида рўй беришини тушуниш муҳимдир.

30

Сизнинг пулларга муносабатингиз уларни қай даражада ўзингизга жалб этиш қобилиятингизга қараб аниқланади

Хонавайрон бўлган кишилар, одатда, пулга нисбатан салбий таассурот қолдириш кайфиятида бўладилар. Уларни, пулларининг йўқлиги боис, ҳаракатларимиз чекланган, деган фикр таъқиб қиласади.

Бойларнинг пулларга муносабати ижобийлик касб этади. Улар пулларга эркинлик имкониятини бериш, улардан завқ-шавқ олиш ва қониқиши нуқтаи назари билан ёндашадилар.

Пулга нисбатан салбий муносабат сизни улардан узоқлаштиради, худди шу каби ижобий муносабат пулларни ўзингизга жалб этади.

31

Бир ишин адo этмай туриб кейнингисига ўтмаслик керак

Кундалик ишни нафақат якунлаш, балки уни тўғри бажарини, аъло даражада адo этиш лозим. Муваффақиятли иш бир қатор муҳим ҳаётий вазифаларни бирма-бир амалга оширишни англатади. Уларнинг ҳар бири маънан ўсиш, қобилияtlарни шакллантириш ва ўз-ўзини англашни ўзида жо этади.

Ўз-ўзини англаш орқали сизнинг бошқаларга таъсирингиз ривожланиб боради. Бунинг натижаси ўлароқ, янги-янги имкониятларингиз, масъулнингизнинг ҳам ўсишига замни яратади. Бора-бора сиз атрофингиздаги кенг қатламга таъсир ўтказиб, муваффақиятга эриша бошлайсиз.

32

Равнақ топувчи киши кўпчиликка ўхшамайди

Бахтга қарши, одамларнинг катта қисми касал, қашшоқ ва баҳтсиз бўлиб, умидсизлик қуршовида қийинчилик билан жимгина умргузаронлик қиласадилар. Бундайлар ҳар куни улардан кутилаётган оғир, бир хил юмушларни адo этадилар. Мустақил фикрлашга қодир эмас. Уларга узоқ вақт НИМАни ўйлашни ўргатишган, улар эса ҚАНДАЙ ўйлашни билиб олганлар. Агар сиз омадга эришмоқчи бўлсангиз, кўпчиликни ташкил этадиган бу одамларга ўхшаманг.

Олий мақсадингизга этиш учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлинг. Бу эса тўда, оломонга берилмаган хислат. Аксарият

одамларнинг ночорлиги сабаби шундаки, улар зийраклик, олдиндан кўра олиш қобилиятларидан маҳрум. Билл Гейтсни миллионерга айлантирган омил: масаланинг моҳиятини кўра олишида эди. Бунга эса бошқалар қодир эмас.

Нимани ўқисангиз ёки эшитсангиз, шубҳага берилинг. Нима сабабдан кўпчилик бундай эмас, бошқача ўйлашини таҳлил қилинг.

33

**Сиз қанчалик тез ўса борсангиз, бойлигингиж ҳам шунча тез
кўпаяверади**

Сизнинг маънавий камолотингиз такомилига қараб ўзингизни англашингиз ҳам ўсиб боради. Ўзингизни англашингиз орқали эса шахсий равнақингизга эришасиз. Бу жараёнда чекловлар рўй бермайди. Сиз бошқалар ишонган ва ўз ҳаётидаги омадни синааб кўришдек баҳтга сазовор инсон бўлиш учун ҳам камолотга интилишингиз керак.

Ва бошқача ўйланг!

34

**Олий кучлар нима қилиш кераклигини фақат айтиши мумкин,
сизнинг эса ҳаракат қилишингизга тўғри келади**

Квакерлар (насроний динининг Англия ва Америкада тарқалган бир мазҳабига мансуб кишилар) шундай дейишни яхши кўришади: “Ибодат қилаётган пайтингда оёқларинг ишласин”. Табиат сизга ёруғликни ато этган, шунга қарамай, ёруғ бўлиши учун тугмани бошингизга тўғри келади. Муваффақият қозониш учун режалар тузиш – мақтоврга сазовор иш, бироқ бу фақат режалар, холос. Сиз мақсадлар дастурини туздингизми, ҳаракатлар режасини ишлаб чиқинг.

35

**Бошқаларнинг шахсий ҳаётини муҳокама қилсангиз, ўз
тақдирингиз олдида жуда катта қарздор бўласиз**

Ушбу таъкид макон бўшлиғини тўлдириш ҳақидаги фаровонлик қонунига асосланган. Кимнидир нокулай аҳволга солиб, овоза тарқатиш ахлоқсиз саҳналарни намойиш этгандек гап. Бу орқали ўзин-

гизни оғир қисматта гирифтор этасиз. Мазкур мисол “Реалити-шоу” туркумидаги телевизион дастурларга ҳам тааллукли бўлиб, унда инсоний нодонлик томошибинларга ўйин-кулги ҳадя этиш учун қўлла-нилади.

36

Фаровонлик қалбдан қасос туйғуси кетганида пайдо бўлади

Фаровонлик йўлидаги энг катта тўсиқ одамлар дилидаги хафа-гарчилик, қасос ва касалликдан иборат. Беҳбудлик бу каби туйғулар жо бўлган юракда яшай олмайди. Салбий ҳиссиятларни ўзида сақла-ган одам ўзига зиён етказади ва омад учун имконият қолдирмайди.

Сизга нисбатан кимларadolатсизлик қилган бўлса, барчаларини кечиришингиз керак. Энг асосийси, сиз яна бир инсонни кечиришин-гиз шарт: ўзингизни! Агар ўзингизни кечира олмасангиз, фаровон-лик тоясини асло қабул қилолмайсиз.

37

Сиз ўз орзуларингизни рўёбга чиқариш учун ҳеч қаҷон унга ҳозиргидек яқин бўлмагансиз

Бу оламда тасодифий ҳолатлар оқими мавжуд эмас. Демак, фаровонлик ҳақидаги мазкур китобни очишингизни ҳам тасодиф ҳисоб-ламанг. Сиз, шубҳасиз, орзуси бор инсонсиз, акс ҳолда ушбу китоб мутолаасига жиддий киришмаган бўлардингиз. Фаровонлик қону-нияти қандай ишлаши ҳақида билиб олдингиз. Энди англадингизки, ўз орзусига бутун вужуди билан киришган одам бутун оламни ўзига тобе эта олади.

Бойлик ва фаровонликнинг пайдо бўлиши улар ҳақидаги сирларни бошқаришга боғлиқ. Сиз бу сирлар ҳақида билиб олдингиз. Энди эса ўз мақсадингиз сари ҳаракат қилинг.

Түртінчи бўлим

ҚИЗИҚИШ ДОИРАСИ

ОИЛАВИЙ БЮДЖЕТ СИЗНИ БОЙ ҚИЛУВЧИ 10 ХИСЛАТ



Бой бўлиш учун фақат фойдали шартномалар тузишни билиш камлик қиласди. Бу борада пулларга тўласинча муносабатда бўлиш муҳимдир. “Сизнинг миллионер қўшинингиз” китоби муаллифлари Томас Ж.Стэнли ва Уильям Д.Данко худди шундай деб ҳисоблайдилар. Улар шахсий молиявий аҳволни инсон феъл-авторига боғлашиди.

Аксарият миллионерлар аслида тежамкордир. Пулларини беҳуда сарфлайдиган бой-бадавлат кишиларни эслаб кўринг-чи! Масалан, Уоррен Баффет сира бундай иш тутмайди.

Бойларнинг феълидаги 10 та ўзига хос хусусият билан танишинг:

1. Сабр-тоқат

Пул жамғармалари ҳақида гап кетганда энг муҳим ҳисобланувчи сифат. У кутишни билишни ифодалайди. Янги маҳсулот пайдо бўлганидан кейинги шов-шувларнинг тинишини кутиш. Янги машина харид қилишни бир неча йилга орқага суриш ҳам бўлиши мумкин.

Кредит олиш ўрнига ўзингиз бир қарорга келиб, хоҳлаган нарсанни харид қилиш учун маълум фурсатни охиригача кутсангиз, асло зарар кўрмайсиз.

Сабр-тоқатни пул жамғармаси ва қарздорлик ўртасидаги тафовут сифатида ҳам кўриш мумкин. Шартнома учун қулай вақтни кутиш маҳорати молиявий омад калити ҳисобланади.

2. Қаноат

Агар сиз ҳаётдан тўлақонли лаззат олсангиз, ортиқча буюмлар учун пул сарфлашингизга ҳожат ҳам қолмайди. Рекламанинг ягона вазифаси ташқи кўриниши билан “мафтункор” бўлган у ёки бу маҳсулотнинг бизни баҳтиёр, бой-бадавлат қила олишига ишонтиришидир. Натижада шундоқ ҳам сокин, фаровон ҳаётимизда ўзгаришлар қилмоқчи бўламиз.

Одамлар рекламада акс этган шод-хуррамликни ўзларида синашни хоҳлаганлари учун ҳам пул сарфлайдилар. Ўзингизда борига кўнглингиз тўлса, ҳаётдан қониқиши ҳис қилсангиз ва тўқис яшашга интилмасангиз, сизнинг молия, сармояларингиз ўзини сезиларли тарзда ажойиб ҳис қила бошлайди.

3. Ташкилотчилик

Бу йўлдан бориб, сиз сермаҳсулликка эришасиз ва ҳар қандай масалани ҳал қила оласиз. Яъни, тўловларни кечиктирмайсиз, у ёки бу буюмни иккитадан харид қилмайсиз. Молиявий ишларга доир барча масалаларни эса хотирангизда сақлайсиз ва қисқа фурсат ичидаги талай юмушларни амалга оширишга улгурасиз. Бу эса сизнинг молиявий ҳаётингизда ёқимли тарзда ўз аксини топади.

4. Интизом

Шахсий пуллар – тез бойишнинг йўли эмас, балки ҳаётий режаларга тартибли амал қилишдир. Шунинг учун узоқ муддатли харидлар учун ҳар ойда фоят даражада аниқлик билан пул жамғаришда сиздан тартиб-интизом талаб қилинади.

5. Ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш қобилияти

Молиявий масалаларга алоқадор қарорга четдан қарааш ва натижасига баҳо бериш ниҳоятда муҳимдир. Сиз ўзгалардек хато қила бошлайсиз. Муҳими, ана шу каби ёки доимий дуч келадиган бир хил хатолардан хулоса чиқариб, бошқа такрорламаслиkdir.

6. Ижодкорлик

Воқеаларнинг фавқулодда ривож топиши синчиклаб ўйлаб тузилган молиявий режаларни чиппакка чиқариши мумкин. Бундай пайтда масалага ижодий ёндашиб, янги ҳолатларни тузатишга түғри келади.

Ижодкорлик, масалан, сизга у ёки бу маҳсулотни харид қилиш учун пул бўлмаган тақдирда эски буюмнинг яроқлилик муддатини чўзишни тавсия қиласди. Шу тарзда “енгил устомонлик” йўли билан қарздор бўлишдан қутулиб қоласиз.

7. Қизиқувчанлик

Қизиқувчанлик сизни ўқишига, ўз-ўзини камолга етказиш билан боғлиқ янги-янги билимларни эгаллашга мажбур қиласди. Ҳаётингиз турли ўсиш-ўзгаришларга бой бўлади. Энг муҳими, кундалик бир хилликдан, зерикарли, биқиқ ҳаётдан қутиласиз.

8. Таваккалчиликка тайёргарлик

Молиявий мавқени эгаллаш учун таваккалчилик, таҳлика, хавфхатарни қўрқмасдан кутиб олишга тайёр туриш керак. Сиз барча йўлларни ўйлаб қўйишингиз ва хавф тугилганда онгли равишда уларни ўз вақтида ўринли тарзда қўллашингиз лозим.

Масалан, биржадаги ўйин таваккалчиликка мойил, аммо маблағ ақл билан ишлатилса, келажакда бу фаолият ўз меваларини бера бошлиди. Молиявий хавф-хатардан қочадиганлар эса пулларини банк депозитларида сақлаб, пул қадрсизланишидан зарар кўришлари мумкин.

9. Собитқадамлик

Ўз олдига мақсад қўйиш ва унга сари юриш – ниҳоятда муҳим хислат. Акс ҳолда – сиз қаёққа кетаётганингизни билмасангиз, охирги нуқтага этишингиз қийин. Ўз олдингизга аниқ, пишиқ-пухта молиявий мақсад қўйинг. Ана шунда уни забт этишнинг қудратли асоси вужудга келган бўлади. Аниқ мақсади йўқ одам хоҳиш-истаклари сари йўл харитасига эга бўлмаган кишини эслатади.

10. Мөхнатсеварлик ва зеҳни ўткирлик

Оғир мөхнатсиз молиявий фаровонликка эришиш ва қарзга ботмаслик камдан-кам одамга насиб этади. Аксарият одамлар, лотореядан пул ютиш барча молиявий муаммоларни ҳал этади, деб умид қилишлар сир эмас. Бироқ молиявий эркинликка эришишнинг муҳаққақ йўли – кўп ишлаш, касбий маҳоратни ошириб боришдир.

Эҳтимол, сиз юқорида қайд этилган хислатларга эга эмасдирсиз? Бу тушкунликка сабаб бўла олмайди. Феъл-авторингиздаги бой-бадавлат одамларга хос этиши маётгани хислатларни ўзшигиздаги мавқусуд билимлар даражасини қайта ишлаган, ўстирган ҳолда ривоҷлантиришингиз мумкин.

МУҲТОЖЛИК: 10 ТА ОДАТ

Сиз ўз ҳаётидан зорланадиган одамларни кўрганинисиз? Улар қандайдир забун, тушкун бўлиб, муваффақиятга ишонмайдилар. Бу тоифа кишилар бошқаларининг фаровон яшаётганига ҳавас эмас, ҳасад билан қарашади, қандайдир гашланадилар. Қизиги, ўзгаларининг ҳам ўзлари каби бўлишиларини, яъни, ишлаш эмас, номигагина ясон куйдирши, тараллабедод умр кечиришиларини хоҳлашади. Бундай одамларниң муҳтоҷисликда умргузаронлик қилаётганига сабаб нима? Мутахассислар мазкур омилларни санаб чиқиб, қуийдаги тарзда изоҳ беришди.

1. Ўзига нисбатан ўқинч, афсусланиш ҳиссиёти.

Қашшоқликка мослашганлар, фаровон яшааш тақдиримизда битилмаган, деб ҳисоблаб, бундан чинакамига андуҳ чекадилар. Кимдир ожиза бўлиб туғилганидан афсус қиласи (“чунки эркакларнинг имконияти кўпроқ”), яна кимдир ўзининг тўлалигидан ташвишга тушади (“хушбичим кишилар энг яхши ишларда ишлайдилар”), бошқа бирорлар эса бўйи, миллати, терисининг ранги, аждодларининг эътиқодидан ёзғиришади. Яна шундайлар ҳам борки, улар ҳалигача эрга тегмагани, уйланмагани, айримлар, аксинча, оиласи эканлиги ва ажralиши ҳақидаги муҳрга эга эмаслиги, ёшлар муаммоларга дуч келганида тажрибаси етишмаслигидан, катталар эса ёши ўтганидан пушаймон бўладилар.

Нима деб ўйлайсиз, агар инсон кун бўйи аҳамиятсиз масалаларга эътиборини қаратаверса, унга нисбатан атрофидагилар қандай мұ-

носабатда бўлишади? Ўз-ўзига ачиниш – энг улкан лангар бўлиб, у сизни шахсий равнақ йўлидан тўсади ва абадий қашшоқликка гирифтор қиласди. Ўз-ўзига ачиниш – кам маош тўланадиган ишни излаш, аянчли мавжудотга айланишнинг энг самарали йўлидир.

2. Зиқналик.

“Арzon нарх-наво”, “Молларни арzon сотиб тугатиш” каби қайдномалар илинган дўконларни излаш, фарзандларнинг яхши таълим олишлари учун пул тўлашни хоҳламаслик (ахир, сизга ҳеч ким ёрдам бермаган), хусусий фирмангиздаги ходимларни кам маош эвазига мумкин қадар кўп ишлатиш булар қашшоқ инсонларга хос иккинчи одатингиз борлигини намоён этади. Бундайлар кирим-чиқим, даромад масалаларига ҳам нотўғри ёндашишади. Истиқболни кўрадиган одам ҳар қандай маҳсулот учун асл баҳосига қараб пул тўлайди ва ўзининг ёрдамчиларини сахийларча мукофотлайди. У бундай ёндашувни бошқалардан ҳам кутади.

3. Ёмои кўрадиган иш билан машғуллик.

Кимдир идиш-товоқ ювишни ёқтиirmаса-да, унга ҳеч ким ёрдам бермайди. Яна кимдир чораклик ҳисобот тайёрлаш борасида жиғибийрон бўлади, лекин ўринбосарларидан ҳеч бири бу ишни қилишга қодир эмас. Бошқа бирор эса аудиторнинг ишини назар-писанд қilmайди, аммо бундай мутахассис ёрдамисиз кредит масалаларини ҳал қила олмайди.

Бундай инсонлар омадсизлик ва қашшоқликка тайёр, сабаби улар ўзлари ёқтиirmайдиган ишга қўл уришга мажбур. Учинчи одатдан халос бўлишнинг йўли – амалга ошириш шарт бўлган вазифани эмас, балки қоникиш ҳиссини берадиган ишни бажаришга киришишдир. Ана шундагина бошқа соҳадагина сиз қойилмақом натижаларни қўлга киритасиз.

4. Пул ўлчови.

Қашшоқ одам, қандайдир пул миқдорига эга бўлиш инсонга хушнудлик бағишлиайди, деб ишонади. Банкдаги ҳисобида турган маълум миқдордаги пул унинг чиройли кийим-кечак, уй, саёҳат миқёсида бахтни ҳис қилишига имконият беради.

Бироқ амалиёт кўрсатишича, бахт бу тарзда келмайди. Муваффақиятли киши бахтни доллар, юан ёки бошқа пуллардан кўра ўзга нарсаларда кўради. Унинг нималигини ҳар бир одамнинг ўзи ҳал қиласди.

5. Қерагидан күп пул сарф қилиш.

Айрим идораларнинг хуштабассум ҳодимлари сизнинг қарз бот-қоғига ботиб қолишингизга ёрдам беришади. Муваффақиятли бўлишни истамаган одам хусусий бизнес учун олинган фойдали кредит билан хорижий машина ёки дангиллама ҳовли харид қилиш мақсадида қўлга киритилган ҳалокатли ссуда ўртасидаги фарқни тушунишни истамайди. Пул айланмаси ҳақида фаҳм-фаросати етмайди.

6. Лаҳзалик фойда танилаш.

Бирданига ва энг күп миқдорда даромад олиш истаги – қашшоқ кишиларга хос азалий хусусиятидир. Улар нуфузли компанияга ўртача маош билан ишга жойлашгач, бир ойдан сўнг қўлларига тегадиган пулдан кўра, йиллар ўтиб, анча күп фойда эгаси бўлишлари мумкинлигига эътибор қаратишлари керак. Бу одамлар мазкур қоидани англашга қодир эмас. Муваффақиятсизликка тайёр бўлган талабаларнинг айтишича, институт уларнинг “вақтини ўғирлайди, бу вақтни “фойдали иш”га сарфлаш мумкин”.

7. Зорланиш.

Ҳаёт оғирми? Ваҳимали даражада оғирми? Камситилиш, порахўрлик, сурбетлик, жиноятчиликдан иборатми – сиздек оддий одам учун муваффақият йўли йўқми?

Ҳар қандай омадсиз киши юқоридаги саволларга дарҳол бош иргаб жавоб беради. Мазкур одатдан халос бўлишнинг давоси – ижодий лаёқатдир. Муаммоларга қарши курашиб учун улкан имкониятлар топинг, сиз учун самарасиз туюлган вазиятлардан ғолиб сифатида чиқиб кетишга ҳаракат қилинг.

8. Ўзингни бошқалар билан таққослаш.

Комил ўзини синфдошлардан энг яхши деб ўйлади, чунки фақат у саккизинчи синфи аъло баҳоларда тугатган. Хуррам ўзини дўстлари ичиди энг ёмони, деб ишонади, сабаби, ёзги таътил давомида фақат у ишламайди. Илҳом акасини назарига илмайди, чунки акасида фалон машина мавжуд эмас. Зулфия дугонаси Насибани кўярарга кўзи йўқ, чунки Насибанинг шайдолари кўпроқ.

Бу инсонларда омадсизларнинг саккизинчи одати – ўзини бошқалар билан таққослаш хусусияти ажойиб тарзда ривожланган. Ўйлаб кўринг, сизга шу одат керакми? Ташқи дунё ички дунёни забт этишига йўл қўймаслик муҳим эмасми?

9. Бойликни пул билан ўлчаш.

Ҳақиқий бой одамлар баҳт билан пул ўртасидаги мутаносибликни нафакат парчалаб ташлашган (яни, қашшоқларнинг тўртинчи одатидан халос бўлишган), балки ҳисоб-китоб ўлчови ва бойлик тушунчаси ўртасидаги тенгликни ўчиришган ҳам. Ҳақиқий бойлик пулни жалб этиш маҳорати, уларни бўш жойда яратиш, янги бизнес турларини ташкил этишдир. Ана шунда сизга ҳар қандай солиқ, тафтиш, талончилик ёки ўғирлик ваҳима солмайди. Муваффақиятга лиммолим одам ким, у – ўзининг олтин тўла қопига боғланиб қолмаган кишидир.

10. Ўз оиласидан яккаланиб қолиши.

Оиласидан яккаланиб қолган кишилардан қойилмақом омадсизлар етишиб чиқади. Улар буни оғир дамларида оила аъзолари қўллаб-куватлашмагани, қарз беришмагани, тушунишмагани ва шу кабилар билан изоҳлашади. Оила қўллаб-куватловчи энг самарали ички ишонч эканлигини, ҳеч нима қолмаганида айнан унга мурожаат қилиш мумкинлигини англаб етмайдилар. Сиз ноумид қолганингизда фақат яқинларнинг меҳр-муҳаббати ёрдамида қаддингизни ростлай оласиз ва ана ўшанда ҳақиқий юксалишга эришасиз.

**“МЕНИНГ МОШИНАМ, МАНА,
МЕНИНГ МОШИНАМ...”**

Ёхуд буржлар ва автомобиллар ўртасидаги мутаносиблик ҳақида

БМТ маълумотномаларига кўра, ҳар йили дунёда ўйл-транспорт ҳодисалари туфайли 1,3 миллион киши ҳалок бўлади. 20-50 миллионга яқин одам эса жароҳат олади ёки ногирон бўлиб қолади. Insurance Hotline автомобилларни сугурта қилиши компанияси ҳайдовчиларнинг буржсиги билан автоҳалокатлар ва ўйл ҳаракати қоидаларини бузишдаги ҳолатлар бир-бирига ўзаро боғлиқ эканлигини ўрганиб чиқди. Мутахассислар юз минг нафар мисқознинг автоҳалокатга учраш ҳодисасини шахсий варақалари асосида синчилаб текширилдилар. Уларнинг хулосасига кўра, автоҳалокатга энг кўп ўйлиқадиганлар Қавс, Асад, Сунбула ва Жадийлардир (ўртacha тезликдан 19,3 фоиз юқори).

Ҳамал, Жавзо, Ҳут ва Саврлар эса, аксинча, автоҳалокатга кам учрайдилар (ўртacha тезликдан 30 фоиз паст кўрсаткич). Бу борада, айниқса, Савр пешқадам.

Шунингдек, буржсиги вакилларининг машина бошқаруви чогида ўзини тутшилари, қобилиятлари, автомобиллар русумлари хусусида ҳам маълумотлар тўпланди.

ҲАМАЛ (қўй, 21 март-20 апрел)

Ушбу бурж остида туғилганлар автоҳалокатларнинг 6,6 фоизини содир этишади. Асосан, куннинг 11.00 ва 17.00 соатлари оралиғида. Йўлда машиналар тирбандлигида огоҳ бўлиш керак: Ҳамалларнинг 8,5 фоиз автоҳалокати бошқа транспорт во-ситалари билан тўқнашувидан ибо-



рат. Мутахассисларнинг изоҳлашича, ушбу бурж вакилларининг қайсарлиги, “аввал мен” қабилидаги болаларча хулқ-атвори мазкур ҳодисаларга сабаб бўлади. Суғурта агентликлари тақдим этган статистика маълумотига кўра, Ҳамаллар автоҳалокатлар даражаси бўйича 3-ўринни эгаллайдилар.

Ҳайдовчилик услуби:


Ҳамаллар эркинликни намоён қилишади, автомобиль бошқарувида ҳаддан зиёд эмин-эркин, хавфсизлик чегарасини унутиб қўйишлари мумкин. Улар машина товушининг яхши эшитилиш-эшитилмаслигига, ёруғлик қисмига кўпроқ эътибор қаратишади. Автомобилни эпчиллик ва ишонч билан бошқарадилар.

Ҳамал машина ҳайдаганида унинг ёнида ўтирган кишига маслаҳат:

Агар машинадан тушиб қолишини истамасангиз, Ҳамалга нисбатан турли тушунтиришлардан ўзингизни тийинг.

Автомобилга келсак, Ҳамалларнинг қайси бири тезликни ёмон кўради, дейсиз! Унга “Феррари” туридаги қизил машина, қисқаси, спорт автомобилини беринг! Дарвоқе, темир (“Феррум”) ушбу бурж рамзи. Барча жабҳада биринчи бўлишга фаол интилиш Ҳамалларнинг ҳамиша илфор, номдор, русум бўлган автомобилларни танлашларига замин яратади. Муҳими, ўз вақтида бир қарорга келиш, акс ҳолда уларнинг машиналарни танлаши чегара билмайди...

САВР (бузоқ, 21 апрел-20 май)



Ҳайдовчи-Савр йўл-транспорт ҳодисаларининг 6,2 фоизини содир этади. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам соат 11.00 гача юз бермайди. Шундай экан, куннинг кейинги давомида ҳущёр бўлинг, пиёда сифатида фиддирак тагида қолиб кетманг.

Саврларнинг автомобильга оид муаммоси (автоҳалокатлар рейтингида 6-ўрин) уларнинг ўжарлиги билан боғлиқ. Энг ёмони, мазкур бурж эгалари светофорнинг қизил чироғидан ўтиб кетишга ҳаракат қилишади. Афтидан, Савр (Бузоқ)-лар буқа мисоли сузишни хоҳлайдилар.

Хайдовчилик услуби:

Саврдан яхшигина автопойгачи чиқиши мумкин. У ҳар бир манзилга пойга оралиғи деб қарайди. Светофор ва тұхташ белгилари Саврлар учун қызил рүмөлча ҳисобланади. Ажабланарлisisи, ўзларининг сафаридан сүңг улар фақат енгил тимдаланган ҳолда қайтадилар.

Савр автомобиль бошқарғанда унинг ёнида ўтирадиган кишига тавсиялар:

Саврларни биқининг туртиб, ўзларига келтириңг. Бу уларга жүшқинлигини қайтаради ва сизнинг асабларингизни тинчлантиради.

Мазкур бурж вакилларига мос автомобилларга келсак, уларға хұжаликка асқотадиган ихчам уловлар мутаносиблик бағишлади. Бу жуда муҳим! Бироқ, одатда, Саврлар оғир, вазмин машиналарни хуш күришади. Ҳақиқий Саврлар машинасини зиён-захмат етказмай ювишади, айтиш мумкинки, ялаб тозалайдилар. Ҳар бир тиқинга титраб-қақшаб муносабатда бўлишади, кичкина тирналишлардан ҳам ташвишга тушадилар. Машина танлашда ягона русумни маъқул күришади – бир умрга! Ўз автоуловларида кўпинча ёғоч-тахта ва бошқа хўжалик ашёларини олиб юришади.

ЖАВЗО (эгизаклар, 21 май-21 июн)

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, йўл ҳаракати қоидасини камдан-кам бузадиган бурж вакиллари Жавзолар экан (11-йрин). Бошқа маълумотга мувофиқ, улар йўллардаги тўқнашувда 9,3 фоиз айбдор. Буни Жавзоларнинг машина бошқарувидаги тажовузкорлиги билан изоҳлаш мумкин. Улар йўлларни кесиб ўтишади, тезликни оширишади, бир чизиқдан иккинчисига сакрайдилар, мумкин ва мумкин бўлмаган пайтда ҳам бошқа уловларни қувиб ўтадилар.



Ҳайдовчилик услуби:

Жавзолар ҳайдовчилар ичидә энг жүшқин бурж вакиллари дидир. Ёруғлик сигнали улар учун ўйинчоқ, овоз сигнали эса машинанинг энг муҳим қисми, гүё. Жавзоларнинг яхши фазилати – тезкор муносабат билдиришлари дидир.

Жавзо машина ҳайдаганида унинг ёнида ўтирган кишига масла-ҳат:

Сиз уни қандай қилиб тўхтата оласиз? Яххиси, Жавзога радар назорати ҳақида эшитганингизни айтиб кўринг.

Ушбу бурж вакиллари замонавий, номдор автоуловларни хуш кўрадилар. Аксарият Жавзолар йўлдаги яхши ва баланд овозли мусиқага эътиборсиз эмас. Бироқ қулоғинг остида (ва каллангда) шамол эсаётib машина бошқарганга нима етсин! Баланд мусиқани эса фақат машинани юқори тезликда ҳайдайтиб қўллаш мумкин. Қўшимча равишда улар “Меркурий”ни тасарруф этишса, чакки бўлмасди.

САРАТОН (қисқичбақа, 22 июн-27 июл)



Статистик маълумотларни таҳлил қилганда, Саратонлар 8,8 фоиз йўл ҳаракати ҳодисасини содир этишлари аниқланган. Бу кўпроқ чорраҳаларда юз беради, шу боис ҳайдовчи-Саратонлар йўлнинг ана шу қисмida эҳтиёт бўлишлари лозим. Йўловчилар йўлни кесиб ўтаётib, улар машинани тўхтатиш кераклигига алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир. Ахир “зебра”да одамни туртиб юборган машина ҳайдовчиси ўз-ўзидан айбдор саналади-да!

Канадалик суфуртачилар маълумотига кўра, йўл-транспорт ҳодисасини ҳаммадан кўп содир этганлар: Саратонлар (10-ўрин), Жавзолар (11-ўрин) ва Асадлардир (12-ўрин). Йўловчиларга ҳеч бир саббисиз кетма-кет сигнал чаладиган Саратонлар гуруҳи бу борада анчайин инжиқ.

Ҳайдовчилик услуби:

Мазкур бурж эгалари кўча ҳаракатида ҳам ўзларини ҳаётдагидек тутадилар: баъзан унаقا, баъзида бунаقا. Кайфиятларига қараб гоҳ тезликни оширсалар, гоҳ секин ҳайдайдилар. Мабодо хавфли вазият туғилса, улар машинани ишонч билан бошқаришади.

Ҳайдовчининг ёнидаги кимсага берилади тавсиялар:

Агар сиз пиёдалар ва велосипед ҳайдаётганларга хайриҳоҳ бўлсангиз, ҳаракат иштирокчилари фақат ҳайдовчилардан иборат эмаслигига эътибор беринг. Саратон сипо одам. У Ҳамалларга зид рашида машинани елдирмай, кутишни, орқага ҳайдашни, тўсиқларни яксон қилмай, айланниб ўтишни лозим кўради. Муҳим пайтда тормозни босади, белгиланган жойда уловни сақлайди, кейин гаражга яшириб қўяди (гараж эшигини улкан омбор қулфи билан қулфлайди бу унинг қалъаси, омбори, истеҳкоми).

Одатда, Саратонларга ишончли, эски русумдаги автомобиллар ёқади. Хавфсизлик камари ва ёстигини қадрлаб, ҳар эҳтимолга қарши суғурта бадалини тўлайди (улар суғурта компанияларининг ардоқли мижозларидир). Саратон жонкуяр ҳам. Агар, “ўзимизнинг машиналаримизни ардоқлаймиз”, деган даъват билан чиқилса, самимий ҳиссиётлар ила қадрдон ва таниш автомобилга бажонидил ўтиради.

АСАД (арслон, 23 июл-23 август)

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш борасида Асадлар 12-ўринда туришади.

Уларнинг аксарияти “орқага ҳайдаш” орқали қонунбузарлик содир этади. Ваҳоланки, ушбу ҳодисалар равон ва ярми бўш йўлларда юз беради. Шундай экан, йўл назоратчилари таъбири билан айтганда, “ўртоқ ҳайдовчи, йўлда сергак бўлинг”.

Ҳайдовчилик услуби:

“Газни босиб, қайгуни қувлайман” ҳамма вақт яхши кайфиятда бўладиган Асадларнинг шиори шундай. Кўча улар ўзларини кўз-



кўз қиласидиган ва оммавий ҳурматга сазовор бўладиган ўз мулкидек гап. Шу боис Асадлар атрофдагиларнинг эътиборини жалб қиласидиган машиналарни яхши кўришади.


Ҳайдовчининг ёнидаги кишига тавсиялар:

Машинага ўтирас экансиз, унумтманг: Асад каби ҳайдовчини севиш ва уни мақташ керак.

Автомобиль масаласига келсак, қайси Асад хаёлий муҳаббатдан холи бўлиши мумкин? Шу боис узоқ ўйланиб ўтирмай, италияликларнинг “Альфа Ромео” русумидаги машиналарни танлайдилар. Агар шўх, тўполончи бўлсангиз, “Шкодә”га монанд автомобиль сизга мос. Чўрткесар ва шиддаткор Асадларга “Ягуар” русумидаги автоуловлар маъқул. Ақлли инсонлар учун узун автомобильлар мос келади. Кучли мотор талаб қилинади, машҳур қўшиқда айтилганидек: “юракнинг ўрнида ёлқинли мотор”. Руль чамбараги эса тилла ва жавоҳирдан.

Қисқаси, Асадларнинг машинаси машина эмас, ўйинчоқ. Айнан ўйинчоқ...

СУНБУЛА (бошоқ, 24 август-23 сентябр)



Автоҳалокатлар рейтингида Сунбула лар 9-поғонани “эгаллашган”. Улар йўлдан олмахонни ўтказиш учун тормозни босишиди, боз устига орқадан келаётган машина тўхташга улгуармикан, деб ҳам ўйладилар.

Сунбула йўл назо-
ратчиси билан унча-мунчага тортишмайдиган бурж вакили. У ҳамиша ҳушёр, бир (ёки иккала) кўзида кўзойнак яхшилаб кўриш учун. Ёнилги қувиш шохобчасида ортиқча пул тўламайди. Машина ҳайдаётганида Сунбула ҳар бир кўлмакни айланиб ўтади. Экологияни қадрлайди, кўчадаги қувурларни кузатиб боради. Дорилар қутичасисиз юрмайди.

Эҳтиёткорликларига қарамай, 10,7 фоиз автоҳалокат Сунбулаларнинг машина ҳайдаси билан боғлиқ (улардан Жадийлар юқори ўринда, холос). Сунбулалар тезликни оширишни ва қарама-қарши томондан келадиган машиналар йўли бўйлаб ҳайдашни яхши кўрадилар (кўпгина автоҳалокатлар шу туфайли рўй беради). Агар урилишса, эски лаш-лушларни ташлаб юборадилар. Агар кимнидир эзишни истасалар, ўласи аҳволга олиб келишади. Сунбулалар, томозни босинг! Айниқса, бурилишларда. Ва, ы йўлга қаранг, ойнага эмас.

Ҳайдовчилик услуби:

Сунбула ҳаётда қанчалик интизомли бўлса, баъзи-баъзида машина бошқарувида бошқа ҳайдовчиларни чўчитадиган даражада тартибсиз. “Зебра” белгиси кўпчилик ўтадиган йўлакни англатадими? Буни тор маънода тушунмаслик керак. Бахтсиз тасодифми? Бу ҳар бир киши билан рўй бериши мумкин.

Сунбулалар машина ҳайдаганида ёнида ўтирадиган кишига маслаҳат:

Ҳар эҳтимолга қарши, бошқа ҳайдовчи топинг.

Автомобиль борасида эса Сунбулаларга бежирим, нафис русумли машиналарни харид қилишлари тавсия этилади. Бундай автомобиль синчков харидорнинг ақл-идрокини ўткирлайди. Сунбула ҳардоим уни синчковлик билан назардан ўтказади, титкилайди. Машина ҳамиша хизматта шай бўлади...

МЕЗОН (тарози, 24 сентябр-23 октябр)

Мезонлар вазмин инсонлар ҳисобланишади. Уларнинг айби билан йўл ҳаракати қоидалари 6,1 фоиз бузилади бошқа ҳар қандай бурж вакиллариникидан кам. Бироқ бу Мезонлар бошқаларнинг айби туфайли автоҳалокатга йўлиқадилар, дегани эмас. Сентябр охири, октябр бошларида туғилган инсон билан ҳеч қандай ҳодиса юз бермайди, дейиш ноўрин.



Ҳайдовчи-Мезонлар түғри йўлда ёки куппа-кундузи автоҳалокатга йўлиқишлиари ажабланарли. Автоҳалокатларга оид статистик маълумотларни таҳлил қилган канадалик сугуртчилар ўйланиб қолишид: сугурта ҳужжатини ҳайдовчининг ёши эмас, балки бурж белгисига қараб кўриб чиқиши қерак эмасмикан? Сугурта нархини оширишдаги бундай ҳолатда биринчи даъвогар Мезонлар бўлади (1-ўрин). Айнан Мезонлар нафақат “автоҳалокатга оид”, балки энг интизомиз ҳайдовчи ҳам ҳисобланади.

Ҳайдовчилик услуби:

Бошқа ҳайдовчилар билан таққослагандা, Мезонлар йўл ҳаракати қоидаларига риоя этувчи тиришқоқ кишилардир (назарияда). Фақат битта кичкина ожизликлари бор: кечки пайтдаги машина бошқарувида орзу-хаёлга бериладилар.

Ҳайдовчи-Мезонлар ёнидаги кишига маслаҳатлар:

Ҳамиша ҳушёр бўлиб, ҳайдовчини гапга солишга ҳаракат қилинг.

Автомобиль. Мезонлар энг сара транспортларни маъқул кўрадилар. Трамвайга куч билан ҳам етаклай олмайсиз. Жуда бўлмаса, оммабопроқ машинани танлашади. Нуфузли автомобилларга эга бўлишга ҳам орзуманд. Бундай русумдаги машиналарни узоқ куттирмай танлашади. Автомобилларни кўздан кечиришда рессорнинг меъёрида ишлаши ва бошқа қулайликларга эътибор берадилар. Мезонларга кондиционерсиз автомобилни тавсия қилманг. Сотувчига яна бир маслаҳат: савдонгиз пишгунча уларга мулойим кулиб тураверинг-тураверинг...

АҚРАБ (чаён, 24 октябр-22 ноябр)



Ушбу бурж вакиллари 6,8 фоиз автоҳалокатга йўл қўядилар. Улар кўпинча текис йўллардаги қарама-қарши тўқнашувларни содир этишади. Бошқа машиналарни қувиб ўтаётганда эҳтиёткор бўлишлари лозим. Мунажжимларнинг бир овоздан айтишига кўра, Ақраблар энг эҳтиросли кишилардир. Автоҳалокатлар бўйича 5-ўриндаги ушбу

бурж эгаларига ҳайдовчи сифатида узун, кенг күчага маъқул бўлиб, ўзларида ишонч ҳис этадилар. Бироқ бу уларни кимдир қувиб ўтгунча бўладиган ҳолат. Ақраблар буни кечиришмайди ва пойга бошланади.

Ҳайдовчилик услуби:

Майса қирқадиган усталар моторли қурилмадан қай тарзда фойдаланишса, Ақраблар ҳам шу қадар ишонч билан машина бошқаришади. Улар кўча қоидаларини миридан-сиригача билишади, маълум оралиқ ва керакли лаҳзада тормоз босишни уddeлашади. Қисқаси, Ақраблар бенуқсон (деярли) ва ҳар қандай суғурта агентлигининг нишонларидир.

Ҳайдовчининг ёнидаги кишига маслаҳат:


Ушбу бурж вакилига ишонинг, вассалом.

Автомобилларга келсак, Ақраблар машиналарнинг мустаҳкамлигига жиддий эътибор беришади. “Порше”, “БМВ” ва “Форд” русумидаги автоуларни ёқтирадилар. Улар билан боғлиқ автоҳалокат ҳодисалари кам эмас. Умид-ишонч билан шундай ўйлаб ҳам турадилар: “машинамни уриб олсан, пиёда юраман”. Бироқ уларнинг автомобили ҳам хўжайнларига ўхшайди: темир-терсак ичидан чиқиб, ҳаётта янгича эҳтирос билан яшайди. Бепоён йўл бўйлаб сўнгги километр ва сўнгги томчи бензин қолгунча!

ҚАВС (ёй, 23 ноябр-21 декабр)

Мазкур бурж остида туғилган ҳайдовчилар йўл ҳаракати ҳодисаларининг 6,8 фоизига жавобгар. Улар, одатда, чорраҳаларда қарама-қарши тўқнашувлар содир этишади. Қавслар машина бошқаришганида йўл ҳаракати белгиларига ва йўлни кесиб ўтаётган бошқа автомобилларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Улар (автоҳалокатлар рейтингида 7-урин) зич ҳаракат чоғида оластасирлик билан машина ҳайдашни ўз ишининг устаси бўлганларга ҳавола этадиган ҳайдовчи-



Ҳайдовчи-Мезонлар тўғри йўлда ёки куппа-кундузи автоҳалокатга йўлиқишлиари ажабланарли. Автоҳалокатларга оид статистик маълумотларни таҳлил қилган канадалик сугуртачилар ўйланиб қолишиди: сугурта ҳужжатини ҳайдовчининг ёши эмас, балки бурж белгисига қараб кўриб чиқиш қерак эмасмикан? Сугурта нархини оширишдаги бундай ҳолатда биринчи даъвогар Мезонлар бўлади (1-урин). Айнан Мезонлар нафақат “автоҳалокатга оид”, балки энг интизомиз ҳайдовчи ҳам ҳисобланади.

Ҳайдовчилик услуби:

Бошқа ҳайдовчилар билан таққослаганда, Мезонлар йўл ҳаракати қоидаларига риоя этувчи тиришқоқ кишилардир (назарияда). Фақат битта кичкина ожизликлари бор: кечки пайтдаги машина бошқарувида орзу-хаёлга бериладилар.

Ҳайдовчи-Мезонлар ёнидаги кишига маслаҳатлар:

Ҳамиша ҳушёр бўлиб, ҳайдовчини гапга солишга ҳаракат қилинг.

Автомобиль. Мезонлар энг сара транспортларни маъқул кўрадилар. Трамвайга куч билан ҳам етаклай олмайсиз. Жуда бўлмаса, оммабопроқ машинани танлашади. Нуфузли автомобилларга эга бўлишга ҳам орзуманд. Бундай русумдаги машиналарни узоқ куттирмай танлашади. Автомобилларни кўздан кечиришда рессорнинг меъёрида ишлаши ва бошқа қулайликларга эътибор берадилар. Мезонларга кондиционерсиз автомобилни тавсия қилманг. Сотувчига яна бир маслаҳат: савдонгиз пишгунча уларга мулойим кулиб тураверинг...

АҚРАБ (чаён, 24 октябр-22 ноябр)

Ушбу бурж вакиллари 6,8 фоиз автоҳалокатга йўл қўядилар. Улар кўпинча текис йўллардаги қарама-қарши тўқнашувларни содир этишади. Бошқа машиналарни қувиб ўтаётганда эҳтиёткор бўлишлари лозим. Мунажжимларнинг бир овоздан айтишига кўра, Ақраблар энг эҳтиросли кишилардир. Автоҳалокатлар бўйича 5-ўриндаги ушбу



бурж эгаларига ҳайдовчи сифатида узун, кенг күчага маъқул бўлиб, ўзларида ишонч ҳис этадилар. Бироқ бу уларни кимдир қувиб ўтгунча бўладиган ҳолат. Ақраблар буни кечиришмайди ва пойга бошлиланади.

Ҳайдовчилик услуби:

Майса қирқадиган усталар моторли қурилмадан қай тарзда фойдаланишса, Ақраблар ҳам шу қадар ишонч билан машина бошқаришади. Улар кўча қоидаларини миридан-сиригача билишади, маълум оралиқ ва керакли лаҳзада тормоз босишни уddeлашади. Қисқаси, Ақраблар бенуқсон (деярли) ва ҳар қандай суғурта агентлигининг нишонларидир.

Ҳайдовчининг ёнидаги кишига маслаҳат:


Ушбу бурж вакилига ишонинг, васссалом.

Автомобилларга келсак, Ақраблар машиналарнинг мустаҳкамлигига жиддий эътибор беришади. “Порше”, “БМВ” ва “Форд” русумидаги автоуларни ёқтирадилар. Улар билан боғлиқ автоҳалокат ҳодисалари кам эмас. Умид-ишонч билан шундай ўйлаб ҳам турадилар: “машинамни уриб олсан, пиёда юраман”. Бироқ уларнинг автомобили ҳам хўжайниларига ўхшайди: темир-терсак ичидан чиқиб, ҳаётга янгича эҳтирос билан яшайди. Бепоён йўл бўйлаб сўнгги километр ва сўнгги томчи бензин қолгунча!

ҚАВС (ёй, 23 ноябр-21 декабр)

Мазкур бурж остида туғилган ҳайдовчилар йўл ҳаракати ҳодисаларининг 6,8 фоизига жавобгар. Улар, одатда, чорраҳаларда қарама-қарши тўқнашувлар содир этишади. Қавслар машина бошқаришганида йўл ҳаракати белгиларига ва йўлни кесиб ўтаётган бошқа автомобилларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Улар (автоҳалокатлар рейтингида 7-урин) зич ҳаракат чоғида оластасирлик билан машина ҳайдашни ўз ишининг устаси бўлганларга ҳавола этадиган ҳайдовчи-



лардир. Афсуски, Қавслар роса гапдон, шу боис мутахассислар уларга машина бошқаруви чоғида қўл телефонидан фойдаланмасликни тавсия этадилар.

Ҳайдовчилик услуби:


Қавслар ҳаётда қандай бўлишса, машинани ҳам шу алфозда бошқаришади: унча катта бўлмаган тезликда ва қувиб ўтиш чизиги бўйлаб. Уларнинг энг севимли машғулоти бошқа ҳайдовчиларга ҳақорат ёғдиришдир. Шунга қарамай, агар вазият тақозо қилса, фикрни бир жойга жамлаш ва қатъият каби сифатларни намоён эта олишади.

Ҳайдовчи-Қавслар ёнидаги кишига маслаҳатлар:

Энг яхшиси, улар билан биргалиқда сўкинини!

Автомобиль масаласида... Қавслар меҳмонлар ва қариндошлар олдида уялиб қолмаслик учун салобатли машиналари бўлишини хоҳлайдилар. Совғанинг катта-кичиклигига қарааш яхши эмас, бироқ уларга эски русумдаги бўлмагур машина ҳадя этсангиз, момақалдироқ гулдураб, яшин чақади. Бу хўжайн (яъни, Қавс) ҳаммасини ва кўп нарсани хоҳлайди. Шундай экан, улар автобус олишса, мақсадга мувофиқдир. Энг маъқул йўли – тиркагичли автомобиль. Муҳими, унинг мўлжалидаги машина кўп от кучига эга бўлсин, ахир мазкур буржлар рамзини ярми от, ярми одам бўлмиш Кентавр бошқаради. Агар бу уловлар кам туюлса, узоқ вақт ишончли хизмат қилидиган фургонли автомобилларни харид қилишлари мумкин. Тўкилиб кетмагунча!

ЖАҶДИЙ (тоғ эчкиси, 22 декабр-20 январ)



Янги йил арафасида ва ундан кейин туғилган ҳайдовчилар филдиракдаги пистирмадек гап. 13 фоиз автоҳалокат бошқа буржлар орасидаги рекорд натижаш!..

Қайсар ва гап кўтармайдиган Жадий йўлда ваҳима уруфини сочади. У машина-

сини бураётганига ишора қилмайды (ён чироқларни ёқмайды). Тезликни, одатда, икки карра оширади. Қарама-қарши томондан келаётган машина томон юради. Энг катта кулфат уларнинг йўл ҳаракати қоидаларини назар-писанд қилмасликларидир. Белгиларни кўришмайди, вассалом!

Автоҳалокатлар рейтингида 8-үринда бўлган Жадийлар йўл ҳаракати қоидаларини ўзлари учун эмас, деб ҳисоблайдилар. Улар керакли манзилга мумкин қадар тезроқ етишни хоҳлашади.

Ҳайдовчилик услуби:

Аслида йўл ҳаракатини Жадийлар муқаддас ҳисоблашади. Улар ўзларини сипо тутишни биладилар. Чап йўл чизиги бўйлаб соатига 50 километр? Йўқ, бу уларнинг услуби эмас. Мақсади йўлида ҳаракатчан. Бундай ёндашув ибратга молик аҳамият касб этади.


Ҳайдовчининг ёнидаги кишига маслаҳат:

Кўзингизни, оғзингизни юминг ва ўзингизни хотиржам ўтиришга шайланг.

Автомобилларга келсак, Жадийлар энг анъанавий, намунали машиналарни маъқул кўришади. Енгил автоуловлар, шунингдек, “Жип”ларга эътибор қаратадилар. Улар ўзлари танлаган машиналар умрбод хизмат қилишини хоҳлашади. Жуда бўлмаса узоқ вақт ишлатиш мумкин бўлсин (бунинг учун машиналари бузилмаса қани эди). Жадийлар ўйдим-чуқур ва тик тепаликлардан иборат йўлларни топадилар. Қайсан феъли билан режа (маҳаллий харита) ва белгилангандан аниқ вақтга мувофиқ юради. Турли тўсиқлардан иборат узоқ йўл улар учун рисоладагидек саёҳатdir.

ДАЛВ (қовға, 21 январ-19 феврал)

Далвлар ҳайдовчилик услубига кўра, юқори нархда тўланадиган супуртага даъвогар. Улар автоҳалокатга “мойиллик”лари билан нафақат Мезонлардан кейин иккинчи үринда турадилар, балки энг интизомсиз ҳайдовчи сифатида тез-тез йўл қоидасини бу-



задилар ҳам. Қисқаси, ҳайдовчиликда “нўноқ” Далвлар, одатда, кичик транспорт воситаларига қараб “отиладилар”. Бундай ҳодисалар ҳаракат йўналишининг иккинчи чизигида ва бурилишларда рўй беради. Далвларнинг зиммасида 9,9 фоиз қоида бузилиш ҳолатлари турибди.


Ушбу бурж вакилларининг ҳайдовчилик услуби тежамкорликка асосланган. Улар ҳеч қачон ўз-ўзидан газни босмайдилар, ахир бу бензинни қўшимча сарф қилишга олиб келади.

Ҳайдовчи-Далв ёнидаги кимсага маслаҳат:

Сабр-тоқат қилинг ва ўзингизни орқага ташлаб, газета ўқинг.

Автомобиль борасида Далвларга тез юрадиган улов мос келади. Бу борада икки филдиракли дўст, масалан, мотоциклъ ҳам қулай. Шундай экан, байкерларга айланиш мумкин. Умуман, Далвлар учун файриодатий мосламаларга эга машиналар афзал: мисол учун, қуёш батареясида юрадиган техник воситалар. Мабодо мотоциклъ қониктирмаса, усти очиқ автоуловда сайр қилиш чакки фикр эмас.

ҲЎТ (балиқ, 20 феврал-20 март)



вадиган ушбу бурж вакиллари қоидабузарлик рейтинги ва суғурта олишда 4-ўринни “эгаллашган”. Суғуртчилар ва мунажжимлар Ҳутларга ҳаётга “кўзларини йириб очган” ҳолда қараб, ҳаракатда ҳушёр бўлишни тавсия қиласидилар.

Ҳайдовчилик услуби:

Машина бошқарувида ўзларини ҳаётдагидек мулойим тутадилар.

Ҳайдовчи-Ҳутлар бошқаларга йўл беришлари керак бўлган ҳолатларда ҳам бундай иш тутмайдилар. Умуман, улар ўзларини жавобгар ҳис этишмайди.

Автоҳалокатларнинг 8,4 фоизи йўл ҳаракати белгиларини пайқамайдиган Ҳутлар томонидан содир этилади. Орзу қилишни се-

Улар орзуманд ва саёҳатлари жуда узоқ давом этса, бошқаларнинг ўзларини қувиб ўтишларига мутлақо хотиржам муносабатда бўлишади. Ҳечқиси йўқ. Ҳутларнинг баҳти шундаки, сайrlари чоғида уларга халоскор-фаришталар ҳамроҳ бўлади.

Ҳутлар машина бошқарганида ёнида ўтирадиган кишига маслаҳатлар:


Зинҳор базинҳор асабийлашиш керак эмас. Мабодо машинани секин ҳайдайтгани ҳақида айтилса, бу гапдан Ҳут фақат хурсанд бўлади.

Автомобиль борасида... Ҳутларга жимжимадор, қайиқقا ўхшаш машиналар мос келади. Бундай уловларнинг ўзгача номланиши ҳам уларни хаёлга чўмдиради. Дарвоҳе, ёқсарият Ҳутлар танлаган автомобиллар сиёҳранг бўлиши шарт. Оқиш пуштиранг улов ҳам кўнгилдагидек. Машина эмас, эртак!

Ҳутлар автомобилларини ювишни ёқтирадилар, бироқ тозаликка ҳамиша риоя қилганликлари туфайли эмас, балки бу жараённинг ўзи уларни жалб этади. Шундай экан, нафосатли, силлиқ машиналар ҳар қандай “Жип” ва ҳоказо автомашиналардан ялтираб туриши билан устун бўлади.

Тестлар

ЎЗ РАВНАҚИНГИЗ КОЭФФИЦЕНТИНИ АНИҚЛАНГ



Хориждаги айрим руҳшуносларнинг ҳисоблашича, инсоннинг энг катта “ганими” унинг ота-онаси экан. Айнан улар фарзандлари учун бутун умрга етгулик дастур яратадилар. Мазкур тест болаликдан ўрнатилган кўрсатмаларни тушуниб олишга ёрдам беради. Саволларга жавоб бериб, омадга мойилликни аниқлаш мумкин. Саволларга ҳаёти йўқ деб жавоб беринг.

1. Сиз файришуурый тарзда, “Агар бойиб кетсам, яқинларим мендан юз ўгиришади”, деб қўрқасизми?
2. “Тўғри, биз бой эмасмиз, бироқ тўғри одамлармиз”. Болалигингизда ана шундай гапни эшитганмисиз?
3. Сиз, инсон вафотидан сўнг баҳт ва ором топиши учун ҳаётлигига қийналиши керак, деб ўйлайсизми?
4. Ота-онангиздан кўп пул ишлаб топа бошлагач, ўзингизни айбдор ҳис қилганмисиз?
5. Болалигингизда, ҳамма каби бўлиш керак, деб қулоғингизга қушишганми?
6. Сизга муваффақиятли одамлар маслак-мақсадсиз, бефарқ, димогдор, беўхшов ва шу каби салбий сифатларда акс эттирилган фильмлар ёқадими?
7. Сизнинг шифокорлар даволай олмаётган сурункали касалингиз борми?
8. Сиз яхши кийинган, қимматбаҳо машинаси ва кошона уйига эга кишиларга нисбатан бирор марта бўлса-да, ҳасад ҳиссини туйганимисиз?
9. Камбағал бўлиш олижаноблик ва романтика бахшида этади, деб ҳисоблайсизми?
10. Сизни бездириб юборган одам билан муносабатларни узиб, кейин яна айнан унга ўхшаш киши билан муносабатларни бошлишистаги туғилганми?

11. Ўз омадсизлигингизни қўйидаги сабаблар билан оқлаганмисиз: “бойлик топиш учун бошланғич сармоя... алоқалар... оқимга тушиш керак...”?

12. Пуллар ва соғлигингиз яқинларингизга кераклиги учун ҳам бу масалада қайғурасиз, тўғрими?

13. Сизда гўё ҳаммаси жойида, бироқ ҳаёт шунчаки ўтиб кётаёт-гандек ҳам ҳис қиласиз?

Натижаларни ҳисоблаш.

10-13 та саволга “йўқ” деб жавоб берган бўлсангиз, сиз фаровон яшашга мойилсиз. Кўпчиликка тортиш қонунининг ҳаракати ҳақида айтишингиз мумкин.

Агар 4-6 та саволга “ҳа” жавобини берган бўлсангиз, сизда тушуниб етмаслик даражасида муаммолар мавжуд. Афтидан, сиз янги тизимдан кўра эски қолип асосида иш тутасиз. Бахтсиз одамлар тоифасига кирмайсиз, бироқ ҳаётингизда завқ-шавқ, қизғинликни ҳам ҳис этмайсиз. Сиз ҳаётдан нимани исташингизни, хоҳишлиарингизни қандай рўёбга чиқаришни англаб олишингиз лозим.

7-8 та саволга “ҳа” жавобини берган бўлсангиз, ўзингизни тинчлантиришни бошдан кечиряпсиз. Сизда ютуқ ҳам, омадсизликлар ҳам мавжуд. Аммо мавжуд ҳолат билан қаноатланганинг боис ўзингиз муносиб бўлган ҳақиқий омадга, равнаққа интилмайсиз.

9-13 та саволга “ҳа” жавобини берганлар ҳиссий, жисмоний ва молиявий инқирозларга юз тутадиган ҳолатда бўладилар. Бу ёпиқ доира. Ундан чиқиш керак. Бундай кишилар ўзларининг салбийликка мойилликларини англаб этишлари ва уни бартараф этишлари лозим. Ана шунда ҳаётлари тубдан ўзгаради. Улар коинотга нисбатан салбий йўналишларини ижобий ўзанга буришлари мақсаддага мувофиқдир.

ОИЛАДА ПУЛ МУАММОСИ Никоҳингизда пул муаммоси тести

Биз бошқаларнинг баҳтини ўйлаб, ўз баҳтимизни топамиз
ПЛАТОН



Биз ҳар куни әрталааб уйдан чиқиб кетиб, кечқуруп ёхуд бир ойдан кейин яшигина пул топиш истаги билан ҳаракат қиласиз. Зотани, нафақат ўзимиз, балки ошласиз, фарзандларимизнинг юриши-турини, яшиши бизга бевосита боғлиқ бўлади. Мазкур тест турмушда пулни иқтисод қилиши ёки сарфлаши даражасиз қандайтигидан боҳабар бўлишишимиз кераклигини намоён этади.

“Оила психологияси” китобидан олинган мазкур саволларга узоқ ўйланмай жавоб беришга ҳаракат қиласинг.

1. Айтинг-чи, сизнинг оилангизда молиявий муаммоларни ким ҳал қиласиди?

- а) отам;
- б) онам;
- в) ота-онам биргаликда;
- г) бошқалар.

2. Болалигингизда сизларнинг оилангизда онангиз ишлаганими (уй юмушларидан ташқари)?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) ҳа, баъзида.

3. Ота-онангиз қўйидагилардан қайсиларига эга бўлган:

- а) бутун чиқимлар учун умумий жамғарма мавжуд эди;
- б) умумий ва алоҳида жамғарма бўлган;
- в) пулнинг бошқа бўлаклари.

4. Пулга бўлган муносабатингизни қандай изоҳлайсиз?

- а) пул менда ҳамиша тақчил;
- б) пул менга зўрға, учма-уч етади;
- в) яна нималарнидир сотиб олишим керак, деб тежаб-тергаб ишлатаман.

5. Пулни қай тарзда сарфлаганда ўзингизни яхши ҳис қиласиз?

- а) ўзингиз (кийим-кечак, майда-чуйда харидлар, турли саёҳат) учун;

- б) дўстларингиз (совфа, ўйин-кулгилар) учун;

- в) оила аъзоларингиз учун.

6. Дейлик, кутилмаганда 500.000 сўм ютиб олсангиз, нималарга сарф этар эдингиз?

- а) ҳаммасини кундалик чиқимлар учун ишлатардим;

- б) ҳаммасини сақлаб қўярдим;

- в) қарзларим ёки тўловлар учун сарфлаган бўлардим.

7. Молиявий муаммоларингизни ҳал қилишда ўз қобилиятингизни қандай баҳолар эдингиз?

- а) аъло;

- б) яхши;

- в) ўртача;

- г) ёмон.

8. Негадир асабингиз нотинч... Бундай пайтда нима қилган бўлардиингиз?

- а) бу ҳақда яқин кишиларим ёки танишларим билан суҳбатлашган бўлардим;

- б) дўйонда яхши нарсаларни сотиб олиш учун борардим;

- в) спорт билан шуғулланар ёки сайдрингизни чиқардим;

- г) индамай ухлаган бўлар эдим.

9. Фикрингизча, оилада молиявий масалаларни қандай ҳал этиш керак?

- а) эр-хотиннинг умумий жамғармаси бўлиб, чиқимларни улардан бири бошқариб туриши лозим;

- б) эр-хотиннинг умумий жамғармаси бўлиб, чиқимлар муаммосини биргаликда ҳал этишлари зарур.

- в) эр-хотиннинг алоҳида пуллари бўлиб, чиқимлар учун алоҳида жамғарма бўлиши шарт.

10. Сиз, аёл (эркак) хоҳласа, ўз мутахассислиги бўйича ишлаши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

- а) албатта;
- б) йўқ;
- в) болалар вояга етиб қолишиша, оиласвий иқтисодий ҳолат талабига кўра ишлаши мумкин.

Ж А В О Б Л А Р :

Балларни ҳисоблаш тартиби: агар ҳар иккалангизнинг жавобларингиз бир хил бўлса, ҳар бир жавоб учун 10 баллдан, ҳар битта жавобингиз бир хил бўлмай, ўхшаш бўлса, 5 баллдан ёзинг. Агар жавобларингиз фарқ қилса, 0 баллдан ҳисоблаб чиқинг.

Тест натижалари таҳлили:

80 баллдан 100 баллгача. Сиз шахсий молиявий муаммоларингизни жуда ижобий ҳал эта оласиз. Ҳатто бошқа оиласларнинг молиявий муаммоларини ечишда яхши маслаҳатчи бўла оласиз.

60 баллдан 80 баллгача. Сизнинг молиявий муаммоларни ҳал этишдаги қобилиятиңгизнинг камлиги шахсий ҳаётингиздаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ана шунга эътибор беринг.

40 баллдан 60 баллгача. Баҳт пулда эмас. Баъзан молиявий қийинчиликларнинг ортиши баҳтсизлик ҳолатларига, ҳис-тўйғунинг сўнишига олиб келиши мумкин. Сизни айни кунда фаровонликдан нималар узоклаштираётгани ҳақида ўйланг.

40 баллдан кам. Молиявий масалаларни пишиқ-пухта ҳал этадиган маслаҳатчини топмагунингизча чиқимлар учун пул сарф қилманг. Оиласнгизда руҳий-иктисодий инқироз мавжуд. Сиз яхши маслаҳатгўйга учрашингиз зарур.

ЭНДИ ОЗРОҚ КУЛАМИЗ

Икки қизалоқ “Буржлар ва пуллар” китобини ўқишмоқда. Бири иккинчисидан сўради:

Кел, аввал сенинг буржингни ўқиймиз!

Майли!

Хўш, кимсан?

Менми, Малоҳатман!

* * *

Дейлик, сенинг юз сўминг бор ва ойинг ҳам сенга юз сўм берса, пулинг қанча бўлади?

Юз сўм.

Э, математикани билмас экансан-ку!

Биламан! Сиз ойимни билмайсиз.



* * *

Бир ишбилиармондан қандай қилиб миллионер бўлгани ҳақида сўрашди.

Хотиним туфайли, деди у.

??!

Мен учун хотиним қайси босқичда пул етишмаслигидан шикоят қилмай қўйиши қизиқ эди.

* * *

Айтинг-чи, сиз қандай қилиб бой бўлдингиз?

Дангалини айтаман: ўғирладим.

* * *

Икки дўст учрашиб қолишиди:

Ишлар қалай?

Расво! Бир танишимга пластик операцияси учун беш минг доллар қарз бергандим, мана энди уни тополмаяпман. Афти қанақалигини билмайман.

* * *

Бир актриса ҳамкасбига деди:

Сен унга пуллари учун турмушга чиқмоқчимисан?

Бу нима деганинг?! Мен, ҳатто унинг қанча миллионлари борлигини ҳам билмайман.

* * *

Миллионердан интервью олишмоқда:

Айтинг-чи, сизнинг мувваффақият сирингиз нимада?

Сабр-тоқатда, дўстим, сабр-тоқатда.

Аммо мен сабр-тоқат ёрдам бермайдиган минглаб мисол айтишим мумкин.

Айтинг.

Фалвирда сув ташиш... Ақлга сифмайди.

Сиз ноҳақсиз, фалвирни олиб, қиши келишини кутиш керак, холос.

* * *

Юз доллар бериб тур.

Менда фақат эллик доллар бор.

Майли, беравер, мендан эллик доллар қарз бўласан.

* * *

Маош олганингда нима дейишинг керак?

Салом, менинг жажжигинам!

* * *

Собиқ икки синфдош учрашиб қолишиди. Улардан бири бой-бадавлат ишбилармон, иккинчиси оддий йигит.

— Э, роса югуряпман. Кеча Лондонда эдим, эртага шартномага имзо чекиш учун Цюрихга бораман, индин эса Ҳиндистонга йўл оламан. Бошим айланиб кетади... Сен нима билан машғулсан?

— Мен... шунчаки кўча савдосидаман.

— Қизиқ! Хўш, бугун кўчалар ўртacha неча пул туради ўзи?

* * *

— Сиз рўзгорга қандай пул ишлаб топасиз?

— Мебель сотаман... Афсуски, ўзимникини!

* * *

Журналист миллионердан интервью оляпти:

— Сизнинг муваффақият қозонишингизга нима ёрдам берди?

— Пуллар ўз-ўзидан ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги ҳақида ги ишонч. Ишлаш муҳим.

— Ана шу ишонч бой бўлишингизга ёрдам бердими?

— Йўқ, мен буни ўзимга тобе одамларга ишонтирғанимдан кейин бой бўлдим.

* * *

— Биродар, менга эллик доллар беришингиз кераклигини унутмадингизми?

— Ҳозирча йўқ, яна озгина вақт берсангиз, унутаман.

* * *

— Шу кунларда нима билан машғулсиз?

— Ўзимнинг бошимдан ўтганларни китоб қилиб ёзяпман.

— Хўш, мендан қарз олган пайтларингизни ёзиш вақти келмадими?

* * *

Миллионер тўлқинланиб сўзлаяпти:

— Хотиним иккимиз Америкага келганимизда бор-йўғи икки центимиз бор эди. Биз икки дона иркит олма сотиб олдик ва уларни ювиб, ялтиратиб, тўрт центга сотдик. Кейин эса тўртта иркит олма харид қилдик ва саккиз центга пулладик.

— Кейин-чи?

— Кейин менинг бувим ўлиб қолди ва ундан бизга икки миллион доллар мерос қолди.

Оммабол нашр

**Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ**

**Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО**

**Мусаҳҳиҳ
Наврӯз БЕКМУРОДОВ**

**Саҳифаловчи
Умидбек ЯХШИМОВ**

**Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ**

Босишига 05.05.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1\16.
Босма тобоги 6,125. Шартли босма тобоги 11,39
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қофоз.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 83.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.uz